

N1-31571
2g

ДЭШИЛ ХАММЕТ

МАЛЪТА ЛОЧИНИ



ДЭШИЛ ХАММЕТ

МАЛЬТА ЛОҶУНУ

Роман



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2012

821.111(73)-31-Америка
X-24 аз-ми

УДК 821
ББК 84(4Ингл)
X 94

Рус тилидан
Муҳаммадрасул КИМСАНБОВ
таржимаси

2016/12 6983	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-----------------	--

N1 31541
2

X 94 Хаммет, Дэшил.

Мальта лочини: Роман/Рус тилидан М. Кимсанбоев тарж. — Т.: «Sharq», 2012. — 208 б.

ISBN 978-9943-00-641-6

УДК 821

ББК 84(4Ингл)

ISBN 978-9943-00-641-6

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2012.

Биринчи боб

СПЕЙД ВА АРЧЕР

Самюэл Спейднинг қиёфаси уни биринчи марта кўраётган ҳар қандай одамни сескантириб юборгудек даражада беўхшов эди: қоқсуяк, чўзиқ ва учли жағ, юқорига томон йўналган лаб бурчаклари, икки энлик бароқ қош остида осилиб турган узун, бесўнақай буруннинг учбурчак шаклидаги тик кесик тешиклари... Сип-силлиқ бошида яккам-дуккам сариқ соч толалари...

Бир сўз билан айтганда, Гётенинг «Фауст»идаги қора кучларнинг умумлашма тимсоли бўлмиш Мефистофелнинг нақ ўзгинаси!.. Фақат бундай кўримсиз афт-ангорга қарама-қарши ўлароқ кулранг кўзларида мулойим ифода балқиб турарди.

— Нима гап, азизам? — Спейд хонага кириб келган котибаси Эффи Перинга ана шу мулойим нигоҳини қаратди.

Новчадан келган, офтобда қорайган, жигарранг кўзлари болаларча табассум билан боқувчи Эффи Перин юпқа мовут матодан тикилган узун кўйлак кийиб олганди.

— Сизни Уандерли исмли бир қиз сўраяпти, — деди котиба эшикни ёпиб, унга суянган ҳолда.

— Иши бор эканми?

— Шунақага ўхшайди. Шундай безовтаки, бечорага раҳмим келиб кетди. Аммо жудаям соҳибжамол экан...

— Қани, дарҳол бу ёққа таклиф қил.

Эффи эшикни очиб қабулхонада ўтирган қизни чақирди:

— Марҳамат, кириг, Уандерли хоним.

— Раҳмат, — эшитилар-эшитилмас паст овозда миннатдорчилик билдириб хонага қадам қўйган ёш аёл чиндан ҳам гўзал эди. У чўчиб ва уялинқираб, шу билан бирга синовчан қараган мовий кўзларига мос

равишда бошдан-оёқ мовий либосга бурканганди. Ҳатто бошидаги шляпаси ҳам мовий тусда бўлиб, унинг остидан тўқ сариқ сочлари ажиб бир латофат билан чиқиб турарди. Жилмайишга уринаётган қип-қизил лаблари орасида садафдек тишлари кўриниб, кўзни қамаштирарди...

Спейд илдамлик билан ўрнидан туриб, ҳурмат юзасидан қаддини хиёл эгди ва семиз бармоқлари билан стол ёнидаги ўриндиққа ўтиришни таклиф этди.

Вандерли хоним худди биринчи марта айтганидек паст овозда «рахмат», дея яна шивирлади-да, ўриндиқнинг бир четига омонатгина чўкди.

Спейд ўзининг юмшоқ айланма курсисига қайтиб ўтириб, бамайлихотир ястаниб олгач, қизга самимият ва табассум билан боқди.

Ёпиқ эшик ортида Эффининг ёзув машинкаси бетўхтов ишлар, яна аллақайдан электрон ёзув машинкасининг шовқини келарди. Спейднинг ёзув столидаги мис кулдонда сигарет қолдиқлари тутаб ётар, қия очиқ деразадан турфа ҳидларни олиб кирган енгил шаббода столга тўкилган кулларни учуриб ўйнарди. Беҳаловат нигоҳлари билан кулдондан кўтарилаётган тутун ҳалқаларини кузатаётган Вандерли хоним гўё истаган вақтида сапчиб ўрнидан туриб кетадигандек сергаклик билан ҳануз ўриндиқнинг бир четида ўтирарди.

Ниҳоят, Спейд орага чўккан сукунатни бузиб, сўради:

— Хўш, хизмат, Вандерли хоним?..

Аёл бир хўрсиниб олдида, тугилиб-тутилиб сўзлай кетди:

— Мен ўйлайманки... умуман сиз... урдасидан чиқасиз... — у гапини йўқотиб жимиб қолди. Қуйи лабини тишлаб олган, қўллари қора ва силлиқ сумкачасини тобора қаттиқроқ эзғиларди. Фақат кўзлари сукут сақламас, у сўзсиз ёлборарди.

Спейд мулойим табассум қилган ҳолда қизни ўзини босиб олишга, сира ташвиш тортмасликка ундади.

— Менга ҳаммасини, бир бошдан гапириб беринг, фақат шундагина биз нима қилиш кераклиги ҳақида тўғри қарор қабул қилишимиз мумкин. Қани, нима бўлганини ипидан игнасигача, иложи бориचा майда икир-чикирларигача баён қилинг.

— Бу воқеа Нью-Йоркда рўй берди.

— Хўш...

— Синглим Кориннанинг у билан қаерда танишганини билмайман. Нью-Йоркда албатта, аммо шаҳарнинг айнан қаерида, номаълум. У эндигина ўн еттига қадам қўйди, мендан беш ёш кичик, шу даражада ғўр ва тажрибасизки, ёмон ниятли одам қийинчиликсиз алдаши мумкин. Гарчи иккаламининг ўртамизда опасингиллар орасида бўладиган яқин сирдошлик иплари мустаҳкам боғланмаган, танишларимиз, дўстларимиз умуман бошқа-бошқа одамлар бўлса ҳам барибир мен синглимни жуда яхши кўришимни мана энди чуқур ҳис қилиб турибман. Ота-онамиз ҳозир Европада. Бундай кўргуликка уларнинг бардош беришларига кўзим етмайди. Ота-онам келгунларича мен синглимни қайтаришим ўта муҳим...

— Хўш, — қайтарди Спейд, — давом этинг.

— Ота-онам ойнинг биринчи куни келишади.

Спейднинг кўзларида мамнуният учқунлари чақнади.

— Демак, бизнинг ихтиёримизда икки ҳафта вақт бор, бундай муддат ичида унча-мунча ишни ҳал қилиб юбориш мумкин, — деди кўтаринкилик билан.

— Мен ундан хат олгунимга қадар нима воқеалар юз бераётганидан тамоман беҳабар эдим. Хатни ўқигач, ҳушим оғиб қолай деди, — аёлнинг лаблари титрар, бармоқлари эса сумкачасини баттар эзгиларди, — полицияга мурожаат қилишни истамагандим, аммо синглимнинг тақдири учун жавобгарлик, хавотир мени мажбур қилди. Ўчакишгандек, тўғри маслаҳат берадиган ишончли одамим ҳам йўқ. Хуллас, нима қилишни билолмай қолдим. Нима ҳам қила олардим?.. — Албатта, бундай мушкул вазиятдан чиқиб кетиш осон эмас, — бир оз мулоҳазага берилди Спейд, — кейин яна хат олдингизми?

— Ҳа. Мен унга яна уйга қайтишини ялиниб сўраб телеграмма ҳам жўнатдим. Менга манзилгоҳини аниқ айтмагани сабабли «Сўраб олгунча» белгиси остида юбордим ўша телеграммани. Роса бир ҳафта кутдим, аммо ҳеч қандай жавоб келмади. Ота-онам эса ҳадемай қайтиб келишади. Охири Сан-Францискога келишга

мажбур бўлдим. Келишим ҳақида ёзиб юборгандим. Эҳтимол, шу ишни бекор қилгандирман...

— Эҳтимол... Гоҳида нима қилиш кераклигини билолмай ҳам қолади одам, лекин мен сизга сабр-тоқат тилайман. Синглингизни топдингизми?

— Йўқ. «Муқаддас Марк»да тўхташим ҳақида хабар бериб, агар уйга қайтмаса ҳам келиб мен билан гаплашишини ўтиниб сўрагандим. Нима қилайки, Кориннадан ҳеч қандай хат-хабар йўқ...

Спейд аёлга ҳамдардлик билан боқиб, аста бош ирғади, сўнг қовоғини уйганча лабини қимтиб, сукутга толди.

— Бу даҳшат, — давом этарди ўзини жилмайишга мужбур қилаётган Уандерли куйиб-пишиб, — туғишган синглинг билан бирон мудҳиш кор-қол рўй беришини кутиб, қўл қовуштириб ўтиравериш, ҳеч қандай чора тополмаслик... Бундан ортиқ бахтсизлик бўлмаса керак... Мен яна бир хат ёздим ва кеча кечгача почтада кутиб ўтирдим. Барибир у келмади. Лекин синглимнинг бошини айлантриб, мени изтироблар гирдобига ташлаган ярамас Флойд Терзбини кўрдим.

Спейд қовоғини очиб, қизнинг сўзларига диққат билан қулоқ солишда давом этди. Қизнинг қандайдир Терзбини кўргани ҳақидаги гапи уни ҳушёр торттирди.

— Терзби менга Кориннанинг қаердалигини айтмади, фақат унинг бахтли ва хотиржам эканини маълум қилди, холос. Қани энди, бу фирт ёлғон гапларга ишониб бўлса, сираям...

— Тўғри, — маъқуллади Спейд, — ишониш қийин. Лекин билиб бўладими, эҳтимол у чиндан ҳам синглингизга яхши муносабатда бўлаётгандир...

— Оҳ, қани энди бечора синглимга ҳеч қандай зиён етмаган бўлса! — хитоб қилди қиз ўзини босолмай, — барибир мен уни кўрмай ёки ақалли телефонда гаплашмай уйга кетолмайман-ку! Терзби бўлса мени синглимнинг ёнига олиб боришдан бош тортаяпти. Айтишича, Кориннанинг мени кўргиси йўқ эмиш. Мен бу уйдирмага қандай ишонишим мумкин? Синглимга мени кўрганлигини айтиб, мабодо рози бўлса бугун кечқурун уни меҳмонхонага, мен билан учраштиргани олиб келмоқчи. Терзби шундай дейишга деди-ю,

Кориннанинг келмаслигига ишончи комил. Борди-ю, синглим кўнмаса ўзи ёлғиз келишга ваъда берди...

Қўққис эшик очилиб, қиз чўчиб тушди ва кафти билан оғзини тўсиб олди. Эшикни очган одам қизнинг ноқулай аҳволга тушиб қолганини кўриб беихтиёр ортига тисарилди ва «кечирасиз», дея бошидан жигарранг шляпасини олди.

— Ҳечқиси йўқ, марҳамат, киравер, — дея уни хижолатпазликдан чиқарди Спейд, — танишинглар, Уандерли хоним, бу жаноб Арчер, менинг шеригим.

Арчер Майлз ўрта бўйли, елкадор, бўйни йўғон, юзи қизил, оқариб бораётган қирпи сочли бақувват ва салобатли киши эди. Спейднинг ёши ўттиздан ошган бўлса, Арчер ундан анча катта, қирқ ёшлар атрофида эди.

— Уандерли хонимнинг синглиси Нью-Йоркдан Флойд Терзби деган нотаниш кимса билан қочиб кетибди. Улар ҳозир Сан-Францискода эканлар. Уандерли хоним бугун Терзби билан учрашибди. Кечқурун яна кўришишлари керак экан. Балки, бу сафар у Уандерлининг синглиси билан келар. Биз бундай бўлишига унчалик ишонмай турибмиз, аммо хоним унинг синглисини топиб уйга қайтаришга ёрдам беришимизни сўраяпти. Тўғри гапиряпманми? — вазиятни батафсил тушунтиргандан кейин сўради Спейд.

— Ҳа... — жавоб берди қиз ҳорғин овозда. Спейднинг далдалари шарофати билан анча таскин топган Уандерли яна безовталанишга тушиб кўзини пастга қадаб олганди. Қўлидаги сумкасини тинмай буклаб-ёзарди.

Спейд шеригига маъноли қараб қўйди.

Майлз ёзув столи ёнида тўхтаб аёлни ўткир нигоҳлари билан кузатарди. Кичкина, жигарранг кўзлари хонимнинг юзидан оёғига қадар ва аксинча, оёғидан юзигача суқ билан тикиларди. Бундай гўзаллик қаршисида лол бўлиб қолаётган Арчер мамнуният билан лабларини жуфтлади, худди ҳуштак чалиб юбормоқчидек...

— Менинг фикримча, бу ерда узоқ ўйлаб ўтирадиган мураккаб жумбоқнинг ўзи йўқ, — ўз сўзларига тамоман ишонган ҳолда бамайлихотир сўз бошлади Спейд. — Кечқурун ўша кимсани меҳмонхонада учратиб, ортидан сездирмай илашиб олсак бўлгани. Ўзи бизни синглингизнинг олдида олиб боради. Агар

синглингизнинг ўзи ҳам келиб қолса ва сиз уни уйга қайтишга кўндира олсангиз, нур устига аъло нур. Мабодо Терзби билан бирга келса-ю, уйга қайтишга сира унамаса ҳам бир йўлини албатта топамиз.

— Худди шундай! — хирилдоқ, қўпол овоз билан тасдиқлади Арчер.

Уандерли манглайини тириштириб Спейдга юзланди.

— Жудаям, жудаям эҳтиёт бўлишларинг керак!.. — деди қиз ҳаяжонланиб, лаблари асабий титрар экан. — Мен ўлгудек кўрқаман. Терзбидан ҳар балони кутиш мумкин. Ахир синглимни ўлдириб қўйишдан ҳам тоймайди...

Спейд кулимсираган ҳолда қўллари билан ўриндининг суянчиғига шапиллатиб урди.

— Энди қолганини бизга қўйиб беринг, — деди у, — сира ташвиш тортманг.

— Аллақачон синглимга зўравонлик қилиб қўйган бўлса-чи?.. — ҳануз хавотирдан қутулолмасди аёл.

— Инкор қилолмайман, бундай имконияти бор унинг, — бепарвогина сўз қотди Спейд, — аммо қатъий айтаманки, барча чорани ишга соламиз.

— Мен сизларга ишонаман, — деди ниҳоят Уандерли хоним жиддий оҳангда. — Аммо сизларни яна бир бор огоҳлантириб қўйишга мажбурман, у жудаям хавфли одам. Ўзининг жонини сақлаб қолиш учун Кориннани отиб ўлдириши ҳеч гап эмас...

— Уни бирон нарса деб кўрқитмадингизми?

— Йўқ, бунга журъатим етмади. Мен фақат унга синглим ота-онамиз келгунча уйга қайтиб борса яхши бўларди, дея олдим, холос. Синглимнинг қайтишига ёрдам берса, отамга лом-мим демаслигимни айтдим. Йўқса, отам уни албатта жавобгарликка тортиш чорасини топишини тушунтирдим. Гапларимга парво ҳам қилмади.

— Айтингчи, ўша кимса синглингизга уйланиб, ишни ёпди-ёпди қилиб юбориши мумкинми? — сўради Арчер.

Уандерли хоним дув қизариб кетди ва ийманибгина жавоб қайтарди:

— Англияда унинг хотини ва учта фарзанди бор. Коринна менга бу ҳақда ёзганди.

— Ҳа, шунақаси ҳам бўлиб туради, — Спейд қоғоз ва қалам олиш учун энгашди, — Терзбининг кўриниши қандай?

— Ўттиз-ўттиз беш ёшларда, бўй-басти сизникидек, қорачадан келган, сочлари ҳам қора, қоши қалин, асабга тегадиган ёқимсиз овозда қаттиқ-қаттиқ гапиради. Афт-башарасига қараб турибоқ дарҳол ҳар қандай ёвузлик қўлидан келишини ҳис қилади одам.

Спейд ёзувдан кўз узмай сўради:

— Кўзлари қандай рангда?

— Мовий, ўткир. Иягида каттагина чандиғи бор.

— Семизми, ориқми, ўртачами?

— Спортчиларга ўхшайди дейиш мумкин. Елкадор, ҳарбийларга ўхшаб ғоз юради. Бугун эрталаб кулранг костюм ва шу рангдаги шляпани кийиб олганди.

— Пулни қай йўл билан топади? — сўради Спейд қоғоз ва қаламни столга қўяр экан.

— Билмадим, бу ҳақда менга ҳеч нарса маълум эмас.

— Бугун кечқурун соат нечаларда келиши керак?

— Саккиздан кейин.

— Яхши, Уандерли хоним, бизнинг одамимиз сиз айтган вақтда ўша ерда бўлади.

— Жаноб Спейд, сиз ёки жаноб Арчер борсаларинг бўлмайдими? — ўтинч оҳангида сўради аёл, — мен бу иш билан ўзларинг шуғулланишларингни истардим. Албатта, қўлидан иш келадиган ходимларинг борса ҳам майли... Аммо мен Кориннадан жуда хавотирдаман. Эй, Худо, унинг ўзидан ҳам кўрқаман... Мен сиз истагандан ҳам ортиқ ҳақ тўлашим мумкин... — Уандерли хоним титраётган қўллари билан сумкасини очиб иккита юз долларлик чиқарди-да, стол устига қўйди, — ҳозирчалик шу етадимми?

— Етади, — деди Арчер пулга қараб кўзлари чақнар экан, — мен ўзим шуғулланаман.

— Уандерли хоним шарт ўрнидан туриб, хурсандчилигини яширолмай миннатдорчилик изҳор этди:

— Раҳмат, раҳмат! — нафис қўлларини Арчерга, сўнг Спейдга узатди, — бу яхшиликларингизни сира унутмайман!..

— Арзимаёди, — деди Спейд хушмуомалалик билан, — сизга фойдам тегса бошимиз осмонга етади.

Фақат сиздан илтимос, ўзингиз бизни кутиб олиб, бир неча дақиқа бўлса ҳам у билан меҳмонхонага кираве-ришда туриб турсангиз.

— Албатта, албатта, худди айтганингиздек қиламан, — бош силкиди хоиним қайта-қайта миннатдорчилик билдирар экан.

— Мени қидириб юрманг, — уқтирди Арчер, — ўзим сизни топиб оламан. Спейд хонимни кузатиб қўйди. У қайтиб кирганида Арчер юз долларликларга қараб илжайиб турарди.

— Вақтида етказди-да Худо, — Арчер оғзи қулоғида шундай дея битта юз долларликни олиб буклади-да, чўнтагига солди, — сумкачасида бундай бели синмаган муллажиринглар тиқилиб ётганди...

Спейд нариги юз долларликни қўлига олиб, талтайганча ўзини курсисига ташлади:

— Хонимни қийнаб қўймаслигимиз керак, қалай, у сенга ёқдими?

— Ёқиш ҳам гапми, бунақасини ҳали учратмагандим. Шоколаднинг ўзи-я. «Қийнаб қўймаслигимиз керак», деганинг тегажўғлик қилмаймиз деган маънодами? Нега энди? Сэм, шу гапни ўйлаб гапирдингми?

— Эҳтиёт бўл, адабингни бериб қўйиши ҳеч гап эмас!.. — Сэм бўриникига ўхшаш олд тишларини кўрсатиб хунук кулди, — яна ўзинг биласан, ёш бола эмассан...

Иккинчи боб

ТУМАНДАГИ ҚОТИЛЛИК

Тун зулматига чўмган хонада телефон қаттиқ жиринглади. Учинчи марта зорланиб жиринглагачгина каравот оғир гичирлаб, бармоқлар стол устида пайпасланди. Полга тўшалган гилам устига қандайдир кичкина нарса тушиб кетди. Ниҳоят эркак кишининг норози тўнғиллаган овози эшитилди: «Алло, ҳа, бу мен, эшитаман... Отиб ўлдирилган?.. Ҳозир, ўн беш дақиқа...»

Кўп ўтмай тилла суви югуртирилган учта занжир билан шифтга осилган оқ шарсимон қандиллардан та-

ралган нур хонани чароғон қилди. Спейд ялангоёқ, кўк, йўл-йўл пижама кийиб олган ҳолда карачотта чўкди. Тортма устида турган телефонга хўмрайиб қараб қўйиб қўлини тортма ичидаги сап-сарик қоғозга ва «Булл Духра» тамаки қутисига узатди.

Очиқ деразалардан нам ва совуқ ҳаво кириб келар, аҳён-аҳён сирена товушлари одамни ҳушёр торттириб қўярди.

«Американинг машҳур жиноий ишлари» деб номланган улкан китобнинг ёнидан жой олган қалайи соатнинг миллари иккидан беш дақиқа ўтганини кўрсатиб турарди.

Спейд семиз бармоқлари билан шошилмай қоғозга тамаки ўради-да, охирида қоғоз четларини лаби билан ҳўллаб ёпиштирди ва ҳосил бўлган найчанинг бир томонини буклаб лабига қистирди. Кейин ҳали қоронғида пастга тушириб юборган ялтироқ ёндиргичини олиб тамакисини тутатди. Каравотдан туриб пижамасини ечди.

Тўла ва силлиқ бадани, суйри елкалари уни айиққа ўхшатарди. Фақат жуни қириб олинган айиққа — кўкрагида ҳеч қандай тола ўсмасди. Юмшоқ териси эса болаларникидек пушти ранг эди. Спейд керишиб олиб кийинишга тутинди. Туфлиларининг боғичларини тугиб бўлгач, телефон дастагини олиб рақам терди, таксига буюртма берди. Кийиниб бўлиб, чўнтагига тамаки қутиси, пул ва калитларни жойлаётган эди ҳамки, эшик қўнғироғи чалинди, такси етиб келганди.

Спейд ҳайдовчига кира ҳақини тўлаб, Буш-стритнинг Стоктон билан кесишган жойида таксидан тушди. Сан-Франциско кўчаларини нам ва қалин туман қоплаганди.

Спейд таксидан тушган жойдан бир неча одим нарида бир гуруҳ одамлар ўзаро фикрлашиб ниманидир диққат билан кўздан кечиришарди. Буш-стритнинг нариги томонидаги икки аёл ва бир эркак ҳам ўша томонга қараб туришарди. Шу ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар ҳам текин томошадан қуруқ қолмаслик учун деразаларини очиб олишган, қизиқсиниб воқеани кузатишарди.

Йўлни кесиб ўтган Спейд бетон устунчага қўлини тираб пастга — Стоктон-стритга назар ташлади. Туннелдан ўқдек отилиб чиққан автомобиль бир зумда кўздан йўқолди. Туннелнинг чиқиш томонига яқин жойдаги

эълонлар тахтаси ёнида бир одам чўккалаб ўтирарди. У афишанинг тагини яхшилаб текширишга уринарди чоғи, бошини йўлакчага теккудек эгиб олган, бир қўли билан ерни, бир қўли билан эса эълонлар тахтасининг устунини ушлаб олганди. Тагин икки эркак афиша ва уй деворининг оралиғида куймаланишарди.

Спейд бетон устунчадан қўлини олиб юқорига, Буш-стрит бўйлаб одимлади. Тўпланиб турган одамлар томон шошилар экан, оғзига сақич солиб олган барваста полициячи қўлини кўтариб уни тўхтатди.

— Сизга бу ерда нима керак?

— Сэм Спейдман. Менн Том Палхаус чақирганди.

— Ҳа, бу сизмисиз, — полициячи қўлини туширди, — кечирасиз, дарҳол таниёлмабман. Ҳов ана улар, ишлар чатоққа ўхшайди, — полициячи бармоғи билан елкаси оша ишора қилди.

— Кўриниб турибди вазиятнинг яхши эмаслиги, — полициячининг сўзларини қувватлади Спейд ва кўчанинг ўртасида турган қора «Тез ёрдам» машинаси томон юрди.

Кўча чап томондан одамнинг белидан келадиган, рандаланмаган, қинғир-қийшиқ тахталардан омонатгина қилиб кўтарилган девор билан тўсилганди. Девордан пастга, Стоктон-стритдаги афишага қараб қиялик чўзилиб кетганди. Қияликдан тушаверишдаги ердан чиқиб турган баҳайбат, қиррадор тош ёнидаги сайҳонликда Арчернинг жасади ётар, икки одамдан бири жасадни фонар билан ёритаётганди.

Жасадни кўздан кечираётганлардан бири ҳансираб қияликдан юқорига чиқиб келар экан, Спейдни чақирди.

— Салом, Сэм, — баланд бўйли, қориндор, лаблари дўрдоқ, кўзлари синовчан боқувчи Томнинг қўллари, тиззалари ва жағи лой бўлиб кетганди. — Олиб кетишларидан олдин жасадни кўриб олишинг керак деб ўйладим.

— Раҳмат, — деди Сэм Томнинг гапига унчалик аҳамият бермагандай, — қотиллик қандай содир этилибди?

— Ўқ шундоққина юрагининг остидан ўтган. Мана бу билан отишибди, — Том пальтосининг чўнтагидан револьвер чиқариб Спейдга узатди. Револьвернинг юза-

сидаги кемтик ўринлар лой билан тўлганди, — «Уэбли», Англияники, тўғрими?

Спейд қуролни кўриш учун хиёл олдинга эгилди-ю, қўлига олмади.

— Ҳа, — тасдиқлади у. — «Уэбли фостери» автоматик револьвери. 38-калибр, саккиз патронли. Бунақаларни ҳозир ишлаб чиқаришмайди, неча марта отишибди?

— Бир марта, — Том бармоғи билан кўкрагига нуқиди, — менимча у деворга урилгандаёқ жони узилган. Айт-чи, мана шунақа зўрини илгари ҳеч кўрганми-сан, — негадир Том Спейддан яна револьвер ҳақида сўради.

— Кўп кўрганман, — деди Спейд ҳуши келмайроқ ва бирдан тез-тез сўзлай кетди: — Арчерни шу ернинг ўзида отишган, тўғрими? У сенинг ўрнингда, деворга орқасини қилиб турган. Отган одам эса мана бу ерда бўлган, — Спейд Томнинг ёнидан чекинди-да, қўлини кўкраги баробар кўтариб олдинга узатди, худди тўппончадан отаётгандай ишора қилди. — Тахминан шундай. Майлз ўқ теккандан сўнг орқага қулаб деворни синдириб юборган ҳамда тошга бориб урилгунча пастга думалаб кетаверган, нима дейсан?

— Шундай, — шошилмасдан жавоб берди Том. — Ўқ унинг пальтосини куйдирибди.

— Ким биринчи бўлиб кўриб қолибди?

— Шиллинг деган полиция патрули. Буш-стрит бўйлаб кузатув олиб бораётган экан, ўтиб кетаётган машина ёруғида деворнинг бузилган жойини кўриб қолибди. Нима гаплигига қизиқиб қараса, пастда бир одам ётган экан...

— Полициячи машинага эътибор берибдими?

— Йўқ, Сэм, ахир у нима воқеа юз берганини ҳали тўлиқ билиб улгурмаган ҳам эди-да. Айтишича, бошқа биронта шубҳали одамни учратмабди. Бу ерда яна бир ўтиш жойи — Стоктон-стритдаги афиша тагидаги йўлак бор. Лекин у ерда ҳам ҳеч ким кўринмабди. Туман тушгани учун ер нам, Майлзнинг ва ташлаб юборилган револьвернинг изидан бошқа из йўқ...

— Бирон кимса ўқ товушини эшитганми?

— Худо ҳаққи, Сэм, биз қаердан биламиз, ҳозиргина келдик-ку! Суриштириб кўрамиз, ўқ овозини эшитганлар ҳам чиқиб қолар, — Том ўгирилиб бир оёғини бузилган

деворнинг нариги томонига оширди, — балки тушиб кўрарсан жасадни?..

— Зарурати йўқ... — сир бой бермасликка уринди Спейд.

Деворни миниб олган Том кичкина кўзлари билан Спейдга анграйиб қараб қолди.

— Сен кўрибсан-ку, шу кифоя қилади. Сен пайқаманган нарсани мен пайқармидим... — ўзини оқламоқчидек гапирди Спейд.

Том Спейддан кўзини узмасдан бошини чайқаганча оёғини деворнинг нариги томонидан қайтариб ўтказди.

— Майлзнинг тўппончаси белида экан, олишга улгурмаган. Пальтосининг ҳамма тугмалари қадалган. Ёнидан 160 доллар пул чиқди. Унга топшириқ берилганмиди?

Спейд бир оз тараддудланди.

— Флойд Терзби деган кимсани кузатиши керак эди, — жавоб берди Спейд истар-истамай Уандерли хоним тасвирлаб берган одамни эслаб.

— Нега?

Спейд ўзини эшитмаганга солиб қўлини пальтосининг чўнтагига тикди ва эснаб қўйди.

— Нега деб сўрадим шекилли?! — зардаси қайнашга тушди Томнинг...

— Менимча, у инглиз бўлса керак... Умуман, қандай ўйин ўйнаётганини билолмадим. Қаерда яшашини аниқлашга роса уриндик... — Спейд зўрама-зўраки тиржайиб қўлини чўнтагидан чиқарди ва Томнинг елкасига дўстона қоқиб қўймоқчи бўлди.

— Тегма менга! — Спейднинг аниқ бир гап айтишдан бўйин товлаётгани кўнгли ниманидир сезган Томнинг жаҳлини чиқариб қўйганди.

Спейд қўлини тагин чўнтагига солди:

— Нима воқеа юз берганини ҳали Майлзнинг хотинига айтишим керак... — Хўрсиниб ортига ўгирилди.

Нимадир демоқчи бўлиб лаб жуфтлаган Томни йўтал тутди. Қовоғини бир оз очиб, ачинганнамо, юмшоқ овозда деди:

— Тақдирини қара... Барчамизда бўлганидек Майлзнинг ҳам камчиликлари етарли эди, аммо яхши фазилятлари ҳам кам эмасди-да...

— Фикрингга кўшиламан, — Спейд буткул лоқайдлик билан Томнинг эътирофини тасдиқлаган бўлди-да, аста одимлаб нари кетди.

Буш ва Тейлор кўчалари чорраҳасидаги навбатчи дорихонага кириб келган Спейднинг мақсади телефон қилиш эди.

— Азизам, — керакли рақамни териб бўлгач майин овоз билан сўз бошлади у нариги томондан эшитилган саломга жавобан, — Майлзни отишибди... Ҳа, ўлган... Ҳозирча асабийлашишга арзимамайди... Ҳа, бу ҳақда Ивага хабар беришимиз керак... Йўқ-йўқ, асло!.. Фақат сенгина бу ишни қилишинг мумкин... У идорага яқин йўламасин... Менинг ўзим боришимни айтиб қўй... Сен фариштамсан... Хўп, хайр, кўришгунча...

Спейд уйига қайтиб чироқни ёққанида соат йигирма беш дақиқа кам тўртни кўрсатаётган эди. Яна шифтга осилган шарсимон қандиллар хонани нурга чўлғади. Спейд пальто ва шляпасини каравотга ташлаб ошхонага кириб кетди. Ётоқхонага қадаҳ ва «Баккарди» коньягини кўтариб қайтиб кирди. Сабрсизлик билан шишани очиб, қадаҳга тўлатиб қуйди ва даст кўтариб ичиб юборди. Кўзларини сузиб роҳатланаркан, каравотга ўрнашиб олгач, ҳафсала билан тамаки ўрашга тушди. Эшик кўнғироғи чалинганда у учинчи қадаҳни бўшатиб бўлиб бешинчи тамакини тутатаётганди. Соат миллари тўрт яримни кўрсатаётганди.

Тинчи бузилганидан жиғибийрон бўлган Спейд оғир хўрсиниб, пишиллаб ванна эшиги олдидаги сўзлашиш мосламасига яқинлашди. Даҳлизда лифт эшиги гичирлади. Яна бир хўрсиниб эшикнинг дастасини ушлаган Спейд ташқаридан қадам товушлари келаётганини эшитди. Эшик кўнғироғини чалганлар икки киши эди.

— Салом, Том. Салом, лейтенант, — эшикни очиб остонада ўз ҳамкорларини кўрган Спейд енгил тортиб уларни ичкарига таклиф қилди, — марҳамат, киринглар.

Саломга бош ирғаб алик олган меҳмонлар сукут сақлаган ҳолда хонага кирдилар. Спейд шошилмай эшикни ёпиб уларни ётоқхонасига бошлади. Том дераза остидаги диванга, лейтенант эса стулга ўтирдилар. Лейтенант бадани таранг ва пишиқ, думалоқ бошидаги оқаринқираган сочлари калта, оқ мўйловли одам эди. Галстугига қадаб қўйилган беш долларлик шаклидаги

безак товланиб кўзни олар, кўкрагидаги қандайдир жамиятнинг олмос нишони ҳам ял-ял ёнарди.

Спейд меҳмонларни хурсанд қилиш учун ошхонадан яна иккита қадаҳ олиб чиқиб, ичимликдан тўлатиб қўйди ва мулозамат билан узатди. У тамоман хотиржам, юзида ҳеч қандай қизиқсиниш, савол аломати йўқ эди. Навбатдаги қадаҳни «Изқуварларнинг соғлиги учун!» дея кўтарди. Бу орада Том ҳам қадаҳни бўшатиб столга қўйди. Фақат учинчи одам — лейтенант Дандигина ичишга шошилмади, бир-икки хўплаб қўйди, холос. Хонани синчковлик билан бир-бир кўздан кечириб, нигоҳини ҳозиргина лабларини кир бармоқлари билан артган Томга йўналтирди.

Том бир қўзғалиб олиб бошини кўтармай сўради:

— Сэм, Майлзнинг хотинига хабар қилдингми?

— Албатта, — жавоб берди Спейд.

— Хўш, аёл дод-вой кўтаргандир?..

— Аёлни — хотинини сира тушунолмадим, тушунолмадим...

— Гапни бурма!.. — Томнинг овозида ишончсизлик ва таҳдид яққол сезилиб турарди.

Лейтенант қўлини тиззасига қўйиб олдинга силжиди ва яшил кўзларини Спейдга қаттиқ қадади:

— Қандай қурол олиб юрасан?

— Ҳеч қандай. Мен қурол олиб юришни кўпам хушлайвермайман. Турган гап, идорамда нималардир бор.

— Ўша «нималарнидир» бир кўрсам ёмон бўлмасди, — деди лейтенант, — бу ерда ҳеч қандай қуролинг йўқлиги ростми?

— Йўқ дедим-ку!

— Ишончинг комилми?

Хоҳласанг бемалол қидириб кўравер, — илжайди Спейд, — бор-будимни титкилаб кўришинг мумкин. Шовқин кўтармайман, фақат олдин менга тинтув ўтказиш ҳақидаги рухсатномани кўрсатсаларинг бас!..

— Нималар деяпсан, Сэм, — деди бир оз юмшаган оҳангда Том.

Спейд қадаҳни столга қўйиб ўрнидан турди ва лейтенантга юзланди.

— Сенга нима керак, Данди?! — кесатиб сўради у қўполлик билан.

Лейтенант қилт этиб ҳам қўймади. Ўша-ўша ўткир нигоҳлари билан Спейдни таъқиб қиларди. Том яна диванни гичирлатиб орага суқилди:

— Сэм, биз жанжал кўтармоқчи эмасмиз, ҳовлиқ-ма!..

Томнинг сўзларимга зиғирча эътибор бермаган Спейд саволини қайтарди:

— Нима истайсан, айт, ўз уйимда ҳиқилдоғимдан олишни ким қўйибди сенга?..

— Яхши, деди бўғиқ ва қатъий товушда Данди, — осмонга сапчишни бас қилгин-да, эшит.

— Осмонга сапчийманми, ерга кираманми, бунисини ўзим биламан, — Спейднинг сира ён босгиси келмасди.

— Худо хайрларингни берсин, бас қилинглар, — зорланди Том, — жанжалдан нима фойда? Сэм, нега сендан шубҳаланиб қолганлигимиз сабабини билмоқчимисан, унда бир саволимга жавоб бер. Нега мен Терзби ҳақида билганларингни сўзлаб бер деганимда, мени бу ишга аралаштиргинг келмади? Сени тушунолмай қолдим. Ахир бизнинг ишимиз ҳамкорликни талаб этади, уни биргаликда бажариш бурчимиз.

Лейтенант Данди ўрнидан сакраб туриб Спейдга ўдағайлай кетди:

— Қачондир тойиб кетасан деб мен сени огоҳлан-тиргандим!..

— Ҳаммамиз ҳам вақти-соати келиб тойиб кетамиз, — масхараомуз тиржайди Спейд.

— Ҳозир сенинг навбатинг келиб қолди...

— Раҳмат, мен билан ишинг бўлмасин, — Спейднинг кўзлари қисилди. Овози лейтенантаникига ўхшаб бўғилиб чиқа бошлади, — менга гап-сўзларинг сираям ёқмаяпти. Нимага ишора қиляпсизлар? Очигини айтинглар ёки уйимдан даф бўлинглар, тўйиб ухлаб олай.

— Терзби қандай одам? — сўради Данди.

— Мен у ҳақда нимаки билсам, барини Томга айтганман.

— Томга ҳеч вақони айтганинг йўқ.

— Демак, мен ўзим ҳеч вақони билмас эканман...

— Нега унинг изидан тушдиларинг?

Мен эмас, Майлз унинг изидан тушганди. Сабаби эса оддий. Бир миждозимиз бунинг учун ҳақ тўлаган.

— Ўша миждозларинг ким?

— Шахсан розилигини олмагунимча унинг кимлигини ошкор қилолмаслигимни биласан-ку! — хуноби ошди Спейднинг.

— Ёки ҳозир айтиб берасан ёки судда! — ишонч билан уқтирди Данди, — қотиллик юз берганини унутма.

— Балки айтарман ҳам. Аммо шуни сен ҳам билиб қўйки азиз дўстим, кимга ва қаерда, нима ҳақда сўзлаш-сўзламасликни ўзим ҳам жуда яхши биламан. Полициячиларга ёмон кўриниб қолишдан кўрқадиган пайтларим аллақачон ўтиб кетган.

Ғоятда ҳорган, соқолини олишга, ҳатто ювинишга ҳам улгурмаган Том оғир кўзғалиб дивандан полга, каравотнинг ёнига ўтиб ўтирди.

— Сэм, ақлингни йиғ, илтимос қилди у, — бизга ёрдам бер. Ўзингга аён маълумотларнинг барчасини бизга айтиб бермасанг калаванинг учини қандай топамиз? Майлзнинг қотили кимлигини қандай аниқлаймиз?

— Майлзнинг ташвишини чекмай қўяқолинглар, уни ўзим дафн қиламан.

Жойига қайтиб ўтириб қўлларини тиззаларига қўйиб олган лейтенант Дандининг ям-яшил кўзларида учқун чақнади.

— Сенинг шундай йўл тутишингга ишончим комил эди, — хулоса ясади Данди аянчли мамнуният, қониқиш ҳисси билан мийиғида кулиб. — Айнан шунинг учун биз сенинг ёнингга келгандик, тўғрими, Том?

Том нимадир деб фўлдиради. Спейд бидан сергак тортди.

— Мен билиб айтгандим, — давом этди лейтенант, — мен Томга, Сэм Спейд оилавий муаммоларига бегоналарни аралаштирадиган одам эмас, дегандим.

Ғазабдан қизариб кетган Спейд кескин Томга ўғирилди:

— Мени бундай сиқувга олиш учун дўстингда биронта асос борми?

Данди сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Бор, ҳа, бор, — дерди у ҳар бир сўзи оғзидан чиққанида бармоқлари билан Спейднинг кўкрагига туртаркан, — сен Буш-стритдан уйингга қайтганингдан сўнг орадан роппа-роса ўттиз беш дақиқа ўтгач, Терзби меҳмонхонага кираверишда ўлдирилган!

Қанчалик кутилмаган хабарни эшитган бўлса-да, Спейд ўзини йўқотиб қўймади:

— Ифлос панжаларингни кўкрагимдан торт!..

Данди Спейднинг кўкрагига туртишни бас қилди, аммо баланд овозда давом этди:

— Томнинг айтишича, сен шундай шошилибсанки, ҳатто шеригингнинг жасадини кўришни ҳам истамабсан.

Том худди кечирим сўраётгандек минғирлади:

— Жин урсин, Сэм, аслида ҳам бир нарсадан қўрққандек қочиб кетдинг-ку...

— Сен хотинига айтиб қўйиш учун Арчернинг уйига ҳам борганинг йўқ, — давом этди лейтенант, — биз кўнғироқ қилдик. Арчернинг хотини котибанг хабар қилганини айтди.

— Спейд ўзини босиб олган, лейтенантнинг пўписалари унинг хотиржамлигига путур етказа олмаётганди.

Данди букилган бармоқларини Спейднинг кўкраги томонга узатди-ю, аммо шу заҳоти тортиб олди.

— Идорангга телефон қилиб котибанг билан гаплашиш учун ўн дақиқа вақтинг бор эди: Терзби яшаётган «Геари» меҳмонхонасига етиб боришинг учун ўн, кўпи билан ўн беш дақиқа вақтинг кетган. Ниҳоят, уни ўн ёки ўн беш дақиқа кутиб тургансан.

Демак, қаерда яшашини, қотилликдан сўнг дарров турган жойига қайтишини билган эканман-да, шундайми? — сўради Спейд.

— Нимани билиш-билмаслигинг ўзингга ҳавола, — унинг гапини шартга бўлди Данди, — уйингга қачон қайтдинг?

— Йигирма дақиқа кам тўртда. Мен сайр қилиб, юз берган ҳодиса ҳақида мулоҳаза юритдим.

Лейтенант инкор маъносида думалоқ бошини чайқади.

— Уч яримда уйда бўлмаганинг бизга маълум. Телефон кўнғироғимизга ҳеч ким жавоб бермади. Қаерда дайдиб юргандинг?

— Буш-стрит бўйлаб, у ёқдан-бу ёққа.

— Биронтаси рўбарў келмадим?

— Йўқ, ҳеч қандай гувоҳни учратмадим, — деди Спейд мутлақо кутилмаганда юзи табассумдан ёри-

шиб, — ўтириб ол, Данди, охиригача ичмабсан. Том, қадаҳингни узат.

— Йўқ, Сэм, раҳмат, — рад қилди Том.

Данди ўтирди, аммо коньяк қуйилган қадаҳга эътибор бермади.

Спейд ўзига қуйиб ичди.

— Қандай вазиятга тушиб қолганимни билиб турибман, — сўз бошлади уй эгаси гоҳ у, гоҳ бу полициячига назар ташлаб. — Жаҳлим чиқиб ҳаддимдан ошиб кетган бўлсам, кечирасизлар. Ўзларинг ўйлаб кўринглар, ярим тунда кимдир уйингга бостириб кириб, ҳе йўқ, бе йўқ сени қотилликда айбласа... Майлзнинг ўлими камдек, энди сизлар оловга мой қуйиб мен ҳақимда қаёқдаги бўлмағур гапларни айтяпсизлар...

— Биз нима қилишимиз керак? — ўзини тутолмади Том.

Лейтенант сукут сақларди.

— Терзби ўлганми?

Лейтенант бир қарорга келгунча Том жавоб бериб қўяқолди:

— Ҳа.

— Ростдан ҳам билмасанг билиб ол, у ҳеч нарса дейишга улгурмай жон берди... — газабини яшириб ўтирмай кесатди лейтенант.

Лабига тамаки қистириб олган Спейд оғзидан бурқситиб тутун чиқарди.

— Бу билан сен ҳаммасидан хабардорсан, демоқчимисан?

— Нима ўйлаётган бўлсам ҳаммасини айтдим, қўрс жавоб қайтарди Данди.

— Мен сенинг ўйларингга тупурдим, Данди, — Спейднинг юзидаги дўстона табассум ўрнини ошкора нафрат ифодаси эгаллади.

— Ақлингни йиғ, Сэм, — яна Спейдни тартибга чақирди Том.

— Мен ақлимни йиғишга ҳаракат қиламан, Том, фақат Терзбини қандай ўлдирганимни айтиб беринглар, сира эслолмаяпман...

Том индамасликни маъқул топди.

— Орқа томондан, белига тўрт марта ўқ узишган, — деди ўйчан қиёфада Данди, — меҳмонхонага кираётганида йўлнинг қарама-қарши томонида туриб

отишган. Ҳеч ким кўрмаган. Лекин кузатувдан кейин шундай хулосага келдик.

— «Люгер»ини филофидан чиқармаган экан... — қўшилди Том.

— Меҳмонхонанинг ходимлари нима дейишяпти? — қизиқиб сўрашда давом этди Спейд.

— Бир ҳафтадан буён шу ерда яшаётган экан, бошқа ҳеч нарса билишмайди.

— Бир ўзи яшаганми?

— Бир ўзи.

— Ёнидан ёки хонасидан бирон нарса топилмади-ми?

— Сенингча биз нимани топишимиз керак эди? — Дандининг энсаси қотди.

Спейд қўлидаги тамакиси билан ҳавода қандайдир доира чизди.

— Масалан, унинг нима билан шуғулланиши ҳақида тасаввур берувчи бирон буюм дейлик...

— Бу ҳақда сендан эшитишдан умидвормиз.

— Мен Терзбининг тиригиниям, ўлигиниям кўрган-ним йўқ! — камоли ишонч билан қатъий қилиб таъкидлади Спейд.

Данди чўзилиб кетган савол-жавобдан буткул қониқмаган ҳолда норозиликдан юзлари тиришиб ўрнидан турди, Том эснаб керишди. У ғоятда зериккан, чарчаб кетганди.

— Биз нимаики сўрамоқчи бўлсак, сўрадик, — деди Данди хўмрайиб, — сен бизга берган маълумотлардан кўра кўпроқ маълумотларни сенга баён қилдик. Спейд, мени яхши биласан, қотилликка кимнинг алоқаси борлигидан қатъи назар адолат билан иш олиб бораман, адолатни очаман. Борди-ю, тахминларим тўғри чиқса, қамоқдан қочиб қутулолмайсан.

— Ахир бу ойдек равшан-ку! — пинагини бузмай хитоб қилди Спейд, — аммо коньягингни охиригача ичиб олганингда янаям адолатли иш қилган бўлардинг.

Лейтенант вазминлик ва салобат билан қадахни кўтариб сўнгги томчисига сипқорди, сўнг қўлини Спейдга узатди:

— Хайрли кеч.

Улар ўзаро қўл беришдилар.

Меҳмонларни кузатиб қайтган Спейд каравотга ўзини таппа ташлади...

Учинчи боб

УЧ АЁЛ

Эртасига эрталаб Спейд идорага келганда Эффи Перин столига ёйиб қўйилган эрталабки почтани тартибга келтираётганди. Болаларникига ўхшаш юзи офтобда қанчалик қорайган бўлмасин, айти дақиқаларда нимадандир ташвишланиб оқаринқирагани кўриниб турарди. Қўлидаги бир даста конверт ва кумуш пичоқчани столга қўйиб оҳиста сўз қотди:

— У шу ерда... — Эффининг овози паст, огоҳлантирувчи оҳангда эди.

— Мен сенга уни идорага яқин йўлатма демаганмидим, — аччиғланиб шивирлади Спейд.

Эффи Периннинг жигарранг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Тўғри, айтгансан, аммо бунинг уддасидан қандай чиқишни ўргатганингча йўқ. Асабимни бузма, Сэм, мен туни билан мижжа қоқмай у билан олишиб чиқдим...

Спейд қизнинг ёнига келиб унинг паришон сочларини силади.

— Кечир мени, фариштам... — кабинетининг эшиги очилаётганин кўриб тилини тишлаб қолди, — салом, Ива, — Спейд остонада пайдо бўлган аёлга бош силкиди.

— Оҳ, Сэм, — шивирлади аёл.

Бошдан-оёқ қора либосга бурканган бу малласоч хонимнинг ёши ўттизлардан ошган бўлиб, юз-кўзидан ҳаётининг энг ширин дамлари ўтиб кетгани сезилиб турса ҳам ҳусни жамоли бинойидек эди. Кўп йиғлагани сабабли қовоқлари шишиб кетганди.

Спейд Эффи Перинни ҳоли қолдириб кабинетига томон юрди. Ива тезгина ортидан етиб келиб ғамгин юзини ўпич учун тутди. Спейд ўпишга чоғланиши биланоқ аёл унинг бўйнидан қўлини ўтказиб олди. Бир оз ўпишиб туришгач, Спейд аёлни ўзидан нарироқ суришга уринди, аммо Ива бошини унинг кўкрагига қўйиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

Аёлга таскин бериш учун бошини силашга ўтинган Спейднинг гўё ичи ачишиб кетди:

— Менинг бечорагинам, — овози майин чиқарди, ammo қарашлари совуқ эди. Юзини бесабр тириштириб, аёлнинг шляпасига тегиб тушириб юбормаслиги учун жағини бурар экан, сўради: — Майлзнинг акасига хабар қилдингми?

— Ҳа, у бугун эрталаб келди, — ҳўнграётгани учун аёлнинг сўзларини англаш қийин эди.

Спейд яна юзини тириштирди ва бошини эгиб зимдан соатига қараб олди: ўндан ўн дақиқа ўтганди. Аёл йиғлаб-йиғлаб юрагини бўшатиб олгач, бошини кўтарди.

— Оҳ, Сэм, — инқилларди у, — эримни сен ўлдирдингми?

Ҳайратдан анқайиб қолган Спейднинг қоқсуяк жағи осилиб тушди, кўзларини лўқ қилиб Ивага еб қўйгудек қаради, ўрnidан сакраб туриб нари кетди.

Спейдни кучоқлаб тураверишни истаган аёлнинг қўллари ҳавода муаллақ қолган, кўзларига ёш тўлган, лаблари титрарди. Кескин ҳаракат билан жигарранг парда тортилган дераза ёнига чекинган Спейд аёлга орқасини ўгириб пастга, ҳовлига назар ташлади. Ива унга томон бир-икки қадам ташлагачгина қайтиб келиб жойига ўтирди. Тирсагини столга қўйиб қўлини жағининг остига қадади. Қисилиб кетган кўзлари ялтирарди.

— Бу фаройиб фикрни ким сенинг миянгга қўйди?

— Мен ўйловдимки... — аёл оғзини қўли билан тўсиб ҳиқиллаган кўйи столга яқинлашди. Ёш тўла кўзлари илтижولي боқди: — Менга раҳминг келсин...

Спейд мийиғида кулимсираб қўйди. Кўзлари ҳамон совуқ ялтирарди.

— Эримни сен ўлдиргансан, Сэм, хўп деявер...

— Ё тавба!.. — нималар деб валдираётганингни биласанми, Ива, — таажжубдан Спейднинг оғзи очилиб қолганди. Аёл эса яна ўкириб юбормаслик учун оғзини оқ дастрўмолча билан тўсди.

Спейд орқа томонидан келиб Ивани оҳиста кучди, ёқаси ва қулоғи ўртасига, нафис бўйнига лабини босди.

— Ива, етади, бас қил, — юзида ҳеч қандай ҳиссиёт акс этмай қўйганди. Аёлнинг қулоғига шивирлади: — жонгинам, бу ерга келмаслигинг керак эди. Ақлингни еб қўйибсан. Тезда уйингга қайтмасанг бўлмайди.

Ива юзини унга ўгириб сўради:

— Бугун кечқурун келасанми?

— Бугун эмас.

— Яқин кунлардами?

— Ҳа...

— Қачон?..

— Имкон топилиши биланоқ...

Спейд аёлниг лабидан ўпди, сўнг қўлтиқлаб эшиккача олиб келди. «Кўришгунча, Ива», дея хушмуомалалик билан кабинетдан чиқариб кузатиб қўйгач, эшикни ёпиб жойига қайтди. Чўнтаги тамаки халтаси ҳамда қоғоз солинган қутини олишга олди-ю, ўрашга шошилмади, шеригининг столига қараб ўйга чўмди.

Эшик очилиб хонага Эффи кирди.

— Хўш, нима гап? — сўради у, — бева билан нима ҳақда гаплашдиларинг?

— Унинг эрини мен отиб ўлдирганмишман, — Спейд Арчернинг столига ўйчан боққанча жавоб қайтарди.

— Энди сен унга уйланишинг керакми?

Спейд лом-мим демади. Қиз унинг бошидан шляпасини олиб столга қўйди. Кейин ҳаракатсиз бармоқлари орасидан тамаки халтаси ва қоғоз солинган қутини ҳам чиқариб олди.

— Полиция эса мени Терзбини ўлдирганликда гумон қиляпти.

— Ким у Терзби? — сўради қиз қоғозга тамаки тўкаётиб.

— Хўш, сенингча мен яна кимни ўлдирганман, — алам билан киноя қилди Спейд.

Эффи бу саволга эътибор бермагач, Спейд давом этди.

— Терзби — Уандерли хонимнинг илтимосига кўра Майлз кузатиши керак бўлган одам.

Эффи нозик бармоқлари билан тамакини ўраб бўлиб, қоғознинг четини лабида ҳўллаб ёпиштирди ва ҳосил бўлган бежиримгина найчани Спейднинг лабига қистириб қўйди.

— Раҳмат, гўзалим, — қизнинг нозик белидан қучиб, ҳорфинлик билан кўзларини юмди Спейд.

— Ивага уйланиш ниятинг борми? — ҳамон ўз билганидан қолмасди қиз.

— Бемаъни гапларни йиғиштир, — норозилик билдирди Спейд.

— У эса сенга тегишни бемаънилик ҳисобламайди. Нима ўзингни тарозига соляпсан, ишқий саргузаштларингни унутдингми?

— Эй Худо, мен уни сира кўрмаган бўлганимда қани эди!.. — Спейд ноиложлик билан чуқур хўрсинди.

— Эҳтимол, шундай бўлишини энди хоҳлаётгандирсан, аммо илгари...

— Мен аёлларга қандай муносабатда бўлишни билмайман, улар билан нима ҳақда сўзлашишга ақлим етмайди, нолиди Спейд, — қолаверса, Ивани ҳеч қачон севмаганман.

— Мени алдаёлмайсан, Сэм, — унинг гапини бўлди қиз. — Биласанми, аслида Ива бир пулга қиммат аёл, лекин унинг қадди-қомати менда бўлганда қани эди.

Спейд юзини қизнинг кафтига суриб роҳатланарди. Тўсатдан лабини тишлаб олган Эффи пешанасини тириштириб саросима билан сўради:

— Айтчи, Иванинг ўзи эрини ўлдирган бўлиши мумкинми?

— Сен фариштамсан... — деди Спейд эҳтирос билан эркалаб, сўнг лўнда қилиб кўшиб кўйди, — аммо товуқмиясан.

Қиз аразлаб лабини бурди:

— Шундай деб ўйлайсанми? Сенингча, Ивани мудҳиш воқеадан бохабар қилиш учун борганимда уйнинг эшигини узоқ вақт очмагани ҳеч нарсани англамай-дими? Ҳолбуки, соат тунги уч эди.

— Нималар деяпсан? — юзида ҳануз табассум жилва қилаётган Спейд ўзини парво қилмагандек тутишга уринса-да, сергак тортиб қолганди.

— Ечиниб бўлгунича мени эшик ортида кутиб туришга мажбур қилди. Стулга бетартиб ташлаб қўйилган кийимларини кўрдим. Пальто ва шляпаси полда ётарди. Ухлаётгандим, деди, аммо гапи фирт ёлғон эди. Чунки ўрнини атайлабғижимлаб қўйгани билиниб турарди.

— Сен ҳақиқий изқуварсан, қизалоқ! — Спейд қизнинг кафтига кафти билан уриб чапак чалди, — лекин Ива эрини ўлдирмаган.

Эффи кўлини тортиб олди.

— Бу манжалақи сенга тегмоқчи, Сэм, — қичқирди аччиқланиб.

Спейд нима дейишини билмай бош чайқади.

- Эффи унга жиддий тикилиб қатъият билан сўради:
— Сен у билан кеча кечқурун учрашдингми?
— Йўқ.
— Чин сўзингми?
— Чин сўзим. Азизам, илтимос, Дандидан ўрнак олма, бу сенга ярашмайдиган қилиқ.
— Нима, Данди сенга ёпишиб олдимми?
— Ҳа, у Том Полхаус билан саҳарлаб соат тўртда менинг уйимга ичгани киришган.
— Улар ҳақиқатан ҳам, оти нимайди, ўша одамни сен ўлдиргансан дейишяптими?
— Терзби, — Спейд тамаки қолдигини кулдонга ташлаб янгисини ўрай бошлади.
— Мени диққат қилмай айт, ростдан ҳам улар шундай фикрдами?
— Ким билади уларни... — Сэм ўраётган тамакисидан кўз узмасди. — Ҳарқалай мендан гумонлари бор. Гумонларига барҳам беришга эришдимми, йўқми, билмайман.
— Менга қара, Сэм.
Иккаласининг кўзлари тўқнашиб шўх кулиб юбо-ришди.
— Мени сенинг тақдиринг ташвишга солади, — дарҳол жиддий тортди қиз. — Сен айёр ва ўзига ишонган одамсан. Бир куни ўзингни ўзинг алдаб қўймагин-да, ишқилиб...
Спейд муғамбирона илжайиб юзини яна Эффнинг кафтига сурди.
— Данди ҳам худди шундай деяпти, жонгинам. Ивани ёнимга йўлатма, қолган муаммоларимни ўзим ҳал қилиб оламан, — у ўрнидан туриб шляпасини кийди. — Айтмоқчи, эшикдаги «Спейд ва Арчер» деган ёзувнинг ўрнига «Самюэль Спейд» деган ёзувни ўрнатиб қўй. Мен бир соатдан кейин келаман ёки кўнғироқ қиламан.
Спейд «Муқаддас Марк» меҳмонхонасининг алвон гиламлар тўшалган кенг залига кириб келиб, соф мрамар билан қопланган маҳобатли устун олдида тўхтади. Хўш, хизмат, дея табассум билан мурожаат қилди меҳмонхона ходими. Спейд Уандерли хоним қайси хонада эканини сўради. Ходим узоқ куттириб ўтирмай жавоб қайтарди:
— Жаноб Спейд, хоним эрталаб жўнаб кетганлар.
— Миннатдорман.

Спейд залнинг бурчагидаги кичик айвонга ўхшаш хонага кирди. Хонадаги қизил дарахтдан ишланган каттакон стол ортида ёш ва семиз бир одам ўтирарди. Стол устидаги қизил дарахт ва мисдан ясалган учбурчак лавҳага «Мистер Фрид» деб ёзиб қўйилганди. Ёш йигит ўрнидан туриб қўлини тавозе билан Спейдга узатди.

— Мен ҳозиргина газетада ўқидим, Арчерга жуда ачиниб кетяпман, — саломлашгач самимият билан ҳамдардлик изҳор қилди Фрид. — У кеча кечкурун бу ерда бўлганди.

— Раҳмат, Фрид. Сиз у билан сўзлашдингизми?

— Йўқ. Кечга яқин келганимда Арчер залда ўтирарди. Бирон муҳим топшириқни бажараётган бўлса керак, деб ўйладим. Бундай пайтда сизларга халақит бериш нотўғри эканини биламан. Арчернинг меҳмонхонага келиши билан юз берган воқеа ўртасида боғлиқлик борми?

— Билмадим, ҳозирча бир нима дейиш қийин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳмонхонани бу ишга аралаштирмасликка қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз.

— Раҳмат.

— Арзимаиди. Бугун эрталаб меҳмонхоналарингдан Уандерли исмли бир аёл жўнаб кетган. Ўша хоним ҳақидаги маълумотлар билан танишишим лозим.

— Бажонидил, ҳозир аниқлаб бераман.

Фрид ўн беш дақиқалардан сўнг Спейднинг ёнига қайтди.

— Сиз сўраётган аёл ўтган сешанба куни Нью-Йоркдан келган меҳмон сифатида рўйхатдан ўтган экан. Чемодани йўқ, фақат бир нечта сумкаси бўлган. Хонасига ҳеч ким қўнғироқ қилмаган. Деярли ҳеч қандай хат-хабар олмаган. Уни фақат ўттиз беш ёшлардаги, баланд бўйли, қорасоч эркак билан бирга кўришган, холос. Бугун эрталаб соат ўн яримда қаергадир бориб бир соатдан кейин қайтиб келган ва ҳисобкитобни қилиб, сумкаларини машинага элтиб беришни сўраган. Юкни олиб чиққан бола хонимнинг «Нэш» туристик автомобилига ўтирганини айтди. Эҳтимол, ижарага олгандир. Лос-Анжелесдаги «Амбассадор» меҳмонхонасига кетаётганини айтишни ҳам унутмабди.

— Ниҳоятда миннатдорман, Фрид, — тузуккина маълумот олган Спейд ташаккур билдириб «Муқаддас Мар» меҳмонхонасини тарк этди.

Идорага қайтганида Эффи машинкада ниманидир ёзиб ўтирарди. Бошлиғини кўриб бошини кўтарди.

— Дўстинг Данди келиб кетди. Тўппончаларингни кўрмоқчи экан.

— Кўрсатдингми?

— Мен ундан фақат сен ўз жойингда бўлганинга да киришини илтимос қилдим.

— Ақлингга балли. Келаси сафар қуроолларимни кўрсатавер. Ундан кўрқадиган жойим йўқ.

— Уандерли хоним кўнғироқ қилди, бунга нима дейсан?

— Айни муддао-ку! — юзлари ёришиб кетди Спейднинг, — нималар деди?

— Сени кўрмоқчи. — Эффи столдан қалам билан нималардир ёзилган қоғоз парчасини олди. — У Калифорния-стритдаги «Коронет» пансиониди экан, 1001-хона. Лебланк хонимни сўрасин, деди.

— Бер бу ёққа, — Спейд ёндиргичини чиқиллатиб ёқиб Эффи узатган қоғоз парчасини оловга тутди. Ёниб бўлгач, қоғоз куйиндисини линолеум қопланган полнинг бурчагига ташлаб оёғида эринмай янчди...

Қиз унинг ғалати ҳаракатларидан ҳайрон бўлиб елка қисди.

— Мана энди кўнглим жойига тушди, жоним, — Спейд мамнун жилмайиб хонадан чиқди.

Тўртинчи боб

ҚОРА ҚУШ

«Коронет» пансионининг 1001-хонаси эшнгини Уандерли хонимнинг ўзи очди. Яшил ипакдан бежирим қилиб тикилган ҳарир либос кийиб олган аёлнинг кўзларида эҳтирос учқунлари билинар-билимас жилваланар, тўқ-сарик сочлари тўлқин-тўлқин бўлиб елкалари узра ёйилганди.

— Хайрли тонг, — шляпасини бошидан олиб салом берди Спейд.

Саломга жавобан зўр бериб жилмайишга тиришган Уандерли хонимнинг мовий кўзларидаги қизгин ҳиссиёт ифодасига ҳадик соя солиб турарди.

— Кириг, жаноб Спейд, — бошини эгиб, паст ва шикаста овозда таклиф қилди у.

Спейд унинг ортидан ошхона, ванна ва ётоқхона эшиклари ёнидан ўтиб меҳмонхонага кирди.

— Ҳамма ёқ остин-устун, — хижолат чекарди хоним, — мен, ҳатто нарсаларимни жойлашга улгурганим йўқ.

Аёл Спейднинг шляпасини столга авайлаб қўйиб, ёнқоқдан ясалган курсига оҳиста чўкди, Спейд эса унинг қаршисидаги парча қопланган стулга ўтирди.

— Жаноб Спейд, мен қилиб қўйган оғир гуноҳимга иқрорлигимни билдирмоқчиман, — хоним кўрқа-писа кўнглини очди.

Спейд мулойим жилмайиб қўйди.

— Кеча мен сизларга айтиб берган воқеа бошдан-оёқ тўқиб чиқарилганди... — аёлнинг нафаси тикилиб, кўзлари Спейдга қарашга ботинолмасди.

— Ҳа, кечаги гапларни айтяпсизми? Ҳечқиси йўқ, аслида биз сизга ишонмагандик.

— Нега бўлмаса?.. — аёлнинг юзидаги кўрқув ва ҳаяжон аломатлари тушунмовчилик ифодаси билан қоришиб кетди.

— Биз сизнинг пулларингизга ишондик.

Нимани назарда тутяпсиз? — аёлнинг боши қотиб қолганди.

— Айтмоқчиманки, ўз айбингизни ювиш учун бизга керагидан ортиқ пул тўладингиз.

— Яна пул тўлашим керакми?

— Бу ёғини энди вақт кўрсатади, — жин урсин, асл исмингиз нима ўзи, Уандерлими ёки Лебланк?

Аёл қизариб кетиб ўсмоқчилади:

— Менинг исмим О'Шонесси.

— Жин урсин, О'Шонесси хоним, иккала қотиллик, — аёл илкис қалқиб кетди, — бирин-кетин рўй бериб, ҳаммамизни шундай даҳшатга солдики, полициячилар тез ва кескин чоралар кўришга киришиб кетиб, бизнинг қидирувимизга ҳалал беришяпти... — Спейд жимиб қолди, чунки суҳбатдоши унга қулоқ солмаётганди.

— Жаноб Спейд, ростини айтинг, — аёл ҳаяжонга тушаётганди, — тунги воқеаларга менинг даҳлим борми?

Спейд бош чайқади.

— Йўқ, фақат мендан ҳеч нарсани яширмаётган бўлсангиз бас. Албатта, синглингиз ҳақидаги уйдирмалар билан бизни лақиллатмоқчи эдингиз, аммо сизга ишонмадик, демак, сизда заррача айб йўқ.

— Раҳмат, — деди хоним секин, сўнг қўшиб қўйди, — мен ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман... Жаноб Арчер кечагина тирик, бардам ва қувноқ эди...

— Ишимиз шунақа. Кўпинча таваккал қилишимизга тўғри келади. Арчер буни биларди, ачинишдан нима фойда? — Спейд аёлга таскин берди.

— У уйланганмиди?

— Ҳа, аммо болалари йўқ эди, хотини уни севмасди, ҳаётини ўн минг долларга суғурта қилдирганди...

— Илтимос, тўхтатинг, хўрлигим келиб кетяпти... — шивирлади хоним.

— Мен ҳақиқатни айтяпман, — Спейд соатига қараб хонимнинг ёнига ўтиб ўтирди, — ҳозир кўнгил бўшлик қиладиган пайт эмас. Сэм ёқимли, аммо қаттиқ овозда гапирарди. — Атрофимизда бир нечта полициячилар, прокурор ёрдамчилари, газета репортёрлари юришибди. Нима қилмоқчисиз?

— Мен сизнинг бу нарсалардан бутунлай холи бўлишингизни истайман, — жавоб қилди хоним титраган товуш билан, кейин қўрққаннамо қўшиб қўйди:

— Улар мен ҳақимда билишадими?

— Ҳозирча йўқ. Аввал мен сиз билан гаплашиб олмоқчи эдим.

— Менинг сизга ёлғон сўзлаганимни билишса нима деб ўйлашади?

— Бу албатта уларда гумон туғдиради. Мана шунинг учун мен икковимиз гаплашиб олгунимизча уларни сиздан узоқ тутиб турибман. Эҳтимол уларга биронта бошқа эрмак топиб бериш керакдир.

— Демак, сиз менинг қотилликка алоқам йўқлигига ишонасиз?

Спейд илжайди: — Яхши эслатдингиз, сал бўлмаса ёдимдан кўтарилай дебди, сиздан сўрамоқчи эдим: қотилликка дахлингиз борми, йўқми? Хўш, ҳарқалай полициячиларга нима деймиз?

Хоним ўтирган жойида бўйнини қисди, қалин кипрларни остида ўйнаб кетган кўзларини Спейддан олиб

қочишга ҳаракат қилди. Аммо бунинг уддасидан базўр чиқди. Кейин худди ҳимояга муҳтож боладек ғужанак бўлиб олди.

— Балки, улар мен ҳақимда ҳеч нарса билмаганлари маъкулдир? — ўтинди қиз. — Мен бунга чидай олмайман, жаноб Спейд. Мен сизга нима қилиш кераклигини ўргатолмайман, аммо шундай қилингики, мени сўроққа тутиб қийнашмасин. Ҳозир бунга сира тайёр эмасман. Ўлиб қоламан. Ёрдам беринг, жаноб Спейд.

— Ҳаракат қиламан, — деди у, — аммо мен аслида нима бўлаётганини билишим керак.

Ранги оқариб, аъзойи-бадани қалтирашга тушган хоним тиз чўкиб ёлбора бошлади:

— Мен аҳмоқона яшадим, — хонимнинг кўзидан ёшлар қуйиларди, — мен шунчалар ёмон эдимки, сиз буни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Аммо ҳали ҳаммаси туггани йўқ. Менга қаранг, жаноб Спейд, сиз менинг батамом расво бўлиб кетмаганимга ишонасизми? Сиз мени кўриб турибсиз-ку, нима дейсиз. Мен ёлғизман, кўрқувдан юрагим ёрилиб кетай деяпти, сиздан бошқа ёрдам берадиган одамим ҳам йўқ. Мен сизнинг ёрдамингиздан умид қилишим учун, аввало, ўзингизга ишонишим керак. Аммо жаноб Спейд, мен сизга ишонишдан қўрқаман... Нима деб алжираяпман, мен сизга ишонаман, аммо Флойдга ҳам ишонгандим... Энди менинг бошқа ҳеч кимим йўқ, жаноб Спейд. Ёлғиз сизгина менга ёрдам бера оласиз. Ўзингиз ахир айтдингиз-ку. Агар мен ишонмаганимда шу бугуноқ сизга мурожаат қилмасдим, бошим оққан томонга қочиб кетардим... Бошқа бирон ёрдам берадиган одамим бўлганида ҳозир сизнинг рўпарангизда тиз чўкиб турган бўлармидим? Мен хатога йўл қўйдим, аммо жаноб Спейд, менга раҳм қилинг, мендан ҳақиқатни талаб қилманг. Сиз кучли, топқир ва жасур одамсиз. Шу хислатларингиздан менга ҳам озгинагина беринг... Мендан ёрдамингизни дариф тутманг. Бўлак ҳеч ким менга ёрдам беролмайди. Сиздан кўр-кўрона ёрдам сўрашга ҳаққим йўқлигини биламан, аммо илтимос қиламан, ўтиниб сўрайман, ёрдам қилинг. Сизнинг қўлингиздан келади, илтимос...

Хонимнинг узундан-узоқ дил изҳорини тинглаган Спейд йўталиб олди.

— Сиз бировнинг ёрдамига муҳтож эмассиз... Ҳеч ким сизга тақлид қилишнинг уддасидан чиқолмаса керак... Мутлақ ўхшаши йўқ инсонсиз... Айниқса, «раҳмингиз келсин, жаноб Спейд», деган иборани айтаётганингиздаги кўзларингизнинг мўлтирашини, овозингизнинг қалтирашини ҳеч ким ўхшатолмайди...

Хоним ўрнидан сакраб туриб кетди.

— Мен шунга лойиқман! — деди у куйиб-пишиб,— мазахингизга лойиқман... Эй Худо! Ҳақиқатан ёрдамингизга муҳтожман... Аммо сўзларим ёлғон эмас, уларни талаффуз этиш оҳангим ясама, холос. — У ўтирилиб олди, елкалари шалпайиб қолганди. — Сўзларимга ишонмаслигингизга ўзим сабабчиман...

Спейд қизариб кетди, уялинқираб ерга қаради.

— Сиздан қўрққулик.

Бриджит О'Шонесси столнинг олдига келиб Спейднинг шляпасини олди. Кейин аввалги жойига бориб шляпани кўлида шундоқ ушлаб турдики, бордию Спейд оз-моз кўлини узатса бемалол етарди.

Спейд шляпасига қаради:

— Кеча кечқурун нима воқеа юз берди?

Флойд меҳмонхонага соат тўққизда келди. Кейин икковимиз тоза ҳавода айлангани чиқдик. Мен жаноб Арчер таниб олиши осон бўлиши учун шундай қилдим. Кейин Джин-стритдаги ресторанга кириб овқатландик, ўйинга тушдик ва ўн икки яримда қайтиб келдик. Флойд мен билан кираверишда хайрлашди. Мен уни фойедан кузатиб турдим. Шу пайт жаноб Арчер унинг ортидан, кўчанинг нариги томонидан кета бошлади.

— Маркет-стрит бўйлаб демоқчисиз-да?

— Ҳа.

— Уларнинг Буш-стрит ва Стоктон-стритда, Арчер отиб ўлдирилган жойда нима қилганларини билмайсизми?

— Ахир у жой Флойд яшаган меҳмонхонанинг ёнгинасида эмасми?

— Йўқ, бир неча квартал нарида. Хўп, майли, улар кетганларидан кейин сиз нима қилдингиз?

— Ётиб ухладим. Бугун эрталаб нонушта қилгани тушганимда бўлиб ўтган воқеа ҳақида тасодифан ўқиб қолдим. Шундан сўнг Юнион хиёбонига бориб ижарага автомобиль ёлладим. Меҳмонхонага қайтиб

нарсаларимни автомобилга олиб чиқиб беришларини сўрадим. Кечанинг ўзидаёқ шу пансионни топдим. Бу ерга кўчиб келиб сизнинг ишхонангизга қўнғироқ қилдим.

— «Сент-Марк»да сизнинг хонангизни тинтиб кўришибдими?

— Ҳа, кеча мен сизнинг ишхонангизда эканимда тинтув ўтказишган, — у лабини тишлаб қолди, — мен бу ҳақда сизга гапирмоқчи эмасдим...

— Демак, сиз тинтув ҳақидаги саволларга жавоб бермайсиз?

Хоним тасдиқ маъносида бош силкиди.

Спейд қовоғини солди.

Қўлидаги шляпани сезилар-сезилмас ўйнаётган хонимга қараб жеркиб берди:

— Бурнимнинг тагида шляпани елпийверманг, мен ахир бор имкониятимни ишга солиб ёрдам бераман деб ваъда қилдим-ку!

Хоним гуноҳқорона жилмайиб шляпани столга қўйгач, яна Спейднинг ёнига ўтирди.

Сэм гап бошлади:

— Кўр-кўрона ишонишга ҳам тайёрман, аммо ҳақиқатни билмасам фойдам тегиши қийин. Масалан, Флорд Терзбининг ўзи ким, унинг сизга нима алоқаси бор дейлик.

— Флорд билан Шарқда танишганман, — Хоним сўричага қопланган чармдаги гулни бармоғи билан ўйнаб секин гап бошлади. — Ўтган ҳафта бизлар Гонконгдан сузиб келдик. У менга ёрдам бермоқчи эди, аммо ҳимоясиз ва ишонувчанлигимдан фойдаланиб мени сотди.

— Қандай қилиб у сизни сотди?

Хоним жавоб қайтармасликни маъқул топди.

Спейд қовоғини солди.

— Уни кузатиш сизга нима учун керак бўлиб қолди?

— Мен у ҳақда кўп нарсаларни билишим зарур эди. Менга, ҳатто қаерда яшашини айтмаганди. Нима билан шуғулланишини, ким билан учрашиб туришини билишни истардим.

— Арчерни у ўлдирдими?

— Албатта!.. — ҳайратланган ҳолда жавоб қайтарди хоним.

— Аммо Терзби «Люгер»ини филофидан чиқармаган, Арчерни эса бундай тўппончадан отишмаган.

— Плашининг чўнтагида яна битта тўппончаси бор эди.

— Ўзингиз кўрганмисиз?

— О, нималар деяпсиз, мен бир эмас, бир неча маротаба кўрганман. Терзби ҳар доим ўша чўнтагида қурол олиб юрарди. Кеча кечқурун кўрганим йўқ, аммо у ўша тўппончасиз кўчага чиқмасди.

— Иккита тўппончанинг нима кераги бор эди унга?

— Терзби тўппончалар билан пул топарди. Гонконгда Терзбини Шарққа Қўшма Штатларни тарк этишга мажбур бўлиб қолган бир профессионал ўйинчининг тансоқчиси бўлиб келиб қолган дейишарди. Қиморга ўхшаган ўйинларга муккасидан кетган ўша шоввоз кейин ғойиб бўлибди. Айтишларича, унинг йўқолишида Флойднинг қўли бор эмиш. Аниғини билмайман-у, аммо у ҳар доим тиш-тирноғигача қуролланиб юрарди. Кечқурун полга газеталарни ёймасдан ётмасди. Биров сездирмасдан кириб қолмаслиги учун шундай қиларди.

— Ўзингизга жуда зўр ўртоқ топган экансиз-да...

— Фақат шундай одамгина менга ёрдам бера оларди, — деди аёл бамайлихотир, — агар мени сотмаганида албатта.

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, — Спейд унга жиддий, ўйга толган кўзларини қадади. Пешанаси тирришиб, қошлари сурилди: — Сизнинг ҳолатингиз жуда чатоқми?

— Бундан багтар бўлиши мумкин эмас.

— Ҳаётингиз хавф остидами?

— Мен қаҳрамон эмасман. Ўлимдан оғир ҳеч нарса бўлмайди деб ҳисоблайман...

— Демак, мен ҳақман?!

— Агар сиз ёрдам бермасангиз мени албатта ўлдиришади... — хоним қалтираб кетди.

Спейд кафти билан сочларини силади.

— Мен Худо эмасман, — деди у кайфияти бузуқ аҳ-волда, — мўъжиза кўрсата олмайман. Вақт ўтяпти,

аммо мен Терзбини ким ўлдирганини ҳалигача эшитганим йўқ. Билишим ишга ёрдам берарди.

— Оғзига букланган дастрўмолни тутиб олган хоним унинг ортидан сўз қотди:

— Билмайман...

— Сизнинг душманларингизми ёки униками?

— Ким бўлишларидан қатъий назар мен улардан қўрқмайман, лекин кимликларини билмайман...

— Терзби сизга қайси ишда ёрдам бериши керак эди? Нима учун сиз уни Гонконгдан бу ерга бошлаб келдингиз?

Хоним унга чўчинқираб нигоҳ ташлаб қўйди, жимгина бошини чайқади. Фамгин юзиде қайсарлик аломати пайдо бўлганди. Спейд ўрнидан турди. Қўлларини чўнтагига солиб хонимга норозилик билан қаради.

— Ҳеч нарса равшан бўлмапти. Мен сиз учун ҳеч нарса қилолмайман. Ҳатто мендан нима истаётганингизни билмайман. Сиз ўзингизга нима зарурлигини ҳам билмайсиз деган гумондаман.

О'Шонесси хоним бошини эгиб йиғлаб юборди. Сэм қандайдир ҳайвон ириллагандек товуш чиқариб столдан шляпасини олди.

— Илтимос, — бошини кўтармасдан, бўғиқ, паст овозда ёлборди хоним, — полицияга хабар қилманг...

— Полицияга хабар қилманг! — жаҳл билан бақариб юборди Спейд. — Полициячилар эрталаб тўртдан буён ортимдан юришибди. Улардан қутулиш учун нима қилишга ақлим етмаяпти. Қайси мукофот учун мен ўз бошимни фалвага тикяпман, нима, сизга ёрдам тегиши, сизга яхши кўриниш учунми? Йўқ, мен бундай қилолмайман, бунинг учун ҳаракат ҳам қилиб кўрмайман. — У шляпасини бошига кийиб, дурустроқ бостириб олди. — «Полицияга борманг» эмиш. Мен боришим шарт эмас, қоққан қозикдек жойимдан жилмай тураверсам ҳам уларнинг ўзлари асалга ёпишган пащшадек учиб келаверишади! Мен бор гапни айтишимга тўғри келади, сиз бўлса бу вазиятдан хоҳлаганингизча чиқаверасиз!

О'Шонесси хоним ўрнидан туриб қаддини ростлади, аммо тиззаларининг титраши, лаблари ва жағининг учиши босилмасди.

— Сиз менинг гапларимга чидадингиз... Ёрдам қилгингиз келди, аммо фойдаси бўлмади... Менга қилган

яхшиликларингиз учун раҳмат... Бу ўйиндан ўзим чиқаман...

Спейд яна ҳайвонга ўхшаб ириллади ва сўричага ўтириб олди.

— Қанча пулингиз бор?

Саволдан эсанкираб қолган аёл пастки лабини тишлаб, базўр жавоб қилди:

— Беш юз доллар атрофида қолди...

— Уларни бу ёққа беринг!..

Аёл иккиланиб, қўрқиб Сэмга қаради. Спейднинг барча аъзолари: лаблари, қошлари, кўзлари, елкалари унинг ниҳоятда жаҳли чиққанини намоён қилиб турарди.

Ётоқхонага кириб кетган хоним бир зумда қўлида пул билан ортига қайтиб чиқди. Спейд пулни шошилмай санади.

— Бу ерда фақат тўрт юз-ку?..

— Тирикчилик учун менда ҳам пул бўлиши керакда...— итоаткорона тарзда қўлини кўксига қўйди хоним.

— Яна топа оласизми?

— Йўқ...

— Сотиб юборадиган нарсаларингиз бордир?..

— Узугим ва яна баъзи бир безакларим бор...

— Уларни гаровга қўйинг. Бунинг учун энг яхши жой — Мишин-стриг ва бешинчи авеню бурчагидаги «Ремедиал».

Хоним Спейднинг совуқ ва раҳмсиз боқаётган кўзларига дош беролмай аста қўлини чўнтагига солиб, у ердан қувурча қилиб ўралган бир нечта банкнотни чиқариб узатди.

Спейд банкнотларни бир-бир кўздан кечириб чиқди: тўртта йигирма долларлик, тўртта ўн долларлик ва битта беш долларлик. Хонимга иккита ўнталик ва бешталикни қайтариб бериб, қолганларини ўзининг чўнтагига солди. Кейин ўрнидан кўзгалди.

— Мен кетдим, сизга қандай ёрдамимиз тегишини ўйлаб кўраман. Имконини топишим билан қайтиб келаман. Эшик қўнғироғини тўрт марта босаман: узоқ, қисқа, узоқ, қисқа. Мени кузатмай қўяқолинг. Ўзим эшикни очиб оламан.

Аёл йиғламсираган мовий кўзлари билан боқиб, хонанинг ўртасида турганча Сэмни кузатиб қолди.

Спейд эшигига «Уайз, Мэрикэн ва Уайз» деган лавҳа осифлиқ идоранинг қабулхонасига кирди. Коммутаторда ўтирган малла қиз уни кўриб саломлашди:

— О, салом. Спейд жаноблари!

— Салом, менинг қуёшим, Сид ўз жойидами?

Қиз штекер ва уялар билан банд чоғида Сэм унинг дўмбоқ елкасига қўлини қўйиб турди. Ниҳоят қиз микрофон орқали хабар қилди:

— Уайз жаноблари, сизнинг олдингизга жаноб Спейд келди. — Кейин унга юзланди: — Боринг, сизни кутяпти.

Спейд миннатдорчилик белгиси сифатида қизнинг елкаларини енгилгина қисиб қўйди ва қабулхонадан ўтиб хира ёритилган даҳлизга кирди. Даҳлизнинг охиридаги ойналари қорайтирилган эшик олдига бориб тўхтади. Эшикни очиб ичкарига кирганда хонадаги устида бир даста қоғозлар уюлиб ётган каттакон стол ортида қара кўзлари ҳорғин, сочлари кепакли кичкинагина одам ўтирарди. У ўчиб қолган тамаки қистирилган бармоқлари билан ишора қилди:

— Стулни олиб ўтир. — Демак, Майлз кеча бу ҳаётдаги энг сўнгги совғасини олди, дегин? — унинг на ҳорғин юзида, на ўткир овозида бирон-бир ачиниш бор эди.

— Ҳа, айнан шунинг учун мен сенинг олдинга келдим. — Спейд қоғоғини уюб йўталди. — Айтчи, Сид, мен шахс даҳлсизлиги баҳонасида қонунчилардан мижозларимнинг сирини ёки шунга ўхшаш бирон-бир нарсани яширсам бўладими?

Сид елкаларини кўтариб, лабларининг учини пастга туширди. — Албатта-да. Дастлабки суриштирув — бу ҳали суд суриштируви эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам «Тошга сол, бахтингдан кўр» нақлига амал қилсанг бўлади. Авваллари бундан баттар ишларни ҳам писта қилиб чақиб юборардинг-ку.

— Биламан, аммо Данди жуда ҳаддидан ошиб кетди, ундан осонликча қутулиб бўлмайди деб қўрқаман. Шляпангни кий, Сид, огоҳлантириб қўйишимиз зарур бўлган одамнинг олдига бориб келамиз. Мен ўзимни ҳимоя қилишим керак.

Сид Уайз қоғозлар уюмига қараб манглайини тириштирди, аммо ноилож стулдан туриб дераза ёнидаги шкафага яқинлашди.

— Сира тинч қўймайсан-да, Сэм, — деди у шляпасини илгадан олаётиб.

Спейд ўзининг идорасига бешдан ўн дақиқа ўтганда келди. Хонада Эффи Перин «Тайм»ни ўқиб ўтирарди. Спейд столга ўтириб ундан сўради:

— Дунёда қандай ҳайратли воқеалар рўй берибди?

— Дунёда ҳеч нима. Аммо сен миллион доллар ютиб олган одамга ўхшаб ўзингда йўқсан.

Спейд мамнун илжайди.

— Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Мен ҳар доим Майлз ишдан кетса ёки ўлиб-нетиб қолса, бундан ютамиз, холос, деб ўйлардим. Сен менинг номимдан гулчамбар юборишни зимманга оласанми?

— Юбориб бўлдим.

— Сен бебаҳосан, фариштам. Ўзингнинг аёл сифатидаги сезувчанлик қобилиятингни синаб кўрмайсанми?

— Сен мендан нимани истайсан?

— Уандерли хоним ҳақида қандай фикрдасан?

— Яхши, — сира иккиланмай жавоб берди қиз.

— Унинг исмлари ҳаддан зиёд кўп — Уандерли, Лебланк, энди бўлса, менинг ҳақиқий исмим О'Шонесси деяпти.

— Менга деса телефон китобидаги барча исм-фамилияларни ўзиники қилиб олмайдами? Ишқилиб, унга бирон кор-ҳол бўлгани йўқми?

— Билмадим, — Спейд уйқусираб қизга қаради, кейин хурсандлиги сабабини ошкор қилди: нима бўлганда ҳам икки кун ичида ундан етти юз доллар олдик, мана буниси зўр бўлди.

Эффи Перин ўтирган жойида ўзини ростлаб олиб, огоҳлантирди:

— Сэм, агар шу қизга қўлингдан келган ёрдамни кўрсатишни лозим топмасанг ёки унинг қийин аҳволдан фойдаланиб сўнги пулигача юлиб олсанг, сени ўлгунимча кечирмайман.

Спейд зўрама-зўраки кулди. Кейин худди шундай айёрона хўмрайди. Энди сўзга лаб жуфтлаган эди ҳамки, даҳлиздан кимнингдир қадам товуши эшитилди.

Эффи ўрнидан туриб қабулхонага чиқди. Спейд шляпасини олиб ўзининг курсисига ўтирди. Тез фурсатда қиз қўлида ташриф қоғози билан қайтиб кирди. Спейд уни олиб ўқиди: «Жаноб Джозел Кэйро».

— Жуда ғалати одам экан, — деди қиз.

— Таклиф қил уни, азизам...

Жаноб Джозел Кэйро ўрта бўйли, кичик юзли, қора сочлари силлиқ қилиб таралган одам экан. Тўқ кўк рангдаги галстугида тўртта бриллиант ўрнатилган тўртбурчак шаклидаги ёқут порларди. Эгнидаги қора пальтоси тўла кетига яқинлашган жойда кенгайган, шими оёқларига ёпишган, табиий чармдан тикилган ботинка кийган оёқларининг очиқ жойларини сариқ пайпоқ ёпиб турарди. Чап қўлида қора шляпасини ушлаганча, одамнинг кулгисини келтирадиган даражада майда қадамлар ташлаб Спейднинг олдига яқин келди. У кириши билан хонани «Шипр»нинг ўткир ҳиди тутиб кетганди.

Спейд ўтиришга жой кўрсатди:

— Ўтиринг, жаноб Кэйро.

Кэйро таъзим қилиб, ингичка овозда «ташаккур», деди. Оёқларини чалкаштириб ўтириб, шляпасини тиззасига қўйди ва сариқ қўлқопини ечди.

Спейд курсига суяниб олганча сўради:

— Хўш, хизмат, жаноб Кэйро?

Кэйро шляпасини ағдариб, унинг ичига қўлқопини жойлади ва столнинг бурчагига қўйди. Чап қўлининг кўрсаткич ва номсиз бармоқларида бриллиант ва ўртанча бармоғида ёқут чақнади, худди галстугидаги ҳошияли ёқутдек. Юмшоқ, парвариш қилинган қўллари калта бармоқлари туфайли бесўнақай кўринарди.

— Менден бир бегона одам шеригингизни бевақт йўқотганингиз муносабати билан ҳамдардлик билдирсам майлими?..

— Раҳмат.

— Жаноб Спейд, газеталарда ёритилгандек, шеригингизнинг ўлими билан Терзби исмли одамни ўлими ўртасида боғлиқлик борми?

Спейд жавоб бериш ўрнига намойишкорона лом-мим демади.

Кэйро ўрnidан туриб негадир таъзим қилди.

— Кечирасиз, — у ўтириб қўлини кафт томони билан столнинг бурчагига қўйди. — Мен, жаноб Спейд, шунчаки бунга қизиққанимдан сўраётганим йўқ. Агар мумкин бўлса, бошқалар қўлига тушиб қолган бир фаройиб нарсани излаш билан шуғулланаяпман. Мен

сизнинг ёрдам беришингизга, қўллаб-қувватлашингизга ишонаман.

Спейд уни диққат билан эшитаётганини билдирмоқчи бўлиб, қошини чимирди.

— Ўша гаройиб нарса қора қушча шаклидаги ҳайкалча, — давом этди Кэйро ҳар бир сўзни танлаб, таъкидлаб талаффуз этар экан.

Спейд мулойим бош ирғаб қўйди.

— Ҳайкалчани топиб, ҳақиқий эгасига қайтаришда ёрдам беришингиз учун мен унинг номидан сизга беш минг доллар бермоқчиман...

— Беш минг — катта пул, — деди Спейд Кэйрога ўйчан нигоҳ ташлаб, — улар...

Шу пайт кимдир аста эшикни тақиллатди.

Спейд «киринг» деб улгурмасдан эшик қия очилиб, бошини суққан Эффи Перин елкасига қадар ичкарига кирди. У бошига унча катта бўлмаган қора шляпа, эгнига қундуз ёқали қора пальто кийиб олганди.

— Мен яна керак бўламанми? — сўради у.

— Йўқ. Омон бўл, кетаётганингда эшикни ёпишни унутма.

— Хўп, хайр, — деди эшикни ёпар экан қиз.

Спейд яна Кэйрога ўгирилди:

— Бу жуда катта пул...

Шу пайт Кэйро кулимсираб туриб сира кутилмаганда ички чўнтагидан кичкина, текис қора тўппонча чиқарди.

— Марҳамат қилиб, — деди у, — қўлингизни бошингизнинг орқасига қилинг...

Бешинчи боб

ЛЕВАНТИЯЛИК

Спейд тўппончага қараб ҳам қўймади. У курсига суянганича қўлларини кўтариб бошининг орқасига ўтказди ва бармоқларини бир-бирига чалкаштирди. Хотиржам, сокин кўзлари Кэйронинг қорача юзидан узилмасди.

Кэйро уялгандек алфозда йўталиб олгач, ниҳоят жиддий оҳангда деди:

— Мен, жаноб Спейд, идорангиз биносини тинтиб кўришни ўйлаб турибман. Огоҳлантириб қўяй, борди-ю, қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат қилсангиз, отиб ташлайман.

— Билганингизни қилинг. — Спейднинг овозида худди юзидаги заррача ҳаяжон сезилмасди.

— Илтимос, ўрнингиздан туринг, — буюрди Кэйро. — Мен сизнинг қуролсиз эканлигингизга ишонч ҳосил қилишим керак.

Спейд курсини суриб ўрнидан турди. Кэйро Спейдни айланиб ўтиб, унинг орқасида тўхтади. Тўппончани ўнг қўлидан чап қўлига олди. Кейин Спейднинг костюми этагини кўтариб, орқасига тўппонча қистириб олган-олмаганлигини текширди. Тўппончанинг учини изқуварнинг белига қадаб, ўнг қўли билан кўкрагини пайпаслаб кўрди. Айнан шу лаҳзада ўз кучига ортиқча баҳо бериб юборган левантияликнинг юзи Спейднинг ўнг тирсагидан қандайдир уч энлик пастга тўғри келиб қолди. Спейд бундай қулай имкониятни қўлдан чиқариши мумкин эмасди. У тирсагини бир оз тушириб Кэйронинг жағига қаттиқ зарба берди, левантияликнинг юзи орқага ўгирилиб кетди. Агар Спейд табиий теридан тикилган ботинкасини товони билан қаттиқ босиб олмаганида, левантиялик бундай кучли зарбадан ағдарилиб кетиши аниқ эди. Кейинги сонияда Спейднинг тирсаги эсанкираб қолган Кэйронинг тўппонча ушлаб турган қўлига урилди. Кэйро оғриққа чидолмай тўппончани ташлаб юборди. Тўппонча изқуварнинг қўлида худди ўйинчоққа ўхшарди.

Ташаббус бутунлай Спейдга ўтгач, у товонини Кэйронинг оёғидан олиб, юзига юзини тўғирлади. Чап қўли билан костюмининг этагидан ушлаб, қўлга киритган қуролини ўнг қўли билан ўз чўнтагига солиб қўйди. Қора кўзлари ёшланган Кэйронинг юзи оғриқдан буришиб кетди. Ранги кўрғошиннинг рангига ўхшаб қолган, фақат тирсак теккан жой қизил доғ бўлиб қолганди. Спейд рақибини сиқишни бўшаштирмай, ҳозиргина ўзи ўтирган курсига қадар судраб борди. Ўнг елкаси бир оз кўтарилди, букилган ўнг қўли бир оз орқага силжиди, мушти, билаги, елка олди, ҳаммаси жипслашди, фақатгина елкаси ҳаракат қиларди. Навбатдаги, ҳал қилувчи мушт Кэйронинг юзига келиб тушди.

Спейд кўзлари юмилиб, ҳушидан кетган Кэйронинг лапшайган танасини стулга туширди. Оёқ-қўлларини ёзиб олган Кэйронинг боши стулнинг белига қадалиб, жағи осилиб қолганди.

Бир зумда Спейд ҳушсиз ётган одамнинг чўнтакларини битта қолдирмай ағдариб чиқди. Кўп ўтмай стол устида ҳар хил нарсаларнинг каттагина уюми пайдо бўлди. Охирги чўнтакни ковлаб бўлгач стулга ўтирди. Тамаки ўраб лабига қистирди ҳамда ўлжаларни жиддий тарзда, шошилмай, диққат билан кўздан кечиришга тушди. Аввал юмшоқ, қора теридан қилинган катмонни текширди. Катмондан ҳар хил қийматдаги пуллардан иборат уч юз олтмиш беш америка доллари, Англиянинг учта беш фунтлик банкноти, Кэйронинг кўплаб суратлари ва визалари, грек паспорти, Арчер ва Терзбининг ўлими ҳақидаги газетадан қирқиб олинган мақола, бир тўп жанобларнинг ва қорасоч аёлнинг суратлари, Кэйронинг ташриф қоғозлари ва «Джиариал» театридаги бугунги кечки томошага олинган иккита билет чиқди.

Катмон ва ундаги нарсалардан ташқари чўнтаклариди «Шипр» сепилган учта рангли ипак дастрўмол, «Пончин» фирмасининг олтин ва платинадан тайёрланган занжирли соати, кўплаб Америка, Англия, Франция, Хитой тангалари, бир шода калит, кумуш авторучка, тери филофли металл тароқ, Сан-Франциско шаҳри ҳақида китобча, «Бельведер» меҳмонхонасининг тўрт дона оқ ёзув қоғози бор экан. Қоғозлардан бирига Самюэл Спейднинг исми, идораси ва уйининг манзилгоҳлари ёзилганди.

Спейд ҳамма буюмларни синчковлик билан кўриб чиқди. Ҳатто ичига бирон нарса яшириб қўйилган бўлмасин деган ҳаёлда соатнинг қоғоғини очиб текширди. Текширувни сўнггига етказгач, Кэйронинг билагини икки бармоғи билан ушлаб, томир уришига қизиқди. Кейин мажолсиз қўлни қўйиб юбориб ўрнига ўтирди ва тамаки ўради. Хотиржамлик ва лоқайдлик билан тамаки тутатар экан, Кэйронинг эшитилар-эшитилмас хўрсиниб қўя бошлаганини эшитиб масхараомуз илжайди.

Кэйро секин-аста ўзига келаётганди. Дастлаб кўзини очиб, деярли бир дақиқа мобайнида шифтга қараб ётди. Кейин оғзини юмиб, ютиниб олди ва чуқур уҳ тортди. Битта оёғини узатиб, сонини ушлаб кўрди. Анграйганча

кабинетга назар солар экан, Спейдни кўриб қолиб ҳушёр тортди ва қаддини ростлади. Нимадир демоқчи бўлиб оғзини очди-ю, шу заҳоти оғриққа дош беролмай юмиб олди. Юзининг Спейд келиштириб мушт туширган қисми кўкариб кетганди. Ниҳоят, оғриқни босиб, тишлари орасидан сўз қотди:

— Мен сизни отиб қўйишим мумкин эди, жаноб Спейд.

— Отиб қўйишингиз эмас, отишга уриниб кўришингиз мумкин эди, — унинг гапини тўғирлади Спейд.

— Аммо мен уринмадим...

— Биламан...

— Нега мени, қуролсиз одамни урдингиз?

— Айбдорман, — Спейд бўриникига ўхшаш олд тишларини кўрсатиб иршайди, — аммо сиз менинг беш минг доллар ҳақидаги гапингиз мутлақо ёлғон эканлигини билганимдан кейинги ҳолатимни тасаввур қиляпсизми?

— Янглишяпсиз, жаноб Спейд, таклифим ҳали ҳам ўз кучида турибди.

— Нималар деяпсиз? — Спейд ростакамига ҳайратланди.

— Мен ҳайкалчани қайтаришлари учун беш минг доллар тўлашга тайёрман. — Кэйро ярадор юзидан қўлини олиб, ишчанлик руҳида сўради. — Уша нарса сиздами?

— Йўқ.

— Агар у бу ерда бўлмаса нима учун ҳаётингизни хавф остида қолдириб идорангизни тинтиб кўришимга халақит қилдингиз? — сўради Кэйро мулойим овозда, аммо ишончсизлик билан.

— Мен дабдурустдан томоғимдан бўғишларига ўрганмаганман. — Спейд Кэйронинг столдаги буюмларини туртди. — Сизда уйимнинг манзилгоҳи бор экан, у ерда бўлишга улгурдингизми?

— Ҳа, жаноб Спейд. Мен ўша нарсани қайтариш учун беш минг доллар тўлашга тайёрман. Аммо ишонинг, ўзим аввал унинг ҳақиқий эгасини бундай сарфдан холи қилиш йўлини топишим керак.

— Ким ўша одам?

— Мени кечиринг, бу саволингизни жавобсиз қолдиришга мажбурман, — Кэйро кулимсираб бошини чайқади.

— Шундай денг? — Спейд битта лабида кулиб бир оз олдинга интилди. — Кэйро, сиз менинг кўлимдасиз. Сиз бу ерга келиб-келмай воқеаларга шундай ўралашиб қолдингизки, энди полиция албатта сизнинг кечаги қотилликларга алоқангиз бор ё йўқлиги билан қизиқиб қолади.

Кэйронинг муғамбирона боқаетган кўзларида хавотир сезилмади.

— Бу ерга келишдан олдин, — деди у, — сиз ҳақингизда етарли маълумот йиғдим ва фойдали муносабатларга путур етказадиган бўлмағур фикрларга эътибор бермайдиган ақлли одам эканингизга ишонч ҳосил қилдим.

— Қани ўша, муносабатларимизнинг фойдаси? — лабларини чўччайтириб елка қисди Спейд.

— Мен сизга беш минг доллар таклиф қилдим...

Спейд катмонга бармоқлари билан дўқиллатиб урди:

— Бу ерда ҳеч қандай беш минг долларнинг ҳиди ҳам йўқ. Мени лақиллатмоқчи бўляпсиз. Сиз шундай йўл билан бемалол менга осмондаги ойни узиб беришим учун миллион доллар ваъда қилишингиз ҳам мумкин...

— Тушунаман, тушунаман, — деди Кэйро ўйга толиб шифтга нигоҳ ташлар экан. — Сиз менинг гапларимга ишониниш учун кафолат талаб қияпсиз. — У бармоғининг учи билан пастки лабини силаб қўйди, — пулнинг маълум бир қисмини олдиндан тўласам нима дейсиз?

— Ёмон бўлмасди...

Кэйро катмонга кўлини узатмоқчи бўлиб туриб иккиланиб тўхтаб қолди:

— Ўзингиз юз доллар олинг.

Спейд катмонни кўлига олиб ундан юз доллар чиқарди. Кейин ўсмоқчилаб «икки юз бўлса ҳам зарар қилмайди», деди-да, яна юз доллар олди.

Кэйро индамай ўтирарди.

— Сизнинг биринчи тахминингизга кўра, қуш менда, — деди Спейд пулни чўнтагига жойлар экан. — Аммо тахминингиз хато. Иккинчиси қандай эди?

— Сиз унинг қаердалигини, ҳеч бўлмаса, қаердан топиш мумкинлигини биласиз деб ўйлайман.

Спейд кейинги гапларни рад ҳам қилмади, маъқулламади ҳам. Гўё ҳеч нарсани эшитмаётганди.

— Сиз номидан иш юритаётган одамнинг ҳайкалчанинг ҳақиқий эгаси эканини қандай қилиб исботлайсиз? — сўради у бир неча сониядан сўнг.

— Исботлашим мумкин. Аммо исботимнинг тўлиқ чиқишига кўзим етмайди. Фақат бир гапни, назаримда энг муҳим масалани таъкидламоқчи эдим: ундан бошқа ҳеч ким сизга ҳайкалчанинг ўзига тегишлилиги ҳақидаги асл гувоҳномани кўрсатолмайди. Агар бу иш ҳақида мен билганчалик маълумотлардан хабардор бўлганингизда эди, унинг ҳайкалчага эгалик қилиш ҳуқуқи бошқаларникидан кўра асосли эканига шубҳангиз қолмасди. Масалан, Терзбининг ҳуқуқидан кўра...

— Унинг қизи-чи? — тўсатдан сўради Спейд.

Таажжубдан Кэйронинг кўз қорачиқлари кенгайиб кетди, оғзи очилиб, юзи қизарди. Одамни тешиб юборгудек овозда чинқирди:

— Аммо қуш унга тегишли эмас!

— О-о, — Спейд маънодор жилмайиб уйқусиради, сўнг таклиф киритди: — Эҳтимол, карталаримизни очиб, ошқора ўйин ўйнасак иккаламизга ҳам яхши бўларди.

— Мен эса бундай ҳисобламайман, — уқтирди Кэйро. — Сизга мендан кўра кўпроқ нарсалар маълум бўлса, улар билан ўртоқлашганингиз менга фойда, сиз учун эса беш минг доллар муҳим. Йўқса, бу ерга келиб хато қилибман, сизнинг таклифингизни қабул қилиш эса навбатдаги қўпол хатоим бўлиши мумкин.

Спейд лоқайдлик билан бош силкиди ҳамда Кэйронинг буюмларига ишора қилди:

— Анавиларни йиғиштириб олинг. — Кэйро нарсаларни бирма-бир чўнтақларига жойлар экан, Спейд қўшиб қўйди: — Шундай келишамиз: сиз қора қушни топгунимча кетадиган харажатларимни тўлаб, иш бир ёқли бўлгач, яна беш минг доллар берасиз.

— Келишдик, жаноб Спейд. Демак, ҳозирги олганингиздан ташқари яна беш минг, тўғрими?

— Албатта. Фақат шундагина адолатли битим тузилган деб ҳисоблаш мумкин. — Спейднинг юзида тантанавор ифода балқиди, фақат кўзларида билинарбилинимас маккорона кулги бор эди. — Сиз мени қотилликка ёки босқинчиликка ёллаётганингиз йўқ. Тортиб олинган қимматбаҳо бойликни имкони борича қонуний,

ҳалол йўл билан ўз эгасига қайтаришни илтимос қил-
япсиз, шундайми?

— Имкони борича, — маъқуллади Кэйро. — Унинг юзи ҳам мамнун ёришганди. — Ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёткорлик зарур. — У ўрнидан туриб шляпасини олди. — Агар мен билан боғланишга тўғри келиб қолса «Бельведер» меҳмонхонасининг олти юз ўттиз бешинчи хонасида тураман. Мен ҳамкорлигимиз наф келтиришига чин юракдан ишонаман, жаноб Спейд. — Кэйро бир муддат иккиланиб қолди. — Тўппончамни олсам майлими?

— Ҳа, айтгандек, албатта, мен уни тамоман унутиб ҳам қўйибман. — Спейд тўппончани чўнтагидан чиқариб Кэйрога узатди.

Кэйро тўппончани олибоқ уни Спейднинг кўксига тўғрилади.

— Илтимос, қўлингизни столга қўйинг, — буюрди у таҳдид билан. — Мен барибир стилингизни кўздан кечиришим шарт.

— Жин урсин, — ғудранди Спейд. Кейин ҳеч гап бўлмагандек кўшиб қўйди: — Яхши, бошлайверинг, мен сизга халақит бермайман.

Олтинчи боб

КИЧИК ИЗҚУВАР

Джозэл Кейронинг кетганига ярим соат бўлган, Спейд эса ҳамон қовоғини солинтириб столдан нигоҳини узмай ўтирарди. Ниҳоят, у бесамар хаёлларни бир четга суриб энгил тортган одамдек аниқ хулосага келди: «Нима бўлса бўлар, бунинг учун менга ҳақ тўлашади», — шундай дея столнинг қутисидан «Манхеттен» коктейли шишасини ва қоғоз стакан олди. Стаканнинг учдан икки қисмини тўлдириб, ичди, шишани жойига қўйиб, стаканни хона четидаги челақка ташлади. Шляпасини кийиб, чироқни ўчирди ва кўчага чиқиб кетди.

Спейднинг идораси жойлашган бинонинг бурчагида йигирма ёшлардаги, бўйи пастроқ, эгнига плаш ҳамда бошига бежирим кулранг кепка кийиб олган бола ту-
рарди.

Спейд Саттер-стрит бўйлаб юриб Кеарнигача борди. Тамаки дўконига кириб бир жуфт «Булл Духрам» қутисини сотиб олди. Кўчага чиққанида бола қарама-қарши томонда, трамвай кутаётган бир гуруҳ одамлар қаторига қўшилиб олганди.

Спейд «Бельведер» меҳмонхонасига кириб, назоратчидан Кэйро ҳақида сўраб-суриштирди. Меҳмонхонада йўқ экан. Ҳалиги ёш йигит залнинг нариги бурчагида ўтирарди. Спейд театрга борди, у ерда ҳам Кэйрони учратолмай йўлнинг нариги томонига ўтиб кута бошлади. Ёш йигит эса «Маркарад» ресторани олдида пайдо бўлиб, бошқа одамлар каби сайр қилиб юрарди.

Соат тўққиздан ўн дақиқа ўтганда Джозэл Кэйро пайдо бўлди. Геарнстрит бўйлаб майда-майда қадам ташлаб кетаётганди. Спейд елкасига туртгандагина уни пайқади. Кэйро бир дақиқа ҳайрон бўлиб турди-да, кейин эслади:

— Эҳ, ҳа, сиз театрга олинган билетни кўрган эдингиз-да!..

— Ҳа. Мен эса сизга бошқа бир нарсани кўрсатмоқчиман... — Спейд уни йўлакчанинг одамлар озроқ қирғоғига бошлаб борди. — Ҳов ана, «Маркарад» ресторанининг ёнида ўйнаб юрган кепка кийиб олган болани кўряпсизми?

— Ҳо-о-зир... — каловланди Кэйро. У аввал ўз соатига, кейин Геарн-стрит томонга қаради. Театрнинг афишасини кўздан кечириб бўлгачгина нигоҳини кепка кийиб олган болага йўналтирди. Унинг кўзларини тўсиб турган узун киприкларига, оқаринқираган юзига разм солди.

— Ким у? — сўради Спейд.

Кэйро табассум қилди.

— Мен уни танимайман.

У бутуни шаҳар бўйлаб ортимдан юрибди.

Кэйро пастки лабини ялади.

— Бизни бирга кўриб қолгани яхшими?

— Қаердан билай? — деди Спейд. — Яхшими, ёмонми, аллақачон кўриб бўлди-ку.

Кэйро шляпасини олиб сочини қўлқопи билан силаб қўйди. Шляпани чиройли қилиб қайта кийиб олгач дангал гапиришга ўтди.

— Жаноб Спейд, сизга сўз бераман, мен уни танитайман. У билан ҳеч бир боғлиқлигим йўқлигига оғтичаман. Сиздан бошқа ҳеч кимдан ёрдам сўраганим йўқ, бу чин сўзим.

— Хўш, балки у бошқа компаниядандир?

— Балки...

— Мен бир нарсани аниқлаб олишим керак: меъдама тегиб кетса уни отиб юборишим мумкинлигига қандай қарайсиз?

— Хоҳлаган ишингизни қилинг, менга фарқи йўқ.

— Тушунарли. Спектакль бошланишига оз қолди. Яхши боринг, — деди Спейд ва шаҳарнинг шарқий томонига кетаётган трамвайга чиқиб олди. Кепка кийиб олган ёш йигит ҳам ўша трамвайга чиқди.

Спейд Хайд-стрит бекатида тушиб уйига кирди. Квартирада ҳамма нарса жойидага ўхшар, аммо тинтув қилингани сезилиб турарди. Спейд ювинди, тоза кўйлагини кийиб уйдан чиқди, Саттер-стритгача пиёда бориб яна трамвайга ўтирди. Йигитча ҳам шу ерда ҳозир нозир эди...

Олтинчи бекатда трамвайдан тушган Спейд жигаранг, баланд бинонинг олдида тўхтади. Вестибюлдаги эшикка ўрнатилган автоматик қулфнинг учта тугмасини бир вақтда босди. Қулф шиқирлаб эшик очилди. Зинапоя ва лифтни айланиб узун, сариқ даҳлизга ўтди. Орқа эшиккача бориб ундан тор ҳовлига, ҳовлидан қоронғи кўчага чиқди. Икки квартал юриб, Калифорния-стритга етди. У меҳмонхонага кираётганда соат кечқурунги тўққиз ярим эди.

Спейдни бошқа кўришдан умидини узган Бриджит О'Шонесси унинг яна кириб келганидан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, ўзини кўйгани жой тополмай қолди. У бошдан-оёқ мавсумга биноан кийинганди: эгнида мовий ва сариқ гулли сатин кўйлак, оёғида нафис пайпоқ ҳамда ялтироқ туфли.

Меҳмонхона бу сафар ҳавас қилгудек тартибга келтирилган, кулранг сопол идишлардаги гуллар уни янада файзли кўрсатарди. Ўчоқда ўртача узунликдаги учта ўтин ёнарди. Аёл шляпа ва плашини кириш хонасидаги илгакка илгунга қадар Спейд оловнинг ёнишини кузатиб турди.

— Яхши хабарлар олиб келдингизми? — ёқимли овозда, аммо хавотирланиброқ сўради аёл меҳмонхонага киришгач.

— Ҳаммага маълум гапларни айтиб ўтиришга ҳожат йўқ.

— Мен ҳақимда полицияга айтиш шарт эмасми?

— Йўқ.

Бриджит енгил нафас олди. Сўричага ўтириб, Спейдга чиройли табассум ҳадя қилди: унинг кўзлари завқдан, қувончдан порларди.

— Бунга қандай эришдингиз? — Қизиқишдан кўра кўпроқ одоб нуқтаи назаридан сўради аёл.

— Сан-Францискода ҳамма нарсани сотиб олиш ёки тортиб олиш мумкин.

— Балки сиз таваккал қилгандирсиз? Илтимос, ўтиринг, — хоним сурилиб жой бўшатди.

— Ақлни ишлатган ҳолда таваккал қилишга ҳеч қачон қарши бўлмаганман, — ўзига нисбатан ишонч билан мамнун жилмайди Спейд. У ўчоқ олдида турганча аёлга ошкора суқ билан боқарди.

Бриджит қизариб кетди. Бир оз чўчинқираши ҳам бор эди, аммо ўзини ўтган сафарги учрашувдагидан кўра эркинроқ ҳис қиларди.

Спейд ўчоқ олдида бир оз туриб, сўричага яқинлашди.

— Сиз барибир ўзингизни бошқа одам қилиб кўрсатишга уриняпсиз, шундай эмасми? — сўради у ўтираётди.

— Нимани назарда тутаётганингизни тушунмаяпман... — хоним Спейдга ҳайрат билан, саволмуз юзланди.

— Сиз ўзингизни мактаб ўқувчисидек тутяпсиз, — изоҳ берди у, — тутилиб-тутилиб сўзлашингиз, қизариб кетишингиз, барча-барчаси найранг...

Бриджит қизишиб кетиб дарҳол ўзини оқламоққа киришди:

— Сизга айтгандим-ку, баъзан ўзимни шу қадар аҳмоқона тутаманки, ҳатто тасаввур ҳам қила олмай-сиз...

— Мен ҳам худди шу ҳақда, — деди Спейд, — олдиндан тайёрлаган дил изҳорингиз ҳақида айтмоқчи

эдим. Яна илгариги сўзларингизни айнан ўша оҳангда қайтардингиз, ажаб...

Аёл йиғлаб юборгудек даражада қаттиқ хижолатга тушди-да, тўсатдан кулиб юборди.

— Яшириб нима қиламан, жаноб Спейд. Мен чиндан ҳам умуман бошқа одамман. Мен саксонга кирган, ўта ахлоқсиз, пўлат қуювчи бўлиб ишлайдиган бир кампирман... Модомики, ролга кирган эканман, уни охиригача ижро этишим керак, тўғрими, жаноб Спейд.

— Тўғри, — тасдиқлади Спейд. — Очиғи, сиз ёлфондакамига эмас, чинакамига фариштадек пок ва бегуноҳ бўлганингизда, бу мени қаноатлантирмасди. Иккаламининг ҳамкорлигимиз самара бермасди.

— Мен энди ўзимни бегуноҳ қилиб кўрсатмайман, — қўлини кўксига қўйиб ваъда берди аёл.

— Мен Джозэл Кэйро билан учрашдим, — деди Спейд дабдурустдан мавзуни бутунлай бошқа томонга буриб, худди қалбидаги яширин сирни ошкор қилаётгандек паст товушда.

Кўзларидаги шўх, ўйинқароқ учқунлар бир нафасда сўниб қолган Бриджит сергак тортди. Спейд эса оёқларини узатиб бир-бирига чалкаштирди.

— Сиз... сизлар танишмисизлар? — тўлқинланиб сўради аёл анча жим тургач.

— Бугун кечқурун танишдик, — деди Спейд ўша ўша паст товушда. У театрга кирмоқчи бўлиб турган экан.

— Узоқ суҳбатлашдиларингми?

— Атиги бир-икки дақиқа. Спектаклнинг бошланишидан дарак берувчи қўнғироқ чалингунга қадар.

Бриджит ўрнидан туриб ўтинларни тўғирлаб қўйиш учун ўчоқ ёнига келди. Ўчоқ тоқчасидаги ҳайкалчани суриб қўйиб, дераза пардаларини туширгандан сўнг хонанинг бурчагидаги столдан тамаки қутисини олиб жойига қайтди. Унинг юзи сокин ва хотиржам тортиб қолганди.

Спейд тиржайиб гап ташлади:

— Сиз гўзалсиз. Сиз ниҳоятда гўзалсиз...

Бриджитга бу мақтов таъсир қилмади. Ўша хотиржамлигини сақлаганича сўради:

— У нималар деди?

— Нима ҳақда?

— Масалан, мен ҳақимда...

— Ҳеч нарса, — кўзлари чақнаб кетган Спейд ўтирилиб унга ёндиргични узатди.

— Бирон мавзуда суҳбатлашгандирсизлар ахир? — сўради Бриджит илмоқли қилиб.

— У менга қора қушча учун беш минг доллар ваъда қилди.

Сесканиб кетган аёл Спейдга кескин назар ташлади-да, шу заҳотиёқ кўзларини олиб қочди. Асабийлашганидан оғзидаги тамакининг кетини тишлаб узиб олганини сезмай ҳам қолди.

— Сиз яна ўтинларни тартибга келтиришни ёки хонадаги бирон нарсани жойидан жилдиришни истамайсизми? — ясама эринчоқлик билан сўради Спейд.

Ҳеч гап бўлмагандек осонлик билан кулиб юборган хоним тамакисини кулдонга ташлаб Спейдга қувноқ кўзлари билан қаради.

— Йўқ, истамайман. Сиз унга нима деб жавоб бердингиз?

— Беш минг доллар катта пул...

Қиз кулгисини қўймади, аммо Спейд унга жавобан табассум ўрнига жиддий, шафқатсиз тарзда қаттиқ боқиб тураверди. Юзидаги кулги сўниб, унинг ўрнини аста-секин ташвиш кўланкаси эгаллаган аёл тамоман бўшашиб қолди.

— Сиз унинг таклифини қабул қилмайсиз-а?..

— Нима учун? Беш минг доллар чакана пул эмас...

— Аммо жаноб Спейд, сиз менга ёрдам беришга ваъда қилгансиз. — Бриджит унинг қўлидан тутди. — Мен сизга ишонгандим. Сиз бундай қилолмайсиз. — У жимиб қолди ва Спейднинг қўлини қўйиб юбориб, ўзининг титраётган қўлларини бирлаштирди.

Спейд аёлнинг хавотирли кўзларига мулойим боқди.

— Келинг, сизнинг менга қанчалик ишонганнингизга аниқлик киритиб ўтирмайлик. Мен сизга ёрдам беришга бел боғлаганим рост, аммо сиз қора қушча ҳақида шунчаки бўлсада бирон нарса деганмисиз?

— Ахир ўзингиз бу ҳақда билгансиз, йўқса гапирмас эдингиз. Ҳарҳолда мана энди билишингиз маълум. Сиз менга ёмонлик қила олмайсиз... — хонимнинг мовий кўзлари мўлтирарди.

— Беш минг доллар озмунча пул эмас... — қайтарди учинчи бор Спейд.

Аёл таслим бўлганлигини билдириш учун қўллари икки томонга узатиб, пастга туширди.

— Хизматингиз учун сизга тўлашим мумкин бўлган пулимдан ҳам кўпроқ... — у ўзини йўқотиб қўйгудек аҳволда эди.

Спейд ўзини кулгидан тия олмади. Кулгиси аччиқ эди.

— Буни сиз айтаяпсизми? Мен сиздан пулдан бошқа яна нима олдим? Балки ишончингизнидир? Ёки мени барча сирингиздан воқиф этдингизми? Ёки ҳеч бўлмаса сизга ёрдамим тегиши осонлашиши учун бирон ҳақиқатни очиқ айтдингизми? Хўш, мен пул учун ёрдам берар эканман, нега кўпроқ пул тўловчи томоннинг хизматини қилмаслигим керак?..

— Мен сизга бор пулимни бердим... — О'Шонессининг катта-катта очилган кўзларига ёш қалққанди. Хирқироқ овозда титраб-қақшаб гапирарди. — Мен ёрдамингиздан умидвор бўлиб, ўзимнинг тақдиримни буткул сизга ҳавола этдим, қўл узатмасангиз ҳалокатга учрашим муқаррарлигини тан олдим... — аёл бирдан унинг олдига яқинлашиб жон-жаҳди билан чинқирди. — Балки сиз баданим эвазига илтижоларимни қабул қиларсиз?..

Уларнинг кўзлари тўқнашди. Спейд аёлнинг юзини қўллари орасига олиб лабидан қаттиқ ўпди, кейин рўпарасига ўтирди.

— Таклифингизни ўйлаб кўраман... — Спейд жаҳлини базўр босиб турарди. Бриджит хоним эса қотиб қолгандек қимирламасди.

— Жин урсин! Қандай бемаънилик! — Спейд ўчоқ томон икки қадам юриб, ёнаётган ўтинларга қаради. Тишини тишига маҳкам босиб тўхтаб қолди.

Аёл ҳамон ҳаракатсиз эди. Спейднинг пешанасидаги тиришлар чуқурлашиб кетганди.

— Тупурдим сизнинг ростгўйлигингизга! Мен сизнинг қандай аблаҳликни ўйлаётганингизга ва мендан нимани яшириб қолишга ҳаракат қилаётганингизга тупурдим, аммо мен нимани хоҳлаётганингизни ўзингиз билишингизга ишонишим керак!..

— Илтимос, менга ишонинг, нимани хоҳлаётганимни биламан...

— Мени ишонтиринг! — деди Спейд буйруқнамо. — Сизга ёрдам беришни истайман. Шу кунга қадар барча имкониятни ишга солдим. Бундан кейин ҳам кўркўрона ҳаракат қилавераман, аммо сизга ишонмасдан туриб бошқа ёрдам бера олмайман. Сиз мени нима қилаётганингизни, мақсадингиз нима эканлигини ўзингиз билишингизга ишонтиринг...

— Яна бир оз кутиб туролмайсизми?..

— Қанча, яна бир оз?.. Яна нимани кутаяпсиз?!

Аёл лабини тишлаб иккиланиб қолди.

— Мен Джозэл Кэйро билан гаплашиб олишим керак, — деди аранг эшитиладиган қилиб.

— Сиз шу бугун кечасиёқ кўришишингиз мумкин, — Спейд соатига қаради. — Спектакль тез орада тугайди, унинг хонасига телефон қилинг.

Бриджит О'Шонесси безовталаниб қошларини чирди:

— Аммо Кэйронинг бу ерга келиши мумкин эмас. Қаерда яшашимни билишини истамайман, кўрқаман...

— У билан менинг уйимда кўришишингиз мумкин, — таклиф киритди Спейд.

— Уйимга келади деб ўйлайсизми?..

Спейд бош ирғади:

— Кетдик!

Иккаласи ўтирган такси Спейднинг уйига кираверишдаги қора машина олдида тўхтади. Қора машина рулида эса Ива Арчер ўтирарди.

Спейд шляпасини бошидан олиб Ивага салом берди ва Бриджит билан бинога кириб, вестибюлдаги ўтиргичлардан бири ёнида сўради:

— Мени бир дақиқа кутиб туролмайсизми?

Бриджит оҳиста ўтирди.

— Кутиб тураман, шошилмасангиз ҳам бўлади.

Спейд кўчага қайтиб чиқиб қора машинанинг ёнига келди. Машина эшигини очган эди ҳамки, ранглари гезарган Ива тажанглик билан гап бошлади:

— Гаплашиб олишимиз керак, Сэм...

— Ҳозир эмас.

Ива лабини қимтиб тезгина сўради:

— Ким у?

— Ива, менинг бир дақиқа вақтим бор, холос, — ўзини босиб сабр билан деди Спейд, — бирон воқеа юз бердими?

— Ким у? — қайтарди аёл бинонинг эшигига ишора қилиб.

Спейд бошини буриб қаради. Қўшни уйнинг бурчагидаги гаражнинг олдида йигирма ёшлардаги, бўйи пастроқ, эгнига пальто ва бошига бежирим кепка кийиб олган ҳалиги йигитча деворга суяниб турарди. Спейд қовоғини осилтириб Ивага ўгирилди.

— Нима гап ўзи? Кечқурун бу ерга келишинг мумкин эмас.

— Мен тушуна бошляпман, — норозилик билан деди аёл, — сен идорангга боришимни истамагандинг? Энди билишимча уйингга ҳам келмаслигим керак экан. Мени тинч қўй демоқчимисан? Ниятинг шу бўлса очик айтиб қўяверишдан нега қўрқасан?

— Ива, мен билан бундай оҳангда гаплашишга сира ҳаққинг йўқ.

— Ҳаққим йўқлигини биламан. Сенга келганда менинг ҳеч нарсага ҳаққим йўқ шекилли. Мен эса ўзингни мени севадигандек кўрсатаётганинг учун ҳаққим бор деб ўйлабман...

— Азизам, — унинг гапини шартга бўлди тоқати тугаган Спейд, — ортиқча вақтим йўқ. Мен билан нима ҳақда сўзлашмоқчи эдинг?

— Бу ерда эмас, Сэм, юр, уйингга кирайлик.

— Бошқа сафар.

— Нега?

Спейд жавоб бермади.

Ива лабларини жуфтлаб, қаддини ростлади ва машинани ўт олди.

— Хайрли тун, Ива, — деди Спейд машина эшигини ёпаётиб. Машинанинг қораси кўздан йўқолгунча қараб турди, кейин бинога кириб кетди.

Бриджит уни бардамлик, самимий табассум билан кутиб олди, биргаликда Спейднинг квартирасига кўтарилдилар.

Еттинчи боб

ҲАВОДАГИ «Г» ҲАРФИ

Спейднинг йиғма каравоти тунги хизматини ўтаб бўлиб, тахланиб девор томонга сурилгач ётоқхона меҳмонхонага айланарди-қоларди. Спейд меҳмонни ўзининг юмшоқ тебранма курсисига ўтқазиб, «Бельведер» меҳмонхонасига қўнғироқ қилди. Кэйро ҳали театрдан қайтмабди. Спейд ўзининг телефон рақамини ёздириб Кэйро келиши билан унга қўнғироқ қилишини айтиб қўйишларини илтимос қилди.

Кейин стол ёнидаги курсига ўтириб, Американинг шимоли-шарқида рўй берган бир қизиқ воқеани ҳеч қандай муқаддимасиз ҳикоя қилишга тушди. У тўхтамасдан, бир текисда, талаффузни бузмай сўзлар, фақат баъзида муҳим нуқталарни таъкидлаш учун уларга алоҳида урғу берар, воқеани бутун тафсилоти билан баён этиш учун бор маҳоратини аямасди.

Аввалига Бриджит О'Шонесси Спейднинг ҳикоясига унчалик эътибор бермади ва изқуварнинг унга бўлиб ўтган воқеани айтиб бераётганига бир оз ҳайрон ҳам бўлди. Аммо воқеа тобора қизиқарли тус олиб, уни ўз домига тортиб кетди. Хонимнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

Бир куни Флиткрафт деган одам ўзининг Такрмадаги воситачилик идорасидан тушликка чиқиб кетиб, бошқа бу ерга қайтиб келмабди. Ҳатто тушликдан олдин соат тўртда гольф ўйнашга ўзи таклиф қилган танишининг олдига ҳам бормабди. Такомада унинг хотини ва бири уч, иккинчиси беш ёшга тўлган ўғиллари, алоҳида уйи, янги «Паккард» автомобили, хуллас гуллаб-яшнаётган америкаликка хос барча нарсаси бўлган.

Флиткрафтнинг отасидан етмиш минг доллар мерос қолган бўлиб, у кўчмас мулкни қойиллатиб сотиш йўли билан тахминан икки юз минг долларлик сармойанинг эгасига айланганди. Иши жуда яхши кетаётган бир пайтда тўсатдан ғойиб бўлиши барчани ҳайратга солди. Ғойиб бўлган кунининг эртасига катта фойда келтирадиган шартномани имзолаши керак эди. Аниқлашича, йўқолган пайтда унинг ёнида олтмиш-етмиш долларга яқин пули бор эди, холос. Флиткрафтнинг бутун ҳаёти

хамманинг кўз ўнгида бўлиб, бирон-бир шубҳали ишга аралашганини, ёки бошқа бир аёл билан алоқаси борлигини ҳеч ким билмаган.

— У худди кафт очилганда мушт йўқолиб қолганидек ғойиб бўлган, — қизгин ҳикоя қиларди Спейд.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Алло, Кэйро жанобларими? Бу мен, Спейд. Сиз ҳозир менинг Постстритдаги уйимга келолмайсизми? Ҳа, муҳим деб ўйлайман. — У қизга лабини қувурча қилиб олиб давом этди: — Бу ерда ҳозир О'Шонесси хоним ўтирибди, у сиз билан гаплашмоқчи.

Бриджит О'Шонесси бир кўзғалиб олди, аммо лом-мим демади.

Спейд телефон трубкасини жойига қўйди.

— Тез орада Кэйро етиб келади. Хўш, бу воқеа бир минг тўққиз юз йигирма иккинчи йили рўй берган. Бир минг тўққиз юз йигирма еттинчи йили мен Сизтлдаги каттакон изқуварлар агентлигида фаолият юритардим. Кунлардан бир куни агентлик идорасига Флиткрафт хоним кириб келиб, Спойкейда эрига ўхшаш одамни кўришгани ҳақида гапириб берди. Мен ўша ерга бордим. Ҳалиги одам ҳақиқатан ҳам Флиткрафт бўлиб чиқди. У икки йилдан буён Спойкейда Чарльз Пирси номи билан яшаб келаркан. Автомобиллар олди-сотдиси билан шуғулланиб, йилига йигирмадан йигирма беш минг долларга қадар фойда кўраркан. Янги оила қурибди, ўфиллик бўлибди, уй сотиб олибди ва кун илиқ пайтларда соат тўртдан кейин гольф ўйнаш одатини ҳам тарк этмабди.

Флиткрафтни топган пайтида Спейднинг нима қилиш кераклиги ҳақида аниқ режаси йўқ эди. Шунинг учун уни Давенпортдаги уйига таклиф қилди. Биринчи оиласини керагидан ортиқ таъминлаб қўйгани учун Флиткрафт ўзини айбдор ҳисобламасди. Фақат тутган йўлини Спейдга тушунтириб бера олишига кўзи етмасди, холос. Чунки шу кунга қадар бошидан ўтган ишлар ҳақида ҳеч кимга батафсил сўзлаб бермаганди.

— Мен-ку уни тушундим, давом этди Спейд. — Аммо Флиткрафтнинг хотини охиригача тушунмади. Эрининг бир оғиз огоҳлантирмай янги ҳаёт бошлаганини аблаҳлик деб билди. Балки у ўзича ҳақдир. Аммо ҳамма нарсаси етарли, тўкин-сочин яшаётган хонимнинг

жанжал кутаришга ҳуши келмади. Эр-хотин жимгина ажралишди ва иккови ҳам шу билан таскин топишди.

Энди сиз ўша куни нима бўлганини эшитинг. Флиткрафт тушлик қилгани қурилиш бўлаётган жойдан ўтиб кетаётган экан. Тўсатдан шундоқ ёнига, асфальт йўлакчага саккизинчи-тўққизинчи қават баландлигидан катта хода учиб тушибди. Унга жиддий зарар етмабди, аммо хода ўйган асфальтнинг бир бўлакчаси юзига тегибди. Фақат терисини озгина шилиб ўтган бўлса ҳам барибир чандиқ қолибди. Суҳбатимиз давомида кулиб, бармоғи билан юзини силаб қўярди. Иқрор бўлишича, ўшанда қаттиқ қўрқиб кетган экан. Энг муҳими, қўрқувдан ҳам кўра дунёнинг ишларидан ҳайратга тушиб, кутилмаган воқеадан фавқулодда жиддий ва кескин хулосалар чиқарган.

— Менга шундай туюлдики, — деганди Флиткрафт, — гўё кимдир ҳаётимнинг қопқоғини очиб, мени унинг ичига қарашга ундади. Флиткрафт бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишга арзийдиган фуқаро, эр ва ота эди. Ҳеч ким мажбур қилгани учун эмас, ўзи кўнгли очиқ, атрофидагилар билан тез тил топишадиган самимий одам бўлгани учун шундай даражага етишганди. Ёшлигидан яхши тарбия олганди.

У билган ҳаёт аниқ тартибга солинган, ҳар томонлама тўқис, росмана ҳаёт эди. Аммо учиб тушган хода кўзига жозибатор бўлиб кўринаётган бу ҳаётнинг аслида бир мўрт ва омонат нарса эканини кўрсатиб қўйди. Маълум бўлгандики, уни — муносиб фуқарони, намунали эр ва меҳрибон отани ресторан ҳамда идора оралиғида тепадан ногаҳон қулаб тушган хода ер юзидан батамом супуриб ташлаши мумкин экан. У бирдан одамларнинг тасодифлар туфайли ўлишини ва тақдир уларга шафқат қилиши боисгина яшаб юришларини англаб етди. Яшашнинг моҳияти ҳақида чуқур ўйларга ботиб, пировардида ниҳоятда фаройиб тўхтама келади. Агар ҳаётини тасодифан қулаб тушган хода узиб қўйиши мумкин экан, яхши, уни ўзи бундан ҳам кутилмаган тарзда ўзгартиради. Ҳеч кимга лом-мим демай зим-ғойиб бўлади.

Флиткрафтнинг гапига қараганда, у чиндан ҳам ҳамма каби оиласини севган, шу боис хотини ва болаларини бекаму кўст таъминлаб қўйганди. Аммо улар билан аж-

рашишни оғир айрилиқ, бахтсизлик деб ҳисобламаган. Уша куни Сизтлга кетиб, у ердан пароходда Сан-Францискога етиб борган. Икки йилча мамлакат бўйлаб тенгираб юрган. Кейин шимоли-шарққа, Спойкейнга келиб тамом ўтроқ бўлиб ўрнашиб қолган, оила қурган. Янги хотини ташқи кўринишда аввалгисидан фарқ қиларди, аммо икковининг ўхшашлик томонлари жуда кўп эди. Иккинчи хотини гольф, салатларнинг янги рецептлари ва турли бошқа нарсаларга қизиқувчи аёллар тоифасига кирарди. Флиткрафт ҳеч қачон қилган ишидан афсус чекмаган. Менинг ўйлашимча, у Такомадан кетиб қутулмоқчи бўлган ҳаёт оқимиға яна тушиб қолганини сезмасди...

— Жуда қизиқарли воқеа, — дея Бриджит О'Шонесси хоним курсидан туриб Спейднинг ёнгинасига келди. Унинг катта очилган кўзлари Спейдга жуда маъноли боқарди: — Мени Кэйронинг олдида мураккаб вазиятга тушириб қўйишингиз мумкин, тўғрими?

Спейд лабларини очмасдан кулди.

— Ҳа, тўғри. — Агар сизга тўла ишонганимда ҳеч қачон ўзимни ҳам бундай нохуш аҳволга қўймаган бўлардим, буни ҳам биласиз, — кўрсаткич бармоғи билан Спейднинг кўк костюмидаги қора тугмани ўйнаб деди хоним.

— Яна ўзингизникини маъқул қиляпсизми? — Спейднинг диққати ошди.

— Аммо сиз ҳақиқатни айтаётганимни биласиз...

— Йўқ, мен билмайман, — Спейд қўли билан хонимнинг тугмани бураётган бармоғини шапатилаб қўйди. — Менинг сизга ишонишимга асос бўлувчи сабабларга қизиқишим бизни бу ерга бошлаб келди. Бошқа-бошқа нарсаларни чалкаштириб ўтирмайлик. Сизга чин дилдан ишонишим зарурлигига менинг иймонимни комил қилмагунингизга қадар ўзингизни менга ишонишга зўрламанг.

Хоним унга синовчан нигоҳини қадади.

Спейд беихтиёр хохолаб юборди. Кейин яна аёлинг қўлига шапатилаб деди:

— Ҳозир фикрингизни бу билан банд қилманг. Кэйро тез орада шу ерда бўлади. У билан ишингизни битказиб олинг, кейин кўрамиз.

— Сиз менга Кэйро билан истаганимдек гаплашишга рухсат берасизми?

— Бўлмасам-чи...

Хоним Спейднинг тугмасини қўйиб юбориб, унинг бармоқларини сиқди.

— Сизни менга худонинг ўзи юборди, — мулойимлик билан шивирлади у.

Спейд кесатди:

— Ўйинга айланторманг!..

Джозел Кэйро тажанг эди. Қора кўзлари ярим юзини эгаллаганди.

Спейд эшикни очиб улгурмасдан у гудранди:

— Жаноб Спейд, сиз менга театр олдида кўрсатган болангиз уйни олдида кузатиб турибди. Буни қандай тушунса бўлади, жаноб Спейд? Мен бу ерга яхши ниятлар билан келгандим, тузоқ ҳақида ўйлаб кўрганим ҳам йўқ.

— Сизни ҳали ҳам яхши ниятда таклиф қилганмиз. — Спейд қовоғини уюб олди. — Умуман олганда, унинг бу ерга келишини аввалдан билишим керак эди. Ўйинга кираётганингизда кўрдими?

— Албатта. Мен айланиб ўтмоқчи эдим, аммо у бизни барибир бирга кўргани учун бу ишим фирт аҳмоқлик бўлади, деган фикрга бордим.

Бриджит О'Шонесси Спейднинг ортида пайдо бўлди ва хавотирланиб сўради:

— Қандай йигитча? Нима ҳақда гаплашяпсизлар?

Кэйро қора шляпасини олиб, енгил таъзим қилар экан, хафаҳол овозда деди:

— Жаноб Спейддан сўранг буни. Мен ҳам ундан эшитганман.

— Қандайдир пакана кунбўйи шаҳарда менинг ортимдан илашиб юрди, — деди Спейд аёлга ўғирилмасдан. — Кирсангизчи, Кэйро. Остонада туриб олиб қўшниларга эшиттириб гапиришдан нима наф?

Бриджит О'Шонесси Спейднинг қўлидан ушлаб олиб ваҳима билан сўради:

— Йигитча сизни менинг уйим олдида ҳам кўрдими?

— Йўқ. Мен уйингизга боришдан олдин уни чалғитиб қўйдим. Ўйлашимча, ўшандан кейин мени яна учратиш мақсадида уйимнинг олдида келган.

Кэйро иккала қўли билан шляпасини қорнига қисиб даҳлизга қадам қўйди. Спейд унинг ортидан эшикни ёпди ва икковлари меҳмонхонага киришди. Меҳмонхонада Кэйро яна бошини эгиб саломлашди.

— О'Шонесси хоним, сизни яна кўрганимдан хурсандман.

— Мен бунга сира шубҳа қилмайман, Джо, — дея қўлини узатди хоним.

Кэйро энгил таъзим қилган ҳолда хонимнинг қўлини қисиб, шу заҳоти қўйиб юборди. Бриджит тебранма курсига, Кэйро эса стол ёнидаги курсига ўтирдилар. Спейд Кэйронинг пальто ва шляпасини илгакка илгач дераза ёнидаги диванга чўкиб тамаки ўрай бошлади.

Бриджит О'Шонесси Кэйрога мурожаат қилди:

— Сэм менга сенинг лочинни сотиб олиш таклифинг ҳақида гапирди. Сен ваъда қилган пулингни қанчалик тез топиб бера оласан?

Кэйро қошларини учириб кулди.

— Пул тайёр. — Кэйро яна бир неча сония юзидаги табассумни сақлаб туриб Спейдга қаради.

Тамаки чекишда давом этаётган Спейднинг юзи мутлақ хотиржам эди.

— Нақд пулми? — сўради хоним.

— Ҳа-да!.. — жавоб қилди Кэйро.

— Сен ҳозирнинг ўзида лочиннинг ўрнига беш минг доллар бера оласанми?

Кэйро қўлини силкитди:

— Мени кечиринглар. Мен бундай демоқчи эмасдим. Пул ҳозир ёнимда эмас. Аммо банкка тушиши билан бир неча дақиқада олишим мумкин.

— Ажаб!.. — хоним қичқириб Спейдга назар ташлади.

Спейд тамаки тутунини кўкрагига пуфлаб деди:

— Тўғри айтаётганга ўхшайди. Бугун кундузи унинг чўнтагини титиб кўрганимда бор-йўғи бир неча доллар бор эди, холос.

Спейд О'Шонесси хонимнинг кўзлари ҳайратдан катта очилиб қолганини кўриб кулимсираб қўйди.

Левантиялик олдинга энгашди, унинг кўзлари ва овози сабрсизлик қилаётганини ошкор этарди:

— Айтайлик, мен эрталаб соат тўққизда пулни сизларга беришим мумкин, келишдикми?

Бриджит О'Шонесси истехзо билан жилмайди:

— Аммо лочин ҳали менинг қўлимда эмас.

Кэйронинг юзи ғазабдан қорайиб кетди. Хоним юзига айбдорона тус берди:

— Аниқроғи, узоғи билан бир ҳафтадан кейин менинг қўлимда бўлади.

— Ҳозир у қаерда?

— Флойд яширган жойда.

— Флойд? Терзбими?

Аёл бош ирғади.

— Сиз уни қаерга яширганини биласизми?

— Ўйлайманки, ҳа.

— Унда бир ҳафта кутиб нима қиламиз?

— Ким билади, балки бир ҳафтага чўзилмас. Сен уни ким учун сотиб олмоқчисан, Джо?

Кэйро қошларини чимирди.

— Мен жаноб Спейдга айтганман. Ҳақиқий эгаси учун.

Бриджит ҳайратини яширолмади:

— Демак, сен яна унинг олдига қайтиб борибсанда?

— Албатта, бунинг нимаси ёмон?

— Ростданми? — ишонқирамай сўради аёл.

Кэйро елкаларини қисди:

— Бу табиий ҳол. — У чап қўли билан ўнг кафтини силаб кўзларини қисди. — Мен ўз навбатида сизларнинг нега менга қушни сотмоқчи бўлаётганларингни сўрасам майлими?

— Флойд билан бўлиб ўтган воқеадан кейин, тўғриси, қўрқиб қолдим. Айнан шунинг учун уни ўзим билан олиб юрмайман. Қушни фақат бошқа қўлга бериш учунгина қўлимга олишим мумкин, — тушунтирди Бриджит.

Спейд диванда тирсагига таяниб, уларга сўзсиз қараб турарди. Бепарво ўтиришидан гўё бу ишга унинг сира қизиқиши, алоқаси йўқдек туюларди.

— Ҳарқалай, Флойдга нима бўлди? — сўради Кэйро секин.

Бриджит О'Шонесси ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан ҳавода «Г» ҳарфини ёзди.

Кэйро давом этди:

— Тушунаман... — барибир унинг овозида қандайдир ишончсизлик бор эди. — У шу ердами?

— Билмадим, — хоним жеркиб берди, — нима фарқи бор?

Бу гап Кэйронинг шубҳасини яна ҳам орттириб юборди.

— Фарқи катта бўлиши мумкин, — қўлларини тиззасига шундай қўйдики, кўрсаткич бармоғининг учи атайлабми ёки беихтиёрми, Спейд томонга қаратилганди.

Бриджит Кэйронинг бармоғига бетоқатлик билан қараб бошини қимирлатди.

— Ёки мен, деди у, ёки сен...

— Яна ҳам тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун кўчада турган йигитчани ҳам қўшиб қўймайсизми?

— Қўшамиз!.. — кулиб маъқуллади аёл. — Агар у сен Константинополда илаштирган йигитча бўлмаса албатта қўшамиз!!!

Кэйронинг юзи қизариб кетди.

— Узингга тегишли йигитлардан эмасми ишқилиб?!

Бриджит О'Шонесси ғазаби қайнаб курсидан сапчиб турди. Иккита сакраб Кэйронинг рўпарасида пайдо бўлди. Кэйро ўрнидан тура бошлаганда хоним ўнг қўли билан унинг юзига қулочкашлаб тарсаки тортганди, Кэйронинг юзида бармоқларининг изи шундоқ қизариб чиқиб қолди. Кэйро ҳам хириллаб, жавобан тарсаки билан туширганди, аёл чайқалиб кетиб қаттиқ бақариб юборди.

Юзлари тошдек қотган Спейд дивандан сакраб туриб уларнинг олдига югуриб келди. Кэйронинг томоғидан бўғиб, бор кучи билан силкитди. Кэйро қўлини қўлтиғи остига тикди. Спейд левантияликнинг билагини сиқиб, унинг қўлини чўнтагидан чиқарди ва то тўппончани ташлаб юбормагунча қўлини қайираверди. Ниҳоят Кэйронинг панжалари ёзилиб, тўппонча гиламга тушди. Бриджит чаққонлик билан тўппончани олди.

Кэйронинг бўғилган томоғидан аранг сўз чиқарди:

— Сиз иккинчи маротаба менга қўл кўтардингиз. — Унинг кўзлари, совуқ, таҳдидли боқарди.

— Ҳа, — деди тишларини гичирлатиб Спейд. — Ҳозир сиз мендан яна улушингизни оласиз ва кўрсатган марҳаматим учун миннатдорчилик билдирасиз. — У Кэйронинг билагини қўйиб юбориб, бўшаган қўли билан келиштириб уч маротаба зарба берди.

Кэйро Спейднинг юзига тупурмоқчи эди, аммо томоғи қуриб қолгани боис ожиз ютиниб қўйди, холос. Спейднинг зарбаси натижасида унинг пастки лабидан қон оқа бошлади.

Шу пайт тўсатдан кимдир эшик қўнғироғини босди. Кэйро эшикка қаради. Аёл сесканиб даҳлизга ўгирилди. Спейд Кэйронинг лабидан оқаётган қонни кўриб, унинг томоғини қўйиб юборди, бир қадам нари кетди.

— Ким у? — Спейдга яқинлашиб пичирлади хоним. Кэйро ҳам соқов одамдек кўзлари билан ундан шуни сўрарди.

Спейд қўполлик билан жавоб қилди:

— Билмайман!..

Яна қўнғироқ жиринглади. Бу сафар энди узоқроқ.

— Жим ўтиринглар, — огоҳлантирди Спейд ва ортидан эшикни ёпиб хонадан чиқди. Даҳлиздаги чироқни ёқиб эшикни очди. Остонада лейтенант Данди ва Том Полхаус туришарди.

— Салом, Сэм, — деди Том, — биз сени ҳали ухлаб қолмаган бўлсанг керак деб келавердик.

Данди эса индамай бош ирғади.

Спейд хушмуомалалик билан саломлашди.

— Салом. Ташриф учун жуда яхши вақтни топиб келасизлар-да, йигитлар. Бу сафар энди нима рўй берди?

Энди Данди секин сўз бошлади:

— Биз сен билан гаплашиб олмоқчимиз, Спейд.

— Хўш? — Спейд эшикни тўсиб турарди. — шу ерда гапираверинглар.

Том Полхаус бир қадам олдинга босди.

— Наҳотки бизлар ерда қаққайиб туриб гаплашсак?!

Спейд ўрнидан силжимади.

— Мен сизларни уйимга таклиф қила олмайман... — деди Спейд кечирим сўраётгандек оҳангда.

— Нима бало, Сэм? — сўради Том норози бўлгандек қўлини Спейднинг кўксига қўйиб.

Спейд Томнинг узатган қўлига кўкрагини қадади ва бўриникига ўхшаш олди тишларини кўрсатиб тиржайди:

— Куч синашасанми, Том?

— Ие, нималар деяпсан, билганингни қилсангчи, — Том гудраниб қўлини тортиб олди.

— Бизларни уйингга кирит!.. — Данди тишлари орасидан сўз қотди.

Спейднинг тепа лаби учди.

— Киритмайман. Мени нима қила олардинг? Куч ишлатиб кирмоқчимисан? Ёки шу ерда, остонада туриб гаплашаверасанми? Ёки кетганинг маъқулмиди?

Том чуқур хўрсиниб олди.

Данди тишларини боягидек бир-бирига босиб дўқ урди:

— Кунингни кўриб қолмагин, Спейд. Сен бир, икки, уч маротаба сувдан қуруқ чиқишга муваффақ бўлдинг. Аммо бу бир умр шундай давом этавермайди.

— Қўлингдан келганда тўхтатиб қолаверасан, — бўш келмай фикринди Спейд.

— Албатта шундай қиламан, — қўлини орқага қилиб олган Данди жағини учириб изкуварнинг кўзига тик боқди. — Айтишларича, сен Арчернинг хотини билан дон олишиб юаркансан.

Спейд беписандлик билан кулиб юборди.

— Бунисини ўзинг ўйлаб топганга ўхшайсан.

— Демак, бу ёлғонми?

— Ёлғон!..

— Айтишларича, — давом этди Данди, — у сенга тегиш учун эридан ажрамоқчи бўлган экан, аммо Арчер ажралишга рози бўлмабди. Бу ҳам ёлғонми?

— Албатта ёлғон-да!..

— Айтишларича, ҳатто, — уқтирди Данди, — айнан шунинг учун сизлар уни йўқ қилгансизлар.

Очиқдан-очиқ айб тақалиши Спейдга зиғирдек ҳам таъсир қилмади.

— Ҳаддингдан ошмасангчи, — деди у, — мени бирданига иккита қотилликда гумон қилишга нима ҳаққинг бор? Агар сен мени Майлзнинг ўлимида айблаётган бўлсанг, Терзбини Майлзни ўлдирганлиги учун гумдон қилгансан деган тахмин ўз-ўзидан чиппакка чиқади.

— Мен ҳеч қачон сени кимнидир ўлдирдинг деб таъкидлаганим йўқ, — деди Данди. — Ўзинг бу ҳақда ҳар доим такрорляяпсан. Шунингдек, икковини ҳам осонгина ўлдиришинг мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

— А-ҳа, Майлзни унинг хотинини олиш учун ўлдирганман, Терзбини эса Майлзни ўлдирганликда

гумон қилишлари учун йўқ қилганман. Ҳайратланарли даражада зукколик билан ўйлаб топилган ечим. Аммо яна бирон кимсани отиб ўлдирсам унга Терзбининг ўлимини юклаган бўламан. Хўш, бу кетишда мен қачон тўхтаيمان? Нима, энди сен Сан-Францискода рўй берган ҳар битта қотилликдан кейин келаверасанми?

Том чидаб тура олмади:

— Аҳмоқликни бас қил, Сэм. Сен ахир бизлар комедияни яхши кўришимизни биласан, аммо ҳозир хизмат вазифасини ўтаяпмиз.

— Ҳар куни кечаси уйимга бостириб келиб, мени бўлмағур саволлар билан қистовга олаверишдан бошқа ишларинг ҳам бўлса керак деб ўйлайман?..

— Бор. Аммо биз саволимизга яраша жавобни эшитишни истаймиз, — деди шошилмасдан Данди.

— Ўчакишма! — ўдағайлади Спейд.

Данди Спейднинг кўзига қаради:

— Агар сен Арчернинг хотини билан ўртамизда ҳеч нима бўлгани йўқ дегудек бўлсанг, мен ёлгон сўзлаяпсан дейман.

Томнинг кичкинагина кўзларида кўрқув пайдо бўлди. Спейд лабларини тилининг учи билан ялаб сўради:

— Сен атайлабдан шу саволни бериш учун ярим тунда уйимга бостириб кирдингми?

— Жумладан шунинг учун ҳам.

— Яна қандай саволинг бор?

— Бизларни ичкарига кирит, — Данди Спейд тўсиб турган эшикка маъноли ишора қилди.

Спейд қовоғини солиб бошини чайқаб қўйди.

Дандининг юзига аянчли табассум ёйилди:

— Ўша қўнғироқнинг ортида нимадир борга ўхшайди, — деди у Томга.

Том оғирлигини у оёғидан-бу оёғига олиб икковига ҳам қарамасдан бидирлади:

— Ким билади уни?..

— Яна нима гап? — сўради Спейд.

— Майли, Спейд, бизлар кетамиз, — Данди плашининг тугмасини қадади. — Аммо вақти-вақти билан сеникига келиб турамиз. Балки биздан чўчиётганинг бежиз эмасдир, яхшилаб ўйлаб кўр.

— Сени кўриб туришдан жуда хурсанд бўламан, лейтенант ва ҳамма ишимни йиғиштириб қўйиб, жон

деб сени қабул қиламан... — Спейд киноя билан илжайди.

Тўсатдан меҳмонхона томондан «Ёрдам беринглар! Полиция! Ёрдам беринг! Ёрдам!...» деган бақиріқ эшитилди. Баданни тешиб юборгудек овоз Джоэл Кэйрога тегишли эди.

Лейтенант Данди эшикка ўгирилган ерида ортига бурилиб яна Спейднинг қаршисига келди ва қатъият билан олдинга интилди:

— Бизнинг кирадиган вақтимиз бўлди чоғи...

— Шунақага ўхшайди... — нима қилишини билмай қолган Спейд аламдан юзини тириштириб кириш йўлидан ўзини четга олди.

Саккизинчи боб

ФИРТ БЕМАЪНИ ГАП

Столнинг рўпарасидаги курсида ғужанак бўлиб ўтирган Бриджит О'Шонесси тиззаларига жағини тираб, юзини қўллари билан тўсиб олган, Кэйрога даҳшат билан боқарди. Джоэл Кэйро эса ўнг қўлида яқингинада ундан Спейд тортиб олган тўппончани ушлаб қизга энгашган, чап қўлини пешанасига босиб олганди. Бармоқлари орасидан кўзига томон қон оқарди, лабидан жағига қараб ҳам қон сизиб келаётганди.

Кэйро полициячиларни кўрмади. У ғазаб билан аёлнинг кўзига тикилган, аммо лаблари ёпишиб қолганидан ҳеч нима дея олмасди.

Меҳмонхонага биринчи бўлиб кирган Данди Кэйронинг ёнига югуриб келди ва левантияликнинг қўлидан ушлаб хитоб қилди:

— Бу ерда нима бўляпти ўзи?

Кэйро қон оқаётган қўлини пешанасидан олиб лейтенантнинг бурни остига олиб борди. Пешанасида уч сантиметрча келадиган қонли чизиқ яққол кўринарди.

— Қаранг, мана у нима қилиб қўйди... — зорланди Кэйро.

Бриджит оёғини полга қўйиб аста Кэйронинг қўлидан ушлаб турган Дандига, кейин Том Полхаусга, ундан кейин эшикка суяниб олган Спейдга қаради. Уларнинг

нигоҳлари тўқнашганда Спейднинг кулранг кўзларида аччиқ қаҳр пайдо бўлиб шу заҳоти сўнди.

— Бун сиз тирнадингизми? — сўради Данди Кэйронинг тирналган пешанасига ишора қилиб.

Аёл яна Спейдга қаради. Спейд эса ҳануз эшикка суянган кўйи хонадагиларни четдан келган одамдек бемалол, беғамлик билан кузатарди.

Дадиллашиб қолган Бриджит Дандига жиддий қаради:

— У мени шунга мажбур қилди, — деди паст овозда. — Хонада ёлғиз қолганимиздан фойдаланиб менга ташланди. Уни олдимга яқинлаштирмасликка ҳаракат қилдим. Мен... мен уни отишга ўзимни мажбур қила олмадим.

— Ёлғон гапиряпсан! — бақирди Кэйро тўппонча ушлаган қўлини Дандининг маҳкам қисиб турган қўлидан чиқаришга уриниб. — Ёлғон гапиряпсан, аблаҳ! — У Дандига ўгирилди. — Фирт ёлғон сўзлаяпти. Мен бу ерга яхши ният билан келган эдим. Икковлари менга ҳужум қилиб қолишди. Сизлар қўнғироқни босганларингиздан кейин ўзи эшикни очгани кетди, бу аёлни эса қўлида тўппонча билан қолдирди. Аёл иккаламиз қолгач, биз сени анавилар келиб кетгандан кейин ўлдирамиз, деб айтди. Бу ёвуз ниятли хоним овозимни ўчириш учун мени тўппонча билан урди. Мени бу ерда ёлғиз ўлиб кетишимга йўл қўйманглар деб сизларни барибир қақирдим.

— Қани бу ўйинчоқни менга беринг-чи, — деди Данди ва Кэйродан тўппончани олиб қўйди. — Хўш, энди келинглари, бир бошдан аниқлик киритайлик-чи. Сиз бу ерга нима учун келгандингиз?

— Мени таклиф қилишганди, — Кэйро бошини буриб Спейдга жаҳл билан қаради. — У телефон қилиб, бу ерга келишимни илтимос қилди.

Спейд уйқусираган кўзларини қисиб жим тураверди. Данди сўради:

— У сизни нима учун таклиф қилди?

Жавоб беришдан олдин Кэйро қонга бўялган пешанасини ва жағини ипак дастрўмол билан артди.

— Бизлар сен билан учрашмоқчимиз, деди, — мужмал жавоб берди у.

Димоғига урилган «Шипр» ҳидини бошини эгиб қайта-қайта ҳидлаб кўрган Том Спейдга саволомуз боқди.

Спейд унга кўзини қисиб қўйиб тамаки ўрашга тушди.

— Кейин нима бўлди? — сўради Данди.

— Кейин улар менга ташланиб қолишди. Аввалига аёл мени урди, сўнг анави бўға бошлади, чўнтагимдан тўппончамни олиб қўйди. Агар сизлар келиб қолмаганларингда мени нима қилишлари мумкинлигини билолмадим... Бу ердан тирик чиқиб кетишим амри маҳол эди...

Бриджит О'Шонесси шахдам ўрнидан туриб, «Уни ҳақиқатни гапиришга мажбур қилинг!» дея Кэйронинг юзига тарсаки тортиб юборди.

Кэйро нимадир деб гўлдиради.

Данди бир қўли билан аёлни яна курсига итарди, бошқа қўли билан Кэйронинг қўлидан ушлаб ҳайқирди:

— Ҳозироқ тўхтатинг!..

Спейд тамакини тутатиб, бамайлихотир кулганча тутун орасидан Томга сўз қотди:

— Хонимнинг асаби жуда чатоқ...

— Кўриниб турибди, — ўсмоқчилади Том.

Данди қовоғини уюб тепадан пастга қаради:

— Хўш, кимга ишонишимиз керак?

— Албатта унга эмас. Гаплари бошдан-оёқ ёлғон, тўғрими? — аёл Спейдга ўтирилди.

— Мен қаердан билай, бу ерда жанжал кўтарилганда мен ошхонада қуймоқ пишираётгандим, — елка қисди Спейд.

Бриджит пешанасини тириштириб Спейдга узоқ анграйиб қараб қолди.

Спейднинг гапига эътибор бермаган Данди аёлнинг кўзига қаттиқ қараб сўради:

— Агар ёлғон сўзлаётган бўлса, нима учун сиз эмас, у ёрдамга чақирди?

— Урганимда ўлгудек кўрқиб кетди, — жавоб қилди Бриджит левантияликка жирканиб назар ташлаб.

Кэйро қизариб кетди, қизиллик, ҳатто қон билан бўялган юзида ҳам акс этди.

— Тфу! Яна ёлғон гапиряпти!..

Хоним унинг тиззаси пастига мовий туфлисининг товони билан тепди. Данди Кэйрони бир томонга тортди. Том аёлнинг ёнига яқинлашиб танбеҳ берди:

— Тинчлан, сингилгинам, ақлли одамлардек гаплашайлик.

— Бўлмасам, у тўғриси айтсин, — фикрини хоним.

— Бизнинг идорада албатта тўғриси айтилади, — ваъда қилди Том, — аммо сен уришма.

Данди Спейдга совуқ, ғолибона қараб туриб ўзининг ходимидан сўради:

— Хўш, Том, борди-ю, учаласини ҳам идорага олиб борсак катта хатога йўл қўйган бўлмаймиз, тўғрими?

Том босиқлик билан бош ирғади.

Спейд эшик кесакидидан ростланиб тамаки қолдиргани кулдонга ташлади ва хонанинг ўртасига чиқишди.

— Шошилиб нима қиламиз, деди у дўстона оҳангда, — ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Қандай қилиб, жаноб? — масхара қилгандек сўради Данди.

Спейд Бриджит О'Шонессига таъзим қилди.

— О'Шонесси хоним, деди у, — сизга лейтенант Данди ва сержант Полхаусни таништиришга рухсат беринг, — сўнг Дандига таъзим қилди. — О'Шонесси хоним менинг агентлигимда ишлайди.

Джоэл Кэйро орага суқилишга уриниб кўрди:

— Бу фирт ёлғон. Бу...

Спейд қаттиқ овоз билан унинг гапини бўлиб дўстона руҳда давом этди.

— Мен уни кеча ишга олдим. Бу — жаноб Кэйро. Терзбининг дўсти ёки ҳарқалай таниши. Жаноб Кэйро бугун кундузи менинг қабулимга келиб, Терзбини ўлдиришган пайтда гўёки унинг ёнида бўлган қандайдир нарсани топишда ёрдам беришимни сўради. Мен албатта бундай ғалати таклифни рад этдим. У эса тап тортмасдан тўппончасини чиқариб менга ўқталди. Агар иш бир-биримизни айблашга бориб етмаса, мен унинг ўша қилмишини унутишга тайёрман. Аммо О'Шонесси хоним билан бўлиб ўтган вазиятни муҳокама қилиб, мен Кэйрони Майлз ва Терзбининг ўлими ҳақида бирон-бир нарсани аниқлаш учун таклиф қилдим. Балки биз бир оз қўполлик қилгандирмиз, аммо унга ҳеч қандай зиён

етказганимиз йўқ ва сизларни ёрдамга чақиритишга ҳеч қандай ҳожат йўқ эди. Айтганча, унинг қуролини яна олиб қўйишимга тўғри келди.

Спейд гапирган сайин Кэйронинг қон билан бўялган юзи тобора бўзариб борарди. Нигоҳи зимдан Спейдга йўналиб яна ортига қайтарди.

Данди юзини Кэйро томонга буриб сўради:

— Бунга нима дейсиз?

Кэйро деярли бир дақиқа лейтенантнинг кўкрагига қараб лом-мим деёлмай тураверди. У қаттиқ саросимага тушиб қолганди.

— Мен нима дейишимни ҳам билмай қолдим...

— Ҳақиқатни гапиришга ҳаракат қилинг. — Таклиф қилди Данди.

— Ҳақиқатни? — Кэйронинг кўзлари ўйнаб кетди — Ҳақиқатга ишонишларингга кафолат борми?

— Масхарабозликка чек қўйинг! Сизни калтаклашганини қасам ичиб тасдиқласангиз қўлимизга ордер тегади ва биз уларни панжара ортига ташлаймиз.

Спейд эрмак қилишга ўтди:

— Кэйро, рози бўлинг. Данди бир маза қилсин. Аммо сиз бу ишни қилишингиз билан бизлар ҳам бўлиб ўтган ишга содиқлигимизни баён қилиб, сизга қарши қасам ичамиз ва унда турмага учовимиз биргаликда борамиз.

Кэйро йўталиб олди. Ҳеч нарса демасдан асабий равишда тўпланганларнинг юзига бир-бир нигоҳ ташлаб чиқди.

Данди чуқур нафас олиб, ундади:

— Кийининг!

Спейд эсхонаси чиққан Кэйрога масхараомуз кўз қисиб, тебранма курсининг тирсагига ўтирди.

— Хўш, қизлару йигитлар, — деди у кутилмаганда қувноқ овозда, — биз комедияни бошлаб ижро этдикми?

— Дандининг юзи қаҳрли тус олиб буйруқни қайтарди:

— Кийининг!

Спейд ҳануз масхараомуз тиржайганча лейтенантга юзланиб, курсининг тирсагига яхшироқ ўрнашиб олди.

— Нима, ҳали ҳам бу ерда сени лақиллатишаётганини тушунмаяпсанми?

Полхаус қизариб кетди.

— Йўқ, тушунмаяпман, аммо бу гапни полиция участкасида муҳокама қиламиз, — деди Данди.

Спейд ўрнидан туриб қаддини ростлади ва лейтенантга кибрли нигоҳ ташлади.

— Қани бизларни ҳибсга олиб ҳам кўрчи, Данди, устингдан бутун Сан-Франциско газеталари кулади. Ахир сен бизларнинг бир-биримизга қарши кўрсатма бермаслигимизни биларсан? Кўзингни очсанг-чи. Сизлар қўнғироқ қилганларингизда мен О'Шонесси хоним билан Кэйронга: «Яна ўшалар келди. Жонга тегишди. Келинлар, уларни бир ўйнатайлик», дедим. «Киришгани заҳот битталаринг дод солинлар, кейин уларнинг бошини кучимиз етганча айлантирамиз», деб ўргатдим. Мана, комедиянинг хотимасини кўриб турибсизлар.

Бриджит қаддини эгиб хохолаб кулди. Кэйро ҳам силкиниб-силкиниб кулишга тушди. Унинг кулгиси сунъийроқлиги билиниб турарди.

— Бас, Сэм, — энсаси қотди Томнинг.

— Аммо чиндан ҳам шундай бўлганди!.. — Спейд ҳузур қилиб хандон отарди.

— Тирналган пешана, ёрилган лабчи? — сўради Данди зардаси қайнаб.

— Ўзидан сўра, — ақл ўргатди Спейд. — Балки у соқолини қиртишлаётиб кесиб олгандир.

Кэйро саволни кутмасдан жавоб қилақолди:

— Йиқилиб тушдим. Бизлар тўппончани қўлга киритиш учун олишаётган бўлиб ўзимизни кўрсатишга ҳаракат қилаётган пайтимизда йиқилиб тушдим. Гиламга қоқиниб йиқилдим.

— Қандай бемаънилик! — Данди ғазабдан бақриб юборди.

— Аммо бу ҳақиқат, Данди, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, энг муҳими, бизлар ҳаммамиз шу гапда туриб оламиз. Бу фирт бемаъни гап бўлса ҳам газеталар босиб чиқаришади. Ана ўшанда уятдан қаерга қочишингни билмай қоласан. Бу билан нима қилиб олардинг? Ҳеч нима. Биз шунчаки ҳазиллашдик. Хўш, айт-чи, қўлингдан нима келади?

Данди Спейдга орқаси билан ўгирилиб Кэйронинг елкасидан ушлади.

— Сен осонликча қутулмайсан, — деди у левантияликни силтаб. — Сен ёрдам сўраб бақирганмидинг, сенга ўша ёрдамни кўрсатамиз.

— Йўқ, жаноб, — деди Кэйро. — Бу ҳақиқатан ҳазил эди. Спейд бизга, улар менинг дўстларим, хафа бўлишмайди, деди.

Данди Кэйрони қўполлик билан ўзига қаратиб битта қўли билан билагидан, нариги қўли билан бўйнидан ушлади.

— Мен сени ҳеч бўлмаса қонунсиз қурол сақлаганинг учун ҳибсга оламан, дўқ урди у. — Қолганлар ҳам участкага боришади. Ўша ерда кулиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман.

Кэйро қўрқув тўла нигоҳи билан Спейдга қаради.

— Бўлмаган гапни қўй, Данди. Тўппонча у ўйиннинг бир қисми. У меники. Афсуски у ўттиз иккинчи калибри. Бўлмаса, сен шу тўппонча билан Терзби ва Майлзни ўлдиргансан, деб туриб олармидинг...

Данди Кэйрони қўйиб юборди ва тўсатдан Спейднинг жағига мушт билан туширди. Бриджит чинқириб юборди. Мушт тушгандан кейин Спейднинг юзидаги кулги ғойиб бўлди, аммо шу заҳоти яна пайдо бўлди. У йиқилиб тушмаслик учун орқага бир қадам ташлади. Улкан ва бақувват елкалари костюм остида энгашди. Спейд залворли муштини ишга туширишдан олдин Том Полхаус у билан лейтенант орасига суқилиб кириб, улкан қорни ва кучли қўллари ёрдамида иккаласини икки томонга ажратиб қўйди.

— Кераги йўқ, худо хайрингни берсин!..

— Яхшиси, уни бу ердан тезда олиб кет... — ғазаб билан бақирди юзи оқарган Спейд.

Том Спейднинг қўлидан ушлаганча Дандига таънали қаради.

Данди жангга шайланган боксчидек оёқларини кериб, муштларини олдинга қилиб олганди. Аммо катта очилган кўзларидаги қўрқув жаҳлидан устун эди.

— Иккаласининг исм-шарифларини, манзилгоҳларини ёзиб ол! — буюрди Данди Томга.

Том Кэйрога юзланди ва тезда жавоб олди:

— Джозел Кэйро, «Бельведер» меҳмонхонаси.

Спейд Томни аёлга савол беришга қўймай шошиб ёрдамини тавсия қилди:

— Сен О'Шонесси билан истаган вақтингда мен орқали боғланишинг мумкин.

Том Дандига саволомуз тикилди. Данди ўшқирди:

— Сенга ёзиб ол деяпман!..

— Бу маълумотни фақат менинг агентлигим орқали олиш мумкин, — огоҳлантирди Спейд.

Данди Бриджит томонга бир қадам босди:

— Қаерда яшайсиз?

Спейд Томга яна мурожаат қилди.

— Лейтенантни бу ердан олиб кет. Сабр-косам тўляпти.

— Ўзингни бос, Сэм, — Том плашининг тугмаларини қадар экан, Дандига «Ҳаммаси бўлди чоғи», деди ва эшикка қараб юрди. Дандининг юзидан иккиланаётганини пайқаш қийин эмасди.

Кэйро ҳам кутилмаганда эшик томон йўрғалаб қолди.

— Агар жаноб Спейд шляпам билан пальтомни олиб берса мен ҳам сизлар билан кетаман.

— Нега шошиляпсиз? — сўради Спейд.

Данди заҳарханда қилиб кесатди:

— Бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммаси қизиқ, аммо нега улар билан қолишга қўрқасиз?

— Мутлақ ундай эмас, жавоб қилди левантиялик нигоҳини олиб қочиб. — Анча кеч бўлиб қолди ва мен боришим керак.

Данди лабларини маҳкам қимтиганича ҳеч нима демади. Унинг кўк кўзлари газабдан ёнарди.

Спейд даҳлиздан Кэйронинг пальто ва шляпасини олиб келди. Унинг юзи хотиржам эди, овози ҳам худди шундай осойишта. Левантияликка пальтони узатиб Томга мурожаат қилди.

— Унга айт, тўппончани қўйиб кетсин.

Кэйронинг тўппончасини плашининг чўнтагидан олиб стол устига қўйган Данди биринчи бўлиб чиқди. Кетидан Кэйро эргашди. Том Спейднинг ёнида ушланиб қолди. «Нима қилаётганингни ўзинг биларсан деб ўйлайман», деди. Аммо жавобан ҳеч қандай муносабат эшитмай, хўрсиниб икковининг ортидан шошилди. Спейд даҳлизнинг бурчагига қадар бориб Томнинг ортидан эшикни ёпди.

БРИДЖИТ

Спейд меҳмонхонага қайтиб келиб диваннинг бурчагига билагини қўйиб, бошини икки қўли билан ушлаганча полга ўтирди. Бриджит О'Шоннесига қиё ҳам боқмади. Унинг кўзлари қисилганди.

Бриджит Спейднинг у билан иши йўқлигини тушуниб етгандан кейин ўзи изқуварга кучайиб бораётган ҳаяжон билан боқди. Спейд бирдан қўпол, бўғиқ товушда Дандини бўралаб сўка кетди. Полга жаҳл билан қараб олиб, хумори босилгунча бақирди.

Кейин юзидан қўлини олиб аёлга боқди ва кулиб туриб деди: — Болалик қилдикми, а? Ўзим ҳам биламан, аммо жин урсин, муштга қарши мушт қайтармасдан тура олмайман. — У эҳтиёткорлик билан жағини сийпалаб кўрди. — Унинг зарбаси ўртачадан ҳам пастроқ. — Спейд хоҳолаганча диванга суяниб, оёқларини чалиштирди. — Бундай ғалаба унга арзон тушди, а? — Бир дақиқага қошларини чимирди. — Ҳечқиси йўқ, ҳали ҳисоб-китоб қилишга улгураман.

О'Шонесси курсидан туриб унинг ёнига келиб ўтирди.

— Сиздан ёввойироқ одамни учратмаганман, — деди у.

— Мен унга атайлаб ўзимни уришга имкон бердим.

— Аммо полиция чақирмадик-ку.

— Гап бунда эмас. Бошини йўқотиб нима қилишини билмай қолди. Агар мен биринчи бўлиб туширганимда кунини кўрарди. Аммо унда можарони полиция маҳкамасида давом эттиришимизга тўғри келарди. — У ўйланиб туриб сўради: — Кэйрони нима қилдингиз?

— Ҳеч нима! — хоним бир оз қизариб кетди. — Мен уни чақирилмаган меҳмонлар кетгунча жим ўтирсин деб кўрқитиб қўймоқчи бўлдим, аммо унинг бу даражада ўтакаси ёрилиб кетиб ёрдамга чақириши хаёлимга ҳам келмаганди.

— Шу боис сиз уни тўппонча билан урдингизми?

— Менга ташланганидан кейин шундай қилишимга тўғри келди.

— Сиз ўт билан ўйнашяпсиз, — юзидаги табассум Спейднинг жаҳлини яширолмади. — Сиз таваккалига иш тутяпсиз, кўнглингизга худо нимани солса, шуни қиляяпсиз деб айтгандим.

— Мен афсусланяпман, Сэм, — аёл унга илтижоли боқиб иқрор бўлди.

— Бошқа нима ҳам қила олардингиз. — Спейд тамаки ўрай бошлади. — Хўш, сиз Кэйро билан барибир гаплашиб бўлдингиз, эиди менга навбат келди.

— Ҳа, албатта, гаплашиб бўлдим. — Аёл мовий кўйлагини силаб ўзининг тиззаларига маъюс қаради.

Спейд тамакисини намлаб елимлагач, чўнтагидан ёндиргични оларкан, «Хўш, нима гап», дея сўради.

— Аммо мен у билан охиригача гаплашиб улгурмадим, вақт етмади, суҳбатимизни бошидаёқ бўлиб кўйишдику...

Спейд тамаки тутинини пуфлаб мийиғида илжайди.

— Унга кўнғироқ қилиб қайтиб келишини сўрашимни истамайсизми?

Аёл муғамбирона жилмайиб бошини сарак-сарак қилди. Спейд уни бир қўли билан кучоқлаб, яланғоч, текис елкасига кафтини кўйди. Аёл бундай қизғин хатти-ҳаракатдан таъсирланиб кетиб бошини орқага ташлади.

— Хўш, қулоғим сизда, — деди Сэм.

Хоним бошини буриб, ўйноқи овозда сўради:

— Шунинг учун сиз мени кучоқлашингиз керакми?

— Йўқ. — Спейд қўлини унинг елкасидан олди.

— Сендан ҳамма нарсани кутиш мумкин, — бирдан сенсирашга ўтди хоним.

— Менинг қулоғим боягидек сенда, — бу сафар Спейд ҳам сенсиради.

— Қарачи, соат нечи бўлдийкин, — деди Бриджит бармоғи билан китоб устида турган соатга ишора қилиб. Соатнинг пачоқ миллиари ўн дақиқа кам учни кўрсатаётган эди.

— Оҳ-ҳо, ғалати, ақлдан оздирадиган кеча бўлдида!..

— Мен кетишим керак, — Бриджит ўрнидан турди. — Буларнинг ҳаммаси шундай кўрқинчли бўлдики!.. Спейд ўрнидан қимирламай бошини чайқаб чўрт кесди:

— То менга ҳамма нарсани гапириб бермагунингча ҳеч қаёққа кетмайсан.

Соатга қара, кеч бўлди, — қаршилиқ кўрсатди аёл. — Ҳамма гапни гапириб беришим учун менга кўп вақт керак.

— Ҳечқиси йўқ, вақтимиз кўп.

— Мен ҳибсга олиндимми? — Ноз билан, завқланиб сўради Бриджит.

— Бундан ташқари, уйимнинг олдида ўралашиб юрган бола ҳақида ҳам унутма. У балки ҳали ҳам ухлагани кетгани йўқдир.

Бриджитнинг қувончидан асар ҳам қолмади:

— Ҳали у шу ерда юрибди деб ўйлайсанми?

— Менимча, шундай.

Аёл сесканиб кетди.

— Текшириб кўроласанми?

— Пастга тушиб қараб чиқсам бўлади. Сен эса ҳозир овқат устида ҳикоянгни бошлайверасан.

— Ўта сабрсизлик қилиш ҳам яхши эмас!

— Ёввойи ва «ичимдагини топ» бўлиб олиш-чи, яхшими, — муносиб жавоб берди Спейд. — У қандай қуш эканки, бутун бир компанияни саросимага солиб кўйса?!

Нонни мол гўшти билан чайнаётган Бриджит тишлаган бутербродига қараб туриб сўради:

— Айтмасам нима бўлади, умуман ҳеч нимани айтмасам?

— Сен фақат мени чигал вазиятда нима қиларини билмай эсанкираб қолади деб ўйламагин, мен нима қилишимни жуда яхши биламан.

— Аммо барибир сен нима қилишинг мумкин? — Бриджит кўзини бутерброддан олиб Спейдга қаради.

— Кейинги қадамнинг қандай бўлишини билмоқчиман.

Спейд бош чайқади.

— Биронта кутилмаган, жумбоқли иш қиласанми? — кулди Бриджит.

— Балки, аммо сени мендан ҳақиқатни яшириб ютиб чиқишингга кўзим етмаяпти. Ҳақиқат мунтазам тушунтиришни талаб қиляпти-ку. Тўғри, ҳали кўп нарсани билмайман. Аммо ҳозирнинг ўзида баъзи бир нарсалар менга аён бўлди ва бошқа баъзи бир нарсаларни тахмин қилишим мумкин. Яна битта шундай кун

қайтарилса, ўзим билмаган, аммо сен гумон қилаётган нарсаларни ҳам билиб оламан.

— Менимча, ҳозирнинг ўзидаёқ мендан кўра кўпроқ сир-асрорлардан хабардорсан, — деди Бриджит яна бутербродини тишлаб. — Аммо мен бу машмашалардан шундай чарчадимки, ҳатто кўнглим айниб кетяпти. Яхшиси, ўзинг ҳамма нарса ҳақида билиб олгунингча кутиб турганимиз маъқул эмасми?

Спейд ўзини босиб туролмай хандон отиб кулиб юборди.

— Йўқ, илтимос, сен ишон... — ҳаяжонланиб кетди Бриджит.

Спейд бир неча сония аёлнинг ташвишли юзига боқиб тургач дивандан кўзгалди.

— Яхши, деди у ва шкафдан шляпаси ва плашини олди. — Мен ўн дақиқадан кейин келаман.

— Илтимос, эҳтиёт бўл, — ёлбориб Спейдни эшикнинг олдиғача кузатиб чиқди Бриджит.

— Ҳаракат қиламан. Пост-стритда тирик жон йўқ эди. Спейд бир квартални босиб ўтди. Кейин қарши томондаги йўлакчага ўтиб орқага икки квартал юрди, яна ўзи томондаги кўчага ўтиб уйига қайтиб кирди. Аммо гаражлардан бирида машина таъмирлаётган икки механикдан бошқа ҳеч кимни учратмади.

Бриджит О'Шонесси даҳлизнинг бурчагида қўлида Кэйронинг тўппончасини ушлаганча турарди.

— У ҳали шу ерда, пастда турибди, — деди Сэм.

Бриджит лабини тишлаб секин орқасига бурилганича меҳмонхонага қайтиб кирди. Унинг ортидан юрган Спейд шляпаси ва плашини курсига ташлаб «Ҳали гаплашишга вақтимиз етарли», дея ошхонага чиқди. Плитага кофе қайнатгични қўйиб узун француз нонини кесаётган пайтда аёл қўлида тўппонча билан эшик олдида пайдо бўлди. Унинг бармоқлари тўппончанинг корпус ва затворини мақсадсиз сиқарди.

— Дастурхон ҳув анави ерда, — деди Спейд нон кесаётган пичоғи билан буфет томонга ишора қилиб.

Бриджит дастурхонни столга ёзгунга қадар Спейд колбаса ва совуқ гўштдан бутерброд тайёрлади. Кейин пиёлаларга кофе ва қориндор шисадан коньяк қуйди. Улар ёнма-ён ўтириб овқатга қўл узатдилар. Хоним тўппончани ўзининг ёнига қўйди.

— Билмадим, ўзинг ҳал қил. Менга-ку барибир, аммо ўзингни эҳтиёт қил.

Ишқилиб тасодифан чертилиб кетган темир ўзингга зиён етказиб қўймасин, — Спейд вазминлик билан огоҳлантирди.

Хоним уялинқираб яланғоч елкаларини қисиб қўйди, аммо ҳеч нима демади. Улар бир неча дақиқа жимгина овқатланишди.

— Мен сендан қўрқаман, ҳамма гап шунда, — биринчи бўлиб жимликни бузди Бриджит.

— Йўқ, гап бунда эмас, — инкор қилди Спейд.

— Йўқ, шунда, — ўша-ўша паст товуш билан таъкидлади аёл. — Мен иккита одамдан қўрқаман, бутун икковини ҳам кўрдим.

— Сени Кэйродан кўрқишингни биламан, — деди Спейд. — Унга сенинг кучинг етмайди.

— Сенга-чи?

— Мен эса ёнингдаман, — деди Спейд кулимсираб.

Қизариб кетган Бриджит оқ пешанасини тириштириб колбаса билан бутербродни тарелкага қўйди.

— Сенга маълум бўлсинки, ўша қора қуш, ҳайкалча, лочинми, ғозми, хуллас, силлик, ярқираган, мана бундай баландликда, — аёл қўлини тахминан бир метрча ёйди.

— Унинг нимаси яхши?

Бриджит жавоб беришдан олдин кофе билан коньякдан хўплади.

— Билмадим. Улар менга айтганлари йўқ. Олиб келиб беришим учун менга беш юз фунт ваъда қилишган. Джодан воз кечганимиздан кейин Флойд менга етти юз эллик фунт ваъда қилганди.

— Демак, қуш етти ярим мингдан ҳам қимматроқ тураркан-да?!

— Бундан ҳам қимматроқ. Мендан буни яширишган. Мени фақат ёрдам бериш учун ёллашган.

— Қандай ёрдам бериш учун?

Аёл яна лабига идишни олиб келди. Спейд суҳбатдошидан кўзини узмасдан тамаки ўрай бошлади. Уларнинг орқасидаги плитада кофе қайнарди.

— Ҳайкални эгадор бўлган одамдан олиб қўйишда ёрдамлашишимни сўрашган, — деди Бриджит секин ва идишни столга қўйди. — Кемидов фамилияли русдан.

— Қандай қилиб?

— Бу муҳим эмас, буни билишинг сенга ёрдам бермайди. Қолаверса, бўлиб ўтган ишларга сенинг мутлақо дахлинг йўқ.

— Воқеа Константинополда бўлганми?

— Мармарда.

Спейд тамаки билан у томонга ишора қилиб давом этишга ундади:

— Кейин нима бўлди?

— Бор гап шу. Ҳаммасини гапириб бердим. Ёрдамим учун беш юз фунт ваъда қилишди ва мен уларга ёрдам бердим. Кейин бизлар Джо Кэйронинг бизни доғда қолдириб лочинни олиб қочмоқчи экани ҳақида билиб қолдик ва ўзимиз ундан қочиб кетдик. Аммо менинг аҳволим барибир қийинлашди: Флойд менга етти юз эллик фунтни тўлашни хаёлига ҳам келтирмасди. Мен буни Сан-Францискога келганимиздагина билдим. У, Нью-Йоркка борганимизда лочинни сотиб, кейин сенинг улушингни бераман, деди. Лекин мен унинг фирт ёлғон сўзлаётганини билиб турардим. — Хонимнинг ғазаби кўзларини сиёҳ рангига бўяди. — Ана ўшанда мен сенинг ёнингга ёрдам сўраб боргандим. Лочиннинг қаерда эканини билиб беришингни илтимос қилмоқчи эдим.

— Айтайлик, сен уни топдинг ҳам, хўш, кейин нима қиласан?

— У ҳолда Флойд Тербизга шартни мен қўярдим.

— Аммо сен у ваъда қилган пулдан кўпроқ ҳақ беришлари мумкин бўлган жойни биласан-ку.

— Йўқ, билмайман.

— Нега энди бу фигура шундай қиммат баҳоланяпти? Сен бу ҳақда бирон нарса билишинг, ҳеч бўлмаганда тахмин қилишинг керак.

— Ҳеч қандай тахмин қилолмайман.

— Қуш нимадан тайёрланган? — тобора қизиқиши ортиб сўради Спейд.

— Чиннидан ёки қора тошдан, аниғини билмайман. Мен, ҳатто уни силаб кўрганим йўқ.

Спейд тамакиси қолдиғини ликопчага эзиб ўчириб кофе билан коньякни хўплаб ича бошлади. Унинг юзи равшанлашди. Лабларини салфетка билан артиб, ғоятда хотиржам оҳангда деди:

— Ёлғон гапиряпсан...

— Ёлғон гапиряпман, ҳар доим ёлғон гапирганман!... — юзлари қизариб кетган Бриджит жаҳл билан ўрнидан турди.

— Нима билан мақтанишни топганингни қара, сен ҳам ёш бола эмасман-ку, — Спейд ҳам ўрнидан турди. — Эртагингда зиғирча бўлса ҳам ҳақиқат борми?

Аёл бошини эгди. Қора киприкларида ёш қалқди.

— Ҳа, — деди паст товушда.

— Қандай?

— Кичкинагина.

Спейд унинг жағидан ушлаб бошини кўтарди, ёш тўла кўзларига нигоҳини тўғрилади:

— Ҳали бутун тун олдинда. Мен яна кофе билан конъяк тайёрлайман ва ҳаммасини бошидан бошлаймиз.

— Жуда чарчаб кетдим, — нолиди Бриджит қалтироқ овоз билан... — Шундай чарчадимки, ёлғон сўз-лаяпманми, ростми, ўзим ҳам билолмай қолдим...

Кафтлари орасига Спейднинг юзини олган хоним ярим очиқ лаблари билан унинг лабига ёпишди, кейин бутун баданини ҳавола қилди. Спейд аёлни кучоқлаб олиб бир қўли билан малла сочларини, иккинчи қўли билан нозик белини силади. Унинг кўзлари ёниб бутун вужуди кўзғолган эди.

Ўнинчи боб

«БЕЛЬВЕДЕР» МЕҲМОНҲОНАСИ

Спейд тонг энди ғира-шира ёришаётганда уйғонди. Ёнида Бриджит О'Шонесси енгил нафас олиб, мазза қилиб ухлаб ётарди. Спейд хобхонадан секин, товушсиз чиқиб эшикни ёпиб қўйди. Уст-бошини ювиниш хонасида кийди. Кейин ухлаётган Бриджитнинг кийим-бошини диққат билан текширди. Аёлнинг пальтоси чўнтагидан калитни олиб кўчага чиқди. «Коронет» меҳмонхонасига бориб, Бриджитнинг хонаси эшигини очди. Спейднинг дадил ва шахдам ҳаракатлари ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмасди. Фақат товуш чиқариб юришигина ажабланарли эди. Ҳамма чироқларни ёқиб хонани обдон текширди. Унинг кўз ва қўллари деярли

шошилмай ҳаракат қиларди, аммо ҳар бир нарсада узоқ тўхталиб қолишмасди, бир марта текширилган нарсага иккиланиб қайтишмасди. У кийим-бошларнинг ҳар бир чўнтагини бирон-бир қоғоз шилдираб қолармикан деб ағдариб кўрди. Каравотдан тўшакларни олди, гилам ва мебелларнинг тагига ҳам кўз югуртирди. Дераза пардаларини тушириб, уларга ҳеч нарса яшириб қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳар бир ойнадан бошини чиқариб ташқарини ҳам кузатди. Санчқини стол устидаги ҳар бир упа ва бўёқли банкаларга тиқиб кўрди, ҳар бир шиша, атир сачратгиларни чироққа тутиб кўрди. Товоқчаларни, товани, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам ҳидлаб кўрди. Газета ёзиб устига ахлат яшигидаги бор нарсаларни ағдарди. Ҳожатхонадаги сув оқизувчи тувакнинг сувини оқизиб юбориб ичини текширди. Ювиниш хонасидаги металл қопқоқларни, сув филдирақларини, раковинани — ҳамма-ҳамма нарсани яхшилаб назардан ўтказди.

Аммо қора қушни, ҳеч бўлмаса қора қушга дахлдор бирон-бир нарсани топа олмади. У топган ёлғиз ҳужжат бундан бир ҳафта бурун Бриджит О'Шонесси номига ёзилган квартира тўлови ҳисоб-китоб қоғози бўлди. Бундан ташқари, тақинчоқлар солинган гаройиб қутича ҳам унинг эътиборини тортиб, тинтувни бир муддат тўхтатишга мажбур қилди. Столнинг галадонида қулф-лоғлиқ турган қутичани олиб, очиб томоша қилди: тақинчоқлар ғоят нафис ва қимматбаҳо эди!.. Тинтувни тамомлагач, кофе тайёрлаб ичди.

Уйга қайтаётиб магазиндан апельсин, тухум, булочка, ёғ ва қаймоқ харид қилди. Уйга секингина кириб, энди эшикни ёпган эди ҳамки, Бриджит О'Шонессининг овозини эшитди:

— Ким у?

— Сахий Спейд тоға нонушта олиб келди.

— Оҳ, мени қандай кўрқитиб юбординг-ей!..

Спейд чиқиб кетишидан олдин ёпиб қўйган хобхонанинг эшиги очиқ эди. Бриджит ўнг қўлини ёстиғи остига тиқиб каравот қирғоғида титраганча ўтирарди.

Спейд харид қилган нарсаларини стол устига қўйиб хобхонага кирди. Аёлнинг ёнига ўтириб, силлиқ елкасидан ўпди.

— Мен йигитчани ҳали-ҳануз турган-турмаганини текшириб кўриш ва биратўла нонуштада егани бирон нарса харид қилиш мақсадида ташқарига чиққандим.

— Йигитчани кўрдингми?

— Йўқ.

Аёл унга ёпишиб олди.

— Уйғониб қарасам ёнимда йўқсан, қулоқ солсам, бирдан кимдир эшикни очиб кириб келяпти. Рости, ўлгудек кўрқиб кетдим.

Спейд унинг малла сочларини пешанасидан нари сурди.

— Кечир мени, фариштам. Мен келгунча ухлаб ётасан деб ўйлагандим. Кечаси билан тўппончани ёстиғинг остида ушлаб чиқдингми?

— Йўқ. Ахир сен буни биласан-ку. Сенинг йўқлигингни билгач ўрнимдан туриб тўппончани қўлимга олдим.

Бриджит ювиниб, кийиниб бўлгунга қадар Спейд нонушта тайёрлади ва калитни аёлнинг пальтоси чўнтагига киши билмас солиб қўйди. Хоним ювиниш хонасидан аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб чиқди.

— Жойни йиғиштириб қўяйми? — сўради сўнг.

— Яхши бўларди. Тухум қуймоқ яна икки дақиқада тайёр бўлади.

Аёл ошхонага кирганда нонушта столда муҳайё эди. Улар худди ўтган кечадаги каби ўтиришиб иштаҳа билан овқат тановул қилишга киришдилар.

— Хўш, қуш ҳақидаги суҳбатни давом эттирамизми? — сўради Спейд чайналиб туриб.

Бриджит санчқини стол устига қўйиб унга қараб қошларини чимирди ва лабини чўччайтирди.

— Эй Худо, эрталабдан шу ҳақда сўрагани уялмайсанми? — жаҳли чиқди унинг. — Йўқ ва истамайман.

— Ўларча қайсарсан, — деди Спейд оғзига булка бўлагини соларкан.

Спейд ва Бриджит уйдан чиқишиб, таксига ўтиришгаётганда кузатувчи йигитча яқин орада кўринмади. «Коронет» меҳмонхонаси олдида ҳам чалаизқувар ва бошқа шунга ўхшаш кимсани учратишмади.

Бриджит Спейдни унинг хонасига чиқишини истамади.

— Шундай пайтда кечки кийимда қайтиб келиш, ҳатто ҳамроҳсиз ҳам шубҳали. Ўйлайманки, то хонамга кириб олгунимча йўлимда бирон кимса чиқмайди.

— Кечқурун бирга овқатланамизми?

— Яхши.

Улар ўпишишди. Бриджит кириб кетиши билан Спейд ҳайдовчига буюрди:

— «Бельведер» меҳмонхонасига!..

«Бельведер» меҳмонхонасининг кириш залида у чалаизкуварни дарров кўрди. Ўйигитча пастак диванда, барча лифтлар кўришиб турувчи жойда газета ўқиб ўтирарди. Спейд меҳмонхона хизматчисидан Кэйронинг меҳмонхонада ҳозир бор-йўқлигини суриштирди. Қовоғини уюб пастки лабини тишлади, кўзларида чақмоқ чақнади.

— Раҳмат, — деди у навбатчига ва ўгирилиб олди. Ҳамма лифтлар кўринадиган жойга бориб газета ўқиётган боланинг ёнига ўтирди.

Ўйигитча газетадан кўзини узмасди. Яқиндан қараганда, ёши йигирмага ҳам етмаганга ўхшарди. Териси оппоқлиги билан ҳайратга соларди одамни. Унчалик янги бўлмаган кийим-бошларини эркакларга хос саришталик билан кийиб олганди.

Жигарранг қоғозга махоркани тўкаётиб Спейд шунчаки сўраган бўлди:

— Қаерда у?

Ўйигитча газетани пастга тушириб Спейднинг кўкрагига узун, ҳаракатчан киприклари орасидаги ёруғ — жигарранг кўзлари билан қаради ва бошдан-оёқ унга разм солиб чиқди. Ниҳоят, босиқ овоз билан сўради:

— Нима?

— Қаерда у? — Спейд ҳамон тамакини ўрашда давом этиб сўради.

— Ким?..

— Бесоқол...

Ўйигитчанинг нигоҳи Спейднинг қизил галстуги тугунида тўхтади.

— Ўзингни аҳмоқ қилиб кўрсатмоқчимисан? — сўради у.

— Нима деяпсан? Миямга шундай фикр келганда мен сени хабардор қилиб қўяман. — Спейд чекадиган

қоғозининг қирғоғини ялаганча болага дўстона кулиб қараб қўйди. — Нью-Йоркдан келдингми?

Йигитча Спейднинг галстугини кўзини узмай жим тураверди. Спейд гўё тасдиқ овозини эшитгандай бош ирғади.

— Кўнгилсизлик қидиряпсанми?

Йигитча яна бир оз Спейднинг галстугига қараб тургач газетани кўтариб ўқишга берилиб кетди.

— Йўқол бу ердан, — деди у бир оздан кейин тишлари орасидан.

Спейд тамакисини тутатиб яхшироқ ўрнашиб олди ва бамайлихотир сўз бошлади:

— Сизлар мен билан ҳисоблашишга мажбурсизлар, ўғлим, қайсиларингдир албатта мен билан гаплашишларинг керак. Шундай деб етказиб қўй. Буни мен сизларга аниқ айтаяпман.

Йигитча газетани бир чеккага қўйиб Спейдга ўғирилди ва унинг галстугига совуқ қаради. Кичкина қўллари қорнида турарди.

— Кўп ҳаддингдан ошаверма, — деди у паст, дўқпўписа оҳангида. — Яна қайтараман, йўқол бу ердан!..

Кўзойнак таққан семиз одам ва ингичка оёқли малласоч қиз ўтиб кетгунча кутиб туриб, Спейд кулиб юборди.

— Бу билан сен еттинчи авенюдаги кимнидир кўрқитишинг мумкин. Аммо бизлар сенинг Нью-Йоркда эмас, менинг Сан-Францискоимдамиз, — у тамакини аввал тортиб кейин тутун чиқарди. — Хўш, қаерда у?

Йигитча Спейдга жавобан уят сўзлар билан сўкинди ва «Йўқол бу ердан», дея яна қайтарди.

— Бу аҳволда тишдан айрилиб қолишинг ҳеч гап эмас. — Спейднинг овози ҳамон дўстона эди, аммо юзи тош бўлиб қотиб борарди. — Пачоқ бўлмасдан туриб хушмуомала бўлишни ўрган.

Йигитча яна сўкинди. Спейд қўлидаги тамакини катта ахлат қутига ирғитиб, тамаки маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон олдида турган одамни имлаб ёнига чақирди. Ҳалиги киши имони тушуниб, дарров уларнинг олдига шошилди. У ўрта ёшдаги, ўрта бўйли, қомати келишган одам бўлиб, қорамтир костюм кийиб олганди.

— Салом, Сэм, — кўришди у эски қадрдонлардек.

— Салом, Люк.

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқишди ва Люк гап бошлади:

— Бечора Майлз...

— Омади келмади. — Спейд йигитча ўтирган томонга қаради. — Нима учун сен ҳар хил аблахларнинг меҳмонхонада тўппонча билан юришларига рухсат беряпсан?

— Э, гап бу ёқда дегин!.. — Люк йигитга разм солди, юзлари дарҳол жиддий тус олди:

— Сенга бу ерда нима бор?

Йигитча ўрнидан турди. Спейд ҳам турди. Йигитча қаршисидаги одамларнинг бир унисига, бир бунисига нигоҳ ташлади. Аниқроғи, унинг нигоҳи Спейд ва Люкнинг галстукларида эди. Люк қора галстук тақарди. Изқуварларнинг олдида йигитча мактаб ўқувчисига ўхшарди гўё.

— Агар сенга бу ерда ҳеч нима керак бўлмаса, туёғингни шақиллатиб қол, иккинчи бу ерда қорангни ҳам кўрмай!.. — деди Люк.

«Мен буни ёдимда сақлайман», деди йигитча ва меҳмонхонадан чиқиб кетди. То кўздан ғойиб бўлгунга қадар қараб туришди. Спейд терлаган пешанасини дастрўмол билан артди.

Меҳмонхона изқувари сўради:

— Ким у?

— Билмадим, — жавоб берди Спейд. — Биринчи маротаба кўриб туришим. 635-хонада яшовчи Джозэл Кэйро ҳақида бирон нарса дея оласанми?

— Э, у ҳақдами? — Люк илжайди.

— Қачондан бери бу ерда яшайпти?

— Тўрт кундан. Бугун бешинчи кун.

— Хўш, у ҳақда нималар дея оласан?

— Фақат унинг турқи совуқ эканлигидан ташқари деярли ҳеч нима?

— Аниқлаб берчи, бугун у шу ерда тунаганмикан?

— Ҳаракат қиламан, — деди изқувар ва кетди.

Спейд диванга ўтирди.

— Йўқ, бугун у хонасида тунамабди. Бирон нарса бўлдимми?

— Йўқ.

— Айтақолсанг-чи, ахир менинг тилимни тийиб юришимни биласан-ку. Бирон воқеа юз берган бўлса, биз ундан пулимизни ундириб олишимиз керак.

— Биласанми, — деди Спейд, — мен унинг учун кичкина бир ишни бажаряпман, агар зарур гап чиқиб қолса, мен сенга албатта айтаман.

— Уни кузатиб туришимни истайсанми?

— Раҳмат, Люк, истайман. Ҳозирги кунда хизматини қилаётган одамнинг ҳақида кўпроқ нарса билишинг зиён қилмайди.

Джозэл Кэйро меҳмонхонадаги лифт тепасига ўрнатилган соат ўн бирдан йигирма бир дақиқа ўтганини кўрсатган пайтда пайдо бўлди. Унинг пешанаси боғланган, кийим-боши ҳам бир озғижим эди.

Спейд Кэйрони меҳмонхона хизматчисининг хонаси олдида учратди:

— Хайрли тонг, — дея кўришди у одатдагидек.

— Салом, — бўшашиброқ жавоб берди Кэйро.

Орага жимлик чўкди.

Кейин Спейд гап бошлади:

— Бирон жойга бориб гаплашиб олишимиз керак.

Кэйро жағини силкитди:

— Мени кечирасиз. Бизнинг норасмий учрашувимиз мен кутгандек бўлмади, шунинг учун уни давом эттиришни истамайман. Юзингизга очиқчасига гапирганим учун узр сўрайман, бироқ менинг қарорим шундай.

— Сиз кеча кечқурунги ишни назарда тутяпсизми? Мен нима қилишим керак эди? Сизни тушунади, деб ўйлагандим. Хоним билан уришишга қарор қилган экансиз, мен унинг тарафини олишга мажбур эдим. Мен ўша лаънати қуш қаерда эканини билмайман. Аёл эса биледи. Мен унга ўзимча ён босмасам қушни қандай қилиб оламиз?

Кэйро ўйланиб қолди, кейин иккиланиб сўради:

— Шуни тан олишим керакки, сиз ҳар доим жуда усталик билан ўзингизникини маъқуллайсиз.

Спейд кулимсиради.

— Нима қил дейсиз? Тушуниб бўлмайдиган қилиб дудуқланиб гапиришни ўрганаймиз? — Улар ҳалиги изқувар йигитча ўтирган диванга бориб ўтиришгач

Спейд сўради: — Данди сизни полиция бошқармасига олиб бордимми?

— Ҳа.

— Сизни узоқ сўроқ қилишдимми?

— Мени хоҳишимга қарши жуда узоқ қийнашди. Ҳозиргина қўйиб юборишди. — Кэйронинг овозида ҳайрат ва азоб бор эди. — Мен ҳозироқ Грециянинг бош консулига ва ўз адвокатимга мурожаат қиламан.

— Мурожаат қилинг, балки бирон-бир натижа бўлар. Сиздан бирон маълумотни билиб олишга эришишдимми? Кэйро самимий кулди.

— Мутлақо ҳеч нимага эриша олганлари йўқ. Мен сиз ўйлаб топган гапдан нарига ўтмадим. Аслида сизнинг тўқимангиз ҳақиқатга яқин бўлганида яхши эди. Уни такрорлаш мен учун осон кечмади.

Спейд масхараомуз илжайди:

— Албатта, аммо ўйлаб топилган воқеанинг баҳоси унинг ҳақиқатга яқин эмаслигида-да. Сиз уларга бирон сирни лақиллаб қўймаганингизга ишонасизми?

— Менга ишонаверинг, жаноб Спейд, ҳеч нимани айтганим йўқ.

— Данди сизни тинч қўймайди. Айтганингизда туриб олсангиз ҳаммаси жойида бўлади. Далилингиз аҳмоқона эканидан чўчиманг. Тўғри далил учовимизни ҳам қамоқхонага олиб боради. — Спейд ўрнидан турди. — Полициянинг туни билан давом этган меҳрибончилигидан толиққан бўлсангиз керак. Биз ҳали яна кўришамиз. Ҳозир кириб дамнингизни олинг.

Спейд идорасига кириб келганида Эффи Перин телефонда ким биландир гаплашарди: «Йўқ, ҳали йўқ». Қиз Спейдга қараб аста шивирлади: «Ива». Спейд бошини чайқади. «Хўп, мен у келиши билан сизга телефон қилиши кераклигини айтаман», деди котиба қаттиқ овозда ва телефон гўшагини қўйди. — Эрталабдан буён учинчи мартаба қўнғироқ қиляпти.

Спейд норози тўнғиллаб қўйди.

Қиз кўзи билан Спейднинг хонаси томон ишора қилди:

— Сени О'Шонесси хониминг соат тўққиздан буён кутаяпти. Спейд худди шу хабарни кутгандек шошиб бош силкиб, сўради:

— Яна нима?

— Сержант Полхаус қўнғироқ қилди, аммо ҳеч нарса айтиб қўйишимни илтимос қилмади.

— Мени у билан боғла.

— Яна «Г» қўнғироқ қилди.

Спейднинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Ким?

— «Г». У ўзини шундай деб атади. Агентликда йўқлигини айтганимдан кейин телефон қилганини сенга айтиб қўйишимни илтимос қилди, сенинг гапингни унга етказишганини айтиб, яна қўнғироқ қиламан, деди.

Спейднинг лаблари худди ширинлик тотиб кўргандек тамшанди.

— Раҳмат, азизам, — деди у. — Телефонда Том Полхаусни топишга уриниб кўр. — У хонага кириб эшикни зичлаб ёпди.

Эгнига бу идорага биринчи марта келган кунидаги либосларини кийиб олган Бриджит О'Шонесси ўрнидан туриб Спейдни қарши олди.

— Мени хонамга кимдир кирибди!.. — ҳаяжонланиб бақирди у. — Ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборибди.

— Бирон буюминг йўқолибдими? — Спейд ишонарди, аммо ясама ҳайрат билан сўради.

— Билолмадим. Хонамда қолишга қўрқдим, тезда кийиниб бу ерга келавердим. Сенинг ортингдан юрган йигитча менинг хонамга кирган бўлса керак!..

— Йўқ, менинг фариштам. — Спейд мамлакат газеталаридан бирининг эрталабки сонини чўнтагидан чиқариб тўртинчи устундаги «Бақириқ босқинчини чўчитиб юборди» сарлавҳали мақолани кўрсатди.

Саттер-стритда яшовчи Королин Бил деган ёш аёл эрталаб соат тўртда хонасига кириб олган нотаниш кимсанинг шовқинидан уйғониб кетиб бақириб юборади. Нотаниш кимса қочиб қолган. Ўша уйда яшовчи яна иккита аёл эрталаб уларнинг хонасида ҳам кимдир бўлганлигини билишган. Аммо нотаниш кимса ҳеч нарса ўғирламаган.

— Мен ўша ерда ундан қочиб қолгандим, — туншунтирди Спейд. — Мен уйнинг олд томонидан кириб,

орқа томонидаги яширин жойдан чиқиб кетгандим. Нотаниш кимса шу подъездда яшовчи аёлларнинг уйларига кирган холос, мақсади сени топиш бўлган.

— Аммо бизлар сеникида эканимизда, уни уйинг олдида ивирсиб юрганини кўргандик-ку, — эътироз билдирди хоним.

Спейд елкасини қисди.

— Нима учун сен уни ёлғиз ҳаракат қиляпти деб ўйлайсан? Бундан ташқари, бизнинг бу ерда ётиб қолганимизни билганидан кейин ҳам Саттер-стритга бориши мумкин эди. Бу ерда минг хил эҳтимол бор. Аммо мен уни «Коронет» меҳмонхонасига илаштириб борганим йўқ.

Бу гап хонимни тинчлантирди.

— Бироқ у ёки бошқа кимдир менинг хонамни топибди.

— Албатта, — Спейд қовоғини солиб Бриджитнинг оёқларига қаради. — Балки бу Кэйро бўлиши ҳам мумкин... У меҳмонхонада тунагани йўқ. Меҳмонхонага ҳозиргина келди. Менга, туни билан полиция участкасида бўлдим деди, ишониш қийин.

Спейд ўгирилиб Эффи Периндан сўради:

— Том билан боғланишнинг имкони бўлмадими?

— Ҳозирча жойида йўқ экан, яна бир неча дақиқадан кейин қўнғироқ қилиб кўраман.

— Раҳмат.

Спейд эшикни ёпиб Бриджит О'Шонессига юзланди. Хоним унга хўмрайиб қараб турарди.

— Бугун эрталаб Джонинг олдида бордингми? — сўради у.

— Ҳа.

Аёл бир оз иккиланиб қолди.

— Нима учун?

— Нима учун?.. — Спейд кулиб Бриджитга бошдан-оёқ назар ташлади, — шунинг учунки, менинг маҳбубам, гар мен бу ўта мушкул ишнинг чигалини ечмоқчи бўлсам, барча иштирокчилар билан алоқада бўлиб, ҳар бир нарсага эътибор бермоғим зарур. — Спейд хонимни қўли билан қучоқлаб ўзининг айланма курсисига олиб борди. Бурнининг учидан ўпиб курсига ўтқазди. Унинг рўпарасига ўтиб олди.

— Энди сенга яна жой қидиришимиз керак, тўғрими?

Аёл бош ирғади:

— Мен хонамга қайтмайман.

Спейд столни қўли билан шапиллатиб ўйланиб қолди.

— Топдим шекилли, деди у тез орада. — Бир дақиқа сабр қилгин. — У ортидаги эшикни очиб қабулхонага чиқди.

Эффи Перин телефон гўшагига интилди.

— Ҳозир мен яна бир маротаба қўнғироқ қиламан.

— Кейинроқ. Сенинг аёллик сезувчанлигинг менинг меҳмонимни аввалгидек покиза деб ҳисоблаяптими?

Қиз унга жиддий қараб қўйди.

— Нима рўй берганида ҳам мен у аёлга ишонаман, агар сени тўғри тушунган бўлсам.

— Сен мени тўғри тушундинг, — деди Спейд. — Ҳозир унга ёрдам беришга кучинг етадими?

— Қандай қилиб?

— Бир неча кун бошқа жойда яшаб туриши керак.

— Сен бизнинг уйда деб ўйлаяпсанми?

— Ҳа. Хонасини яна кимдир титкилабди. Бир ҳафтанинг ичида иккинчи маротаба шундай бўлиши. Ҳозир уни ёлғиз қўйиб бўлмайди. Агар сен уйингга олиб борсанг жуда зўр бўларди.

Эффи Перин хавотирланиб сўради:

— Ҳақиқатан ҳам у хавф остидами, Сэм?

— Шундай деб ўйлайман.

— Албатта, онамнинг қўрқувдан кўкариб кетмаган жойи қолмайди. Аммо мен унга, меҳмонимиз Спейднинг жуда қимматли гувоҳи, уни охирига қадар яшириб туришимиз жуда зарур, деб тушунтираман.

— Ажойиб қизсан, — деди Спейд. — Ҳозироқ жўнанглар. Мен ундан калитини олиб, хонасидаги барча керакли буюмларни олиб бораман. Шошма, бир ўйлаб кўрайлик-чи. Сизларни бирга кўрмасликлари керак. Ҳозир уйингга боравер. Таксига ўтириб, ортингдан дум илашмаганига ишонч ҳосил қил. Ҳозир менимча йўқ бўлиши ҳам мумкин. Бриджитни бошқа таксига ўтқизиб ортидан биронтасининг эргашмаслиги чорасини кўраман.

Ўн биринчи боб

БАҚАЛОҚ

Спейд Бриджит О'Шонессини таксига ўтқизиб Эффи Перинларникига кузатиб қўйгач, ўз кабинетига қайтиб кириши билан столнинг устидаги телефон жириглаб қолди. Спейд телефонни кўтарди:

— Алло... Ҳа, бу менман... Ҳа, олдим, мен қўнғироғингизни кутаётгандим... Ким?.. Жаноб Гутман?.. Эҳ-ҳа, албатта!.. Ҳозироқ, қанча тез бўлса, шунча яхши... Иккинчи... Яхши, айтайлик, ўн беш дақиқадан кейин, яхши...

Спейд столнинг бурчагига, телефон ёнига ўтириб тамаки ўрай бошлади. Унинг лаблари кулимсираётгандек юмилган эди. Бармоқларини кузатаётган кўзлари осилган қовоқлари остида милтиллаб турарди. Шу пайт эшик очилиб Ива Арчер кириб келди. Спейднинг юзига кутилмаганда табассум ёйилди.

— Салом, менинг куёшим.

— О, Сэм, кечир мени! Кечир, азизим!.. — Хоним эшикнинг ёнида қўлқопини ечмасдан, қора ҳошияли даст-рўмолиниғижимлаб, қизариб, шишиб кетган кўзлари билан Спейднинг юзига боқишга ҳаракат қиларди.

Спейд эса ҳамон жойида ўтирарди.

— Албатта, нимага кечирим сўраяпсан? Мен унутиб бўлганман...

Аммо, Сэм, — аёл ҳўнграб юборди. — Полицияни сенинг олдингга мен юборгандим. Рашқдан ақлдан озаёздим ва уларга қўнғироқ қилдим. Агар Майлзнинг ўлими ҳақида билишни истасанглар ҳозироқ Спейднинг квартирасига боринглар, дедим.

— Нима учун сен бу қарорга келдинг?

— Мен бундай ўйлаганим йўқ эди. Фақат сенга азоб бермоқчи бўлдим.

— Мени қийин аҳволга солиб қўйдинг, — Спейд бир қўли билан аёлни кучоқлаб ўзига тортди. — Аммо ҳозир ҳаммаси жойида, илтимос, бошқа бунақа найранг кўрсатмагин.

— Қайтарилмайди, — ваъда қилди аёл. — Ҳеч қачон қайтарилмайди. Аммо кеча кечқурун сен менга нисбатан яхши иш тутмадинг. Қандайдир совуққон, бегона эдинг,

тезроқ мендан қутулишни истардинг. Мен бўлса сени огоҳлантириб қўяй деб пастда, уйга кираверишда узоқ кутгандим, сен эса...

— Огоҳлантириб қўяй деб? Нимадан?

— Филе ҳақида-да. У қандайдир йўллар билан мени севишингни билиб олибди. Майлз унга, хотиним ажрашаман деяпти, деган экан. Нима сабабдан эканлигини гарчанд билмаган бўлса-да, қотиллик рўй бергандан сўнг бизлар икковимиз бу ишни келишиб олиб қилган бўлишимиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолган. Гўё сен унинг акасини, менга ажралишга рухсат бермагани учун ўлдирганмишсан. Йўлимиздаги тўғаноқни йўқ қилиш учун. Филе менга шундай деди ва кеча полицияда ҳам шу фикрини баён қилди.

— Жуда зўр-ку! — деди Спейд кинояомуз. — Шу сабабдан сен мени огоҳлантиргани келгандинг, аммо мен банд бўлганлигим учун тилингни тишладинг. Кейин мендан қасд олиш учун анави ифлос Фил Арчерга полицияхонада тўполон кўтариши учун ёрдам бердинг...

— Айбдорман... Биламан, сен мени ҳеч қачон кечирмайсан. Кечир... кечир мени, мен айбдорман...

— Шубҳасиз, айбдорсан, — деди Спейд. — Фил полицияга боргандан кейин Данди ёки унинг бирон одами ёнингга кирдимми?

— Йўқ... — Аёлнинг юзидаги ташвиш янада кучайди.

— Барибир келишади, — деди Спейд, — аммо сени бу ерда кўрмаганлари яхши эди. Уларга кўнғироқ қилганингда кимлигингни айтганмисан?

— Йўқ!.. Мен фақат кўп ивирсиб ўтирмасдан сени уйингга тезроқ етиб боришса қотиллик ҳақида кўпроқ нарсани билиб олишларини айтиб, телефон гўшагини жойига илиб қўйдим.

— Қаердан кўнғироқ қилгандинг?

— Уйинг олдидаги аптекадан, О, Сэм, жоним, мен...

Спейд ўртадаги гина-кудуратларни унутгандек аёлнинг елкаларига шапиллатиб қўйди ва гапни давом эттирди:

— Ҳазилинг ҳаром ҳазил бўлган, аммо ким эски нарсани ёдга олса... Ҳозир яхшиси, уйингга бориб полицияга нима деб жавоб беришинг ҳақида ўйлаб кўр. Улар кўп куттиришмайди, ҳали-ҳозир келиб қолишлари

мумкин. Балки ҳаммасини бошидан инкор қилган маъқулдир, балки сен Сид Уайз билан кўришишни истарсан?

Спейд чўнтагидан ташриф қоғози олиб орқасига нималарнидир ёзгач, аёлга узатди. — Сидга бор гапни айтишинг мумкин. — У қовоғини уюб олди. — Кеча Майлзни ўлдирганларида қаерда бўлганингни яширмай айт.

— Уйда эдим, — деди Ива сира иккиланмай.

Спейд унга кулимсираб қараб бошини сарак-сарак қилди.

— Ёлғон, — деди у, — аммо сен шу гапнингда туриб олсанг менга барибир. Ҳозир Сиднинг олдига бор. У бурчакдаги қизил бинонинг йигирма саккизинчи хонасида ўтиради.

Аёлнинг мовий кўзлари эркакнинг сарғиш-кулранг кўзларини таъқиб қиларди.

— Нима учун сен менинг уйда бўлганлигимга ишонмаяпсан? — сўради у ҳайратланиб. — Мен котибангнинг кийим-бошларимга диққат билан қараб бирон-бир нарсани билиб олмоқчи бўлганини сезганман. Сен ахир унинг мени кўргани кўзи йўқлигини биласан-ку. Нима учун котибангга ишонасан? Ахир мени қоралаш учун нималар дейиши мумкин?

— Жин урсин сиз аёлларни, — хўрсинди Спейд қўлидаги соатга қараб. — Сен тезроқ бу ердан жўнаб қолишинг керак, яғонам! Мен келишилган иш бўйича учрашувга кечикаяпман. Кўнглингга қараб иш тут, аммо мен сенинг ўрнингда бўлганимда Сидга тўғриси айтишимиз, ёки ҳеч нарса ҳақида лом-мим демасдим. Гапиргинг келмаган нарса ҳақида индамай қўяқол, аммо бирон ёлғон тўқиб юрма.

— Сенга ёлғон сўзлаётганим йўқ, — эътироз билдирди аёл.

— Қанийди... — Спейд ўрнидан турди.

— Менга ишонмайсанми? — шивирлади Ива.

— Йўқ, ишонмайман.

— Қилган ишимни ҳам кечирмайсанми?

Албатта кечираман. — Спейд энгашиб Ивановнинг лабидан ўпди. — Ҳаммаси жойида, энди боравер.

Аёл уни кучоқлаб олди.

— Жаноб Уайзнинг олдига бирга бормайсанми?

— Боролмайман, борганимда ҳам у ерда ортиқчалик қиламан. — Спейд Иванинг елкасига уриб қўйиб секин қучоғидан бўшатди. Аёлни авайлаб эшик томонга бурди ва аста туртиб қўйди.

— Бор! — буйруқ берди у.

«Александрия» меҳмонхонасидаги 12-К люкс хонасининг қизил дарахтдан қилинган эшигини Спейд «Бельведер» меҳмонхонасининг кутиш залида гаплашган йигитча очди. Спейд бамайлихотир у билан саломлашди:

— Салом.

Йигитча алик олмай эшикни очиб, Спейдга кириш учун йўл бўшатди. Спейд кирди. У билан саломлашгани бир семиз одам шошиб келарди. Бу одамнинг семизлиги ҳайратланар даражада эди. Унинг қип-қизил юзлари лўппи-лўппи, лаби дўрдоқ, танасининг ярмини ташкил қиладиган каттакон қорни тухумга ўхшарди. Қўл ва оёқлари ҳам бошқа аъзоларига мутаносиб равишда семиз, дўмбоқ эди. Ҳар бир қадамида ёрилиб кетгудек таранг ёноқлари, билаклари, сонлари, умуман барча шишиқлари алоҳида-алоҳида селкиллар, худди найчадан ажралмаган совун пуфагига ўхшаб қалқирди. Ёғ босган қора кўзлари ялтирарди. Улкан бошида онда-сонда қора соч толалари кўринарди. Бақалоқ қора жун материалдан тикилган костюм, қора камзул, кулранг, йўл-йўл шим ва лакланган туфли кийиб олганди. Кўйлагининг ёқаси, қора, кенг галстук билан боғланган бўлиб, унга қизғиш марварид қадалган эди. Бақалоқнинг товуши димоғида минғирлагандек чиқарди.

— О, жаноб Спейд, — деди у эҳтиром билан, семиз, денгиз қизил юлдузини эслатувчи панжаларини узатаркан. Спейд узатилган қўлни олиб жилмайди.

— Салом, жаноб Гутман.

Бақалоқ Спейднинг қўлини ушлаганча яшил гилам устидан юриб стол ёнидаги яшил бахмалдан қилинган креслога бошлаб келди. Столда сифон, стаканлар, «Джони Уокер» коньяги, «Коронас» сигара қутиси, кўкиш тошдан ясалган оддий қутича ва иккита газета бор эди.

Спейд яшил креслога ўтирди. Бақалоқ ичимликларни стаканларга қуя бошлади. Йигитча эса ғойиб бўлганди. Хонадаги уч томонга чиқувчи барча эшиклар ёпиқ эди.

Спейднинг қаршисида Джиари-стритга қараган иккита дераза бор эди.

— Келинг, вискидан бошлайлик, азизим, — деди бақалоқ Спейдга стаканни узатаркан. — Мен ичишдан бош тортадиган одамларга ишонмайман. Агар одам маст бўлишдан қўрқса, демак, у ўзига ишонмайди.

Спейд кулиб стаканни қўлига олди ва боши билан енгил имо қилиб миннатдорчилик билдирди. Бақалоқ стаканини кўтариб деразадан тушаётган ёруғликка тутди. Юқорига кўтарилаётган пуфакчаларга қараб қувонганидан чўлпиллатиб стаканни ўпиб қўйиб гап бошлади:

— Шундай қилиб, жаноб, бу қадаҳни ўзаро бир-биримизни яхши тушуниб етишимиз ва очиқчасига гаплашиб олишимиз учун кўтарамиз.

Улар бир ҳўпламдан ичиб стаканларни столга қўйишди.

Бақалоқ Спейдга диққат билан қараб сўради:

— Сиз камгап одаммисиз?

— Аксинча, гаплашишни ёқтираман.

— Жуда зўр! Жуда зўр! — ҳайқирди бақалоқ. — Камгап одамларга ишонмайман. Улар борди-ю, гапирини бошлашса ҳам кўпинча ўринсиз вақтда бирданига бидирлаб қолишади. Сўзга чечан одам эса жуда яхши суҳбатдош бўлади. — Унинг юзи ялтиради. — Бизлар яхши тил топишамиз, албатта тил топишамиз. — У стаканни столга қўйиб Спейдга «Коронас» қутисини тутди. — Қани, сигарадан олинг.

Спейд сигарани олиб, кетини узиб ташлаб чека бошлади. Бу вақт ичида бақалоқ бошқа яшил креслони Спейдга яқинроқ суриб катта кулдонни ўртага қўйди. Кейин стол устидан ўзининг стаканини, қутидан сигарани олиб креслога ўтирди. Унинг сон-саноқсиз шишлари қалқиб-қалқиб кетарди. Кўнгли тўлган ҳолда гапни давом эттирди:

— Энди жаноб, гар эътироз билдирмасангиз асосий мақсадга ўтсак. Ишонаманки, сўз бошлашим биланоқ тушунган одам билан суҳбатлашишни ёқтиришимни англаб оласиз.

— Жуда зўр! Демак, қора қуш ҳақида суҳбатлашамиз?

Бақалоқ лүппи ёноқларини силкитиб-силкитиб кулиб юборди.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? — сўради у ва ўзи жавоб берди. — Албатта! — Унинг кўзлари мамнуниятдан ёнарди. — Сиз менга ёқиб қолдингиз, жаноб, икковимизнинг тупроғимизни бир жойдан олганга ўхшайди. Ҳеч қанақа муболаға йўқ, ушлаган жойидан узиб оладиганлар хилидан экансиз. «Демак, қора қуш ҳақида гаплашамиз». Албатта гаплашамиз. Бу айни менинг кўнглимдаги ният. Ўзим ҳам шундай қилишни истайман. Қора қуш ҳақида гаплашишдан олдин бир нарсага аниқлик киритиб олайлик. Бу бир-биримизга нисбатан ишончимизни янада ортттиради. Балки менинг бу саволим ўринсиздир, аммо айтинг-чи, сиз бу ерга О'Шонесси хонимнинг вакили сифатида келдингизми?

Спейднинг оғзидан чиққан тутун бақалоқнинг боши устида булутга ўхшаб туриб қолди. Кейин сигаранинг куйган учига қараб ўйланиб қолди. Ниҳоят, жиддий тарзда жавоб берди:

— Мен «ҳа» ёки «йўқ», дея олмайман. Ҳамма нарса у ёки бу томонга ўзгариб кетиши мумкин. Барчаси вазиятга боғлиқ.

— Қандай?

— Агар билганимда эди, мен тўлиқ ишонч билан «ҳа» ёки «йўқ» дердим, — жавоб берди Спейд қатъий тусда.

Бақалоқ ўзининг стаканидан бир қултум ичимлик ичди.

— Балки бу Джоэл Кэйрога боғлиқдир?

Дарҳол мужмал қилиб «Балки» деган Спейд ҳам бир қултум ичди. Бақалоқ қорни имкон берган даражада олдинга энгашди. У кулар ва бамайлихотир минғирларди:

— Бошқача қилиб айтганда, ҳамма гап шундаки, сиз улардан қайси бирининг кўрсатмаси билан иш тутасиз?

— Демак, мендан сизни ёллаган О'Шонесси хонимми ёки Кэйроми, дея аниқ сўраяпсиз-да?

— Мен бундай деганим йўқ... — бақалоқнинг кўзлари чақнаб шивирлашга ўтди: — Бу ишга яна ким аралашган?

Спейд сигаранинг учини ўз кўкрагига ниқтади:

— Мен!..

Бақалоқ яна курсига суяниб олди.

— Аъло жавоб! — сир бой бергиси келмасди унинг. — Аъло. Мен тўғридан-тўғри ўз манфаатлари ҳақида очиқ айтадиган одамларни ҳурмат қиламан. Ҳаммамиз ҳам шундаймиз. Мен бунинг аксини таъкидловчиларга ишонмайман. Ўз манфаатини ўйламайдиган одам борми? Бу ҳақда очиқ айтмайдиганларга ишонмайман, чунки улар эшаклар, ундан ҳам баттар.

Спейднинг юзи бир нарсани кутаётган одамдек диққатли эди.

— Тўғри айтдингиз. Келинг энди, қора қуш ҳақида гаплашайлик.

Бақалоқ ёйилиб-ёйилиб кулди.

— Келинг. — Шундай деб кўзларини қисиб олганди, улар ўрнида, семиз этлар орасида аранг йилтираган икки қора нуқта қолди, холос. — Жаноб Спейд, шу қора қуш учун қанча пул олиш мумкинлигини биласизми?

— Йўқ.

Бақалоқ яна энгашди ва семиз, қизил қўлларини Спейд ўтирган курсининг тирсагига қўйди.

— Ҳа жаноб, худо гувоҳ, агар сизга ярмини айтсам ҳам... мени ёлғончига чиқарасиз...

Спейд кулиб юборди.

— Йўқ, ҳатто хаёлимга шундай ўй келса ҳам ундай демайман. Аммо сиз ишнинг чиппакка чиқиб кетишидан қўрқсангиз қуш ҳақида шунчаки гапириб беринг. У нимадан қилинган, намунча унга ёпишиб олдиларинг, баҳосини ўзим чиқариб оламан.

— Сиз ҳисоблай олмайсиз, жаноб, ўта тажрибали мутахассисдан ташқари ҳеч ким бу ишнинг уддасидан чиқолмайди, — бақалоқ нафас ростлади, — унга ўхшаш буюм дунёда йўқ. — Унинг семиз ёноқлари яна силкиниб-силкиниб кетди. — Бақалоқ жилмайганча Спейдга диққат билан, синовчан боқди. — Демак, мен тўғри тушунган бўлсам, сиз қуш ҳақида аниқ маълумотга эга эмассиз? — ҳайратга тушганидан овози кескинлашиб сўради у.

Спейд беғамлик билан сигарани силкитди:

— Жин урсин, мен унинг кўриниши қандайлигини биламан. Тахминий баҳосини ҳам биламан, чунки сиз ўша қуш учун жонингизни беришга ҳам тайёрсиз. Аммо унинг нимадан ясалганини ва қандай пайдо бўлганини билмайман.

- Хоним сизга айтмадими?
— О'Шонессини назарда тутяпсизми?
— Ҳа, гузал аёл...
— Йўқ, айтмади...

Бақалоқнинг кўзлари ёнаётган кўмирга айланиб қолгандек товланиб, уюлган қизил эти ичида аранг кўринарди. У тушуниб бўлмайдиган қилиб минғирлади:

— Аёл билиши керак... — кейин қўшиб қўйди: — Кэйро ҳам айтмадими?

— Кэйро эҳтиёткор. У сотиб олишга тайёр. Лекин менга ортиқча гап айтишга кўрқди.

Бақалоқ лабларини ялади.

— Кэйро сизга қуш учун қанча таклиф қилди?

— Ўн минг доллар.

Бақалоқ энсаси қотиб мийиғида илжайди.

— Ўн минг, яна фунт эмас, доллар эмиш. Мана сизга греклар! Ҳм... Хўш, сиз нима деб жавоб бердингиз?

— Мен агарда қушни унга топиб берсам, ўрнига ўн минг долларни олишга розиман, дедим.

— Ҳамма гап ана шу «агарда»да! Зўр ўйлаб топилган гап! — Бақалоқнинг қовоғи солиниб пешонаси тиришди. — Улар қушнинг қийматини билишлари керак, — ўзига-ўзи пичирларди бақалоқ, — билишармикан? Нимадан тайёрланганини-чи? Сизнинг тасаввурингиз қандай? — сўради у Спейддан.

— Узр, ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслигимни айтдим-ку, — деди Спейд. — Кэйро умуман ҳеч нима айтмади, хоним эса билмас экан. Аммо мен иккаласига ҳам ишонмайман.

— Аёлга ишонмасдик, бу доно фикр, — деди бақалоқ. Аммо унинг хаёли узоқларда юрганлиги кўриниб турарди. У аввал бошини қашиди, кейин қовоғини шундай уйдик, пешанаси янги, қизил тиришлар билан тўлиб кетди. Сўнг ўтирган жойида танаси йўл қўйганча қимирлади, кўзларини пирпиратиб Спейдга деди: — Балки улар билишмас, — бақалоқнинг қизил пиёзга ўхшаш юзи кутилмаганда ниҳоят даражада ёришиб кетди, — агар улар билишмаса, — қичқириб юборди у, — демак, бу ёруғ дунёда ёлғиз менгина қушнинг қийматини биламан!..

— Мен керакли жойга келганимдан хурсандман, — кулимсиради Спейд хурсандлигини яширмай.

Бақалоқ ҳам кулди, аммо маъноли. Юзидаги лаззатланиш ифодаси ғойиб бўлди, кўзлари синовчан тус олди, юзи кулиб турган ниқобга ўхшаб қолди. Спейдга қарашдан қочиб, нигоҳини стаканга қаратди. Юзи яна илгаригидек ёришди.

— Жин урсин, жаноб, — деди у, — сизнинг стаканингиз бўшаб қолибди-ку. — Ўрнидан туриб столнинг ёнига борди, стаканларга сифон ва вискидан қуйди. Спейд то бақалоқ унга илтифот кўрсатиб, «Жаноб бу дори ҳали ҳеч кимга зиён қилган эмас!» деб тўлдирилган стаканни узатмагунича жойида қимир этмай ўтираверди. Бақалоқнинг қўлидан стаканни олгач эса айёрона жилмайиб қадаҳ сўзи айтишни лозим топди:

— Очиқчасига гапириш ва бир-биримизни яхши тушунишимиз учун!..

Бақалоқ хохолаб қўйди ва улар ичишди. Бақалоқ стаканни қорни рўпарасида ушлаганча кулиб ўтираркан Спейдга юзланди:

— Ҳа, жаноб, бу ҳайрон қоладиган нарса, аммо ҳақиқатан ҳам на Кэйро ва на О'Шонесси қушнинг нимадан тайёрланганлигини ва асл қийматини билишмас экан, унда бу кенг оламда фақат мен, сизнинг камтарин қулингиз Каспер Гутмангина биледи.

— Зўр-ку! — оёқлари керилган Спейд бир қўлини шимининг чўнтагига тиқиб, иккинчи қўлида виски тўлдирилган стаканни ушлаганча турарди. — Мен сиздан бу ҳақда эшитганимдан кейин икки киши бўлиб қоламиз.

— Математик жиҳатдан жуда тўғри, жаноб, — бақалоқнинг кўзлари ёнди. — Аммо мен сизга қуш ҳақида билганларимни айтиб бермоқчи эмасман...

— Аҳмоқлик қилманг! — деди суҳбатнинг бундай тус олишини билган Спейд босиқлик билан. — Сиз нимадан тайёрланганини биласиз, мен эса унинг қаердалигидан хабардорман. Айнан шунинг учун бизлар учрашиб турибмиз.

— Хўш, у қаерда, жаноб?

Спейд индамади.

Бақалоқ лабларини жуфтлади, қошини кўтариб бошини ёнбошига эгди.

— Биласизми, мен сизга билган нарсамни айтишим керак, сиз бўлсангиз, билган нарсангизни айтмайсиз. Бу

инсофдан эмас, жаноб. Йўқ, йўқ, менимча, гап бундай бўлмайди. — Спейднинг юзи жаҳлдан оқара бошлади. — Тезроқ ўйланг. Мен сизни умумий тил топишимиз ҳақида огоҳлантириб қўйдим. Ҳозир менга ҳаммасини айтиб берасиз ёки икковимизнинг орамиздаги муносабат яқун топади. Нима учун менинг вақтимни олаёписиз? Сизнинг ўзингизни ва сиригизни менга нима кераги бор? Мен ер остидаги сандиқларда бойлик сақланаётганини биламан, аммо менга бундан нима наф? Сизсиз ҳам масалани ҳал қилишим мумкин! Жин урсин сизни! Балки сиз ҳам агар мендан узоқроқда бўлганингизда менсиз ишингизни битиришингиз мумкин эди. Энди кеч бўлди. Сан-Францискода менсиз ҳеч нарса қилолмайсиз. Шу боис бугуннинг ўзида бир қарорга келишга, «ҳа» ёки «йўқ» дейишга мажбурсиз.

Спейд ўгирилиб жаҳл билан стаканни столга урди. Стакан бу зарбадан чил-чил бўлиб кетди: виски томчилари ҳамда стакан парчалари столнинг устига ва полга сочилди. Спейд худди ҳеч нарса рўй бермагандек яна бақалоққа қаради. Бақалоқ ҳам стаканга худди Спейд каби заррача ҳам ачиниб қўймади. У ҳамон лабларини жуфтлаб, қошларини кўтариб, бошини бир томонга ташлаганча ўтирарди. Қип-қизил юзидаги маъноли ифода Спейднинг жаҳли чиққанида ҳам, ҳозир ҳам ўзгармади.

Ҳамон ҳовуридан тушмаган Спейд давом этди.

— Яна бир маротаба «истамайман» десангиз...

Шу пайт Спейднинг чап томонидаги эшик очилиб, таниш йигитча кириб келди. У эшикни ёпиб қўлларини ёнига тушириб Спейдга қаради. Йигитчанинг кўзлари катта очилган, қорачиғи кенгайганди.

— Яна бир маротаба, — қайтарди Спейд йигитчани нишонга олиб, — ўйлаб олгунингизча анавингизни мени кўзимдан йўқотинг, бўлмаса уни ўлдириб қўяман. Лайчангиз менга ёқмаяпти, асабимга тегяпти. Агар менга ташлангудек бўлса, отиб ташлашим аниқ, «финг» дея олмайди, отиб ташлайман!..

Йигитча кинояли кулимсиради, аммо индамади.

Бақалоқ писанда қилди:

— Ҳа, жаноб, ғазабингизни жиловлай олмаяписиз...

— Ғазабим?! — Спейд ёввойиларча ўшқирди. Бу ерга кирганда шляпасини қўйган курсини олдига келиб, уни олиб кийди. Кейин узун қўлининг семиз кўрсаткич

бармоғини бақалоқнинг қорнига ўқталди. Унинг таҳдидли овози бутун хонани тўлдирди: — Яхшироқ ўйланг, беш яримга қадар кутаман. Ўшанда сиз ё мен билан ўйинга кирасиз ёки келган жойингизга равона бўласиз. — Спейд қўлларини тушириб газаб билан бақалоққа, кейин йигитчага қаради ва кириб келган эшиги томон юрди. Эшикни очиб ўтирилди ва бўғиқ товушда қайта эслатди:

— Беш яримда!..

Йигитча Спейднинг кўкрагига қараб «Бельведер» меҳмонхонасида айтган уят сўзларини такрорлади.

Спейд эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Ўн иккинчи боб

ЧАРХПАЛАК

Гутманнинг олдидан чиқиб лифтда пастга тушган Спейднинг оқарган юзлари терлаб, лаблари қуруқшаб кетганди. Дастрўмолини олаётиб қўллари қалтираётганини сизди. У ҳаяжонини яширолмай шундай чуқур уф тортиб юбордики, ҳатто лифт тугмачаси олдида турган хизматчи ўгирилиб ундан сўради:

— Жаноб, сизга ёрдамим керак эмасми?

Спейд Джари-стрит бўйлаб юриб «Палас» меҳмонхонасига борди. Ўша ерда нонушта қилди. Овқатланиш учун ўтирганда юзига қон югурган, лаблари қуруқшамас, қўлларининг қалтироғи ҳам босилганди. Қорни очқгани боис иштаҳа билан овқатланиб бўлиб, Сид Уайзнинг идорасига жўнади.

Спейд кириб борганида Уайз ойнага қараб олиб тирноғини ғажиб ўтирарди. Спейдни кўргач қўлини оғзидан олди.

— Бормисан? Кел, қани, стулни суриб ўтир-чи.

Спейд стулни усти қоғозлар билан тўлган столга яқинроқ суриб ўтирди.

— Олдинга Арчер хоним келдими? — сўради у.

Сиднинг кўзида заифгина учқун чақнади:

— Агар унга уйлансанг бошинг ғам-ташвишдан чиқмай қолади...

Спейд хуноби ошиб аччиқ кесатди:

— Ўзингдан-ўзинг алжирамай, айт-чи, у нима деди?

— Нима ҳақда?

— Мен билишим лозим бўлган ҳамма нарса ҳақида.

Уайз қўллари билан сочини силаб кепагини елкасига туширди.

— Ива айтдики, у Майлз билан ажрашиб сен билан турмуш қурмоқчи бўлган экан.

— Буни мен биламан, — Сиднинг гапини бўлди Спейд. — Мен билмаган нарсаларга ўт.

— Ива мен ҳақимда нима хаёлга боради кейин?

— Майнавозчиликни йиғиштир, Сид. — Спейд ёндиргичнинг оловини тамакига тутди. — Менга у, Спейдга айтманг, деган гапларнигина айтди.

Уайз Спейдга маъноли қараб қўйди.

— Нималар деяпсан, Спейд, ахир бундай қилиш мумкин эмас-ку!..

Спейд шифтга қараб ғудранди:

— Эй худо! Мана менинг адвокатим, мени ҳимоя қилиб катта пуллар ишлаб юради, аммо керакли маълумотни олишим учун мени тиз чўкиб ёлборишга мажбур қилади. — Спейд Уайзга қаради. — Қандай фикрдасан, нега мен уни сенинг ёнингга жўнатдим?

— Яна битта сенга ўхшаган мижозим бўлса, — деди Сид шикоят оҳангида, — мен ё касалхонага тушаман ё турмага.

— Бир дунё мижозларингнинг ортидан борсанг борибсан-да! Ива сенга Майлзни ўлдиришган вақтда қаерда бўлганини айтдимми?

— Ҳа.

— Қаерда бўлган экан?

— Эрининг ортидан кузатган экан.

Спейд ўзини ўнглаб олиб кўзини қисиб қўйди. Кейин таажжуб билан хитоб қилди: — Бу аёлларни сира тушуниб бўлмайди! — Стулга талтайиб ўтириб олиб савол беришда давом этди: — Хўш, у нимани кўрибди?

Уайз бошини чайқади.

— Деярли оз нарсани. Майлз ўша куни кечқурун овқатлангани уйига кирибди. Хотинининг жиғига тегиш учун «Сент-марк» меҳмонхонасида бир қиз мени интизорлик билан кутиб турибди, учрашувга кетяпман, энди сен истагандек ажрашишимизга имкон туғилди,

дебди. Аввалига Ива, жаҳлимни чиқариш учун шундай деяпти, деб ўйлабди. У биларкан чоғи...

— Мен уларнинг муносабатлари тарихини биламан, — деди Спейд. — Ива нима қилганлигига ўт.

— Яхши, аммо сен мени гапиртирмаяпсан. Майлз кетганидан кейин Иванинг миясига бирдан, ҳақиқатан ҳам у учрашувга кетган бўлса-чи, деган фикр келибди. Сен Майлзни биласан-ку, ундан буни кутиш мумкин.

— Майлзнинг характерини тасвишлаб беришга ҳам вақт кетказма.

— Нимага мен сенга бирон нарсани гапириб беришим керак экан?! — қичқириб юборди адвокат, аммо давом этди. — Ива машинасини гараждан миниб чиқиб «Сент-Марк» меҳмонхонасининг рўпарасига келиб кута бошлаган. Ниҳоят, эрининг ўзидан сал олдинроқ меҳмонхонадан чиққан бир эркак ҳамда ўтган куни кечқурун сенинг олдингда учратган аёлнинг ортидан кузатаётганини пайқаган. Шундай қилиб, эрининг иш билан банд эканлигини кўрган, кечки овқат вақтида эса уни фақат масхара қилганини тушунган. Эрининг кашфиётидан жуда жаҳли чиққани Иванинг бу ҳақда яшириб бўлмас ўкинч билан гапиришидан сезилди. Майлзнинг ортидан у узоқ юрган ва унинг иш билан банд эканига қатъий ишонч ҳосил қилгач, сени олдинга борган. Сен эса уйингда йўқ экансан...

— Бу ишлар соат нечаларда бўлган? — сўради Спейд.

— Уйинга борган вақtimi? Биринчи марта соат тўққиз билан ўннинг орасида.

— Биринчи мартаба?

— Ҳа. Ива шаҳар бўйлаб ярим соатча юриб, яна уйинга келган. Бу энди ўн яримлар атрофида. Сен ҳали ҳам келмаган экансан, кейин вақтни ўтказиш учун шаҳар марказига бориб кинога кирган, у ердан чиққач уйига йўл олган.

Спейднинг юзи сокин эди.

— Пауэл-стритда тунги биргача ишлайдиган кино-театр бор, — давом этди Сид Уайз, — гапига қараганда Майлз уйга қайтмагунча Иванинг ҳам қайтгиси йўқ эди. Шунинг учун у кинотеатр беркилгунга қадар кутган. — Уайз энди секин, аранг сезиладиган таъна билан гапиришга ўтди. — Бемаҳалда сени безовта қилгиси

келмагани боис уйингга қайтиб бормаган. Балки, Эллис-стритдаги газакхонага кириб, ўша ерда тамадди қилиб шундан кейингина уйига кетган.

Уайз курсига суяниб Спейднинг нима дейишини кутиб турарди.

Спейд совуққина қилиб сўради:

— Сен унга ишонасанми?

— Сен ишонмайсанми? — жавоб ўрнига сўради Уайз.

— Қаёқдан билай мен? Икковларинг бир бўлиб олиб мени миямни ачитиш учун нимани ўйлаб топганларингни қаёқдан билай?..

Уайз илжайди.

— Қаердан билишинг ўзингга маълум, Сэмми, сен пулни шамолга совурадиганлардан эмассан.

— Тўғри айтасан. Майли, кейин нима бўлди? Майлз уйда йўқ экан. Бу пайтда соат тунги икки эди ва Майлз ўлиб бўлганди.

— Майлз уйда бўлмаган, — тасдиқлади Уайз. — Айнан шу ҳол Иванинг яна жаҳлини қўзғаб юборган. Нима қилишини билмай боши қотиб, қарорини ўзгартирган. Яна гараждан машинасини олиб чиқиб сеникига равона бўлган.

— Мен эса уйда йўқ эдим. Бу пайтда Майлзнинг жасадини кўраётгандим. Эй Худо, қандай чархпалакка тушиб қолдим... Кейин-чи?!

— Ива яна уйига қайтиб кетган, яна эри йўқ. У ҳафсаласи пир бўлиб ечинаётганда эшик тақиллаб сенинг котибанг келган, Майлзнинг ҳалок бўлганини айтган.

Спейд то янги тамакини ўраб тутатиб олмагунича лом-мим демади.

— Ҳақиқатга яқин воқеа, — тилга кирди у ниҳоят, — кўп далиллар буни тасдиқлайди.

Уайз тағин қўллари билан сочини силади ва ўтган галгидек елкасига янги кепаклар ёғилди. У қизиқиб Спейддан сўради:

— Аммо сен барибир ишонмайсанми?

Спейд оғзидан тамакини олди.

— Сид, гап менинг ишониш-ишонмаслигимда эмас, чамамда мен кўп нарсадан беҳабарман.

Адвокатнинг лаблари норози қийшайиб елкаларини қисди:

— Тўппа-тўғри ўйлаяпсан, мен сени сотдим. Бошқа дурустроқ, садоқатли, ишончингни сунистеъмом қилмайдиган адвокат ёлласанг бўлармиди...

— Бунақаси энди кетмайди! — Спейд ўрнидан турди. Истеҳзо билан жилмайиб аччиқ қилди: — Сал нарсага аразлайдиган бўлиб қолдингми? Мени бунингсиз ҳам ишим кўп, энди сенинг нозик кўнглингни билмай оғритиб қўймаслик ҳақида ҳам қайғуришим керак... Нима айб иш қилибман? Ҳузурингда тиззамни букмаяпманми?

Сид Уайз шаштидан тушмади:

— Итваччасан, Сэмми!..

Спейд ишхонасига келганида Эффи Перин қабулхона ўртасида нимадандир ташвишланган ҳолда уни кутиб олди.

— Бирон нарса бўлдими? — сўради саломлашибоқ қиз хавотир билан.

Спейд сергак тортди.

— Тинчликми, нега ундай деяпсан?

— Нима учун хоним бизникига бормади?

Спейд икки ҳатлаб Эффи Периннинг олдига етиб келиб, унинг елкасидан ушлади.

— Уйларингга бормадими ҳали? — дея бақирди у қизнинг қўрқув тўла кўзларига боқиб.

Қиз бошини жадал силжитди.

— Мен уни роса кутдим, сенга телефон қилиб тушолмадим, мана шунинг учун бу ерга тезда етиб келдим.

Спейд унинг елкасини ҳоли қўйиб қўлларини жаҳл билан чуқур чўнтақларига тикди: «Яна битта чархпалак» деб бақирганича ўзининг хонасига кириб кетди. Аммо тез орада қабулхонага қайтиб чиқди.

Онангга қўнғироқ қилгинчи, — деди у, — балки энди боргандир.

Қиз телефон қилгунга қадар Спейд бетоқатланиб хонада у ёқдан-бу ёққа юрди.

— Йўқ, бормабди, — деди қиз телефон гўшагини қўяркан. — Сен уни таксига ўтқизганмидинг?

Спейд «ҳа» дегандек ўсмоқчилади.

У юришдан тўхтади, қўлларини биқинига тираб, қизга газабини сочмоқчидек қаттиқ-қаттиқ гапириб юборди:

— Ортида ҳеч қандай дум йўқ эди. Мен думнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ўн икки кварталдан ортиқ кузатиб бордим.

— Аммо...

— Аммо у сеникига бормабди. Шак-шубҳасиз, сўзларинг ростлигига аминман. Балки, Спейд менга ишонмаётгандир, деб ўйлаётгандирсан?

Эффи Перин ҳайратда эди.

— Сен ўзингни ақлсиз боладек тутаяпсан, Сэм...

Спейд қаттиқ йўталиб олиб эшик томон юрди.

— Мен уни бутун ахлат уюмларини титиб бўлса ҳам топаман. Қайтиб келгунимча ёки қўнғироқ қилгунимча сен мени шу ерда кутиб тур. Жин урсин, аллақачон бирон-бир маънили иш қилсак бўларди...

Спейд даҳлизнинг ўртасигача бориб, яна ортига қайтиб келди. Эффи Перин стол ёнида ўтирарди.

— Сен мени яхши тушунасан-ку. Жаҳлим чиққанида ўзимни тутиб олишим қийин, шунинг учун эътибор қилма.

— Агар сен мени хафа бўляпти деб ўйласанг, ақлингни еб қўйибсан. — Қиз лабларини учириб, ўзининг елкаларини силади. — Мен тунги кўйлагимни ҳар икки ҳафтада алмаштиришдан бошқа ишга жиддий аҳамият бермайман, айиқвачча...

Спейд беғараз табассум қилди:

— Мени ўнглаб бўлмайдди, азизам, — кейин артистлардек чиройли таъзим қилиб ишхонадан чиқди.

Бурчакдаги бекатда икки сариқ такси турарди. Уларнинг ҳайдовчилари машиналаридан сал нарида суҳбатлашишарди.

— Сизлар туш пайтида шу ерда бўлган қизил юзли, малласоч одам қаердалигини билмайсизларми? — сўради уларга яқин келиб Спейд.

— Мижозларни олиб кетди, — жавоб қилди улардан бири.

— Бу ерга яна қайтиб келадими?

— Балки.

Иккинчи ҳайдовчи тўсатдан ишора қилди:

— Ие, ана ўзи келаяпти.

Малласоч, қизил юзли ҳайдовчи машинадан тушгунга қадар Спейд нарироқдаги йўлакчада кутиб турди. Кейин унга мурожаат қилди.

— Туш пайтида мен бир аёл билан сизнинг машинангизга ўтиргандим. Бизлар Стоктон-стрит, сўнг Сакраменто ва Джоунз-стрит бўйлаб кетдик. Кейин мен машинадан тушиб қолдим.

— Жуда тўғри, эсимда, — деди қизил юзли.

— Мен сиздан ҳалиги аёлни тўққизинчи авенюга олиб бориб қўйишингизни илтимос қилгандим. Сиз уни қаерга олиб бориб қўйдингиз?

Уйланиб қолган ҳайдовчи юзини кир қўли билан артиб, талмовсираганча Спейдга қаради.

— У ёғини сира эслай олмаяпман...

— Хавотир олманг, — унга далда берди Спейд ташриф қоғозини узатиб. — Агар иккилансангиз ишхонангизга бориб, бошлиқингизнинг розилигини олишимиз мумкин.

— Ҳа, эсладим, — ҳайдовчининг юзи ёришди, — мен уни денгиз вокзалига олиб бориб қўйдим.

— Ёлғиз ўзиними?

— Ҳа, яна ким билан бўлиши керак эди?

— Йўл-йўлакай бирон жойга кириб ўтмадиларингми?

— Йўқ. Иш бундай бўлди: мен сизни машинадан тушириб қўйганимдан кейин биз яна Сакраментога қайтиб чиқдик. Пола-стритнинг бурчагига борганимизда у ойнани тақиллатди ва газета сотиб олмоқчи эканлигини айтди. Мен тормозни босиб, газета сотувчи болага ҳуштак чалдим. Хоним газета сотиб олди.

— Қайси газетани?

— «Нолл». Кейин яна Сакраменто бўйлаб кета бошладик, аммо Ваиннес-стритни кесиб ўтишимиз билан хоним яна ойнани тақиллатиб, Денгиз вокзалига олиб бориб қўйишимни илтимос қилди.

— Сиз хонимнинг ҳаяжонланганини ёки бошқача бир ҳолатга тушганини сезмадингизми?

— Йўқ, мен ҳеч нарсани сезмадим.

— Денгиз вокзалига етиб борганларингдан кейин нима бўлди?

— Хоним ҳақимни берди, тамом-вассалом.

— Вокзалда уни ҳеч ким кутиб олмадими?

— Биронтаси кутиб олган бўлса эҳтимол, аммо бунга эътибор бермадим.

— У қайси томонга кетди?

— Денгиз вокзалидами? Билмадим. Балки тепага кўтарилгандир, балки бошқа ёққа кетгандир.

— Газетани ўзи билан олиб кетдими?

— Ҳа, йўлқирани тўлаётганда газетани қўлтиғига қистириб олганди.

— Газетанинг қайси бетини очиб ўқиди, қизилиними ёки оқиними?

— Йўқ, ўртоқ, сиз кўп нарсани сўраяпсиз. Мен буни эслай олмайман.

Спейд ҳайдовчига миннатдорчилик билдириб, «тамаки олиб чекасиз», деб қўлига кумуш доллар тутқазди.

Спейд «Нолл» газетасини харид қилиб олиб, шамолдан яшириниш учун қандайдир муассаса биносининг вестибюлига кирди.

Тезда биринчи, иккинчи ва учинчи саҳифалардаги сарлавҳаларга кўз югуртириб чиқди. Тўртинчи саҳифада нигоҳи «Қалбаки ҳужжатлар тайёрлашда гумон қилиниб ушланди, бешинчи саҳифада бўлса «Саут-бейлик йигитча ўзини ўлдирмоқчи бўлди» деган сарлавҳаларда тўхтади. Олтинчи ва еттинчи саҳифаларда унинг диққатини ҳеч нарса тортмади. Саккизинчи саҳифада эса «Сан-Францискодаги отишмалардан кейин босқинчиликда гумонланиб учта ўсмир ушланди» сарлавҳали хабар бир дақиқага унинг эътиборини жалб қилди. Кейин ўттиз бешинчи бетга қадар тўхтамади, ўттиз бешинчи бетда об-ҳаво маълумоти, иқтисодий янгиликлар, таъзиялар, ажрашиш ва никоҳ ҳақидаги маълумотлар босилганди. У ўлганларнинг рўйхатини қараб чиқди. Уттиз олтинчи ва ўттиз еттинчи бетлардаги молиявий янгиликлар билан танишди, ва ниҳоят, охирги ўттиз саккизинчи саҳифага келди. Қизиқарли бирон нарса тополмай хўрсиниб, газетани буклаб костюмининг чўнтагига солди ва тамаки ўради.

Спейд беш дақиқалар чамаси вестибюлда бўшлиққа қараб чекиб турди. Кейин Стоктон-стритга чиқиб такси тўхтатди ва «Коронет» пансионига кетди. Бриджит О'Шонессининг хонасига хоним ўзи таксига ўтираётиб берган калит ёрдамида осонгина кириб олди. Аёлнинг яқиндагина кийиб юрган мовий кўйлаги каравотнинг панжарасига осиб қўйилган, мовий пайпоқ ва туфлиси эса полда пала-партиш ётарди. Пардоз столидаги безакли, чиройли қутича энди столнинг устида, бўм-бўш

турарди — унинг ичидаги тақинчоқлар олинган эди. Спейд лабини ялаганча хонани айланиб чиқди. Барча буюмларни диққат билан текширди. Аммо бирон-бир нарсага тегмасдан пастга тушиб яна шаҳар марказига йўл олди.

Спейд ишхонасининг олдида Гутманнинг югурдак йигитини кўрди. Йигитча Спейднинг йўлини тўсиб унга буйруқ берди: — Кетдик, у менга сени олиб келиш вазифасини топширди.

Спейд масхараомуз кулимсиради:

— Мен сизни бешдан йигирма беш дақиқа ўтмасдан туриб кўраман деб ўйламагандим. Ишқилиб, сизни узоқ куттириб қўймадимми?

Йигитча нигоҳини Спейднинг лаби баробар кўтариб, бўғиқ, худди оғриқдан зўриққаннамо оҳангда деди:

— Ҳали гаплашамиз. Қорнингга қўрғошин еб қолишинг мумкинлигини ёдда тут.

Спейд хохолади.

— Муттаҳам қанчалик кичкина бўлса, ваҳимаси шунчалик катта бўлади, — деди у боланинг дўқларига парво қилмай, — қани кетдик...

Саттер-стрит бўйлаб ёнма-ён боришди. Йигитча қўлини плашининг чўнтагидан чиқармасди. Бир кварталгача жим кетишди. Охири Спейд мулойимлик билан қизиқсинди.

— Кирдорлардан кийим-кечак ўғирламай қўйганингга кўп бўлдими, ўғлим?

Йигитча эшитмаганга олди.

— Сен бу ишларни қилмаганмисан? — давом этди Спейд ва шу заҳоти тилини тишлаб қолди. Чунки, ҳамроҳининг сарғиш кўзларида ёвуз учкунлар чакнай бошлаганди. Спейд йигитчага бошқа сўз қотмади.

Улар «Александрия» меҳмонхонасига қадар етиб боришди ва бўш, узун даҳлиздан Гутманнинг хонаси томон юришди. Гутманнинг эшигига етмай туриб Спейд бир оз ортда қолди. Кейин тўсатдан ўзини четга олиб, йигитчанинг чифаноғини пастроғидан ушлаб, куч билан силтади. Йигитчанинг плаши этаги кўтарилиб кетди. У қутулиб чиқишга ҳаракат қилди, аммо катта одамнинг қўлида ўйинчоқ эди, тепкиси бўшлиқда йўқолди. Спейд йигитчани кўтариб туриб полга ташлади. Қалин гилам зарб товушини ютди. Спейднинг қўллари йигитчанинг

билагига қадар сидирилди. Бола тишини тишига босиб қаршилиқ кўрсатишга уринар, аммо бари беҳуда эди. Фақат тишларининг ғижирлаши ва Спейднинг ҳансираши эшитиларди.

Бир неча сония иккови ҳам тек қолишди. Кейин йигитчанинг қўли увишди. Спейд уни қўйиб юбориб нари бориб турди. Энди унинг ҳар иккала қўлида автомат тўппонча бор эди. Йигитча Спейдга қаради. Унинг юзи бўрдек оқариб кетган, ҳамон қўлини плашининг чўнтагидан чиқармаганди. Спейд тўппончаларни ўзининг чўнтагига солиб, боланинг устидан заҳарханда билан кулди:

— Қани юр, бошлиғинг албатта бошингни силаб қўяди!.. — У Гутманнинг эшигини тақиллатди.

Ун учинчи боб

ИМПЕРАТОРНИНГ ТУҲФАСИ

Эшикни Гутманнинг ўзи очди. Қувончдан кўзлари яшнаб, табассум билан қўлини узатаркан, мулозамат кўрсатди:

— Кираверинг, жаноб! Келганингиз учун мингданминг раҳмат, қани марҳамат!..

Бақалоқ билан саломлашиб аввал Спейд, ортидан йигитча уйга киришди. Бақалоқ эшикни ёпиб қўйди. Спейд чўнтагидан йигитчанинг тўппончасини чиқариб Гутманга узатди.

— Ушланг, Сиз унинг бундоқ ўйинчоқ билан шаҳарда югуриб юришига рухсат беряпсиз. Худо кўрсатмасин, бир кори-ҳол юз берса, худо урди деяверинг.

Бақалоқ хохолаб кулди ва тўппончани олди.

— Майли, майли, деди у, — бирон нарса бўлди-ми? — сўради йигитчадан.

Унинг ўрнига Спейд жавоб қилди:

— Бир оёқли ногирон газетачи кучукчангизнинг тўппончасини олиб қўйди, аммо мен қараб турмадим.

Девордек оқариб кетган тансоқчи жимгина Гутман узатган тўппончани олар экан, индамай чўнтагига солиб қўйди.

Гутман яна кулди.

— Худо гувоҳ, — деди у Спейдга, — сиз ажойиб одамсиз. Сиз билан гаплашганимга асло ачинмайман. Кириг, қани, ўтириг, шляпангизни олиб қўйишга рухсат беринг.

Бақалоқ Спейдни стол ёнидаги яшил курсига ўтқазиб, унга сигарета узатиб, тутатиб олиши учун ўзиникини тутди, кейин вискига озгина сода аралаштириб битта стакани Спейдга узатди, иккинчисини қўлида ушлаб меҳмоннинг рўпарасига ўтирди.

— Энди жаноб, — деди у, — сиздан анави иш учун кечирим сўрашимга рухсат берасиз.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Спейд. — Келинг, қора қуш ҳақида гаплашамиз.

— Гап йўқ, жаноб, рози бўлди Гутман, — келинг. — У ўзини стаканидан бир қултум ичди. — Ишончим комилки, ҳаётингиз мобайнида бунданда ҳайратланарли воқеани эшитмагансиз, гарчанд сиздек мартабаси улуғ, касби ғоятда масъулиятли одам кўп нарсани билса-да.

Спейд чиройли табассум қилди.

Бақалоқ кўзини қисиб сўради:

— Жаноб, сиз Қуддусдаги аввал «Авлиё Иоанн», кейинроқ «Родослик рицарлар» ва бошқа номлар билан аталган жамият ҳақида эшитганмисиз?

Спейд сигаретаси билан «йўқ» ишорасини қилди.

— Жуда оз нарса биламан. Мактаб дарслигидаги баъзи бир тарихий фактлар эсимда қолган, холос. Улар хоч кўтарганлар билан боғлиқмиди-ей...

— Жуда яхши. Демак, сиз буюк Сулаймон уларни Родос оролидан 1523 йили қувиб чиқарганини биласиз?

— Йўқ.

— Ушанда, жаноб, шундай бўлган ва жамиятга аъзо бўлган рицарлар Крит оролига ўрнашиб қолиб кетишган. У ерда етти йил ҳукмронлик қилишган, 1530 йилга қадар. Кейин император Карл бешдан уларга, — Гутман учта семиз бармоғини кўтарди, — Мальта, Тезо ва Триполини беришини сўрашган.

— Йўғ-е?..

— Ҳа, жаноб. Аммо қуйидаги шартлар билан: биринчидан, улар ҳар йили императорга битта лочин қиёфасида бож тўлашлари керак бўлган, Мальта Испаниянинг қарамоғидаги давлат эканлиги эвазига,

иккинчидан, улар Мальтадан кетганларидан кейин орол Испаниянинг ихтиёрида қолиши учун. Тушуняпсизми? Карл Мальтани ёлғиз ўзлари яшашлари учун рицарларга бериб юборяпти. Аммо оролни на совға қилишга ва на сотишга жамиятнинг ҳаққи йўқ эди.

— Тушунарли.

Бақалоқ учала берк эшикка қия нигоҳи билан қараб олгач, ўзининг курсисини Спейднинг ёнига яқинроқ суриб жуда паст овозда, деярли шивирлаб сўради:

— Сиз ҳеч йўқ ўша даврдаги рицарлар жамиятларининг қанчалик бой бўлганлари ҳақида тушунчага эгамисиз?

— Агар янглишмасам, — деди Спейд, — улар жуда яхши таъминланган эдилар.

Гутман такаббуруна ишшайди:

— Яхши ҳам гапми, — у янада пастроқ шивирлашга ўтди, — бойликка кўмилиб кетишган, жаноб. Сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ҳеч биримиз тасаввур қила олмаймиз. Кўп йиллар давом этган юришларида битмас-туганмас ўлжаларни қўлга киритишган: ноёб дурлар, қимматбаҳо металллар, ипак, фил суяги. Биласизку, муқаддас урушлар улар учун, энг аввало, бойлик орттириш манбаи бўлган. Шундай қилиб, Карл уларга Мальтани бериб юборган, эвазига ҳар йили битта қуш тимсолида камтарона бож сўраган. Энди ўз навбатида императорга миннатдорчилик билдириш учун бойвачча рицарлар бирон-бир муносиброқ совға устида бош қотира бошлашган. Ва улардан қайсидир бирининг миясига ғаройиб, доно фикр келиб қолган. Яъни, ҳар йили Карлга тўлов сифатида оддий лочинни эмас, бошдан-оёғигача ўз бисотларидаги қимматбаҳо тошлар билан безатилган тилло лочинни совға қилиш. Билиб қўйинг, улар Осиёдаги энг катта бойликларга эгалик қилишган. — Бақалоқнинг синовчан кўзлари Спейднинг юзидаги ифодаларни ўрганарди. — Хўш жаноб, сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз?

— Ҳозирча ҳеч нима?

Бақалоқ мамнун илжайиб уқтирди:

— Бу — тарихий фактлар. Мактабнинг тарих дарслигидаги ҳикоялар эмас, жаноб Уэлсинг тарихи ҳам эмас, аммо барибир тарихдан. — У олдинга энгашди. — Жамиятнинг архивлари ҳозирги кунга

қадар Мальтада сақланади. Архивларнинг ҳаммаси ҳам сақланиб қолмаган, аммо у учта бармоғини кўрсатди, — камида учтасида қимматбаҳо лочиннинг бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ж. Делавилля Ле Рунинг «Авлиё Иоанн жамияти архиви» китобида ана шундай лочин бўлганлигига қисман ишора бор. Муаллифнинг ўлими туфайли тугалланмасдан қолиб, нашр этилмаган Паолининг «Муқаддас рицарлар жамияти институтининг келиб чиқиши» китобида мен ҳозиргина сизга баён қилган далиллар ҳақида тўғридан-тўғри ёзилган.

— Зўр-ку! — деди Спейд.

— Зўрр-да, жаноб!.. Қуш турк қуллари томонидан авлиё Анжело қасрида тайёрланиб, Испанияга, Карлга юборилган. Қушни олиб кетаётган галера (галера — кўп эшкакли кема (тарж.)га рицарлар жамияти аъзоси, француз бир манбада Кармьер, бошқа бир манба бўйича эса Карвер раҳбарлик қилган. Аммо лочин Испанияга қадар етиб бормаган.

— Гутман кулиб, лабларини ялаб сўради: — Сиз Барбарос, Қизил соқол ҳақида эшитганмисиз? Йўқ? У ўша пайтда Жазоирда ўрнашиб олган машҳур денгиз қароқчиси бўлган. Ана шу одам ўз тўдаси билан кемага ҳужум қилиб қушни олиб қўйган. Қуш Жазоирда шу тариқа пайдо бўлган. Француз тарихчиси Пьер Дан ўзининг Жазоирдан ёзган хатларидан бирида бу ҳақда маълумот беради. Пьер Дан лочин Жазоирда юз йилдан ортиқроқ турганлигини таъкидлайди. Кейин уни ўша пайтларда жазоирлик қароқчилар билан бирга талончилик қилиб юрган англиялик фитначи Френсис Верней олиб кетган. Балки бу нотўғридир, аммо Пьер Дан бунга ишонган, менга эса шунинг ўзи етади.

Френсис Верней хонимнинг «XII асрдаги Вернейлар оиласи мемуарлари» китобида бу ҳақда маълумот йўқ. Мен уни текшириб чиқдим. Жаноб Френсис 1615 йили Мессинск касалхонасида жон таслим қилаётганда лочин унинг ёнида бўлмаганлиги албатта ойдек равшан. Аммо жаноб, қушнинг Сицилияга, Виктор Амадей II нинг қўлига келиб қолганлигини инкор этиб бўлмайди. Виктор Амадей II 1713 йили тахтга ўтириши билан уни ўз мулкига айлантирган ва тахтдан воз кечгандан кейин, уйланаётганда қайлиғи Шамбери хонимга тўй совғаларидан бири сифатида тақдим этган. Мазкур

тарихий ҳақиқатни, жаноб «Виктор Амадей II нинг подшолик тарихи» китоби муаллифи Карутти ўз асариди тасдиқлайди. Балки Амадей ва унинг хотини қушни Туринга олиб кетишгандир. Аммо нима бўлмасин, қуш келгуси сафар, 1734 йилда Неаполни олишда қатнашган испан Хосе Монино-и-Редондонинг отаси, Карл I нинг бош вазири граф Флоредабланкининг қўлига ўтади. Қушнинг бу оилада 1740 йилгача, биринчи карлист урушининг охиригача сақланганига шубҳа қилмаси ҳам бўлади. Кейин Парижда пайдо бўлади, чунки бу ерга карлистлар қочиб келишади. Қушни Парижга олиб келган одамнинг кимлиги муҳим эмас, чунки у қушнинг ҳақиқий қиймати ҳақида маълумотга эга бўлмаган. Карлист уруши йилларида эҳтиёт қилиш мақсадида қандайдир аралашма билан бўяганларидан кейин лочин оддий бир ҳайкалга айланиб қолган. Ана шу кўринишида, жаноб, қуш етмиш йил давомида Парижда бир ишбилармондан бошқасига ўтиб юраверган. Пандавақилар, қандай катта бойликни қўлдан-қўлга ўтказаетганлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмаган.

Бақалоқ мийғида жилмайиб, ачингандек алфозда бошини силкитиб давом этди:

— Етмиш йил, жаноб, бу баҳоси йўқ нарсани Парижда сайр қилиб юраверди. Бу ҳол 1911 йилгача давом этди. Ана шу йили грек ишбилармони Харилаос Константи ниди бир дўкончада уни учратиб қолади. Харилаос дарҳол қандай бойликнинг қаршисидан чиққанини фаҳмлаб етади. У бунақа нарсаларнинг ҳидини тез оларди. Айнан Харилаос лочиннинг тарихини ўрганиб чиқади. Мен ундан лочиннинг саргузаштларини мажбурлаб юриб билиб олдим. Тўғри, баъзи бир жойларини ўзим ўрганиб чиқишимга ҳам тўғри келди. Харилаос қушни сотишга шошилмасди. Чунки, қўлидаги буюмнинг қанчалар бебаҳо эканлигини билсада, агар унинг келиб чиқишини янада мукамал ўрганса, қиймати бундан ҳам кўтарилиб кетишини жуда яхши англари. Балки у лочиннинг қадимги жамиятнинг авлодлари: Қуддусдаги Англияга қарашли авлиё Иоанн жамиятига, балки Пруссия жоаннитлар жамиятига, ёки Франция, Италиядаги, Мустақил Мальта жамияти каби ҳадсиз-ҳисобсиз мулкдорга эга бўлган бой жамиятлардан бирига сотишни мўлжаллагандир.

Бақалоқ яна иккала бўш стаканга вискидан қуйди.

— Хўш, секин-аста менга ишона бошладингизми, — сўради у сифондан газли сувни қуяркан.

— Мен ҳеч қачон сизга ишонмайман деганим йўқ.

— Тилингиз билан айтмаган бўлсангиз ҳам, — деди Гутман, — нигоҳингиз айтиб турарди. — У ўтириб ичимликдан баҳузур симиргач, оғзини дастрўмол билан артди. — Харилаос эҳтиёткорлик юзасидан қушни янги эмалли бўёқ билан ҳозирги кўринишидаги рангга бўяйди. У қушни қўлга киритганига бир йил бўлгандан кейин, яъни билганларини менга айтишга мажбур қилганимдан уч ой ўтгач Лондонда «Таймс»ни ўқиб қолдим. Газетада, Харилаоснинг уйига ўғри тушиб, уни ўлдириб кетганлиги ҳақида ёзилганди. Эртаси куни мен Парижга етиб келдим. — Бақалоқ хўрсиниб қўйди. — Қуш ғойиб бўлганди. Худо гувоҳ, жаноб, ақлдан озиб қолишимга бир баҳя қолди. Қушни ҳеч ким мен билганчалик билмаслигига ишончим комил эди. Грек бу ҳақда мендан бошқа ҳеч кимга оғиз очмаган. Унинг уйдан жуда кўп нарса ўғирлангани менинг «ўғри қушнинг асли қанчалик улкан бойлик эканини билмасдан, оддий буюмлар қатори ўғирлаб кетган», деган тахминимга ишончимни орттирди. Чунки, сизни ишонтириб айтаманки, лочиннинг ҳақиқий баҳосини билган инсон бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларга эътибор бериб ўтирмасди.

Гутман миясига келган қандайдир фикр таъсирида жилмайди, кейин кўзларини очди.

— Бу ўн етти йил аввалги гап. Мана кўрдингизми, жаноб, лочиннинг изига тушганимга ўн етти йил бўлди, ва охир-оқибат уни қўлга киритишим керак. Мен осонгина таслим бўладиганлардан эмасман. Мен қушни топмоқчи эдим ва топдим, энди у меники бўлиши керак! — Бақалоқ стаканни бўшатди, яна лабларини дастрўмоли билан артиб, уни чўнтагига солиб қўйди. — Мен қушнинг изидан Константинопол атрофидаги шаҳарчалардан бирида яшайдиган рус генерали Кемидовнинг уйигача бордим. Генерал қандай нарсани қўлга киритганлигини умуман билмасди. Унинг учун лочин қора эмалга бўялган ҳайкалчагина эди ва у фақат рус генералларига хос одатий инжиқлиги боисидан мен унга таклиф қилган баҳога қушни сотгиси келмади.

Балки мен бир оз ошириб юборгандирман, билмадим. Аммо қушни қўлга киритишни шундай хоҳлагандимки... Бошқа томондан, генерални менинг қатъиятим сергак торттириб қўйишидан қўрқардим. Ҳатто у қизиқиб қолиб, ҳайкалчанинг нимадан ясалганини билиш учун бирон жойини шилиб кўрмаса, деган хавотирга тушиб қолдим. Шунинг учун кейинги гал унинг олдига ўз агентларимни юбордим. Ва улар, жаноб, қушни олишди, аммо менга бермай қочиб қолишди. — Бақалоқ ўрнидан туриб бўш стаканни ушлаганча столнинг ёнига келди. — Аммо мен лочинни албатта қўлга киритаман. Қани, стаканингизни беринг, жаноб.

— Демак, қуш сизларнинг ҳеч бирингизга тегишли эмас, генерал Кемидовники экан-да?!

— Кемидовники? — қувноқлик билан қайта сўради бақалоқ. — Қанақасига, жаноб, қуш Испания қиролиники эди, унинг бошқа ҳеч қанақа эгаси бўлмаслиги керак, — у йўталиб олди. — Бундай бебаҳо, ғайритабиий равишда қўлдан-қўлга ўтувчи хазина ким қўлга киритса ўшаники бўлаверади.

— Демак, у ҳозир О'Шонесси хонимники экан-да?!

— Худди менинг агентимники бўлганидек.

Спейд киноя билан: «О!» деб қўйди.

Гутман қўлидаги виски шишаси қопқоғига ўйчан тикилиб сўради:

— Сиз ҳақиқатан ҳам қуш хонимнинг қўлида эканлигига ишонасизми?

— Ишонаман.

— Қаерда?

— Бунисини аниқ билмайман.

Бақалоқ шишани «так» эткизиб стол устига қўйди.

— Аммо сиз ҳозиргина биламан дедингиз-ку! — эътироз билдирди у.

Спейд беғамлик билан қўлини силтаб қўйди.

— Мен вақти келиб уни қаерда олишимни назарда тутгандим.

— Оласизми?

— Ҳа.

— Қаерда?

Спейд кулимсираб деди:

— Бунни менга қўйиб беринг. Бу менинг ишим.

Қачон?

— Тайёр бўлганимдан кейин.

Бақалоқ лабларини қимтиди. Фақат диққат билан қараган одамгина унинг ташвишланаётганини сезарди.

— Жаноб Спейд, ҳозир О'Шонесси хоним қаерда?

Менинг қўлимда, унга жуда ишончли бошпана топганман.

Гутман маъқуллагандек бош ирғади.

— Демак, ҳамма нарса жойида, жаноб, деди у. — Молиявий масалаларни ҳал қилишга киришишдан олдин яна бир саволимга жавоб беринг: сиз лочинни қачон қўлга киритишингиз мумкин?

— Икки кундан кейин...

— Бу яхши... бизлар... — Аммо мен ўзимнинг мезбонлик вазифамни унутиб қўйибман. — Бақалоқ столга ўгирилиб вискидан қуйди, вискига сифондан сув қуйиб аралаштирди, бир стаканни Спейднинг чиганоғи ёнига қўйиб, иккинчисини кўтарди. — Шундай қилиб, жаноб, яхши битим ва катта фойда учун ичамиз, у сизга ҳам, менга ҳам етиши учун.

Улар ичишди. Бақалоқ ўтирди. Спейд ундан сўради:

— Яхши битим деганда нимани назарда тутаяпсиз?

Гутман стаканини ёруққа қарши тутиб, ҳавас билан унга қаради, кейин яна вискидан симириб жавоб қилди:

— Менда иккита таклиф бор, иккови ҳам яхши таклиф. Улардан қай бирини танлаш сизнинг ихтиёрингиз: ё мен сизга лочинни олишим билан йигирма беш минг доллар бераман, Нью-Йоркка бориб олганимдан сўнг яна шунча оласиз ёки сотувдан тушган фойданинг йигирма беш фоизи сизники бўлади. Танланг: эллик минг долларни деярли бирданига, бир пайтда, ёки айтайлик, икки ойдан кейин анча кўпроқ пулни оласизми?

Спейд вискидан ҳўплаб сўради:

— Қанча у анча кўп деганингиз?

— Анча кўп, — қайтарди бақалоқ, — қанчалигини ким билади дейсиз? Юз мингми, чорак миллионми? Мен энг камни айтсам ишонасизми?

— Нима учун ишонмас эканман?

Бақалоқ лабларини ялади ва шивирлашга ўтди:

— Ярим миллион десам нима дейсиз, жаноб?

Спейд кўзларини қисди.

— Демак, сиз қушни икки миллион туради деб ишонасиз?

Гутман кулди:

— Сизнинг сўзларингизни қайтариб: «Нима учун ишонмас эканман?» десам-чи...

Спейд стаканини бўшатиб стол устига қўйди. Тамакисини оғзига солгач яна қайтиб олиб унга қаради, сўнг тагин лабига қистирди. Унинг кўз олди бир оз қоронғилашди.

— Бу жуда катта пул...

Бақалоқ тасдиқлади.

— Чиндан ҳам бу жуда катта пул, — у олдинга энгашиб Спейднинг тиззасига уриб қўйди. — Мен энг камини айтганимни ҳисобга олинг.

Спейд тамакини яна оғздан олиб кулдонга солди. Негадир тиниб кетаётган кўзларини аранг очиб деди:

— Энг камми ёмон эмас, хўш, энг кўпи қанча?

— Энг кўпи? — Гутман кафтини юқорига кўтарди. — Мен фараз қилишдан бош тортаман. Жинни бўлиб кўринишни истамайман. Билмайман. Бу қушнинг баҳосини тахмин қилиш имконсиз, мана шуни тасдиқлашим мумкин, холос.

Спейд ўз-ўзидан тушиб кетган пастки жағини қийинчилик билан ёпиб олди. Нима бўлаётганига тушунолмаб бошини чайқади. Курсининг суянчиғидан ушлаб ўрнидан турди. Яна бошини чайқади ва қатъиятсизлик билан олдинга қадам босди. Бўғиқ кулди, кейин ғудранди:

— Ер ютсин сени!..

Гутман сакраб ўрнидан туриб курсини нарига туртди. Унинг юзлари сўлқиллаб, кўзлари кичик тешикчалардек қорайиб кўринарди.

Спейд бошини у томондан бу томонга ташларди. Ниҳоят унинг ҳушсиз кўзлари эшикка қадалиб, яна битта қадам ташлади.

Шу пайт бақалоқ қаттиқ қичқирди: «Уиллер!»

Эшик очилиб йигитча пайдо бўлди.

Юзи оқариб кетган Спейд учинчи қадамни ташлади. Тўртинчи қадамда оёқлари букилиб кетди, кўзлари тамоман юмилиб бешинчи қадамни босди.

Йигитча Спейднинг ёнига келиб бир оз тўхтаб турди. У ўнг қўлини қўлтиғи остида қисиб турарди, лабларининг бурчаклари тинмай учарди. Спейд олтинчи қадамни ҳам қўйди.

Йигитча оёғини Спейднинг йўлига тўғрилади. Спейд қоқилиб кетиб гумбурлаб ағдарилди. Йигитча қўлини қўлтиғидан олмаган ҳолатда ўрнидан туришга ҳаракат қилаётган Спейдни кузатарди. Сўнг оёғини анча орқага чўзиб туриб бор кучи билан Спейднинг чаккасига тепди. Зарба Спейдни ёнбошлатиб юборди. У яна бир марта туришга ҳаракат қилиб кўрди, аммо тура олмай уйқуга кетди.

Ўн тўртинчи боб

«ЛА ПАЛОМА»

Спейд лифтдан чиққач даҳлизга бурилиб, идораси томондаги эшикнинг хира ойнасидан аранг кўзга чалинаётган сариқ шуълани кўрди. Соат эрталабки олтидан ўтган эди. У кескин тўхтаб лабларини қимтиди, атрофга синчковлик билан разм солиб, товуш чиқармаган ҳолда катта-катта қадам ташлаб эшикка яқинлашди.

Эшикнинг думалоқ тутқичини ушлаб охиригача буради: эшик қулфлоглиқ эди. Қўлини алмаштириб, ўнг қўли билан оҳиста, товуш чиқармасдан чўнтагидан калитлар боғламани олди. Керакли калитни танлади, уни қулфга киритиб бураб эшикни очди. Ўша-ўша, товуш чиқармасдан, чуқур хўрсинганча ичкарига кирди. Эффи Перин столнинг ортида бошини қўлларига қўйиб ухлаб ўтирарди. Қиз пальтосини ечиш тугул, унинг устидан Спейднинг плашини ҳам ташлаб олганди. Ҳамон ҳансираб нафас олаётган Спейд тиржайганича эшикни ёпиб кабинетига ўтиб кетди. Кабинет бўм-бўш эди. Спейд қизнинг ёнига қайтиб келиб унинг елкасига қўлини қўйди. Эффи аста қимирлаб аранг бошини кўтарди, унинг қовоқлари учди. Бирдан Спейднинг рўпарасига ўтириб олди-да, кўзларини катта очиб унга қаради. Спейдни танигач жилмайиб кўзларини артди.

— Барибир қайтибсан-да? Соат неччи бўлди?

— Олти бўлди, бу ерда нима қиляпсан?

Жунжикиб кетган қиз плашини устига тортиб эснади.

— Ўзинг ахир мен келгунимча ёки кўнғироқ қил-
гунимча кетмагин деб айтгандинг-ку...

— Эҳ, эсим қурсин, сен «чин сўз» бергани учун
ёнаётган кемани ташлаб кетмаган боланинг опаси эка-
нингни унутибман.

— Кетишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ...

Қиз жимиб қолди, кейин ўрнидан турди устидаги
плаш елкасидан курсига тушди. Хавотирланиб Спейд-
нинг чаккасига қаради ва бақриб юборди:

— Бошингга нима бўлди? Қандай кор-ҳол юз
берди?

Спейднинг ўнг чаккаси шишиб, қорайиб кетганди.

— Ўзим ҳам билмайман, ёки мени дўппослашди ёки
йиқилганимда бошим билан тушдим-ов... Жиддий лат
егани йўқ, аммо жуда қаттиқ азоб бераяпти. — У қўли
билан жароҳатини силаб, аранг илжайиб тушунтир-
ди. — Меҳмонга боргандим, меҳмонлар наркотик би-
лан сийлашди. Ўн икки соатда эркаклар ҳожатхонасида
аранг ўзимга келдим.

Қиз қўлини чўзиб Спейднинг бош кийимини олди.

— Даҳшат, — деди у, — бундай жароҳатни албатта
врачга кўрсатиш керак.

— Ҳечқиси йўқ, кўринишидан кўрқинчли, холос.
Тўғри, бошим тарс ёрилай деяпти, аммо бу мен гиёҳванд
модда қўшилганини сезмай ичиб юборган ичимликдан
бўлса керак деб ўйлаяпман. — Спейд хонанинг
бурчагидаги қўл ювадиган жойга бориб жўмракни
буради ва дастрўмолини совуқ сувга тутди.

— Қандай янгиликлар бор?

— О'Шонесси хонимни топдингми, Сэм?

— Ҳозирча йўқ. Янгиликлар борми?

— Округ прокуратурасидан кўнғироқ қилишди. Сени
у ерга чақиришяпти.

— Прокурорнинг ўзигами?

— Ҳа, ҳарқалай мен шундай тушундим. Бундан
ташқари, йигитча келиб беш яримга қадар Гутман
жаноблари сен билан гаплашишдан хурсанд бўлишини
айтиб кетди.

Спейд жўмракни беркитди, дастрўмолини сиқиб
сувини силқитиб бўлгач, уни чаккасига босиб столнинг
ёнига борди.

— Буни биламан, — деди у. — Йигитчани пастда учратдим. Гутман билан суҳбатга келсак, мана уни нима билан тугаганини кўриб турибсан.

— Бу ўша сенга қўнғироқ қилган «Г»ми, Сэм?

— Ҳа.

— Хўш, унга нима керак экан?..

Спейд қизга боқиб турсада уни кўрмагандек, худди ўзига-ўзи гапираётгандек сўз қотди.

— Унга мен топишим мумкин бўлган нарса керак. Бордию мен билан соат беш яримга қадар шартнома тузмасдан ўша нарсага эришишни истаса унга халақит қилишим мумкинлигини калласига қуйдим. Кейин... хўш... топдим... Яна икки кун кутиб туриш керак деганимдан сўнг мени ярамас ичимлиги билан тўйғизди. Мени ўлдириш режаси бўлмаган. У мени ўн-ўн икки соатдан кейин ўзига келади, деб ўйлаган. Бу давр ичида ёрдамимсиз ўша буюмни қўлга киритмоқчи бўлган. — Спейд қовогини уюб олди, — ўйлайманки, Гутман хато қилди. — У ўйчанлик ҳолатидан чиқди. — О'Шонесси хонимдан ҳеч қандай хабар йўқми?

Қиз боши билан «йўқ» ишорасини қилгач ундан сўради:

— Бу ишларнинг ҳаммаси хоним билан боғланганми?

— Ҳа-да...

— Нима, улар қидираётган нарса шу аёлга тегишлими?

— Ҳа, унга ёки Испания қиролига. Азизам, сени университетда тарихдан дарс берадиган тоғанг бор эди шекилли?

— Холаваччам бор, хўш, нимаиди?

— Нима деб ўйлайсан, бордию биз унга тўрт асрлик сирни айтсак, у қандайдир муддат ичида бу сирни сақлаб тура оладими?

— Ҳа, у жуда бамаъни одам.

— Аъло. Ундай бўлса қалам ва қоғозни ол.

Қиз айтилган нарсаларни олиб курсига ўтирди. Спейд яна дастрўмолини совуқ сув билан намлаб келди, чаккасига босганча қизнинг рўпарасида туриб Гутмандан лочиннинг тарихини қандай эшитган бўлса, шундайлигича, унинг Испания қироли Карлга совға

сифатида ясалишидан бошлаб то Парижга карлистлар томонидан келтирилганига қадар сўзлаб берди. У исмларни айтганда Гутман айтган хорижий сўзларни талаффуз этишда дудуқлаиб қоларди, аммо барибир Гутманга ўхшатиб сўзлаб беришга эришди. Бошқа гапларни худди тажрибали репортёрдек аниқ такрорлади. Спейд тафсилотларни яқунлагач юзлари қизариб кетган қиз унга боқиб жилмайди.

— Ўта қизиқарли воқеа, — деди у, — бу...

— Ёки ўта ғалати. Ёзганларингни холаваччанга ўқиб бергинчи, бу ҳақда нима деркин? Мана шу тарихий воқеаларга оид бирон-бир факт билан тўқнаш келганмикан? Умуман, ушбу воқеалар ҳақиқатга яқинмикан? Ва ниҳоят, шундай бўлиши мумкинми ёки ҳаммаси фирт уйдирмами? Агар вақт керак бўлса, майли, ўйлаб кўрсин, аммо унинг дастлабки фикрини шу бугун, ҳозирнинг ўзида билишим шарт. Ундан илтимос қил, бу сирни зинҳор-базинҳор бировга айта кўрмасин, вақтинча.

— Мен ҳозироқ бориб билиб келаман, — деди қиз, — сен эса докторнинг қабулига бориб бошингни кўрсат.

— Йўқ, Берклида тамадди қилиб оларман. Мени Теднинг бу ҳақдаги фикрларини билиш қизиқтириб қолди.

— Яхши, — деди Спейд. — Аммо у устингдан кулгудек бўлса уввос солиб юрма.

«Паласе»да шошилмасдан нонушта қилаётиб икки тонгги газетани ўқиб чиққан Спейд уйга бориб соқолини олди. Кейин ювиниб, чаккасидаги кўқарган жойга муз суртди. Янги костюмини кийиб Бриджит О'Шонессининг «Коронет» пансионидаги хонасига борди. Ҳеч кимни топа олмади. Спейд келиб кетгандан буён хонада ҳеч нарса ўзгармабди.

Спейд пансиондан «Александрия»га қараб кетди. Меҳмонхонада Гутман тугул, ҳатто унинг шериклари ҳам йўқ эди. Спейд аниқлаб билдики, меҳмонхонада бақалоқ билан бирга унинг котиби Уиллер Кук ва ўрта бўйли, жигарранг кўзли, сочлари тилларанг ўн етти ёшлар чамасидаги, меҳмонхона хизматчиларининг гапига қараганда, ғоятда соҳибжамол қизи Рея яшашаркан. Спейдга айтишларича, Гутман ва унинг шериклари бу ерга ўн кун олдин Нью-Йоркдан келишган экан ва

ҳозирча меҳмонхонадан кетишмабди. «Александрия»дан «Бельведер»га борган Спейд кафеда меҳмонхонанинг изқуварини топди.

— Салом, Сэм. Ўтир, тамадди қилиб ол. — Изқувар Спейднинг чаккасидаги жароҳатга тикилиб қолди.

— Вой худо, сени ким бу аҳволга солди, а?

— Раҳмат, мен нонушта қилиб олдим, — деди Спейд ўтираётиб, кейин чаккасини назарда тутиб қўшиб қўйди: — У фақат кўринишидан кўрқинчли. Менинг Кэйроим ўзини қандай тутаяпти?

— У сендан ярим соатлар кейин чиқиб кетганича ҳали қайтиб келганича йўқ. Бугун ҳам бу ерда тунамади.

— Тамом, у қўлдан чиқиб кетибди...

— Ҳа, ёлғиз ўзи, шундоқ катта шаҳарда бўлгандан кейин... Ким сенинг чаккагни кўкартирди, Сэм?

— Кэйро эмас. Спейд товоқча устига ёпиғлик кумуш қопқоқчага диққат билан қаради. — Бизлар Кэйро сайр қилиб қайтганича пайтдан фойдаланиб унинг хонасини бир кўздан кечириб қўйсақ дегандим...

— Ҳаракат қилиб кўрамыз. Ахир яхши биласан-ку, мен сен учун ҳамма нарсага тайёрман. — Люк олдидаги кофе идишини нари суриб чиганоғини столнинг устига қўйди ва кўзларини қисиб Спейдга қаради. — Аммо эслатиб қўяй, сен менга унчалик меҳрибон эмассан. — Тўғриси айт, Сэм, у йигит нимага аралашиб қолган? Мен ахир ҳеч қачон сени ерга қаратмаганман!..

Спейд нигоҳини кумуш қопқоқчадан олди. Унинг тиниқ кўзлари самимиятдан чақнаб турарди.

— Биладан, сен ишончли йигитсан, — деди у, — сендан ҳеч нарсани яширмайман. Ҳаммасини шундоқ, очик-ойдин айтиб қўя қоламан. Мен унинг учун баъзи бир ишларни бажараяпман. Аммо унинг айрим дўстлари менга унча ёқишмаяпти, шу сабабдан болапақирни назорат қилиб туришимга тўғри келяпти.

— Кечаги биз ҳайдаб юборган йигитча ўшалардан бирими?

— Ҳа, Люк, топдинг.

— Майлзни ҳам улардан бири отиб ўлдирганми?

Спейд «Йўқ» дегандек бошини чайқади.

— Майлзни Терзби ўлдирган.

— Терзбиничи?

Спейд тиржайди.

— Бу сир, аммо сенга айтсам бўлаверди, полициячиларнинг гапига қараганда, мен ўлдирганман.

Люк ўрдакка ўхшаб товуш чиқариб ўрнидан тураркан, деди.

— Сэм, ҳеч қачон сени каллангда нима борлигини билиб бўлмайди. Юр, унинг хонасини кўриб чиқамиз. Тепага кўтарилишдан олдин меҳмонхона хизматчиси олдида тўхташди ва Люк унга Кэйро пайдо бўлса дарҳол хабар беришни тайинлади. Кэйронинг каравоти тартибли қилиб тузатиб қўйилганди, аммо ахлат челақдаги қоғоздан ва яхши тортилмаган дераза пардасидан, ювиниш хонасидагиғижимланган бир жуфт сочиқдан яқин орада бу хонага меҳмонхона ходимаси кирмагани билиниб турарди.

Кэйронинг бор бисоти тўртбурчак чемодан, саквояж, чарм сумкадан иборат эди. Ювиниш хонасида пардоз ашёлари қалашиб кетганди: қутилар, банкачалар, упали идишчалар, кремлар, атирлар ва ҳар хил бўёқлар. Ичкаридаги уч жуфт ялтиратиб тозаланган туфлилар устида иккита костюм ва плаш осифлиқ турарди.

Саквояж ҳам, сумка ҳам очиқ эди. Спейд бошқа нарсаларни кўздан кечиргунча Люк чемоданни очиб кўрди.

— Ҳозирча бўм-бўш, — деди Спейд саквояжни титкиларкан.

Чемодандан ҳам дурустроқ нарса топишолмади.

— Нимани қидиряпмиз ўзи? — сўради Люк чемоданни қулфлар экан.

— Аниқ бир нарсани эмас, Кэйро Константинополдан келдим деяпти, мен шуни текшириб кўрмоқчиман. Ҳозирча унинг гапи ҳақиқатан ростлигини ёки ёлғонлигини исботлайдиган ашёвий далил топганимиз йўқ.

— У нима билан шуғулланади?

— Билмайман, — деб жавоб берди Спейд. — Мени бошқа нарса қизиқтиради. — У хонани кесиб ўтиб ахлат ташлайдиган челақка энгашди. — Бу бизнинг охириги имкониятимиз.

Спейд челақдан «Нолл» газетасининг кечаги сонини топиб кўзлари чақнаб кетди. Газетанинг рекламалар томони ташқарига қилиб ўралганди. Спейд бу саҳифада

ҳеч қандай қизиқтирувчи маълумотни кўрмади. Газетани ёзиб, иқтисодий янгиликлар, кемаларнинг келиб-кетиши вақти, об-ҳаво, янги туғилган чақалоқлар, никоҳ тўйлари, ажралишлар ва ўлимлар ҳақида хабар берувчи саҳифани кўздан кечира бошлади. Пастки чап бурчадаги икки устунликнинг тўрт сантиметрча жойи йиртиб олинганди. Йиртиб олинган жойнинг тепасида кичкинагина мақола бўлиб, унда бугун портга келувчи кемалар жадвали ўрин олганди: «Соат 00 дан 20 дақиқа ўтганда — Асториядан «Капак». 05 дан 05 дақиқа ўтганда — Кринвудядан «Хелен ПДрб». 05 дан 06 дақиқа ўтганда — Бандонадан «Альбародо».

Газета кейинги сатрдан йиртиб олинган бўлиб, у ердан фақат «Сиднейдан» деган сўзнигина ўқиб олса бўларди.

Спейд газетани стол устига қўйиб яна ахлат яшигига қаради. Бу гал бир ўрам қоғоз, бир қарич ип, иккита шойи мато ёрлиғини, атторлик дўконидан олти жуфт пайпоққа берилган паттани ва энг тубида кичкина, думалоқ қилиб ташланган газета йиртиғини топди. У эҳтиёткорлик билан думалоқ қоғозни очиб, столнинг устида текислади ва газетанинг йиртилган жойига қўйди. Йиртиқ бўлак ўз жойига мутлақ тўғри тушди, фақат «Сиднейдан» деган ёзувдан кейинги бир сантиметрча жойдан ташқари. Спейд варақнинг ташқи томонини кўздан кечириб, етишмаётган қоғоз бўлакчасида маза-матраси йўқ биржа рекламалари бўлишига ишонч ҳосил қилди.

Люк унинг елкаси оша қараб сўради:

— Бирон қизиқарли далил топдингми?

— Фараз қилишимча, у пароходлар билан қизиқиб қолган.

— Аммо унинг қизиқиши қонун билан тақиқланмаган, — деди Люк Спейднинг газетани ўраб чўнтагига солаётганини кузатар экан. — Ҳаммаёқни кўриб бўлдингми?

— Ҳа, катта раҳмат, Люк, у қайтгач менга қўнғироқ қиласанми?

— Албатта.

Спейд «Нолл» газетасининг кечаги сонини харид қилди. Кэйронинг ахлат челагидан олинган қоғозларни газетанинг пароходлар жадвали босилган саҳифаси

билан солиштирди. Газетанинг йиртилган қисмида ушбу маълумот бор эди:

— «Соат 05 дан 17 дақиқа ўтганда — Сидней ва Папэтсдан «Таити».

6 дан 05 дақиқа ўтганда — Асториядан «Адмирал Пиплз».

8 дан 05 дақиқа ўтганда — Гонконгдан «Ла Палома».

8 дан 07 дақиқа ўтганда — Сан-Педродан «Сильверадо».

9 дан 03 дақиқа ўтганда — Сизтлдан «Дейзи Грей».

У секин рўйхатни ўқиб, тирноғи билан «Гонконг» сўзининг остини чизиб қўйди. Кейин қаламтарош билан газетадаги жадвални кесиб олиб, янги газетани ва Кэйронинг газетаси варағини ахлат челака ташлагач идорасига қайтиб келди. Жойига ўтирди ва телефон китобчасини олиб, телефон гўшагини кўтарди:

— Кирни, бир-тўрт-ноль-бир, илтимос... Кеча эрта-лаб Гонконгдан келган «Палома» пароходи қайси бандаргоҳда тўхтади? — у саволни такрорлади, керакли маълумотни олгач миннатдорчилик билдирди, — раҳмат.

Телефон аппарати ричагига бош бармоғини босиб кейин қўйиб юборди ва деди:

— Давенпорт-икки-ноль-икки-ноль, илтимос... Қидирув бўлимини, илтимос... Марҳамат қилиб сержант Полхаусни топсангиз... Раҳмат... Салом, Том, бу мен, Сэм Спейд. Ҳа, кеча кечқурун сенга қўнғироқ қилишга ҳаракат қилгандим... Албатта, кел, бирга тушлик қиламиз... Яхши.

Қулоғидан гўшакни олиб яна ричагни босди.

— Давенпорт — ноль-бир-етти-ноль... Салом, бу Самюэл Спейд. Котибамнинг айтишича, кеча сизнинг хонангиздан Брайан жаноблари мени кўриш истагини билдириб қўнғироқ қилган экан. Ундан қайси вақтда мени қабул қилиши мумкинлигини билиб берсангиз. Ҳа, Спейд, С-п-е-й-д. Ҳа... Икки яримда? Яхши, раҳмат.

У яна битта рақамни айтиб, деди:

— Салом, азизам, энди Сид билан боғлагин. Салом, Сид, бу Сэм. Округ прокурори мени бугун соат икки

яримга учрашувга таклиф қилди. Сен уйимга ёки идорамга соат тўртлар атрофида кўнғироқ қилгин, шунчаки, ҳаммаёғим жойидалигини билиш учун... Тупурдим ўша гольфингга... Мен сенга мени турмага тиқиб қўймасликлари учун пул тўлайман... Яхши, Сид, кўришгунча...

У телефонни олдидан нари суриб, эснаб керишди, кейин жароҳатланган чаккасини силаб кўрди, соатига қараб қўйиб тамаки ўради. То Эффи келгунга қадар ярим мудраган ҳолда чекиб ўтирди.

Эффи Перин кўзлари чарақлаган, юзлари қизарган, кайфияти кўтаринки ҳолатда кириб келди.

— Тед ҳалиги воқеаларнинг ҳақиқатга яқин бўлиши мумкинлигини айтди, — дея ҳисобот бера бошлади қиз, — сен ёздирган тарихнинг тасдиқланишига ишонса бўларкан. Айтишича, у бу соҳа мутахассиси эмас, аммо номлар ва йиллар тўғри ҳамда сен айтган одамларнинг фамилиялари уларнинг қилган ишлари ҳарқалай ўйлаб топилмаган. У, ҳатто ҳаяжонланиб кетди.

— Бу жуда зўрку, агар унинг ҳаяжони аниқ фикрлаб тўғри хулоса чиқаришига халақит бермаса.

— Тед ундайлардан эмас, ажойиб мутахассис.

— О-о, Перинларнинг барча оила аъзолари, сени ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ажойиб мутахассисларсиз, фақат сен нимага бурнингга қора суртиб олдинг?

— Тед Перин эмас, Кристи, — қиз чўнтак ойнасини чиқариб кўрди. — Бу доғ, чоғи ёнғиндан, — бурнини дастрўмолининг бир чети билан артди. — Қайтиб келаётганимда портда пароход ёнаётганди. Судровчилар уни очиқ океанга олиб чиқишаётганди, бизнинг паромни эса тутун қоплаб бўлганди.

Спейд қўлини курсининг тирсагига қўйди.

— Сен тасодифан бўлса ҳам пароходнинг номига кўз ташламадингми? — сўради у.

— Кўз ташладим. «Ла-Палома», хўш, нима бўпти?

Спейд ғамгин ишшайди:

— Агар мен гап нимада эканлигини билганимда эдим, азизам?!

Ўн бешинчи боб

ҲАР БИР АБЛАҲ..

Спейд ва сержант Полхаус немислар ресторанида чўчқа оёқларидан тайёрланган овқатни тановул қилишаётганди.

— Қадрдоним Сэм, ўтган тундаги воқеани унутишингни сўрайман. У ноҳақ эди, аммо ҳар қандай одам ҳам бошини йўқотиб қўядиган гап бўлиб ўтди-да, — Полхаус кўлидаги санчқини бир парча гўшт бўлагига санчар экан сўз қотди.

Спейд полиция изкуварнга ўйчан боқди.

— Сен шунинг учун мени чақирганмидинг?

Полхаус гўштни оғзига солиб бош ирғади ва чайнашга тушди.

— Асосан шунинг учун, — жавоб берди у оғзидаги луқмани ютиб бўлиб.

— Сени Данди юбордим?

Полхаус оғзини қийшайтирди.

— Сен бундай эмаслигини биласан-ку. У ҳам худди сенга ўхшаб ўлгудек қайсар.

Спейд илжайиб бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Йўқ, Том, сен айтганча эмас, — эътироз билдирди у. — Данди фақат ўзини феъли шундайлигига ишонтириб олган.

Том ҳам ишшайди ва санчқини чўчқанинг оёғига санчди.

— Қачон сенинг ақлинг киради-а? — гудранди у. — Нима, ҳадеб сакрайверасанми? Сени ахир ногирон қилиб қўйишади-ку! Охир-оқибат барибир сен ҳақ бўлиб чиқдинг, энди гина сақлаб нима қиласан? Фақат ўзингни бошингга бало орттириб оласан, холос.

Спейд пичоқ ва санчқини аста товоқчага қўйиб кўлини столнинг устига узатди. Енгил, совуққина қилиб кулди.

— Бошимга бало орттиришни истамайман, аммо бир пайтлар шундай бўлганлигини бу шаҳарда ҳамма билса керак.

Бир оз қизариб кетган Полхаус ҳам жим турмади.

— Менга шуни эслатмоқчимисан?

Спейд яна пичоқ ва санчқини қўлига олиб овқатланишга киришди.

Полхаус энди жим кавшанарди.

Ниҳоят Спейд сўради:

— Бухтада ёнаётган пароходни кўрдингми?

— Тутунни кўрдим. Бундоқ одамга ўхшасанг-чи, Сэм. Данди ноҳақ ва буни ўзи ҳам билади. Нима учун сен бу масалани босиқлик билан ҳал қилишни сира истамаяпсан.

— Балки мен уни топиб, муштингиз жағимга текканида қўлингиз оғриб кетмадими, деб сўрашим керакдир?

Полхаус жаҳл билан чўчқа оёғини тишлади. Спейд уни яна сўроққа тутди:

— Фил Арчер бошқа айбловлар билан арз қилиб пайдо бўлмадими?

— Эй худо, Данди ҳеч қачон сени Майлзни ўлдирган деб ўйламаган. Аммо Филнинг аризасини текширмасдан иложи ҳам йўқ эди-да!.. Сен ҳам унинг ўрнида бўлганигда худди шундай қилишга мажбур эдинг. Буни ўзинг ҳам яхши биласан.

— Буниси қизиқ бўлди-ку... — Спейднинг кўзларида ғазаб учқуни ёнди. — Нима учун энди Данди мени Майлзни ўлдирган деб ўйламаяпти? Нима учун сен мени Майлзни ўлдирмаган деб ўйлаяпсан? Ёки бошқача фикрдамисан?

Унингсиз ҳам Полхауснинг қизарган юзлари янада ловуллаб кетди:

— Майлзни Терзби отган.

— Бу аниқми?

— Ҳа. Ўша «Уэбли» револьвери уники бўлган. Майлзни ўлдирган ўқ айнан шу тўппончадан отилган.

— Ишончинг комилми?

— Юз фоиз, — жавоб қилди полиция изқувари. — Терзби яшаган меҳмонхонадаги югурдак бола тўппончани ўша куни эрталаб унинг хонасида кўрган. Тўппонча жуда бошқача эди. Мен авваллари бунақасини кўрмаганман. Ўзинг ҳам айтдинг-ку, бундай ўйинчоқларни ишлаб чиқармай қўйишган деб. Бу ерда бошқа яна шунга ўхшаш револьвернинг пайдо бўлиб қолиши мумкин эмас. Хўп, майли, пайдо бўлди ҳам дейлик, унда Терзбининг револьвери қаёққа кетди. Айнан ўша билан

Майлзни ўлдиришган. — Том нон бўлагини оғзига олиб борди, аммо кейин қўлини тушириб Спейддан сўради: Сен шунақа револьверни аввал кўрганман дединг, қаерда кўргандинг? — у нон бўлагини оғзига солди.

— Англияда, урушга қадар.

— Тўппа-тўғри, мен бўлсам сени Англияда бўлганингни унутибман.

Спейд бош ирғаб писанда қилди:

— Унда менинг зиммамда ёлғиз Терзби қолади.

Қизариб, терлаб кетган Полхаус ўтирган жойида оғир қимирлаб олди.

— Эй худо, наҳотки сен бўлиб ўтган гапларни унута олмасанг? — илтижо қилди у. — Бемаънилик. Ўзинг ахир мендан яхшироқ биласан. Шунақа нозик бўлиб кетдингми? Худди изқувар бўлиб ишламайдиган одамга ўхшаб қолибсан. Наҳотки, ўзинг ҳеч қачон гуноҳсизларни биз сени айблаётгандек ноҳақ айбламаган бўлсанг?

Полхаус паст овозда сўкиниб, яна чўчқа оёғини гажишда давом этди.

— Яхши, сен бунақа эмаслигини биласан, мен ҳам. Хўш, Данди нимани билади? — киноя билан сўради Спейд.

— У ҳам биз билан ҳамфикр.

— Бунга қандай эришди?

— Сэм, ахир Данди ҳеч қачон сени комил ишонч билан қотилликда айбламаганини биласан-ку!.. — Спейднинг кулгиси Томнинг гапини бўлиб қўйди, сўнгра у давом этди. — Бизлар Терзби ҳақида баъзи бир нарсаларни билиб олдик.

— Ҳали шундайми? Хўш, нимани аниқладиларинг? — Спейд тажанглик билан бақариб юборди: — Ёлғиз худо кўриб турибди, сизлар, ақли кимсалар мен бечоранинг қобилиятига ҳаддан зиёд юқори баҳо бериб юбординглар.

— Бундай бўлмаса-чи, — гудранди Полхаус. — Полиция Терзби билан биринчи бор Сент-Луисда тўқнашган. Уни бир неча бор майда ишлар учун тергов қилишган. Аммо Иганнинг гуруҳидан бўлганлиги учун уни ортиқча безовта қилишмаган. Билмадим, нима учун Терзби Игандек забардаст ҳимоячидан воз кечди экан, аммо кейинги сафар уни Нью-Йоркда бир

неча қартахоналарни ўмаргани учун ҳибсга олишган. Доим бирга юрадиган ойимтилласи сотиб қўйган Терзби қочишига фалон ёрдам бергунга қадар бир йил қамоқхонада ўтирган. Икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтгач яна қамоқхонада ўтириб чиққан, бу сафар энди бошқа суюкли ўйнашни дўппослагани учун. Аммо кейин Дикси Монаханнинг паноҳи остига киргач полиция билан муносабати осонлашган: қўлга тушиши билан қўйиб юборадиган бўлиб қолишган. Ўша пайтда Дикси Чикагодаги ўйинлар бизнесида худди Ник Грек каби қўмондон бўлган. Терзби Диксининг тансоқчисига айланган ва Дикси бошқа ўйинчилар билан, тўлай олмай қолган қарзлари ёки аксинча, ундиролмай юрган пуллари масаласида жанжаллашиб қолгач, иккаласи шаҳардан қочиб кетишган. Бу воқеа бундан тахминан икки йил олдин рўй берган, «Ньюпорт Бич» клуби ёпилган пайтларда. Ушандан буён, куни-кечаги воқеаларга қадар на Терзби ва на Дикси ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган.

— Дикси бирон жойда юзага қалқиб чиқмаганми? — сўради Спейд.

Полхаус бош чайқади.

— Йўқ. — Унинг кичкина кўзлари синовчан боқарди. — Балки сен уни кўргандирсан ёки уни учратган бирон-бир кимсани биларсан?

Спейд орқасини стулга ташлаб газетани ёза бошлади.

— Мен уни кўрганим йўқ, — деди беғамлик билан. — Бу ҳақда биринчи бор эшитишим.

— Наҳотки? — ҳайратланди Полхаус.

Спейд ишшайиб сўради.

— Терзбининг таржимаи ҳолини қаердан билдиларинг?

— Баъзи бир маълумотларни картотекадан, қолганларини озгина-озгинадан у ер-бу ердан йиғдик.

— Масалан, Кэйродан энди Спейд синовчан кўзларини қисиб сўради.

Полхаус кофе идишини столга қўйиб инкор маъносида сўзлади:

— Ундан бирон нарсани била олмадик. Сен бизнинг мижозимизни чўчитиб қўйдинг.

Спейд кулиб юборди.

— Йўғ-е, сен ва Дандидек ўз ишининг олий тоифали усталари туни билан ана шу олифтани таслим қила олмадиларингми, ишониш қийин...

— Бу гапни қаердан олдинг? Туни билан эмиш,— эътироз билдирди Полхаус. — Бизлар нари борса икки соат гаплашдик. Уринишимиз беҳуда эканлигига ақлимиз етгач уни қўйиб юбордик.

Спейд яна кулди ва соатига қаради. Кейин официант-ни чақириб ҳисоб-китоб қилишини сўради.

— Бугун кундузи округ прокурори билан учрашишим керак, — деди у Полхаусга официант қайтимни бергунча.

— Сени прокурорнинг ўзи чақирдими?

— Ҳа.

Полхаус стулни суриб ўрнидан турди.

— Қадрдонлигимизни унутма, — деди баланд бўйли, қориндор Том салобат билан, — бўлиб ўтган суҳбатимиз ҳақида унга ҳеч нарса дема.

Спейд округ прокурори кабинетига баланд бўйли, шалпангқулоқ йигит кузатувида юзида табассум билан кириб келди.

— Салом, Брайан!

Прокурор ўрнидан туриб стол ортидан қўлини узатди. Брайан қирқ беш ёшлардаги, малладан келган, ўртача қоматли, ўткир мовий кўзларига қора боғичли кўзойнак тақиб олган, оғзи нотиклар оғзидек катта ва жағи остида чуқурчаси бор одам эди. У Спейднинг саломига тўлиқ алик олди.

— Салом, Спейд.

Бир-бирларининг қўлларини сиқишиб ўтиришди. Округ прокурори стол устига ўрнатилган тўртта пушти тугмачадан бирини босиб, остонада ҳозир бўлган йигитчага буюрди: «Жаноб Томас ва жаноб Хилиларни хонамга таклиф қил!» Сўнг курсига ястаниб Спейдга қаради: — Полиция билан пачакилашиб қолганга ўхшайсан?..

Спейд «қуриб кетсин» дегандек қўлини силтади.

— Ташвиш чекишга арзимайди. Дандининг асаблари ўйнаб қолибди.

Эшик очилиб икки киши кириб келишди. Улардан бири билан Спейд «Салом, Томас», дея саломлашди.

Томас қорача, ўттиз ёшлардаги, пала-партиш кийинган ва сочлари тўзғиган эркак эди. У Спейднинг елкасига сепкил тошган қўллари билан дўстона қоқди.

— Аҳволинг яхшими? — дея сўради. Сўнг унинг ёнига ўтирди. Иккинчи одам Томасдан ёшроқ ва кўримсизроқ эди. Тиззасига ёзув дафтарчасини қўйиб очди, кўк қаламини ушлаганча ёзишга шайланиб сал нарига ўтирди.

Спейд унга тезда назар солиб норози оҳангда Брайдандан сўради:

— Ҳозир нима десам айтганларимдан ўзимга қарши фойдаланиладими?

Округ прокурори илжайди.

— Эҳтиёткорлик ҳеч қачон халақит қилмайди. — У кўзойнагини олиб Спейдга қаради ва яна уни тақиб олди. Кейин Спейдга савол назари билан юзланди:

— Терзбини ким ўлдирди?

— Билмадим... — хушламайгина жавоб берди Спейд.

Брайдан кўзойнагининг қора боғичини силкитиб олиб маънодор оҳангда деди:

— Балки билмассан, аммо тўғри тахмин қилишинг мумкин-ку...

— Бўлиши мумкин, аммо истамайман.

Округ прокурорининг қошлари тепага кўтарилди.

— Истамайман, — қайтарди Спейд бамайлихотир. — Тахминим тўғри чиқади, йўқми, бунинг аҳамияти йўқ: Спейд хоним округ прокурори ва унинг ўринбосарлари ҳамда стенографисти жам бўлиб турган жойда турли тахминларни баён қилувчи аҳмоқни, афсуски, туғмаган.

— Ҳеч нарсани яширишни истамасанг нима учун ўз тахминларинг билан ўртоқлашгинг келмаяпти?

— Ҳар бир одам, — аста жавоб берди Спейд, — истаган нарсасини сир сақлашга ҳақли.

— Сен нимани сир тутаяпсан?

— Масалан, ўз тахминларимни.

Округ прокурори пастга бир қараб олиб яна Спейдга тикилди. Кўзойнагини бурни устига тузукроқ ўрнаштириб деди:

— Агар сенга бу ерда стенографистнинг қатнашаётгани ёқмаётган бўлса мен уни чиқариб юбораман.

— Менга сира халақит бераётгани йўқ, — жавоб қилди Спейд, — майли у барча кўргазмаларимни ёзиб борсин, мен тасдиқлаб жон деб имзо чекаман.

— Бизга сени имзоинг керак эмас, — ишонтирди уни Брайан. — Мен учрашувимизни сўроқ деб қабул қилмаслигингни истардим. Ва яна илтимос қиламан, сен мени полициячилар ўйлаб топган фаразларга ишонган деб ўйламагин.

— Ишонмадингми?

— Заррача ҳам.

Спейд бир хўрсиниб олиб оёғини чалкаштирди.

— Жуда хурсанд қилдинг. — У чўнтагидан тамаки ва қоғозни қидирди. — Ўзинг нима деб ўйлайсан?

Брайан илкис олдинга энгашди ва унинг кўзлари худди кўзойнак ойнаги каби ялтираб кетди.

— Сен менга Арчер кимнинг илтимосига биноан Терзбини кузатганини айтсанг, Терзбини ким ўлдирганини айтиб бераман.

Спейд илжайди.

— Сен ҳам Данди каби бошқа ердан қидираяпсан.

— Сен мени нотўғри тушундинг, Спейд, — деди Брайан бармоқлари билан столни чертиб. — Мен сенинг миждозинг Терзбини ўзи ёки ёлланма қотил орқали ўлдирган деб айтолмайман, аммо миждозинг кимлигини билганимдан сўнг Терзбини ким ўлдирганини тахмин қилиш осонлашади.

Спейд тутатган тамакисини оғзидан олиб ўйчанлик билан деди:

— Ниманидир тушуна олмаяпман.

— Тушунмаяпсанми? Унда мен саволни бошқача бераман: Дикси Монахан қаерда?

— Бу ҳам ёрдам бермади, — деди Спейд пешанасини тириштириб, — барибир тушуна олмаяпман.

Округ прокурори кўзойнагини кўлига олиб ҳавода силкитди.

— Биз, — деди у, — Терзби Монаханнинг тансоқчиси бўлганлигини биламиз ва Монахан Чикагодан жуфтакни ростлаб қолгандан кейин у билан бирга қочиб кетгани ҳам бизга маълум. Шунингдек, Монахан икки юз минг долларни ютқазиб қўйиб, тўламасдан қочиб кетганидан ҳам хабардормиз. Ҳозирча фақат ҳақдорлар кимлар эканлигини билмаймиз. — У яна кўзойнагини

тақиб олди ва ғамгин жилмайди. — Аммо ҳақдорлар профессионал ўйинчилар ва уларнинг тансоқчиларини топиб олгандан кейин нима қилишлари аҳмоққа ҳам аён. Бунақаларни кўп кўрганмиз.

Спейд лабларини ялади ва уларни аянчли тиржайтирди. Кўзлари қовоқлари остида ёнар, бўйни қизариб борарди. Овози паст, бўғиқ ва ҳаяжонли эди.

— Нима демоқчи бўлаяпсан? Нима, уни ҳақдорларнинг буюртмасига биноан мен ўлдирганманми ёки унинг изидан юриб ўлдиришларига имкон яратиб берганманми?

— Йўқ, йўқ! — қизгин эътироз билдирди округ прокурори. — Сен мени бошқача тушундинг.

— Ишонгим келади, — тўнғиллади Спейд.

— У буни назарда тутмаган, — деб суҳбатга аралашди Томас.

— Хўш, нимани назарда тутган?

Брайан қўлларини силкитди.

— Фақат сенинг бу ишларга ҳеч нарсадан шубҳаланмасдан қўшилиб қолишингни, холос. Шундай бўлиши мумкин-ку...

— Тушунарли, — деди Спейд. — Сенингча мен аблаҳ эмас, шунчаки аҳмоқман...

— Бўлмаган гап, — яна эътироз билдирди Брайн. — Фараз қилайлик, сенга, Монахан Сан-Францискода юрибди, уни топишга ёрдам беринг, деб кимдир илтимос қилган бўлиши мумкин. Ўша «кимдир» сенга, Монаханнинг мendan қарзи бор, уни ўлдиришим керак, деб айтмаган бўлиши мумкин. Сен унинг илтимоси замирида нима ётганини қаердан биласан? Барчасини одатий детектив хизмати деб қабул қилган бўлишинг эҳтимолга яқин-ку, тўғрими? Шундай бўлса сенинг зиммангга ҳеч қандай жавобгарлик тушмайди албатта, — шу ерда унинг овози маъноли товланиб, сўзларини аста, чертиб таъкидлади, — сен жиноятда қатнашмаган ва ҳокимиятдан қотилни ушлашга имкон берувчи маълумотларни яширмаган бўлсанг.

Спейднинг юзида муғомбирона илжайиш акс этди:

— Эҳ, мана сен нимани назарда тутган экансан!..

— Айнан шуни.

— Яхши. Унда хафагарчилик йўқ. Аммо сен янглишяпсан.

— Исбот қил.

Спейд бош чайқади.

— Ҳозирча исботлай олмайман, фақат бир гапни айтишим мумкин.

— Унда марҳамат, қулоғим сенда.

— Мени ҳеч ким, ҳеч қачон Дикси Моназан билан боғлиқ ишларга жалб қилмаган.

Брайан ва Томас бир-бирларига қараб олдилар.

Брайан Спейдга қаради.

— Аммо ўзинг иқрор бўлишингча, кимдир унинг тансоқчисини, яъни Терзбини кузатиш учун сени ёллаган-ку.

— Ҳа, унинг собиқ тансоқчиси Терзбини.

— Собиқ?

— Ҳа, собиқ.

— Сенингча, Терзбининг ўлдирилишига Монахан дахлдор эмасми? Буни аниқ биласанми?

Спейд қўлини чўзиб тамаки қолдигини кулдонга ташлади.

— Аниқ бир нарсани билмайман, менинг миждозим аввал ҳам, ҳозир ҳам Монаханнинг номини тилига олгани йўқ. Эшитишимга қараганда Терзби Монаханни Шарққа олиб кетган ва ўша ерда уларнинг муносабатлари барҳам топган.

Округ прокурори ва унинг ўринбосари яна кўз уриштириб олишди.

Томас ҳаяжонини яширишга уриниб, деди:

— Бу кўрсатмалар ишда бурилиш ясайди. Монаханнинг ҳамтовоқлари Монаханни ташлаб кетганлиги учун Терзби билан ҳисоб-китоб қилган бўлишлари мумкин.

— Ўлик қиморбозларнинг дўстлари бўлмайди, — деди кинояли қилиб Спейд.

— Барибир биз иккита янги тахминга эга бўлдик, — гап бошлади Брайн. — У бир неча дақиқа шифтга қараганча орқасини курсига ташлаб ўтирди, кейин яна қаддини ростлади. Туғма нотиқнинг юзи ёришди. — Тўғриси, учта имконият қолди. Биринчиси: Терзбини Чикагода Монахандан алданган қиморбозлар ўлдирган бўлиши мумкин. Улар Терзби Монаханни ташлаб кетганидан бехабар бўлишган ёки бу гапга

ишонишмаган. Эҳтимол, Монаханни тутишга халақит бермаслиги учун, ёки қаерда эканлигини айтишдан бош тортганлиги учун. Иккинчиси: уни Монаханнинг дўстлари ўлдиришган. Учинчиси эса Терзби Монаханни ҳақдорларга сотган бўлиши, кейин орада жанжал чиқиб, оқибатда Терзби йўқ қилинган бўлиши мумкин.

— Сен яна битта, тўртинчи тахминни ҳисобга олмаясан, — деди Спейд қувноқ табассум билан. — Балки Терзби кексаликдан вафот этган... Сизлар жиддий ўйлаясизларми ўзи?

Брайан Спейднинг гапига парво қилмай мамнун кайфиятда бир қўлининг қиррасини иккинчи қўлининг кафтига урди.

— Шунга қарамасдан ҳақиқат учала тахминнинг бирида. — Энди у ўзининг ҳақ эканлигига нисбатан ишончини яширмасдан гапирарди. Ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини олдинга қилиб тепага кўтарди, бармоқ Спейднинг кўкраги қаршисига келганда бирдан тўхтади. — Сен бизга бу тахминларнинг қай бири ҳақиқатга тўғри келишини айтиб беришинг мумкин.

Спейд эриниб жавоб қилди:

— Наҳотки? — унинг юзи жиддийлашди. Бармоғи билан остки лабини силаб қўйди, кейин ўша бармоғи билан бўйинини қашлади. Қовоғини уюб олиб, пишқирганча гап бошлади: — Брайн, сенга мен берган маълумотлар ёқмайди. Улардан сенга наф йўқ. Сенинг қиморбозлар ҳақидаги сценарийинг бузилиб кетиши турган гап.

Брайан ўзини ростлаб елкаларини тўғирлади. Кескин, аммо таҳдидсиз уқтирди:

— Сен бу ҳақда ғам емасанг ҳам бўлади, ҳақманми, ноҳақманми, ҳарқалай ҳозирча округ прокурориман.

Спейд тепа лабини шундай тортдики, ҳатто курак тишлари кўриниб кетди.

— Бизнинг суҳбатимиз норасмий деб ўйлайман.

— Мен қонунга сутка давомида йигирма тўрт соат хизмат қиламан, — деди Брайн, — ва суҳбатимиз расмийми, норасмийми, ҳеч ким мenden жиноятчини фош этувчи маълумотни яшира олмайди албатта, — маъноли қилиб бош ирғади. — Бунинг учун етарли қонуний асоси бўлмаса...

— Нимага шама қилаётганингни тушуниб турибман, — Спейднинг овози хотиржам эди. — Менинг кучлироқ асосим бор, аниқроғи қулайроқ. Мижозларим уларнинг ишлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Мени сендан каттароғига кўрсатма бергани чақиришлари мумкин, аммо ҳозирча ундай бўлгани йўқ. Ўзимга келсак, чорасиз қолмагунимча мижозларимнинг сирини фош қилишни сира истамайман. Бундан ташқари, прокуратура ва полиция мени илгари куни тунда рўй берган қотилликда айбламоқда. Аввал ҳам сиз ва полиция билан ўртамизда кўнгилсизликлар бўлиб ўтган. Хулоса қилиб кўрсам, сизлар билан ўчакишмаслик учун қотилнинг қўл-оёғини боғлаб олдиларингга олиб келиб ташлашим керак экан. Менинг ягона чорам уларни тутиш, сўроқ қилиш ва боғлаш, бунинг учун сизлардан ва полициядан узоқроқ юришим керак, чунки сизлар аслида қандай воқеалар рўй бераётганидан бехабарсизлар. — У ўрнидан туриб стенографистга ўгирилиб сўради: — Улгураяпсанми, ўғлим? Ёки мен жуда тез гапираяпманми? Стенографист унга қўрқув тўла кўзлари билан боқиб жавоб қилди:

— Йўқ, жаноб, улгураяшман.

— Яша, азамат! — Хитоб қилди Спейд ва яна Брайанга ўгирилди. — Агар сен округ ҳокимиятига мени ишдан четлатиш мақсадида патентимни бекор қилишларини сўраб мурожаат қилмоқчи бўлсанг, билганингни қил. Сен бир марта шунга ҳаракат қилиб кўргандинг, ўшанда бутун шаҳар устингдан кулганди. — Спейд шляпасини олди.

Брайан шошилиб қолди:

— Аммо сен мени охиригача эшит...

Спейд унинг гапини бўлди:

— Норасмий суҳбатга тоқатим қолмади. Мени на прокуратурага ва на полицияга айтадиган бошқа сўзим йўқ. Шаҳардаги давлат хизматида кўтарилган ҳар бир аблаҳ мени истаган пайтда ҳақорат қилишни ўзларининг бурчи деб ўйлашлари жонимга тегди. Агар мени кўриш истагинг туғилиб қолса, ёки ҳибсга олгинг, судга чақиргинг келиб қолса, хабар қилган заҳотинг адвокатим билан етиб келаман. У шляпасини кийиб: «Расмий учрашувгача хайр», дея кесатганча чиқиб кетди.

Үн олтинчи боб

УЧИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Спейд «Саттер» меҳмонхонасининг залига кириб, у ердан «Александрия»га қўнғироқ қилди. Гутман ҳам, унинг шериклари ҳам йўқ эди. «Бельведер»га қўнғироқ қилди. Кэйро пайдо бўлмабди.

Спейд ишхонасига йўл олди.

Қабулхонада қорачадан келган, сочлари ёғли одам ўтирарди. Эффи Перин унга ишора қилди.

— Бу жаноб сиз билан гаплашмоқчи, жаноб Спейд.

Спейд жилмайганча таъзим қилиб хонасининг эшигини очди.

— Киринг, — келган одамнинг ортидан киришдан олдин Эффи Периндан сўради:

— Бошқа ишлар бўйича янгиликлар йўқми?

— Йўқ, жаноб.

Қорачадан келган одам Маркет-стритдаги кинотеатрнинг хўжайини экан. У кассирлари ва назоратчиларидан бири алдаётганидан гумон қилиб қолибди. Спейд мижозни ишнинг моҳиятини очишга мажбур қилиб, унга йўл-йўриқ кўрсатди-да, эллик долларини олиб кузатиб қўйди. Буларнинг ҳаммасига ярим соатча вақт кетди.

Кинотеатрнинг хўжайини ортидан эшик ёпилгач, уни очиб Эффи Перин кириб келди.

— Сен ҳали хонимни топмадингми? — сўради у хавотир билан.

Спейд оғриётган чаккасини бармоғи билан силаб бошини чайқади.

— Жон таслим қилаяпсанми? — сўради қиз ҳазиломуз.

— Йўғ-е, бошим ёрилиб кетай деяпти.

Қиз унинг курсиси ортига ўтиб, нозик бармоқлари билан чаккасини уқалай бошлади. Спейд қизнинг кўкрагига бошини ташлаб эркалади:

— Сен фариштамсан.

Қиз энгашиб унинг юзига қаради.

— Сен хонимни топишинг керак, Сэм, мана иккинчи кун йўғ-а...

Спейд бир қимирлаб олиб қизнинг гапини бўлди.

— Менинг ҳеч қандай қарзим йўқ, аммо сен мана бу аблаҳ бошимга икки дақиқа вақт ажратсанг хонимни албатта топиб келаман.

Қиз «бечора бош», дея шивирлади ва жимгина уни силай бошлади, кейин сўради:

— Сен хонимнинг қаерда эканини биласанми ёки бирон жойдалигини тахмин қилаяпсанми?

Шу пайт телефон жиринглади. Спейд гўшакни кўтарди:

— Алло, ҳа. Сиз, ҳаммаси жойида, бўлди, раҳмат. Йўқ... Албатта. У қизишганда мен ҳам қизишдим. У қотиллик профессионал қиморбозлар жанжалидан келиб чиққан деб ўзини алдаб юрибди. Хайрлашаётганимизда албатта ўпишмадик. Мен прокурорга ўзи ҳақидаги фикрларимни тўкиб солиб чиқиб кетдим... Бу сенинг ғамхўрлигинг, яхши. Ҳозирча. — У гўшакни қўйиб яна курсига ястанди.

Эффи Перин курсидан нари кетиб сўради:

— Сэм, сен хонимнинг ҳозир қаерда эканини биласанми?

— Мен унинг қаерга кетганини биламан, — жавоб қилди Спейд истамайгина.

— Қаерда?

— Сен кўрган ёнаётган пароходга!..

Қизнинг кўзлари кўркувдан қинидан чиқиб кетай деди:

— Сен у ерда бўлдингми?

— Йўқ, бўлганим йўқ.

— Сэм, — қиз ғалати товуш чиқариб юборди, — балки хоним тирик эмасдир...

— Хонимнинг қўлидан ҳеч ким судраб олиб боргани йўқ. Сенинг уйингга бориш ўрнига пароходнинг келишини билиб портга йўл олган. Хўш, нима бўпти, жин урсин?! Балки мен мижозларим ортидан югуриб юришим, оёқлари остига йиқилиб, улардан ишларингга ёрдам берайми деб илтимос қилишим керакдир?..

— Аммо, Сэм, пароход ёнаётганини билганингдан кейин-чи.

— Тушда мен Полхаус ва Брайан билан учрашишим керак эди.

— Сэм Спейд, — сўз бошлади қиз нафратини яшириб ўтирмай, — сен истаган лайтингда худонинг

яратганлари ичида энг ярамас маҳлуққа айланишинг мумкин. Хоним сен билан маслаҳатлашмай иш қилмоқчи бўлганлиги учун унга ёрдам бериш ўрнига бу ерда ўтирибсан. Балки борсанг қутқариб қоларсан...

Спейднинг юзи қизариб кетди. У қайсарлик қилиб ўзиникини маъқулларди.

— Хоним ўзини тўлиқ ҳимоя қила олади, ундан ташқари, ёрдам зарур бўлиб қолса, қаерга мурожаат қилишни ҳам билади.

— Сени фақат жаҳлинг чиқаяпти, холос, — бақирди қиз, — ҳамма гап шунда! Уни кўриб қўйинглар, хоним ўз билганича иш тутганлиги учун хафа бўлаяпти эмиш. Нега шундай йўл тутмасин? Ахир сен ҳам ҳамма нарсани ишониб топширса бўладиган жуда бенуқсон одам эмассан...

— Бўлди бас қил.

Қиз лабларини тишлаб заҳарханда билан кесатди:

— Агар сен ҳозир бормас экансан, ўзим, полициячиларни бошлаб бораман, илтимос, Сэм, бор, бора-қол...

Спейд ғудраниб ўрnidан турди.

— Эй худо, боришим ҳарқалай бу ерда ўтириб сенинг танбеҳларингни эшитишдан яхши. — У соатига қаради. — Сен идорани ёпиб уйингга боришинг мумкин.

Қиз рад этди:

— Бормайман. Сени шу ерда кутиб ўтираман.

Бунга жавобан Спейд заҳрини сочди: — Жин урсин сени, кутсанг кутавер. У афтини тириштириб бошига кийган шляпасини қўлига олганча хонадан чиқиб кетди.

Спейд бир ярим соатдан кейин, бешдан йигирма дақиқа ўтганда қайтиб келди. Остонада турибоқ шодон кайфиятда сўради:

— Нима учун сен билан осонликча гаплашиб бўлмайди, азизам?

— Мен биланми?

— Ҳа, сен билан. — Спейд бармоғини қизнинг бурни учига теккизди, кейин унинг қўлтиғидан ушлаб кўтарди, жағидан ўпгач, қайта полга қўйиб сўради:

— Йўқлигимда бу ерда нималар бўлди?

— «Бельведер»дан Люк қўнғироқ қилди, — уни шундай деб аташса керак?.. Сенга Кэйро қайтиб

келганигни айтиб қўйишимни илтимос қилди. Ярим соат бўлди-ёв...

Спейд шу заҳоти жиддий тортди, кескин бурилиб эшикка томон шахдам одимлади.

— Хонимни топдингми? — сўрашга зўрға улгурди қиз.

— Қайтиб келганимда гапириб бераман, — жавоб қилди Спейд ва эшик ортида ғойиб бўлди.

Ун дақиқадан сўнг Спейд таксида «Бельведер» меҳмонхонасига етиб келди. Вестибюлда кутиб олган Люк ночор илжайганча бошини афсус билан чайқаб унга пешвоз чиқди.

— Бор-йўғи ўн беш дақиқага кечиклинг, — деди у. — Қушчанг учиб кетди.

Спейд сўкинди.

— Бу ердан бор-будини олиб, ҳисоб-китоб қилиб жуфтакни ростлаб қолди, — шундай дея Люк костюми чўнтагидан эски блокнотчасини олди. Бош бармоғини тилида хўллаб блокнотни варақлади, сўнг Спейдга кўрсатди: — Мана бу ерда у кетган таксининг рақами ёзилган. Сен учун бундан бўлак бирон иш қилиш қўлимдан келмайди.

— Раҳмат. — Спейд такси номерини конвертга кўчириб ёзди. — Қаерга кетганини билмайсанми?

— Йўқ. У каттакон саквояж билан келди, хонасига чиқиб, у ердаги нарсаларини жойлаб пастга тушди ва қарзларини тўлаб машинага ўтирди. Такси ҳайдовчисига бирон гап айтганини ҳеч ким эшитгани йўқ.

Спейд яна ишхонасига йўл олди. Эффи Перин уни ҳайрат билан кутиб олди.

— Қўлдан чиқариб юборибман, — минғирлади Спейд хонасига кириб борар экан. Қиз ортидан кирди. Спейд тамаки ўрай бошлади. Эффи қаршисига ўтириб оёғини унинг курсиси бурчагига қўйди.

— О'Шонесси хоним ҳақида бирон нарса аниқладингми? — сўради қиз.

— Хонимни ҳам қўлдан чиқарибман, — жавоб қилди Спейд, — аммо у ҳам ўша ерда бўлган.

— «Ла Палома»дами?

— Ҳа, ҳа, ҳа! — бақирди Спейд жаҳл билан.

— Ўзингни бос, Сэм, бундоқ одамга ўхшасанг-чи...

Тамакисини тутатиб олган Спейд ёндирғични чўнтагига солиб босиқлик билан гап бошлади:

— Хоним у ерга кеча тушликдан сўнг равона бўлган. — У қовоқларини уйди. — Денгиз бекатида таксидан тушибоқ портга келган. Биринчи қаторда турган «Ла Палома»нинг капитани кўринмаган. Капитаннинг исми Жакоби бўлиб, хоним унинг исмини айтиб сўраган. Жакоби бу пайтда иш билан шаҳар кезиб юрган экан. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, у хонимни кутмаган, ҳарқалай айнан шу вақтда кутмаган. Хоним эса кутиб турган. Капитан соат тўртда келган. Кечгача «Ла Палома»да бирга бўлишган, кейин бирга овқатланишган.

Спейд тамаки тутунини ичига тортиб гапида давом этди:

— Кечки овқатдан сўнг капитан Жакобининг олдига яна уч киши ташриф буюришган: Гутман, Кэйро ва кеча сенга Гутмандан хат олиб келган йигитча. Улар Бриджит ўша ерда бўлганида боришган ва бешовлон узоқ вақт капитаннинг хонасида суҳбатлашишган. Шу ерга келганда экипаж аъзоларининг тахминлари бири-бирдан фарқ қиляпти, аммо фараз қилишларича, улар жанжаллашиб қолишган ва соат ўн бирлар атрофида капитан каютасида ўқ овози янграган. Навбатчи пастга югуриб туша бошлаган, аммо каюта ёнида капитаннинг ўзи билан тўқнашиб кетган капитан ҳеч нарса бўлгани йўқ деб уни тинчлантирган. Каютанинг бурчагида ўқ янгитдан тешиб ўтган тирқиш пайдо бўлган, ўқ анча баландга отилгани боис у ердагиларнинг бирортасига шикаст етказмаган. Фақат бир маротаба ўқ отилган. Умуман олганда, кўп нарсани аниқлай олмадим.

Спейд қовоғини солиб тамаки тутунини яна ичига тортди.

— Шундай қилиб улар ярим тунда тарқалишган — барчалари бир пайтда. Капитан ва тўртала меҳмоннинг барчаси соппа-соғ эдилар. Буни мен навбатчидан билдим. Ҳозирча ўша куни навбатчилик қилган божхона ходимлари билан учраша олганим йўқ. Мана, бор гап шу. Капитан ўшандан буён қайтиб келгани йўқ. У бугун ўн иккида бўладиган юк жўнатувчилар билан учрашувга ҳам келмаган, ёнғин ҳақида ҳозиргача унга хабар қила олмаганлар.

— Ёнфин қандай рўй берган?

Спейд елкасини қисди.

— Билмадим. Ёнфин кеманинг юк ортиладиган пастки қисмида рўй бергани бутун эрталаб аниқланган. Аммо у кеча бошланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ёнфинни ўчиришган, аммо анча катта зарар етган. Бу ҳақда ҳеч ким капитан қайтиб келмагунча гаплашишни истамади. Бу... — Шу пайт ташқаридаги эшик очилди. Спейд дарров жим бўлиб қолди. Эффи Перин столдан сакраб тушди, аммо кириб келаётган одам қиз эшикка етиб боргунга қадар уни очиб ичкарига қадам қўйишга улгурди.

— Спейд қани? — Спейд кириб келган одамнинг хавотирли, қўпол ва узук-юлуқ овозидан ҳушёр тортиб қаддини ростлади. Эффи Перин чўчиб ўзини нари олди. Ҳалиги одам эшикнинг кесакисига юмшоқ қалпоғини тираб турарди: унинг бўйи етти футлар чамаси келар, ғоятда озғинлиги қора, узун, ҳамма тугмалари қадалган чарм плаши остидан яққол билиниб турарди. Елкалари осилган, серсуяк ва тиришган юзи тупроқ рангида эди, юзлари ва жағи остида тер томчилари ялтирарди. Қора, қон тўлган кўзлари қизариб кетган қуйи қовоғи устида ҳайрат билан ёнарди. Чап биқинига жигарранг қоғозга ўралиб, устидан чилвир билан боғланган, регби тўпидан сал каттароқ тухумсимон нарсани қисиб олганди. У эшик ёнида серрайганча худди кўрга ўхшаб, Спейдни кўрмаётгандек бир аҳволда гап бошлади: — «Сиз биласизми...» — шу ондаёқ томоғи хириллаб айтмоқчи бўлган гапи ичида қолиб кетди ва бирдан, ҳатто қўлларини олдинга чўзишга ҳаракат ҳам қилмай, охиригача арралаб бўлинган дарахтдек қулай бошлади.

Спейд чаққонлик билан курсидан сакраб туриб қулаётган жойида тутиб қолди. Унинг оғзидан қон оқа бошлади, қўлтиғидан сирғалиб кетган жигарранг ўроғлиқ нарса эса думалаганча столнинг оёғи остига бориб тўхтади. Эркакнинг оёғи чалкашиб, ўзи бутунлай бўшашиб кетгани боис Спейд уни бошқа ушлаб туролмади. Чап ёнбоши билан авайлаб полга ётқизди. Номаълум одамнинг ҳамон қора ва қонли, аммо ҳайрат ифодаси сўнган катта очиқ кўзлари бир нуқтага боққанча қотиб қолганди. Оғзи очиқ, аммо ундан қон оқиши тўхтаган, узун гавдаси эса қилт этмасди.

— Эшикни қулфла! — буюрди Спейд.

Эффи Перин қўрқувдан дағ-дағ титраб эшикни қулфлаш билан овора бўлаётган пайтда Спейд озғин одамнинг ёнига чўк тушиб, уни орқаси билан ётқизди. Қўлтиғи остига қўлини тиқиб шу заҳоти тортиб олди — бармоқлари қонга бўялиб кетганди. Заррача ҳайратга тушмаган Спейд қонга бўялган қўлини кўтариб, беҳосдан бирон-бир нарсага тегиб кетишдан ғоят эҳтиёткорлик билан сақланиб иккинчи қўли билан чўнтагидан ёндиргични олди. Ёндиргичнинг филдиракчасини бураб аввал озғин одамнинг ҳар икки кўзи устида бирма-бир оловни тутиб кўрди. Кўзларда ҳаёт асарини сезмади. Ёндиргични ўчириб чўнтагига солди. Сўнг жасад ёнида тиззаси билан ҳаракатланиб, тоза қўлида сув ўтмас плашнинг тугмаларини ечди, плашнинг ичидан кийилган мовий жакет чилп-чилп қон эди. Жакетнинг кўкраги ва плашнинг кўкракка қайтарилган ёқасидаги нам, йиртиқ-тешиклар шундай кўриниб турарди.

Спейд ўрнидан турди, қабулхонага кириб қўлларини ювди.

Эффи Периннинг ранги бўздай оқариб кетган ва бирдай титрарди. Бечора бир қўли билан дастасини ушлаб турган эшикнинг қора ойнасига суяниб олгани сабаблигина оёқда тик турарди, йўқса йиқилиб тушиши аниқ эди. Шу алфозда шивирлади:

— У... У...

— Ҳа. Унга олтита ўқ узишган, — Спейд қўлини ювишда давом этди.

— Врачни чақирин керакдир... — қиз шундай дея гап бошлаганди, аммо унинг таклифини рад қилди.

— Энди унга врач керак эмас... Бирон ҳаракат қилишимиздан олдин ўйлаб олайлик. — У қўлларини ювиб бўлиб раковинани чайқаб қўйди. — Кўкрагидаги бундай жароҳат билан узоқ юра олмасди. Ахир у... Жин урсин, нега яна бир оз тик тура қолмади, ҳеч бўлмаса бизга ниманидир айтиб берарди. — Спейд қизга яна қовоғини уюб қараб қўйди, яна қўлларини чайқаб сочиқни олди. — Бардам бўлсанг-чи, ҳозир энди сенинг қусишинг етмай турувди! — У сочиқни ташлаб қўли билан сочларини силади. — Кел, ўроғлиқ нарсани ечиб кўрамиз.

У хонасига қайтиб кириб жасаднинг оёғи устидан ҳатлаб ўтди, полдан ҳалиги нарсани олди, оғиргина экан. Қаламтарошини чиқариб чилвирни кесди.

Қиз эшик дастасидан қўлини олди, жасадга қарамасликка ҳаракат қилиб уни айланиб ўтди. Спейднинг ёнига бориб, столнинг бурчагидан ушлаганча Спейднинг ҳаракатларини диққат билан кузатар экан, юзидаги нафрат ўрнини ҳаяжон эгаллади.

— Нима деб ўйлайсан, бу ўша қушмикан? — шивирлади қиз.

— Ҳозир биламиз, — жавоб берди Спейд семиз бармоқлари билан бирин-кетин жигарранг қоғоз остидан чиққан уч қаватли, дағал кулранг қоғозни ажратаётиб. Кулранг қоғоз остидан зичланган ёғоч кипиғдан иборат яна бир қатлам чиқди. Спейд уни ҳам бир ёқли қилгандан кейин иккаласининг кўзи ўнгиде қушнинг қомати гавдаланди — баландлиги бир футдан ошмасди, кўмирдек қоп-қора эди. Гарчанд баъзи бир жойларига қипиқ қолдиқлари ва чанг ёпишиб қолган бўлса-да, лочин ярқирарди. Спейд кулиб юборди. У қандайдир эгалик туйғуси таъсирида бир қўли билан қушни чангаллаб олганди. Иккинчи қўли билан Эффи Перинни қучоқлаб ўзига тортди.

— Бу ярамас қуш ниҳоят қўл остимизда, азизам!..

— Вой! — қичқирди қиз, — сиқиб юбординг...

Спейд қизни қўйиб юборди, қора қушни маҳкам ушлаб орқага чекинди. Унинг чангларини яна бир марта пуфлаб ташлаб ғолибона жилмайди. Тўсатдан Эффи Периннинг юзи қўрқувдан буришиб кетди ва Спейднинг оёғини кўрсатиб бақирди. Спейд ўгирилиб қаради. Охирги қадамида оёғи билан жасаднинг қўлини эзиб терисини бир оз шилиб олганди. Спейд тезда оёғини бошқа ёққа олгани ҳамон телефон қаттиқ жиринглади.

Спейд қизга имо қилди. Эффи телефон гўшагини қулоғига тутди:

— Алло... Ҳа... Ким... о, ҳа! — унинг кўзлари каттакатта очилиб кетди. — Ҳа... Ҳа, гўшакни қўйманг... — Қиз кутилмаганда қўрқувдан оғзини ёполмай бақира кетди: — Алло! Алло! Алло! — Гўшакнинг тугмаларига уриб Спейдга ўгирилди, у эса қизнинг ёнига келиб

улгурганди. — Бу О’Шонесси хоним эди! — деди қиз ҳовлиқиб, баланд овозда. — У сени чақиримни илтимос қилганди, ҳозир «Александрия» меҳмонхонасида экан.

Хоним хавф остида... Бу ахир даҳшат-ку, Сэм!.. Кимдир гапни тамомлашга халақит бериб қолди. Ёрдам бер унга, Сэм!..

Спейд лочинни столга қўйиб аянчли хўмрайди.

— Аввало, мен мана бу йигитнинг масаласини ҳал қилишим керак, — деди у бармоғи билан полда ётган жасадни кўрсатиб.

Қиз қўлларини кўксига уриб чинқирди:

— Йўқ, йўқ... Сен унинг олдига боришинг керак. Наҳотки тушунмасанг, Сэм? Бу одамда хонимнинг нарсаси бўлган ва у ўша нарсани сенга олиб келган, тушунмаяпсанми? Хонимга ёрдам бериб келаётгани учун уни ўлдиришди, энди ўзини ҳам... Сен боришинг керак, Сэм!..

— Майли, — Спейд Эффини нари суриб столнинг устига энгашди ва қушни қоғозга ўради: у тез-тез ҳаракат қиларди, шунданми, ўрам катта ва қўпол чиқди. — Мен кетишим билан полицияга хабар қил. Уларга нима бўлганини гапириб бер, аммо ҳеч кимнинг исмини тилга олма. Сен билмайсан. Менга кўнғироқ қилишгани учун чиқиб кетдим, аммо қаерга кетаётганимни айтганим йўқ. — У сўкиниб, ўралашиб қолган чилвирни тўғирлагач, жаҳл билан ўрамни боғлай бошлади. — Бу нарсани ёдиндан чиқар. Воқеани қандай бўлган бўлса шундайлигича айтиб бер, фақат қушни унут. — Спейд пастки лабини тишлади. — Агар улар сени деворга қадашса ва сен уларнинг ўроғлиқ нарса ҳақида билишларини сезиб қолсанг тўғриси айтганинг маъқул. Аммо бундай бўлмаслик эҳтимоли ҳам бор. Борди-ю чиндан ҳам бу ҳақда билишса, Спейд қоғозни очиб ҳам кўрмасдан олиб кетди деб айт. — У қоғозга ўроғлиқ қушни силкитиб кўрди ва қўлтиғи остига қисиб қаддини ростлади. — Демак, эслаб қол. Ҳаммаси қандай бўлса шундай рўй берди, фақат мана бу нарсасиз. Ҳеч нарсани инкор қилма, фақат қуш ҳақида эслатма. Телефонда ҳам сен эмас, мен гаплашдим, сен ҳеч нарса билмайсан, тушундингми?

— Ҳа, Сэм, ким... сен унинг кимлигини биласанми?
Спейд беўхшов ишшайди.

— Ҳа-да, — деди у, — тахминимча хонамда ётган одам Жакоби, «Ла Палома» кемасининг капитани. — У шляпасини кийди. Диққат билан жасадга ва бутун хонага разм солди.

— Тезроқ, Сэм, — ёлборди қиз.

— Кетаяпман, — деди у хўрсиниб. — Полиция келгунича полдан қипиқларни йўқотганинг яхши. Балки Сидга қўнғироқ қилганинг маъқулмиди-ей... — Йўқ, ҳозирча уни бу ишга аралаштирмаганимиз дуруст. Сенинг ўрнингда бўлганимда улар келгунча эшикни қулфлаб ўтирган бўлардим. — У қўли билан жағининг остини артиб сўнг қизнинг юзини силади. — Сен баҳоси йўқ инсонсан, азизам, — деди ва чиқиб кетди.

Ўн еттинчи боб

ШАНБА ОҚШОМИ

Қоғозга ўроғлиқ қушни қўлтиғига қисиб олган Спейд атрофга сергаклик билан аланглаб, йўлакча ва тор ҳовли бўйлаб тез-тез юриб кетди. Ўз идорасидан Кирни-стрит ва Пост-стрит бурчагига қадар бориб, ўша ерда такси тўхтатди.

Такси бешинчи кўчадаги «Пиквик Стейдж» автобекатига олиб келди. Спейд қушни юкларни сақлаш хонасига топширди. Тўлов қоғозини конверт ичига солиб, уни ёпиштиришдан олдин устига «М. Ф. Холланд» деб ва Сан-Францискодаги марказий почтамтнинг абонент қутиси рақамини ёзди, кейин конвертни почта қутисига ташлади. Яна таксига ўтириб «Александрия» меҳмонхонасига жўнади.

Лифтда юқорига чиқиб, 12-К хонанинг эшигини тақиллатди. Иккинчи марта тақиллатгандан сўнг эшикни ялтироқ сариқ кўйлак кийиб олган малласоч қизча очди: унинг юзи оқариб кетган ва мажолсиз эди, иккала қўли билан эшикнинг дастасини аранг ушлаб турарди.

— Жаноб Спейд...

Спейд «Ҳа», деб жавоб қилди ва чайқалиб кетган қизчани ушлаб қолишга улгурди.

Спейд бир қўли билан қизнинг белидан, иккинчи қўли билан тиззаси остидан ушлашга ҳаракат қилди, аммо қиз тезда ўзига келиб қаршилиқ кўрсатди, унинг ярим очиқ, деярли жонсиз лаблари пичирлади:

— Йўқ... ўзим юраман... Спейд уни хонага етаклаб олиб кирди. Эшикни оёғи билан ёпиб, қизни яшил гилам устида, хонанинг икки девори ўртасида у ёқдан — бу ёққа қадам бостира бошлади. Бир қўли билан қизчанинг кичик жуссасини опичлаб, иккинчи қўли билан қўлини маҳкам ушлади. Қизчага ўз мувозанатини сақлашда ёрдам бериб, уни олдинга юришга ундарди. Юзи бўрдек оқ, кўзларини юмиб олган қиз ҳадеб қоқиниб-турганиб кетар. Спейд бўлса шахдамлик ва қатъият билан қизни у девор ёнидан бу девор ёнига олиб келарди. Шунингдек, қовоғини уйганча диққат билан хонани кўздан кечирар ва бирдек такрорлади:

— Мана бундай, чапини, ўнгини, чапини, ўнгини. Энди бошқа томонга. Мана шундай. Бир, икки, уч, тўрт, бир, икки, уч тўрт, — деворга яқинлашишгач қизни силкитарди, — энди орқага, бир, икки, уч, тўрт. Бошингни баланд кўтар. Мана шундай, яшавор. Чапини, ўнгини, чапини, ўнгини, — у яна қизни силкитди. — Ақлингга балли. Бос, бос, бос, бос. Бир, икки, уч, тўрт. Энди орқага. — У қизни қаттиқроқ силтади ва қадамини тезлатди. — Мана мўъжиза. Чапини, ўнгини, чапини, ўнгини. Шошиляпмиз. Бир, икки, уч, тўрт...

Бирдан сесканиб кетган қиз хириллаб сўлагини ютди. Спейд унинг қўлларини ва ёнларини артди. Кейин қулоғига энгашиб деди: — Ажойибсан, яшавор қизалоқ. Бир, икки, уч, тўрт, тезроқ, тезроқ, тезроқ, тезроқ. Яхши, қадам бос, бос. Тепага, пастга, тепага, пастга, мана шундай. Орқага буриламиз. Чапини, ўнгини, чапини, ўнгини. Улар сенга нима бало ичкизишди, укол қилишдими? Менга берган нарсаларидан сенга ҳам беришдими?

Қизнинг қовоқлари учди, аммо жигарранг кўзларини барибир очолмади. Фақатгина аранг эшитиладиган қилиб «ҳа» деб шивирлаб қўйди.

Улар хонада юришда давом этишди. Энди сал бўлмаса қизчанинг югуришига тўғри келарди: Спейд уни сира ҳол-жонига қўймас ва хонани бирдай диққат билан кузатишда давом этиб, дерди:

— Чапини, ўнгини, чапини, ўнгини, чапини, ўнгини, орқага буриламиз. Яшавор қизалоқ. Бир, икки, уч, тўрт, бир, икки, уч, тўрт. Бошингни баланд кўтар. Мана бундай. Бир, икки...

Қизнинг қовоқлари яна учди ва сузилган кўзлари бир сонияга очилди, қорачиқлари аранг қимирларди.

— Ажойиб! — деди Спейд кўтаринки руҳда. — Юм-ма. Кўзларингни катта оч, катта! — У қизни силкитди.

Қиз инграб базўр кўзларини очди, аммо нигоҳи ҳамон сузилган эди. Спейд қўлини кўтариб қизнинг юзига бир неча шапати урди. Қиз яна инграб унинг қўлидан чиқишга ҳаракат қилди. Аммо Спейд уни бўшатмади. Икки девор ўртасида қадам босишда аввалгидек давом этдилар.

— Тўхтама! — буюрди Спейд қатъий ва шу заҳоти сўради:

— Кимсан?!

— Рея Гутман... — гўлдираб жавоб қайтарди қиз.

— Гутманнинг қизимисан?

— Ҳа, — қиз бир оз дадиллашди.

— Бриджит қаерда?

Қиз титраб кетиб унинг қўлидан қаттиқ ушлаб олди. Қандайдир оғриқни сезган Спейд шошилиб қўлини тортиб олди. — Кафти тўрт энликча келадиган узунликда тирналиб кетганди.

— Жин урсин, қўлингда нима бор? — бақирди у ва қизнинг қўлларини текшира бошлади. Чап қўлида ҳеч нима йўқ эди. Мушт қилиб олган ўнг қўлини куч билан очганди, думалоқ бошли тўғноғич чиқди. — Жин урсин, бу нима? — Спейд яна бақириб тўғноғични қизнинг бурни остига олиб келди.

Қиз тўғноғични кўриб кулди ва халатини очди. Ичидаги оч-сарик пижамасининг қизил этагини кўтариб чап кўкраги остидаги тўғноғич билан чизилган қизил чизиқ ва нуқталарни кўрсатди...

— Ухлаб қолмаслик учун... Сиз келгунингизча... Сиз келасизми... шундай узоқ... — шундай дея қиз қалқиб кетди.

Спейд қизни ўзига қаттиқ тортиб деди:

— Кетдик.

Қиз яна Спейднинг қўлидан чиқишга уриниб кўрди ва яна у билан юзма-юз бўлди.

— Йўқ... Сизга айтсам... Ухлаб... Хонимни қутқаринг...

— Бриджитми? — сўради Спейд.

— Ҳа, уни... Бер... Бермингейм... Йигирма олти... Тезроқ... Кеч бўлиб қолади... — Қиз бошини елкасига ташлади.

Спейд қўполлик билан унинг жағидан ушлаб ўзига қаратди.

— Ким уни олиб кетди? Отангми?

— Ҳа... Уилмер... Кэйро... — қизнинг юзи буришди, қовоқлари учди, аммо кўзлари очилмади. — Улдиришади уни... — Қиз яна бошини ташлаб юборди ва Спейд яна унинг жағини кўтарди.

— Жакобини ким отди?

Қиз саволни эшитмади чоғи, бошини кўтариб кўзини очишга уриниб илтижо қилди:

— Тезроқ, хоним...

Спейд бор кучи билан қизни силкитди.

— Врач келгунича ухлаб қолма!..

Қизнинг кўзлари қўрқувдан очилиб кетди ва нигоҳи бир оз жонланди.

— Йўқ, йўқ... — бўғилиб деди у. — Дадам мени ўлдиради... Қасам ичинг, сиз... Хонимга қилган яхшилигим учун... Ваъда... айтмайсиз... уйқум... яхши... эрталаб...

Спейд қизни яна силкитди.

— Врачнинг ёрдамисиз ўзингга келишингга ишонасанми?

— Ҳа... — Қизнинг боши тағин елкасига тушди.

— Каравотинг қани?

Қиз кўлини кўтаришга ҳаракат қилди, аммо мажоли етмади. Кейин батамом бўшашиб уҳ тортди, гиламга узала тушиб олишни истади. Спейд уни тутиб қолди. Қўлида даст кўтариб бағрига осонлик билан босганича уч эшикнинг энг яқини томон юрди. Эшик дастасини охиригача бураб туртиб очди ва ювиниш хонаси орқали хобхонага ўтди. Ювиниш хонасига кўз ташлаб у ерда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина қизни олиб киришни маъқул топди. Бетартиб сочилиб ётган кийим-кечаклар ва шифонердаги буюмлардан хобхона эркакларники экани билиниб турарди.

Спейд қизни кўтарган ҳолда яшил гиламли хонага қайтиб келди ва қаршисидаги хонада омадини синаб

кўришга қарор қилди. У даҳлизга кириб яна битта бўм-бўш ювиниш хонаси орқали бошқа хобхонага кирди. Бу хонадаги буюмлар аёл кишига тегишли эди.

Қизни каравотга ётқизиб, оёқ кийимларини ечди, халатини ҳам ечиш учун уни бир оз кўтарди, боши остидаги ёстиқни тўғирлаб устига одеялни яхшилаб ёпиб қўйди.

Хонанинг ойналарини очиб қизга боқди. У оғир, аммо бир текис нафас оларди. Қовоғини уюб олган Спейд лабларини тишлаб атрофга разм солди. Кеч тушаётгани сабабли хонага қоронғилик чўкканди. Спейд беш дақиқача жим туриб қолди. Ниҳоят ҳайрон бўлгандек елкасини қисиб, ташқи эшикни қулфламасдан ташқарига чиқди.

У Пауэрлли-стритдаги «Пасифик» компаниясининг телефон-телеграф станциясига кириб, телефончи қиздан «Давенпорт йигирма-йигирмани» улашни илтимос қилди.

— «Тез ёрдам» касалхонасини уланг, илтимос... Алло, «Александрия» меҳмонхонасининг 12-К хонасида наркотик моддали укол қилинган қиз ётибди... Ҳа, биронтасини уни кўриш учун юборинг. Мен «Александрия» меҳмонхонасидан Хупер жаноблари бўламан...

Спейд тиржайиб телефон гўшагини ўрнига қўйди. Кейин бошқа жой билан гаплашди:

— Алло, Фрэнк, бу Сэм Спейд. Менга оғзига маҳкам ҳайдовчи билан машина жўната оласанми? Шаҳарга бориб келишим керак... Икки соат... Яхши. Унга айтгин, тезроқ Эллис-стритдаги «Жонз» газакхонасига етиб келсин, мен ўша ерда кутаман.

Кейин ўз ишхонаси билан боғлашларини илтимос қилди ва гўшакни қулоғи остида бир оз индамай ушлаб тургач уни жойига қўйиб қўйди. Спейд ўша ердан «Жонз» газакхонасига йўл олди ва официантдан тезроқ қовурилган гўшт, картошка ва янги помидор олиб келишни илтимос қилди. Овқатланаётган столи ёнига ёш, тўладан келган, тўр кепкани кўзлари тепасига қадар суриб кийиб олган одам келганида Спейд шошиб овқатини еб бўлган, кофе ичиб, тамаки чекаётганди.

— Ҳамма нарса тайёр, жаноб Спейд. Бечора томоғича бензинни тўйиб ичиб хизматингизга мунтазар бўлиб сабрсизлик билан сизни кутмоқда.

— Зўр-ку! — Спейд кофенинг қолганини ҳам ютиб ҳайдовчи билан биргаликда газакхонадан чиқди. — Бермингеймдаги Арчо деган хиёбонними, кўчаними биласанми?

— Йўқ, ўша ерда шундай жой бўлса албатта топамиз.

— Кел, шундай қиламиз, — деди Спейд қора «Седан»нинг олдинги ўриндиғига ўтираркан. — Бизга йигирма олтиси керак, қанчалик тез борсак шунчалик яхши, аммо тантанали, намойишкорона кириб боришимиз шарт эмас, тушундингми?

Улар олти кварталгача жим кетишди. Ниҳоят ҳайдовчи тилга кирди:

— Эшитишимча, сизнинг шеригингизни ўлдиришибди, шу тўғрими?

— Ҳа.

Ҳайдовчи тилини тақиллатди.

— Ишларинг оғир сизларни. Меники ҳам тинч эмас.

— Такси ҳайдовчилари ҳам абадий яшашмайди.

— Бу ҳақ гап, — Спейднинг фикрини маъқуллади ҳайдовчи, — аммо наҳотки менинг ҳам қачонлардир ўлишимга тўғри келади?

Спейд олдинга паришонхотирлик билан қараб кетар ва ҳайдовчининг саволларига бирма-бир жавоб қайтарарди.

Бермингеймдаги биринчи дорихонаданоқ ҳайдовчи Арчо-авеню қаердалигини билиб олди. Ун дақиқа юришгач у «Седан»ни қоронғи чорраҳа олдида тўхта-тиб, чироқларини ёқди ва қўлини олдинга чўзди.

— Ҳов анави ерда, — деди, — нариги томондан учинчи ёки тўртинчи уй. Спейд, шу ерда машинани ўчирмасдан туриб тур, балки тезроқ кетишимизга тўғри келиб қолар, — деб машинадан тушди.

У бурчакдан иккинчи уй олдида тўхтади. Эшик устунда деворга қиёслаганда анча катта жадвал осифлиқ турарди. У рангли металлдан бўлиб, 2 ва 6 рақамлари аранг ўқиладиган қилиб ёзилганди. Остига яна битта кичикроқ жадвал маҳкамланган бўлиб, унга

эълон ёзилганди. Спейд яқинроқ бориб эълонни ўқиди: «Сотилади ва ижарага берилади». Бетон йўлакчадан юриб уйнинг олдига борди. Айвончада икки дақиқалар чамаси қимир этмай турди. Уйдан ҳеч қандай товуш чиқмасди. Яна битта ранги уникқан эшикка қоқилган ёзувли лавҳани ҳисобга олмаганда уй катта, зим-зиё қора қутига ўхшарди.

Спейд зиналардан кўтарилиб эшикка қулоқ тутди. Тиқ этган товуш йўқ. Эшикнинг ойнасига қараб ичкарини кўришга ҳаракат қилди. Пардалар йўқ бўлса-да, уй ичидаги қоронғилик боис бирон-бир нарсани илғаш имкони бўлмади. Спейд оёғининг учида ойналардан бирининг олдига борди, кейин иккинчисига. Зим-зиё. Ойнани очишга уриниб кўрди, ичкаридан беркитилган экан. Эшикни тортиб кўрди, у ҳам қулфлоглиқ.

Спейд айвончадан тушиб оёғи билан нотаниш қора ерни пайпаслаб кўрди, ёввойи ўтларни эзиб уйни эҳтиёткорлик билан айланиб чиқди. Ёнбошдаги ойналар жуда баланд эди, чиқа олмасди. Орқа эшик ва унинг ёнида битта дераза ҳам бор эди. Спейд дарвоза ёнига қайтиб келди, кафти билан ёндиргич оловини тўсиб эълонга дурустроқ қаради: «Сотилади ва ижарага берилади: Лавҳага сан-матсонлик кўчмас мулк сотувчисининг исми ва манзилгоҳи ёзилган қоғоз ёпиштирилган, унинг остида кўк қалам билан «Калит 31-уйда» деган ёзув ҳам бор эди.

Спейд машинанинг олдига қайтиб келиб ҳайдовчидан сўради:

— Фонаринг борми?

— Бўлмасамчи! — У фонарни Спейдга берди. — Ёрдам керакмасми?

— Балки керак бўлиб қолар, — Спейд машинага ўтирди. — Ҳозир 31-уйга борамиз. Чироқларни ёқиб олишинг мумкин. Ўттиз биринчи уй йигирма олтинчи уйнинг бурчагига қияма-қия турган кулранг бино экан. Пастки қават ойналари ёруғ эди. Спейд айвончага чиқиб кўнғироқни босди. Эшикни ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қорасоч қиз очди. Спейд таъзим қилгач жилмайиб сўради:

— Менга йигирма олтинчи уйнинг калитини бера олмайсизми?

— Ҳозир, дадамни чақирай, — деди қиз ва «дада» деб чақирганча уй ичида ғойиб бўлди.

Семиз, юзлари қип-қизил, боши кал, узун мўйловли одам қўлида газетани ушлаб чиқиб келди.

Спейд унга деди:

— Йигирма олтинчи уйнинг калитини сўрамоқчи эдим.

Семиз одам Спейдга ишончсизлик билан қаради.

— Электрни узиб қўйишибди, — баҳона қилмоқчи бўлди у. — Сиз у ерда барибир ҳеч нарсани кўра олмайсиз.

Спейд чўнтагига урди:

— Фонарим бор.

Уй эгасининг юзидаги ишончсизлик кучайди. У асабийлашган ҳолда йўталиб қўйиб, қўлидаги газетани эзфилади.

Спейд чўнтагидан ўзининг ташриф қоғозини чиқариб кўрсатди ва уни қайтариб жойига солгач секин тушунтирди:

— Менда ўша уйда баъзи бир нарсалар яшириб қўйилган деган маълумот бор.

Семиз одам ташриф қоғозини кўрганидан сўнг жонланиб қолди.

— Бир дақиқа кутиб туринг, — деди у шоша-пиша, — сиз билан бирга керамиз.

Тез орада у қўлида қора-қизил тамғали мис калит билан чиқди. Иккови машина олдидан ўтишаётганда Спейд ҳайдовчини чақирди, ҳайдовчи уларга қўшилиб олди.

— Яқин ўтган кунлар ичида бирон киши уйни кўргани келганми? — сўради Спейд.

— Менимча йўқ, — жавоб қилди семиз одам. — Икки ойдан буён ҳеч ким калитни сўраб менга мурожаат қилгани йўқ.

Йигирма олтинчи уйнинг айвонига етгунларича семиз одам олдинда борди. У ерда калитни Спейдга тутқазар экан, «Мана, етиб келдик», дея ғудраниб ўзини четга олди.

Спейд калитни қулфга солиб буради ва эшикни итариб очди. Хона ичида сукунат ва қоронғилик ҳукм сурарди. Спейд чап қўлида ёндирилмаган фонарни

ушлаганча уйга қадам босди. Ортидан такси ҳайдовчиси эргашди. Бир неча қадам орқароқда эса семиз одам кирди. Уйни ертўладан томга қадар тинтиб кўришди. Ҳеч кимса йўқ эди ва мавжуд ҳамма нарса бу ерга анчадан буён ҳеч ким ташриф буюрмаганини билдириб турарди. Бирин-кетин уйдан чиқиб ортга қайтишларига тўғри келди.

«Раҳмат, саёҳат тугади», дея ҳазиломуз сўз қотган Спейд «Александрия» меҳмонхонаси қаршисида «Седан»дан тушди. Меҳмонхонага кириб, меҳмонхона хизматчиси хонаси эшигини очди. Хонада хизматчи ёнида турган баланд бўйли, офтобда қорайган кўзлари жиддий боқувчи ёш йигит билан саломлашди.

— Хайрли оқшом, жаноб Спейд.

— Хайрли оқшом. — Спейд ёш йигитчани бир чеккага таклиф қилиб ундан сўрарди: — 12-К хонадаги Гутманлар ҳозир шу ердами?

Ёш йигит «Йўқ! деб жавоб берди. Кейин ўгирилиб яна Спейдга секин шивирлади:

— Бугун кечқурун бу Гутманлар ғалати ҳунарлар кўрсатишди, жаноб Спейд. Кимдир «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилиб, уларнинг хонасида касал қиз ётибди, дебди.

— Нима, у ерда қиз йўқ эканми?

— Йўқ, у ерда мутлақ ҳеч ким бўлмаган. Ахир ҳаммаси кетиб бўлишган-да...

Спейд бўлиб ўтган воқеага ўзича муносабат билдирган бўлди.

— Нима ҳам қилардик, баъзида иши йўқ аҳмоқ одамлар шунақа қўнғироқлар қилиб ўзларини овутиб юришади. Раҳмат.

У телефон уйчасига кириб буюртма берди.

— Алло... Миссис Перинми?... Эффи уйдаими?... Ҳа, илтимос... Раҳмат... Салом, азизам! Нима билан хурсанд қиласан? Зўр, зўр, учрашганимизда ҳаммасини гапириб берасан. Олдинга йигирма дақиқаларда етиб боришга ҳаракат қиламан. Майли...

Орадан ярим соат ўтгач, Спейд тўққизинчи авенюдаги икки қаватли ғиштин уйнинг эшиги тугмасини босиб турарди. Эшикни Эффи Периннинг ўзи очди. Ҳатто юзидаги ўғил болаларга хос кулги ҳам қизнинг чарчоғини яширолмасди.

— Салом, босс, — такаллуф қилди қиз. — Кир, — овозини пасайтириб қўшиб қўйди. — Агар онам бирон нарса деса ҳам мўмин-қобил бўлиб туравер. Ҳозир у бир оз асабий ҳолатда.

Спейд маъқул дегандек қизнинг елкасига уриб қўйди.

Эффи Спейднинг енгидан ушлади:

— О'Шонесси хонимни топдингми?

— Йўқ! — кескин жавоб қайтарди Спейд. — Ҳалиги овоз хонимнинг овозилигига ишончинг комилми?

— Ҳа, ишончим комил.

Спейд афтини буриштирди.

— Қандайдир англашилмовчилик борга ўхшайди.

Қиз уни меҳмонхонага бошлаб кириб хўрсинди ва ҳорғин жилмайиб ўзини диванга ташлади.

Спейд қизнинг ёнига ўтириб сўради:

— Ҳаммаси жойидами? Қоғозга ўроғлиқ нарса ҳақида гапиришмадими?

— Бир оғиз ҳам. Уларга менга нимани тайинлаган бўлсанг ўшани айтдим. Телефон қўнғироғини бу ишга алоқадор, сени эса қотиллик кетидан қувиб юрган бўлса керак, деган ўйга боришди шекилли.

— Уларни орасида Данди бормиди?

— Йўқ. Хофф О'Гар ва яна мен танимайдиган нотаниш бир кимса, холос. Мен билан округ полиция бошқармаси бошлиғи гаплашди.

— Сени участкага олиб боришдими?

— Ҳа, албатта, жуда кўп саволлар беришди. Аммо уларнинг ҳаммаси... нима десам бўлади... одатдаги, жавоби осон саволлар эди.

Спейд кафтини артди.

— Зўр, — деди у ва шу заҳоти қовоғини солиб олди. — Турган гапки, мен билан бўладиган учрашувга улар янги саволлар ўйлаб топишади. Ҳарқалай, Данди шунга ҳаракат қилиб кўради, Брайан ҳам қараб турмайди, албатта. — У елкасини қисди. — Полициячилардан ташқари яна бирон кимса пайдо бўлмадими?

— Ҳа, айтмоқчи, — қиз қаддини ростлади. — Гутмандан хат олиб келган йигитча келди. У идорага киргани йўқ, аммо полициячилар эшикни очиқ қолдиришгани учун мен уни даҳлизда кўриб қолдим.

— Йигитчага ҳеч нима деганинг йўқми?

— Албатта йўқ. Икковимиз бу ҳақда келишиб олгандик-ку. Ҳатто уни таниганим ҳам сездирганим йўқ, бунинг устига йигитча тез орада кўздан йўқолди.

Спейд ишшайди.

— Азизам, сени бахтинг бор экан, агар полициячилар олдинроқ келишмагандами?

— Нима учун?

— Чунки, мен сенга айтсам, ана ўша йигитча ўта аблаҳ нусха. Ҳалок бўлган ҳақиқатан Жакоби эканми?

— Ҳа...

Спейд қизнинг қўлини қисиб ўрнидан турди.

— Сэм, кетмоқчимисан?..

У қизнинг оғзини кафти билан ёпиб, гапиргани қўймади.

— Душанба куни гаплашамиз. Онанг навбатдаги жанжални бошлагунча қочиб қолганим тузук. Шундай беозор, қўзичоқдек бегуноҳ қизчасини ифлос ишларга аралаштириб юрганлигим учун дакки эшитишимга сира шубҳа қилмайман.

Спейд уйига тунги соат бирларда келди. У эшикка калитни суқиши ҳамон ортида, зинапоядан тез чиқиб келаётган аёл кишининг туфлиси тақиллаши эшитилди. Калитни қўйиб юбориб ортига ўгирилди. Зинапоядан ўпкасини қўлтиқлагандек шошилиб О'Шонесси хоним чиқиб келаётганди. Хоним етиб келиб Спейдни кучоқлаш у ёқда турсин унга осилиб олди ва ҳансираб кўнглини ёрди:

— Сени ҳеч қачон келмайди деб ўйлабман!.. — Хонимнинг ҳорғин юзлари дам-бадам учар, оёғидан-бошига қадар қалтирарди.

Спейд бўш қўли билан калитни пайпаслаб топиб эшикни очди ва аёлни деярли кўтариб ичкарига олиб кирди.

— Мени шу ерда кутдингми? — сўради у.

— Ҳа. — Хонимнинг нафаси бўғилар, ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида талаффуз қиларди. — Бурилишда... нариги... томонда...

— Бу ёғига ўзинг кира оласанми? — сўради Спейд. — Ёки кўтариб олиб кирайми?

Хоним бош чайқади.

— Ҳаммаси жойида... фақат... ўтириб... олишим керак...

Спейднинг хонаси эшигига яқинлашишди. О'Шонесса Спейдни аста қўйиб юбориб, унинг қўлини кўкрагига босиб оғир нафас олди. Спейд бўлса бу пайтда эшик қулфини очиш билан банд эди. Эшикни очиб ичкарига қадам қўйишгач, Спейд кириш хонаси чироғини ёқди. Эшикни ёпиб, аёлни яна бир қўли билан кучоқлаб меҳмонхонага олиб кирди. Сира кутилмаганда меҳмонхонага киришлари билан кимдир чироқни ёқди.

Хоним қаттиқ кўрқиб кетиб Спейдга жон-жаҳди билан ёпишиб олди. Эшикнинг остонаси устида бақалоқ Гутман табассум қилиб турарди. Ортидан, ошхонадан йигитча Уилмер чиқиб келди. Унинг кичкина қўлларидаги қора тўппончалар ҳаддан зиёд катта кўринарди. Ювиниш хонасидан эса Кэйро пайдо бўлди, унинг қўлларида ҳам тўппонча бор эди.

Гутман йиғилганларга бир-бир қараб олиб салобат билан гап бошлади:

— Ўзингиз кўриб турганингиздек, жаноб, жамоат жам. Бемалол кириб, яхшилаб жойлашиб ўтиринг, баъзи нарсалар ҳақида гаплашиб олишимиз зарур бўлиб қолди.

Ўн саккизинчи боб

БАЛОГАРДОН

Спейд Бриджит О'Шонессини кучоқлаган ҳолда совуқ кулимсираб деди:

— Нимага энди гаплашмас эканмиз, мен тайёрман...

Бесўнақай Гутман йўлакни очиб орқага уч қадам ташлади. Унинг семиз этлари сўлқиллаб кетди. Хоним ва Спейд бирга киришди. Ортларидан эса йигитча ва Кэйро. Кэйро эшикнинг олдида туриб олди. Йигитча тўппончалардан бирини чўнтагига солиб Спейднинг орқасига жуда яқин, деярли ёпишиб туриб олди.

Спейд ғазаби қўзиб, елкаси оша йигитга ўқрайиб қаради:

— Қани, нари тур, сен мени тинтиб кўрмайсан!..

Йигитча дўқ урди:

— Қимирлама, оғзингни юм.

Спейднинг бурун тешиклари кенгайди, аммо овози ҳали-ҳозир босиқ эди.

— Нарн тур, ифлос қўлингни теккиза кўрма, йўқса тўппончаларимиз ишга тушмасдан илож йўқ. Яхшиси, итвачча боссингдан сўра, у гаплашмасдан туриб отиб ташлашга розимикан?

— Унга тегма, Уилмер, — буюрди бақалоқ: — Сўнг Спейдга такаббуруна боқди. — Ҳайратланарли қайсарлик. Хўш, қани, жойлашиб олинглар-чи.

— Сизга бу лайчангиз менга ёқмаяпти, уни кўзимдан нарироқ қилинг деб айтгандим-ку!.. — Спейд Гутманга еб қўйгудек нигоҳини қадаб Бриджитни диванга ўтқазди. Улар ёнма-ён ўтиришди, аёл бошини Спейднинг елкасига қўйди. Спейд елкасидан қучоқлагач аёл қалтираш ва ҳансирашдан тўхтади.

Гутман юмшоқ тебранма курсига, Кэйро эса стол ёнидаги курсига ўтирдилар. Йигитча ўтиришни истамади. У бир неча дақиқа аввал Кэйро ёнида турган эшикка томон қадам босиб, тўппончасини учини ерга қаратди, қалин киприклари орасидан Спейднинг кўкрагига қаради. Кэйро тўппончасини столнинг устига, ўз ёнига қўйди. Спейд бошидан шляпасини олиб диваннинг нариги бурчагига отди, Гутманга қараб ишшайди. Унинг бу ишшайиши шундоқ ҳам турли учбурчак шаклларни ўзида жамлаган юзини ниҳоятда кулгили суратига ўхшатиб қўйди.

— Қизингизни қорни жуда ажойиб, юмшоқ экан, — деди у Гутманнинг жиғига тегадиган оҳангда. — Аммо шундай гўзал қоринга тўғноғичлар билан бефаросатларча чизиш яхши эмас.

Гутман сир бой бермасликка ҳаракат қилиб мулоҳимгина жилмайди.

Эшик олдидаги йигитча олдинга қадам ташлаб тўппончасини бир оз кўтарди. Барчалари унга қарашди. Қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, аммо Бриджит О'Шонесси ва Жозел Кэйронинг йигитчага йўналтирилган ҳар хил қарашларида тамоман бир хил норозилик бор эди. Йигитча қизариб кетди ва олдинга ташлаган оёғини йиғиштириб қақдини ростлади, тўппончасини пастга

тушириб яна аввалгидек Спейднинг кўкрагига қараб олди.

Гутман яна хушомадгўёна табассум билан Спейдга боқиб минғирлади:

— Ҳа жаноб, бу уят, аммо биз мақсадимизга эришдик.

Спейд қовоғини уйди.

— Ишни чигаллаштириб нима қиламиз? Лочинни қўлга киритгач, ўзим сиз билан иложи борича тезроқ учрашмоқчи эдим, ахир сиз нақд тўлов беришни ваъда қилгансиз-ку, менга бошқа нарса керак эмасди. Бермингеймга бораётиб шундай учрашувга тушиб қолишимни кутгандим. Сизларнинг ярим соатлик кечикишдан кейин мени гумдон қилиш, Жакобини топиш мақсадида шаҳарда йиртқич бўридек изғиб юришларингни ким билибди дейсиз. Капитан бўлса мени топишга улгурди.

Гутман хонани тўлдириб ҳоҳолади.

— Хўш, жаноб, — деди у, ҳақиқатан ҳам учрашишимизни истаган бўлсангиз, мана, учрашиб турибмиз.

— Ҳақиқатан ҳам истагандим. Айтинг-чи, сиз қачон дастлабки тўловни тўлаб қушни мендан оласиз.

Бриджит О'Шонесси кулоқларига ишонмаётгандек Спейдга таажжуб билан боқди. Спейд унинг елкасига қоқиб қўйди. Гутманнинг кўзидан кўзини узмасди. Бақалоқнинг кўзлари эса ёғли шишиқлар орасида қувноқ йилтирарди.

— Бу масалага келсак, жаноб, — деди у ва пальтосининг чўнтагига қўлини суқди.

Кэйро белини ушлаб ўтирган жойида энгашди ва оғир нафас олди.

Гутман такрорлади: «Бу масалага келсак, жаноб» ва чўнтагидан оқ конверт чиқарди. Ўнта кўз, ҳатто йигитчанинг кўзлари ҳам қалин киприклари ортига яширинишни бас қилиб Гутманга боқди. Гутман аввалига конвертнинг мутлақ тоза юз томонига, кейин ёпиштирилиб улгурилмаган, фақат қоғоз тилча бириктирилган орқа томонига кўз ташлади. Бошини кўтариб дўстона табассум қилди ва конвертни Спейднинг тиззасига отди.

Конверт унча қалин эмасди, аммо дурустгина вазни бўлиб, Спейднинг қорнига тегиб тиззасига тушди. Спейд конвертни шошилмасдан олди ва қўлини аёлнинг елкасидан олиб боягидек шошилмасдан конвертни очди. Конвертда бели синмаган минг долларлик банкнотлар текис, янгилигича турарди. Спейд уларни олиб санади. Банкнотлар ўнта эди. У илжайиб бошини кўтарди.

— Каттароқ пулга келишган эдик.

— Ҳа, жаноб, тан оламан, шартимиз каттароқ эди, — тасдиқлади Гутман, — аммо унда фақат гап эди. Бу бўлса ҳақиқий пул. Нақд бир долларга сиз билан шартлашилган ўн долларимиздан кўпроқ нарсани харид қилишингиз мумкин. — Гутманнинг товушсиз кулгисидан шишиқлари лиқиллади. У жиддий оҳангда гапиришга ўтди: — Кўпчилик бўлиб қолдик. — Бош ҳаракати билан Кэйрога ишора қилди. — Кўриб турганингиздек, жаноб, вазият ўзгариб кетди.

Гутман гапиришда давом этаркан, Спейд банкнотлар дастасини текислаб, уни конвертга солиб тилчани ўрнига қўйди. Тирсагини тиззасига босиб олдинга энгашди, конвертнинг учидан икки бармоғи билан ушлаб уни оёқлари орасида силкита бошлади. Бақалоққа пинагини бузмай сўз қотди:

— Албатта. Аммо сизлар бирлашганларинг билан лочин ҳарқалай менинг қўлимда-ку.

Кэйро қўпол панжалари билан курсини маҳкам ушлаб олдинга интилди ва жиддий оҳангда кесатди:

— Жаноб Спейд, сизга бу нарсани эслатишнинг ҳожати йўқ деб ўйлагандим, аммо ҳозирги гапингиздан кейин жим туришни ўзимга эп кўрмаяпман. Лочин сизнинг қўлингизда бўлгани билан ўзингиз бизнинг қўлимизда эканингизни унутиб қўйяпсиз шекилли...

Спейд тиржайди.

— Сизга айтсам, жаноб Кэйро, менинг ҳеч кимдан кўрқадиган жойим йўқ, хавотирга ҳам тушмайман, — у қаддини ростлаб конвертни диваннинг бир четига қўйди ва Гутманга юзланди. — Пул ҳақидаги масалага бир оз кечроқ қайтамиз. Ҳозир эса битта жуда муҳим масала бор. Уни зудлик билан ҳал қилмасак бўлмайди. Гапнинг пўскаласи шундан иборатки, бизга баъзи бир нарсаларни ўз зиммасига оладиган одам керак.

Бақалоқ Спейднинг фикрини уқолмай қовоғини уюб олди, аммо у оғзини очишга улгурмасдан Спейд тушунтира кетди.

— Полицияга эҳсон керак... Улар ахир учта қотилликни кимнингдир бўйнига қўйишлари керак-ку. Бизлар... — Кэйро Спейднинг гапини ҳаяжонли ва узуқ-юлуқ овоз билан бўлди: — Иккита... фақат иккита... қотилликни, жаноб Спейд. Сизнинг шеригингизни Терзби ўлдирганига шубҳа йўқ.

— Майли, иккита бўлақолсин, — муроса қилди Спейд. — Нима фарқи бор, иккитами, учтами? Ҳар қандай вазиятда ҳам полицияга бир кишини топширишимиз зарур. Энди гапга Гутман аралашди. У енгил кулги ва ишонч билан гап бошлади:

— Жаноб Спейд, сизнинг қобилиятингиз ва маҳоратингизга ишонганимиз учун бу борада ташвиш қилмасак ҳам бўлаверади, деб ўйлайман. Полиция билан бўладиган барча катта-кичик муаммоларни ҳал қилишга ўзингиз устасиз ва бу бошоғриқ ишларда бизнинг ёрдамимизга сираям муҳтож эмассиз.

— Агар шундай деб ўйласангиз, — дарҳол эътироз билдирди Спейд, — демак, сиз ҳам етарли маълумотга эга эмас экансиз.

— Бас қилинг, жаноб Спейд, сиз бизни полициядан қўрқинишга ва уларнинг сўроқ-саволларига муносиб жавоб топа олмаслигингизга ишонтиролмайсиз!..

Спейд бирваракайига оғзи ва бурнидан нафас олиб товуш чиқарди. Энгашиб яна тирсагини тиззаларига тиради ва тажанглик билан Гутманнинг гапини бўлди:

— Мен полициячилардан заррача ҳам қўрқмайман ва жин урсин, улар билан боғлиқ ҳар қандай масалани қандай ҳал қилишни ҳам биламан. Айнан шуни сизларга тушунтиришга ҳаракат қиляпман. Улар билан ўртада юзага келган келишмовчиликларни бартараф қилиш учун кимнидир фидо қилишга тўғри келади. Ана шу одамнинг бўйнига барча қотилликларни илишади.

— Яхши, жаноб, айтайлик, бу чораларнинг бири бўлсин, аммо!..

— Ҳеч қандай «аммо» кетмайди! — эътироз билдирди Спейд. — Бу ягона йўл. — Унинг кўзлари қизариб-бўзарган пешанаси остида чиндан ҳам жаҳл

билан ярқираб ёнарди. Чаккасидаги кўк доғ қорамтир тус олди. — Нима ҳақда гапираётганимни жуда яхши биламан. Бунақа вазиятлардан илгарилари ҳам чиқиб кетганман ва бу сафар ҳам йўлини албатта топаман. Олий суддан тортиб қуйи судларга қадар ҳаммасини мот қилиб келганман. Бунинг уддасидан чиқиш имконини қилганман. Чунки мен ҳаминиша эртами-кечми, барибир ҳақиқатнинг тантана қилишига ишонаман. Кези келганда мен ҳақиқат олдида жавоб беришим кераклигини сира ёдимдан чиқармайман. Жавоб бериш вақти келганда, олдимга керакли одамни солиб, ўзим полиция бош бошқармасига бориб, уларга «Мана каллаварамлар, сизларни жиноятчиларингиз!» дейишга доимо тайёр туришим керак... Ҳали ҳозир бунга қодир эканман, ҳар қандай устаси фарангга тилимни кўрсатишим ва қонунни зарур моддаларини жамлаб унинг юзига тупуришим мумкин. Аммо бир маротаба янглишсам улар мени ботқоққа чўктириб йўқ қилиб юборишлари аниқ. Аммо мен ҳозирчалик янглишганимча йўқ ва янглишмайман ҳам. Бунга шубҳа қилмасаларинг ҳам бўлаверади.

Гутман кўзларини тез-тез пирпиратиб қолди, нигоҳида қандайдир саросима сезиларди, аммо унииг лўппи, қизил юзидаги кулги ва овози заррача ўзгармади:

— Сизнинг фикрларингиздан, жаноб, жуда ақлли эканингиз кўриниб турибди, худо ҳаққи, жуда ақллисиз. Оқилона фикрларингизни ҳозирги вазиятга қиёслаганда «Жаноб, қандай бўлмасин уни тутинг», деб хитоб қилган бўлардим. Аммо бизнинг айнан ҳозирги вазиятимизда ундай қилиш имконсиз. Албатта, полицияга фидо бўлувчи одамни топа олмасангиз ташвишингиз ортиб кетади, аммо, — Гутман қўлларини ёзиб кулди. — Аммо сиз ташвишлардан кўрқадиган одам эмассиз. Сиз ўзингизни ҳимоя қилишга доимо қодирсиз ва нима рўй берганда ҳам, қандай ҳолатда бўлмасин, охир-оқибат отни устида қолиб чиқасиз. — У лабларини чўччайтирди ва кўзларини қисди.

Спейднинг нигоҳи кескин ва жаҳлдор тус олди.

— Нима ҳақда гапираётганимни яхши биламан, — деди у атайлаб паст, босиқ оҳангда. — Бу ер менинг шаҳрим. Мен албатта бу сафар ҳам отни устида қолишим мумкин, аммо келгуси сафар мени шундай тўхтатиб қолишлари, ўз гўштимни ўзимга едиришлари хавфи ҳам

йўқ эмас. Мен эса буни истамайман. Сизлар қуш бўлиб Нью-Йорк, Константинополь ёки яна бошқа бирон юртга учиб кетасизлар. Мен эса бу ерда қолиб яшашим ва ишлашим керак...

— Аммо сиз... — гап бошлади Гутман.

— Ундай қила олмайман, — деди Спейд қатъий. — Ва истамайман ҳам. Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. — У тўғри ўтириб олди. Табассум юзидаги қаҳрни ювиб юборди. Босиқ ва ўзига ишонган оҳангда, тез-тез гапиришга ҳаракат қилди: — Гутман, менинг гапимга ишонинг, киритаётган таклифим ҳаммамиз учун фойдали. Агар биз полицияга бир одамни қурбон қилмас эканмиз, эртами-кечми улар лочин ҳақида билиб қолишади. Оқибатда сиз қаердадир қушча билан кўмилиб ётишингизга тўғри келади ва ўйлаганингиздек бойиб кетолмайсиз. Бу ҳақиқатга тан бермай, ишонмай иложингиз йўқ. Полицияга бир кишини беринг, улар шу заҳотиёқ сизнинг бор-йўқлигингизни унутишади.

— Ҳамма гап ана шунда-да, жаноб... — жавоб қилди Гутман, унинг ҳаяжонини ҳамон кўзлари сотиб турарди. — Борди-ю полиция қувишни давом эттираверсачи? Борди-ю, биз топширган кимса уларга лочин ҳақида гуллаб қўйса-чи? Иккинчидан, менимча ҳозир улар бизни таъқиб қилмай қўйишди. Демак, энг яхшиси — бу саҳнадан аста ғойиб бўлиш...

Спейднинг пешонасидаги бош томир шиша бошлади.

— Эй, худо! Билишимча, сиз ҳануз ҳеч нарсани тушунмаяпсиз. — У аранг ўзини тутиб турарди. — Полициячилар ухлагани йўқ, Гутман. Улар яшириниб олиб кутишмоқда. Вазиятни тўғри баҳолашга оз-моз уриниб кўринг, барчаси ойдинлашади-қолади, менинг ниятимни ўшандагина чуқур англаб етасиз. Улар бу ишда қулоғимгача ботиб бўлганимни билишади. Мен қадамимни ўйлаб босаётганим, етти ўлчаб бир кесаётганим туфайлигина озодликда юрибсизлар. Сал тойсам, мен ҳам тамомман, сизлар ҳам... Унинг овози яна майинлик касб этди. — Азизим Гутман, наҳотки сиздек одам полицияга кимнидир топшириш ниҳоятда муҳим эканини тўла англолмаса?... Бошқа йўл йўқ!... Келинг, уларга анави хомкаллани топширамиз. —

Спейд эшик олдида турган йигитчага ишора қилди. — У ҳақиқатан ҳам Терзби ва Жакобини отган-ку, тўғрими? Унақасига олсак ҳам, бунақасига олиб қарасак ҳам унинг шу роль учун яратилгани аниқлашади. Келинг, керакли маълумотларни йиғиб, лайчангизни икки қўллаб топширамиз.

Спейднинг гапларини бошидан-охиригача эшитиб турган Уилмер лабларининг бурчагини қимтиб бир оз кулгандек бўлиб кўринди. Спейднинг таклифи унга бундан ортиқ таъсир қилмагандек эди. Джоэло Кэйронинг қора кўзлари сарғайиб кетди. Оғзини ланг очиб Спейдга кўзларини лўқ қилганча анграйиб қолди: унинг аёлларникига ўхшаш кўкраги асабий ҳолда шиша бошлади. Бриджит О'Шонесси ўрнидан сакраб туриб нари борди ва Спейднинг юзига қараш учун ўгирилди. Хонимнинг юзидаги қўрқув исталган дақиқада асабий кулги билан алмашинишга тайёр эди.

Гутман жим, ҳаяжонланмай ўтирарди, аммо бирдан хохолаб кулиб юборди. У шунчалар узоқ ва юракдан кулдики, ҳатто кўзларидан ёш томчилари тирқираб кетди.

— Худо гувоҳ, жаноб, сиз ўхшаши йўқ одамсиз, бу соҳада ўхшашингиз йўқ, нақадар ноёбсиз!.. — У чўнтагидан оқ дастрўмолини чиқариб кўзларини артди. — Ҳеч қачон навбатдаги дақиқада нима дейишингизни ёки қандай ҳаракат қилишингизни билиб бўлмайди. — Аммо қандайдир фавқулодда, ҳайратланарли гапни ўйлаб топишингиз турган гап!..

— Мен айтаётган гапларимнинг кулгили жойи йўқ деб ўйлайман. — Кўринишидан Спейдга бақалоқнинг кулгиси умуман таъсир қилмаганди. У бақалоқ билан қайсар, аммо ақлли дўст билан сўзлашаётгандек сўзлашишга ўтди:

— Бу энг яхши йўл. Полициячилар ишни бошлаб қолганга қадар...

— Аммо, азизам, — эътироз билдирди Гутман. — Наҳотки, тушунмасангиз, бу ҳақдаги оддий фараз ҳам мен учун даҳшат. Уилмерни ўзимнинг ўғлимдек яхши кўраман. Менга ишонинг. Аммо сизнинг таклифингизни қабул қилганимда ҳам, айтинг-чи, Уилмернинг лочин ҳақида ва бизларнинг ҳар биримиз ҳақида полицияга лом-мим демаслиги учун нима қилиш керак?

Спейд лабларини очмасдан кулимсиради.

— Агар зарурат туғилиб қолса, — деди у майинлик билан, — биз уни ҳибсга олиш чоғида қаршилиқ кўрсатгани учун отиб ташлашимиз мумкин. Лекин — бу даражага етиб бормади деб ўйлайман. Нима деб валдираса валдирайверсин. Бунинг учун уни ҳеч нарса қилмасликка сўз бераман.

Гутманнинг қизарган пешанаси тиришди. У жағини кўйлаги ёқасига суртиб бошини кўтариб сўради:

— Қандай? — кейин шошилиб бошини кўтарганди, лўппи юзлари қалқиб кетди ва йигитчага ўгирилиб қаттиқ кулиб юборди: — Сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан, Уилмер? Жуда қизиқ-а?..

Йигитчанинг қалин киприклари остидаги қорамтир кўзлари ёниб турарди. У босиқ, аммо аниқ жавоб берди:

— Ҳа-а, қизиқ... Онангни сени...

Спейд эса бу пайтда Бриджит О’Шонесси билан суҳбатни бошлаб юборганди.

— Ўзингни қандай ҳис қилаяпсан, фариштам? Анча яхши бўлиб қолдингми?

— Ҳа, анча яхшиман, фақат... — хоним овозини шу қадар пасайтириб юбордики, унинг охирги иккита сўзи умуман эшитилмай қолди. — Қўрқиб кетаяпман... — кўзларини мўлтиратиб ўша сўзларни қайтаришга мажбур бўлди.

— Қўрқма, — унга далда берди Спейд ва кафтини аёлнинг кулранг пайпоқли тиззасига қўйди. — Ҳеч қандай қўрқинчли воқеа рўй бераётгани йўқ. Ичгинг келаяпти?

— Ҳозир эмас, раҳмат. — Хоним овозини яна пасайтириб олди. — Эҳтиёт бўл, Сэм...

Спейд кулимсираб Гутманга қаради, бақалоқ ҳам Спейдга қараб турганди. Гутман табассум қилди ва бир оз сукут сақлаб кейин сўради:

— Қалай?

Спейд ўзини аҳмоқликка солди.

— Нима, «қалай»?

Бақалоқ кулишим лозим деган хаёлга боргандек қилиб яна бир оз илжайди ва шундан кейингина тушунтирди:

— Агар сизнинг таклифингиз, жаноб... Жиддий бўлса, унда ҳеч бўлмаса ҳурмат юзасидан эшитишга

тайёрмиз. Уилмер ҳибсга олаётган пайтимизда бизга зиён етказмаслиги учун нима қилмоқчисиз?

Спейд бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, — деди у, — мен кимнингдир марҳамати билан иш тутмоқчи эмасман, ҳатто одатий ҳайрихоҳлик изҳор қилган тақдирда ҳам. Яхшиси, буни эсдан чиқарайлик.

Бақалоқ лўппи юзини тириштирди.

— Йўқ, сиз ёмон ўйга борманг! — эътироз билдирди у. — Сиз мени жуда қийин аҳволга солиб қўйяпсиз. Мен кулишим керак эмасди, буниинг учун кечиринингизни илтимос қиламан. Жаноб Спейд, сиздан ўтиниб сўрайман, асло менинг таклифим устидан куляпти, деган хаёлга борманг, мен сизнинг ўткир зеҳнингизни жуда ҳурмат қиламан. Фақат баъзи фикрларингизга қўшила олмайман, холос. Сизнинг таклифларингизда ижобий жиҳат кўр-маяпман, ҳатто Уилмерни ўз ўғлимдек кўришимни нари суриб қараганда ҳам. Аммо барчасидан қатъи назар, сиз менинг узримни қабул қилиб, кўнглингиздаги ниятингизни охиригача баён қилишингизни сўрардим.

— Нима ҳам қилардим, — деди Спейд. — Охиригача бўлса охиригачада. Брайн — округ прокурорларининг тимсоли. Ҳаммасидан ҳам кўра у иши ҳисоботда яхши кўринишини истайди. Фойдасиз ишни очишга ҳаракат қилишдан кўра ўзини мавҳум маълумотларни эшитмаганликка солиб қўя қолади. У бегуноҳ деб ҳисоблаган одамлари делосини ажратиб қўйдими-йўқми, билмадим, аммо у айбини исботлаши мумкин бўлган одамларни айбсиз деб ўзини ишонтиришини тасаввур қилолмайман. Брайн битта жиноятчининг айбини исботлаш учун унинг олти-еттита шеригини очиқликда қолдириши мумкин.

— Айнан ана шундай имкониятни, — давом этди Спейд, — биз Брайнга яратиб берамиз ва прокурор иккала қўли билан унга ёпишиб олади. Шубҳа йўқки, Брайн лочин ҳақида ҳеч нарсани эшитишни истамайди. Бу мишиқининг кўрсатмалари қуруқ сафсата деб билиб, тўнини тамоман тескари кийиб олади ва лочин ҳақидаги гапларни ишни чалкаштириш учун ўйлаб топилган ёлғон-яшиқлардан иборат деб хулоса қилади. Бу борада менга юз фоиз ишонишингиз мумкин. Мабо-

до, лайчангиз аҳмоқлик қилиб ҳаммани ўзи ортидан тортишга уриниб қолса, шунақанги йўлини ўйлаб топаманки, ҳеч кимса унга ёрдам бера олмайди.

Гутман такаббурлик билан кулимсираб бошини аста у ёқдан-бу ёққа бурди.

— Йўқ, жаноб, — деди у, — ҳеч нарса чиқмайди деб қўрқаман. Округ прокурорингиз қандай қилиб Терзби, Жакоби ва Уилмерларнинг ўзаро боғлиқ эканликларини исботлаши мумкинлигини кўз олдимга келтирилмаяпман.

— Сиз округ прокурорларини билмайсиз, — салмоқланиб сўз бошлади Спейд. — Терзбининг қандай кимса бўлгани маълум. У сизнинг мана бу мишиқингиз каби бандит эди. Нима учун уни Жакобини ўлдирганлиги учун суд қилиш керак экан, ахир Терзбини йўқ қилгани учун ҳукм қилинди-ку!..

— Ҳа, аммо... — гап бошлади Гутман ва бирдан йигитчага қараб жимиб қолди.

Уилмер эшикнинг олдидан нарироқда жилиб, оёқларини керган ҳолда Гутман билан Кэйронинг ўртасига туриб олганди. У олдинга бир оз энгашган, елкаларини кўтарганди. Гарчанд бармоқлари толиқиш натижасида оқариб кетган бўлса ҳам тўппончанинг учини ҳамон ерга қаратиб ушлаб турарди. Иккинчи қўли ҳам муштга айланганди. Болаларча юзидаги совуқ, ҳайвоний жаҳддан бутун қиёфаси кўрқинчли тус олганди. Фазабдан нафаси бўғилиб Спейдга бақирди:

— Қани аблаҳ, чиқар тўппончангни, тур ўрнингдан!..

Спейд йигитчага кулимсираб қараб қўйди. Унинг кулгиси ясама эмас, қувноқ эди.

Йигитча пўписасини такрорлади:

— Қани тур аблаҳ, агар мард бўлсанг тўппончангни чиқар!.. Сени минғир-минғирларинг ҳиқилдоғимга келди. Юзидаги табассум янада қувноқлик касб этган Спейд Гутманга қараб киноя қилди: — Қаранг уни кўрқинчилигини, — овози кулгиси каби қувноқ, шу билан бирга босиқ эди. — Балки сиз унга мени отиш ҳозирчалик иқтисодий томондан катта зарар келтиришини эслатиб қўярсиз, ёки лочин менинг қўлимда эканлигидан кўз юмасизларми?

Гутманнинг юзи аранг ёришди. У қуруқшаган лабларини қуруқ тили билан ялади. Овози ҳаддан зиёд хириллаб чиқди:

— Нима қиляяпсан, Уилмер, ҳозироқ қайт шаштингдан, ҳазилга ҳам шунчалик ҳовлиқасанми? Сен...

Йигитча Спейддан нигоҳини узмасдан жаҳл билан лабларини чўччайтириб деди:

— Ундай бўлса, анавинингни тилини тийиб қўй... Агар у мени тинч қўймас экан отиб ташлайман ва бундан мени ҳеч ким тўхтатолмайди.

— Нима деяпсан, Уилмер, — деди Гутман ва Спейдга ўгирилди. — Сизнинг режангиз бошида айтганимдек мақбул чора эмас. Келинг, яхшиси, бу ҳақда бошқа гаплашмай қўяқолайлик.

Спейд нигоҳини Гутмандан йигитчага олди, кейин яна Гутманга қаради. Унинг юзидаги табассум йўқолиб жиддий тус олди.

— Нима ҳақда гапириш кераклигини ўзим ҳал қиламан... — деди у кесатиқ билан.

— Албатта ўзингиз, — дарҳол тасдиқлади Гутман. — Бу сиздаги менга ёқадиган энг яхши хислатлардан бири, жаноб. Аммо сизнинг режангиз, ўзингиз куриб турганингиздек ҳеч қандай амалий маънога эга эмас. Шунинг учун уни бошқа муҳокама қилиб ўтирмасак.

— Сиз мени ўртага ташлаган таклифим мантиқсиз эканига ишонтира олмадингиз, ўйлайманки, ишонтира олмайсиз ҳам. — У қовоғини уйди. — Келинг, очиқчасига гаплашамиз. Балки сиз билан лақиллашиб вақтимни беҳуда сарфлаётгандирман, Гутман?.. Бу ерда куйни фақат сиз танлайсиз шекилли... Нима дейсиз, балки мишиқингиз билан ўзим яккама-якка гаплашиб олганим дурустдир. Бунинг учун тажрибам етарлилиги сизга аён деган умидламан...

— Йўқ, жаноб, — эътироз билдирди Гутман, — сиз ҳақсиз, фақат шу маънодаки, масалани ўзим ҳал қиламан.

— Майли, — деди Спейд, — менда яна битта таклиф бор. У биринчисидан кўра баттарроқ, аммо йўқдан кўра яхши... Эшитишни истайсизми?

— Албатта.

— Уларга Кэйрони беринг.

Шошиб қолган Кэйро столдан тўппончасини олиб, иккала қули билан уни маҳкам қисди. Тўппончанинг учи полнинг диван ёнидаги қисмига қаради. Кэйронинг юзи сарғайиб кетди. Унинг қора кўзлари бир одамдан иккинчисига қадалар, аянч билан боқаётган нигоҳида таажжуб ва нафрат уйқаш бўлиб кетганди.

Гутман кулоқларига ишонмагандай қайта сўради:

— Кечирасиз, нима дедингиз?

— Полицияга Кэйрони беринг.

Гутманнинг кулиб юборишига бир баҳя қолди. у ўзини аранг тўхтатди, ҳайратини яширолмай сўради:

— Эй худо, жаноб, наҳотки сиз шу иш тўғри бўлади деб ўйласангиз?..

— Бу албатта мишиқини топширгандан кўра ёмонроқ, — деди Спейд. — Кэйро бандит эмас ва унинг тўппончаси Терзби ва Жакоби отиб ўлдирилган тўппончадан кичикроқ. Айбларни унга тўнкаш учун анча тер тўкишларига тўғри келади, аммо бу қурбонлигимиз полицияга ҳеч кимни топширмасликдан кўра албатта афзал.

Ортиқ чидаб туролмаган Кэйро баданни тешиб юборгудек чийиллади:

— Полицияга бирон кимсани топшириш ўта зарур бўлса, балки сизни, жаноб Спейд ёки Бриджит О'Шонесси хонимни топширганимиз маъқулдир?

Спейд левантияликка боқиб мийғида кулди ва босиқлик билан деди:

— Сизларнинг ҳаммаларингизга лочин керак, у эса менда. Кимнидир полицияга тутиб бериш — мен қушга белгилаган тўловнинг бир қисми. О'Шонесси хонимга келсак, — Спейднинг ўткир нигоҳи аёлнинг кўрқувдан оқарган юзига қадалди ва яна Кэйрога қайтди, бунинг орасида елкасини сезилар-сезилмас қисиб қўйди. — Агар сизлар уни бу ролга мос келади десанглар, таклифларингни атрофлича ўрганиб чиқаман.

Хоним томоғини ушлаб бўғиқ бақирди ва Спейддан янада узоқроқ силкиди.

Кэйро ҳаяжондан қалтираб кетди:

— Сиз, менимча ўзингизни ҳукмингизни шундай бетамизлик билан ўтказишингиз яхшиликка олиб келмаслигини эсдан чиқариб қўйдингиз...

Спейд масхараомуз хохолаб кулди.

Гутман қаттиқ-қаттиқ, аммо дўстона руҳда гапиришга ҳаракат қилди:

— Бас қилинглар, жаноблар, келинглар, суҳбатимизни мураса томон бурайлик. Аммо Кэйронинг сўзларини, — у ёлғиз Спейдга мурожаат қиларди, — муҳокама қилиб кўрсак бўлади. Эътиборга олиб қўйишимиз керак.

— Мени ҳеч кимдан заррача ҳам қарзим йўқ. — Спейд ўзига шундай ишонч билан сўзлардики, унинг ўқтам овози барча бақирғу чақириқларни босиб кетарди. — Агар сизлар мени ўлдирмоқчи бўлсанглар қандай қилиб қушни қўлга киритасизлар? Қушни ундирмасдан туриб сизлар мени ўлдиролмасликларингни яхши биламан. Шундай экан, сизлар мени қандай қилиб қўрқитишларинг ва қушни олиб келиб беришимга мажбур қилишларинг мумкин?

Гутман бошини ёнбошига ташлаб ўйланиб қолди. Унинг кўзлари қовоқлари остида чақнарди. Ниҳоят жавоб топди.

— Ўлдириш ва ўлдириш билан қўрқитишдан бошқа ишончли усуллар ҳам бор.

— Албатта, — маъқуллади Спейд, — аммо агар ўлдиришни билдирмаса улардан наф камроқ. Фақат ўлимгина маҳкумни бўйсунтиришга мажбур қилади, тушуняпсизми. Агар сизлар бошқа чора қўллашга киришиб қолсаларинг, у менга ёқмаса борми, қараб ўтирмайман. Шунинг учун сизлар ё ўша ишни тўхтатасизлар ё мени ўлдирасизлар, аммо мени йўқ қилиш — қушдан умрбод жудо бўлиш дегани...

— Сизни тушунаман, — Гутман ишшайди. — Аммо жаноб, бунга ўхшаш тактика ҳар икки томондан ҳам ақл билан иш тутишни талаб қилади, чунки қизиққонлик билан асосий мақсадни унутиб қўйиш мумкин, ҳиссиётнинг ақлдан устун келиш яхшиликка олиб келмайди.

Спейд мулойим кулди.

— Ҳамма гап шунда-да, — деди у. — Бир томондан сизларни чангалимда ушлаб туриш учун ўзимни дадил тутаяпман, иккинчи томондан, асл мақсадларинг қолиб бошимни узишга ҳаракат қилиб қолмасликларингни кузатиб турибман, яъни сизларга ҳам, ўзимга ҳам фақат яхшилик истаяпман.

Гутман Спейднинг топиб гапиришига қойил қолиб хитоб қилди:

— Худо ҳаққи, сиз жуда ўткир одамсиз!

Жозел Кэйро курсидан сакраб турди, йигитчанинг орқасидан ўтиб Гутманнинг орқасига бориб олди. Унинг қулоғига энгашиб ўз оғзини бир қўлида ёпди ва бўш қўли билан бақалоққа шивирлади. Гутман Кэйрони диққат билан, кўзини юмиб эшитди.

Спейд Бриджит О'Шонессига қараб тиржайди. Аёл унга жавобан аранг табассум қилди, аммо яна аввалгидек кўрқув ва ҳайрат билан қарашда давом этарди.

Спейд йигитчага ғолибона назар ташлади:

— Гаров ўйнайманки, улар ҳозир сени бор-будинг билан қўшиб сотишади, ўғлим...

Йигитча индамади. Оёқлари сезилар-сезилмас қалтирай бошлади. Спейд Гутманга юзланди:

— Ўйлайманки, бу бошоғриқ каллакесарлар сизни тўппончаларини ўйнатиб кўрқитиб қўйган бўлмасалар керак...

Гутман кўзини очди. Кэйро шивирлашдан тўхтади ва бақалоқнинг курсиси ортида бошини кўтарди.

Спейд виқор билан сўзида давом этди:

— Кўрқманг, тўппончаларини бемалол кўз-кўз қилаверишсин, иккаласининг қўлидан ҳам ўйинчоқларини олиб қўйган вақтим бўлган, зарурат туғилса сира қийинчиликсиз яна уддасидан чиқишимга шубҳам йўқ. Мишиқининг ёдидан чиқмаганди...

Ҳазабдан бўғилиб кетган йигитча «Энди етар!» дея ҳайқириб тўппончасини ўқталди.

Гутман семиз қўлларини чўзиб йигитчанинг билэгидан ушлади ва ўзининг оғир гавдасини оромкурсидан кўтариб, югурдагининг тўппонча ушлаган қўлини пастга эгди, айти шу дақиқада Кэйро йигитчанинг олдига югуриб келди ва унинг бошқа қўлидан ушлади. Иккови икки томондан қўлларини пастга эгишар, йигитча эса фойдасиз қаршилиқ кўрсатганча оғзига келган барча хунук сўзларни қайтармай бўралаб сўкинарди. Олишув анча давом этди. Йигитча бўш келмади, аммо барибир икки катта одамнинг қўлида ожиз эди. Уни бутунлай таслим этиб олгунча Гутманнинг худди ёш болани алдаётгандек аврашлари тўхтамади: «Нималар деяпсан, ўзингни бос, Уилмер, ҳеч нарса қилмаймиз...» Уилмер

бўлса икки одамнинг остида қолиб нафаси қайтгунча сўкинишни бас қилмади: «Онангни санларни... аблаҳлар... ўлдираман...»

Спейд дивандан туриб уларнинг олдига келди. Йигитча ҳаддан зиёд вазмин одамларнинг устига бор оғирликлари билан ётиб олганлари боис типирчилашни тўхтатди. Кэйро эса ҳамон уни тинчлантирувчи сўзларни такрорларди. Спейд эҳтиёткорлик билан Кэйрони нари суриб, балогардон Уилмернинг жағига ўхшатиб туширди. Унинг боши кескин орқага қайрилиб кетди, аммо яна ўз ҳолатига қайтди, чунки Кэйро ва Гутман ҳамон қўлларидан маҳкам тутиб туришарди. Гутман Спейдга, нима қиляяпсиз, тўхтанг, дегандек бўлди. Спейд гўё эшитмагандек Уилмернинг жағига иккинчи марта мушт туширди.

Кэйро қўққисдан йигитчанинг қўлини қўйиб юборгани, ҳолдан тойган бечора бола Гутманнинг каттакон қорнига ағдарилди. Кэйро Спейдга ташланиб, унинг юзига иккала қўли билан чанг солди. Спейд уни ўзидан нари итарди. Кэйро жон-жаҳди билан яна Спейдга ташланди. Унинг кўзларига ёш қалққан, қип-қизил лаблари ғазабдан буришиб кетганди.

Спейд: «Вой хўроз-ей!» дея масхаралаб кулиб жиғига тегаётган Кэйронинг юзига тарсаки тортиб юборди. Спейднинг шапалоғига дош беролмаган Кэйро столга учиб тушди. Ўзига келгач учинчи бор Спейдга ташланди. Сабркосаси тўлган Спейд қўлларини олдинга чўзиб, унинг юзига кафтини қаттиқ тиради.

— Бас!.. — хириллаб огоҳлантирди Спейд, — бўлмаса ҳозир туғилганингга пушаймон қиламан...

Ҳалигача қўлидан ҳеч нарса келмаслигини тан олишни истамаётган Кэйро «Қўрқоқ!» дея чинқириб жимиб қолди.

Кэйронинг энди ташланишга журъати етмаслигига ишонган Спейд аста энгашиб полдан Кэйро ва Уилмернинг тўппончаларини олди. Қаддини ростлаб кўрсаткич бармоғини тўппончаларнинг тепкиси ҳалқасига киритди...

Гутман йигитчани тебранма курсига ўтқазиб унга аллақандай ачиниш ва ҳамдардлик туйғуси билан қараб қолди. Кэйро курси олдида чўкка тушиб, Уилмернинг осилиб қолган жонсиз қўлларини силай бошлади.

Спейд полицияга аталган қурбонлик вазифаси зим-масига юклатилган қаҳрамоннинг жағи остини силади.

— Суяклари бутун, келинлар, уни диванга ётқи-замиз, — Спейд бир қулини йигитчанинг орқасига ўтказиб, иккинчи қули билан тиззаси остидан ушлаб сира қийналмай кўтарди, диванга олиб борди.

Бриджит О'Шонесси шошилиб ўрнидан кўзғалиб Спейд кўтариб келган беҳуш йигитчани диванга ётқи-зишга кўмаклашди. Спейд ўнг қули билан Уилмернинг эгнидаги кийимларини пайпаслаб кўриб яна битта тўппончани топди. Уни нариги тўппончаларга қўшиб, диванга орқасини қилиб турди. Кэйро бўлса аллақачон боланинг бош томонига ўтириб олганди.

Спейд тўппончаларни шарақлатиб Гутманга танта-навор нигоҳ ташлади:

— Мана, бизнинг қурбонлигимиз ҳам тайёр!..

Гутманнинг юзи оқариб кетди. Полга қараганча сукут сақларди.

Спейд унинг сукутини ўзича тушунди:

— Ўзингизни аҳмоқ қилиб кўрсатманг. Сизлар Кэйро билан гўёки болакайга раҳмларинг келиб, унинг жонини ортиқча қийнамай полицияга топширмоқчи бўлдиларинг. Аммо жазога лойиқ топилган одамнинг бошини сила-масликларини мендан яхши биласиз. Хомтама бўлманг, энди кулги билан қутулолмайсиз, итваччангиз сизни имкон туғилиши биланоқ отиб ташлайди.

Гутман оғирлигини ўнг оёғидан чап оёғига олди ва сукут сақлашда давом этди.

— Яна бир нарса. Ҳозир ёки «ҳа» дейсиз, ёки мен лочин билан сизнинг тўдангизни полицияга топшираман.

Гутман бошини кўтариб тишлари орасидан гўлди-ради:

— Бу менга ёқмаяпти, жаноб...

— Албатта сизга ёқмайди, — тасдиқлади Спейд, — шундай қилиб?..

Бақалоқ хўрсинди ва афтини буриштириб ғамгин жавоб қилди:

— Уни олиб кетишингиз мумкин...

Спейд совуққонлик билан «жуда яхши», деб қўйди, холос.

Ўн тўққизинчи боб

РУС КИШИСИНИНГ ҚИЛМИШИ

Йигитча диванда чалқанча тушиб ётар, текис нафас олиши сезилмаганда, кичкина жуссасини жон тарк этган деб ўйлаш мумкин эди. Жоэл Кэйро тепасига энгашиб унинг юзлари ва билакларини ишқалар, сочларини силаб нималардир деб шивирлар ва хавотир билан оқариб кетган жонсиз юзига қараб-қараб кўярди.

Бурчакда, девор билан столнинг ўртасида турган Бриджит О'Шонесси пастки лабини тишлаб зимдан Спейдни кузатарди. Аммо Спейд ўгирилиши билан кўзини Кэйро ва йигитча томонга олиб қочарди.

Гутманинг оғир ўй таъсирида бўзарган юзига яна қизиллик югурди. У қўлларини шимининг чўнтагига солиб, хонанинг ўртасида туриб олган, Спейднинг ҳаракатларини таъқиб қиларди. Қўлларидаги тўппончаларини тинмай ўйнатаётган Спейд Кэйрога ишора қилиб Гутмандан сўради:

— Анави оёқ остида ўралашиб юрмайдими?

— Билмадим... — хушламайроқ жавоб берди бақалоқ. — Энди ҳаммаси сизнинг маҳорату тажрибангизга боғлиқ.

— Кэйро, — даъваткор оҳангда чақирди Спейд.

Левантиялик унга ташвишли, қорайган юзини бурди.

— Бечорани ўз ҳолига қўйинг, бир оз нафасини ростлаб олсин. Биз уни полицияга топширишга узилкесил қарор қилдик. Келинглар, болапақир ўзига келгунча биз қолган барча икир-чикирлар ҳақида келишиб олсак.

Кэйро ачиниб сўради:

— Уни калтаклаганингиз ҳали озлик қиладими?

— Ҳа, озлик қилади!.. — энсаси қотиб жавоб қайтарди Спейд.

Кэйро ўрнидан туриб бақалоқнинг ёнига келди.

— Илтимос, рози бўлманг, жаноб Гутман, — ялинди у, — сиз тушунишингиз керак, уни топширсак...

Спейд Кэйронинг гапини бўлди:

— Неча марта айтиш керак, бу масала ҳал бўлди. Энди сизлар нима қилишларинг кераклигини аниқлаб

олишимиз қолди, холос. Улушга қушиласизми ёки ўйиндан чиқасизми?

Гутман бир оз ғамгин ва ўйчан табассум билан Кэйрога қараб ноилож бош ирғади.

— Уилмерни полиция қўлига тутқазиш менга ҳам осон эмас, аммо биз энди ҳеч нарса қилолмаймиз, ҳеч нарса...

— Хўш, Кэйро, сиз қандай қарорга келдингиз, «ҳа»ми ёки «йўқ?»

Кэйро лабларини ялаб Спейдга юзланди:

— Фараз қилайликки, — деди у ютиниб, — икки йўл бор, шулардан фақат биттасини танлашим мумкинми?..

— Албатта, — деди тамоман жиддий тарзда Спейд. — Аммо шуни ҳисобга олиб қўйингки, мабодо йўқ десангиз, сизни ўртоғингизга қўшиб полицияга инъом қилишдан бошқа иложимиз қолмайди.

— Қўйсангиз-чи, жаноб Спейд, — ўсмоқчилади Гутман, — бу энди жуда...

— Биз уни осонгина қўйиб юборадиган даражада аҳмоқ эмасмиз, — таъкидлади Спейд. — Ё биз билан бирга бўлади ёки қамоққа тушади. Вазиятни назоратдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. — У қовоғидан қор ёғиб Гутманга қаради ва жаҳл билан бақирди: — Жин урсин сизни! Ахир сиз ҳаётингизда биринчи бор ўғирлик қилаётганингиз йўқ-ку! Жуда ўзингизни пок қилиб кўрсатишга уринаверманг! Нима, сизга чўкка тушиб ялинишимни кутяпсизми! — У Кэйрога ўтирилди, — қани, «ҳа»ми «йўқ?..»

— Сиз мени танлаш имкониятидан маҳрум қилаяпсиз... — Кэйро пешанасини ноилож тириштириб елкаларини қисди. — «Ҳа» дейишдан ўзга чорам йўқ, ҳа...

— Яхши, — Кэйронинг жавобидан қониқиш ҳосил қилган Спейд Гутман ва Бриджит О'Шонессига қараб «ўтиринглар», деди.

Аёл диванда чўзилиб ҳушсиз ётган йигитчанинг оёқ томонига астагина чўкди. Гутман яна тебранма курсига жойлашди, Кэйро эса стол ёнидаги курсига ўтирди. Спейд тўппончаларни столга қўйиб қўлидаги соатга қаради.

— Ҳозир соат икки бўлибди, лочинни мен фақат тонг отганда ёки ундан кечроқ олишим мумкин. Хуллас, ўзаро келишиб олишимиз учун вақт етиб ортади.

Гутман йуталди.

— Қаерда у? — шошмасдан сўради ва қўшиб қўйди. — Умуман олганда, менга қаердалигининг фарқи йўқ. Мени бошқа фикр хавотирга соляпти. Иш якун топгунга қадар ҳаммамиз бирга бўламизми-йўқми? — У нигоҳини аввал диванга, кейин талмовсираб Спейдга қаратди:

— Конверт сиздами?

Спейд ҳам аввал диванга, кейин аёлга қараб бошини чайқади.

— У О'Шонесси хонимда.

— Ҳа, у менда... — шивирлади аёл қўлини пальтосининг чўнтагига соларкан. — Мен уни полдан олдим...

— Ҳаммаси жойида, — Бриджитнинг кўнглини хотиржам қилди Спейд. — Конверт сенда туратурсин. — Кейин эса Гутманнинг гумонларига барҳам бериш учун деди: — Саргузаштларимиз охирига етгунча бирга бўлишга мажбурмиз, кўрқманг, мен қочиб қолмайман, лочинни шу ерга олиб келиб берадилар...

— О, жуда зўр иш бўларди! — қувончини изҳор қилди Гутман. — Агар чиндан ҳам олиб келиб беришса, жаноб, ўн минг доллар ва Уилмернинг эвазига сиз бизга лочинни берасиз, шунингдек, бир-икки соат вақт ҳам. Уилмерни полицияга топширгунигизча бизлар шаҳардан чиқиб кетишга улгуришимиз керак.

— Яширинишга уринмасаларинг ҳам бўлади, мен тилимни тийишга ўрганганман.

— Балки шундайдир, аммо барибир округ прокурори Уилмерни сўроқ қилишни бошлагунга қадар Сан-Францискодан узоқроқ бўлганимиз яхши.

Билганларингни қилинглар, — бепарволик билан деди Спейд. — Агар истасаларинг мен уни эрталабгача ушлаб туришим мумкин. — Спейд тамаки ўрай бошлади. — Энди ижозатларинг билан ҳалидан буён такрорлаётганим икир-чикирларни аниқлаб олайлик, менимча фурсат етди. Хўш, Уилмер нима учун Терзбини ўлдирди ва нима учун, қаерда Жакобини илма-тешик қилди?

Гутман бошини норози лиқиллатиб тиржайди ва тўнғиллай бошлади:

— Нима деяпсиз, жаноб, ҳаддингизни билинг-да мундоқ... Биз сизга пул ва Уилмерни бердик, келишувимиз шундан иборат эди, холос.

— Мен воқеалар шундай тус олишини билардим, — деди Спейд ёндиргич оловини тамакига яқинлаштириб. — Мен чиндан ҳам қурбонлик талаб қилдим, аммо Ҳали Уилмер бурчакка роса қисилгани йўқ, демак, уни қурбонлик дейишга эртароқ. Болакайнинг ўз айбини бўйнига олиши учун эса мен бир нарсани билишим шарт. — Спейднинг қиёфаси жиддийлашди. — Сизлар нима учун унга ғамхўрлик қиялпсизлар? У қочиб кетгудек бўлса ҳолларингга маймунлар йиғлайди-ку!..

Гутман олдинга энгашди ва семиз бармоқлари билан Спейднинг оёғи остида ётган тўппончани чертди.

— Мана унинг айбдорлигига керагидан ортиқ далил, жаноб. Терзби ҳам, Жакоби ҳам шу тўппончадан отилган. Полиция бошқармасининг экспертларига ажал ўқларининг шу қуролдан отилганлигини тасдиқлаш сира қийинчилик туғдирмайди. Ахир ўзингиз ҳам ҳозиргина шу ҳақда гапирдингиз-ку, сизга унинг қўллари қонлигини исботловчи яна қандай далиллар керак ўзи?

Балки сиз ҳақдирсиз, — юмшоқлик билан деди Спейд. — Аммо иш сиз ўйлагандан кўра чигалроқ. Сиз нима деб ўйлайсиз, бордию айбловнинг айрим ўринлари бир-бирига мантиқан боғланмай қолса мен қандай қилиб муаммони ечаман.

— Ажаб, тушунолмайд қолдим, сиз яқиндагина бунинг уддасидан чиқиш хамирдан қил суғургандек осон деб бизни ишонтиргандингиз шекилли, ёки айтган сўзларингиздан тонализми? — Орага суқилди Кэйро. — У ҳайрат ва норозилик билан Гутмандан ўпкалади: — Қўраялпсизми? Мен сизга бундай қилманг деб айтгандим. Мен ўйлайманки...

— Ҳозир бу ҳақда нима ўйлаётганларинг ҳеч кимни қизиқтирмайди! — Кэйронинг гапини оғзида қолдирди Спейд. — Иш жуда чуқурлашиб кетди ва сизлар ботқоққа қулоғингизгача ботиб бўлгансизлар. Хўш, Уилмер Терзбини нима учун ўлдирди?

Гутман бармоқларини қорни устида занжир қилиб курсисини тебратди. Унинг юзидаги табассум аянчли эди.

— Тағин бир бор ишонч ҳосил қиялпманки, сиз билан келишиш жуда мушкул, — мен сиз билан боғланиб катта хатога йўл қўйибмиз деган ўйга бориб қоляпман. Худо ҳаққи, хато қилибмиз... — таассуф билдирди Гутман.

Спейд пинагини бузмай қулини силтади:

— Ҳадеб ваҳимага тушаверманг, тақдирларинг сиз шубҳа қилаётгандек фожиали эмас. Сизлар озодликда қоласизлар, устига-устак куш қўлларингда бўлади.— У тамакини оғзидан олиб илова қилди. — Нима бўлгандаям сизлар энди неча йиллик ниятларингга етиш арафасидасизлар. Терзбини нима учун ўлдирди?!

Гутман курсида тебранишни бас қилди.

Терзби шафқатсиз каллакесар ва О'Шонесси хонимнинг иттифоқчиси эди. Биз Терзбини йўқ қилиб, шу орқали хонимни ҳимоячисиз қолдирмоқчи, уни орамизда зиддият бўлмаслиги ҳақида ўйлашга мажбур қилмоқчи эдик. Мана кўраяпсизми, жаноб, сиз билан қанчалик очиқ-ойдин сўзлашяпман?

— Ҳа, шу йўсинда давом этинг. Сиз лочин унда деб гумон қилгансиз, шундайми?

Гутман бошини шундай қаттиқ чайқадики, лўппи ёноқлари ҳар сафардагидек қалқиб-қалқиб кетди.

Ҳеч қачон! — жавоб қилди у. — Гарчанд лочинни Гонконгда капитан Жакобига бериб, уни «Ла Палома»да бу ерга олиб келишини илтимос қилишидан ва ўзи дўсти билан тезюрар кемада етиб келишидан хабар топмаган бўлсақда, биз хонимни яхши биламиз. Борди-ю, лочиннинг қаердалигидан улардан қай бири огоҳ эканини аниқлашга тўғри келиб қолса, Терзби албатта билмаслигини инobatга олардик.

Спейд ўйчанлик билан сўради:

— Терзбини ўлдиришдан аввал у билан тил топишишга ҳаракат қилмадиларингми?

— Ҳаракат қилдик, жаноб. Шахсан ўзим у билан ўша кеч гаплашгандим. Уилмер Терзбини бўлиб ўтган воқеадан икки кун олдин топди ва О'Шонесси хонимни учратиш учун унинг ортидан тушди. Аммо изидан тушганимизни сезмаса ҳам ўта эҳтиёткор эди. Шунинг учун ўша оқшом Уилмер меҳмонхонага бориб, унинг келган-келмаганлиги билан қизиққан. Йўқлигини аниқлагач, йўлга яшириниб олиб, уни кута бошлаган. Ўйлашимча, Терзби меҳмонхонага сизнинг шеригингизни ўлдирибоқ қайтиб келган. Сўнг Уилмер уни менинг ҳузуримга бошлаб келди. Терзби билан сира тил топишолмадик. Нималарни таклиф қилмайлик, у О'Шонесси хонимга садоқатини сақлаб қолди. Шундай

қилиб, Уилмер уни меҳмонхонагача «кузатиб қўйиб», зиммасидаги вазифани адо этди.

Спейд бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Ҳақиқатга яқинга ўхшайди. Энди Жакоби воқеасига аниқлик киритсангиз.

Гутман Спейдга бир қараб олиб давом этди.

— Капитаннинг ўлими юз фоиз О'Шонесси хонимнинг айби билан юз берди десак янглишмаймиз.

Аёл бақариб юборди ва шу заҳоти оғзини қўли билан ёпиб олди.

— Энди бунинг аҳамияти йўқ. Нима рўй берганини айтиб беринг.

Гутман Спейдга ўткир нигоҳ ташлаб илжайди.

— Айтганингиздек гапириб бераман, жаноб,— деди у. — Ўзингизга маълумки, Кэйро сизнинг квартирангизда ва ундан кейин полиция бошқармасида бўлгандан сўнг мен билан ҳамкорлик қила бошлади. Менинг таклифимни ерда қолдирмади. Биргалашиб иш юритсак мақсадга тезроқ етамиз деган қарорга келдик. — У левантияликка қараб жилмайди. — Жаноб Кэйро жуда ақлли, нозиктаъб одам. «Палома» ҳақидаги фикр айнан унинг миясига келди. Ўша кунни эрталаб газетада «Палома»нинг келиши ҳақидаги ёзувни кўриб, у Гонконгда О'Шонесси хонимни Жакоби билан бирга кўрганликларини эслади. Ўшанда Кэйро О'Шонесси хонимни Гонконгда қолдирган ва аввалига, ҳатто уни «Палома»да сузиб кетган деб ўйлаган, аммо кейинроқ тахмини нотўғри эканини аниқлаган. Гапнинг қисқаси, жаноб, у газетада «Палома»нинг сузиб келиши ҳақидаги хабарни ўқигач, хонимнинг Гонконгда лочинни Жакобига берганлигини ва капитандан қушни бу ерга олиб келиб беришини илтимос қилганини пайқаб қолган. Албатта, кема капитани нимани олиб келаётганини билмаган, чунки О'Шонесси хоним ғоят эҳтиёткор.

У аёлга кинояли табассум билан боқиб, курсида икки маротаба тебраниб олгач давом этди:

— Кэйро жаноблари, Уилмер ва мен биргаликда Жакобининг олдига ташриф буюрдик. Буни қарангки, омадимиз чопиб, айнан вақтида борган эканмиз. Бизлар у ерда хонимнинг капитан билан суҳбатлашаётгани устидан чиқиб қолдик. Биз суҳбатга қўшилдик, аввалига барча томонларни қониқтирадиган битимга эри-

шиш осон кечмади, охир-оқибат хонимни биз билан ҳамкорлик қилишга кўндирдик. Шундан сўнг биргаликда кемани тарк этиб, тўлаб О'Шонесси хонимдан қушни олишим керак эди. Аммо жаноб, биз хомкаллалар, хонимни йўлга солишга эришдик деб ўйлаб ўзимизнинг кучимизга ортиқча баҳо бериб юборибмиз. Хоним йўлда капитан билан лочинни олиб ғойиб бўлишди, улар гўё ер остига кириб кетгандек эдилар. — Гутман илжайди. — Ишонаверинг, жаноб, худо ҳаққи, бизни роса ўйнатишди.

Спейд аёлга қаради. Хоним кўзларини катта очиб, илтижо билан боқди.

— Сизлар кемани ёқдиларингми? — сўроқни давом эттирди Спейд.

— Йўқ, атайлабдан ёққанимиз йўқ, — жавоб қилди бақалоқ. Аммо шуни айтиш керакки, ёнғинни Уилмер келтириб чиқарди. Бизлар капитаннинг каютасида суҳбат қилиб ўтирганимизда у кемадан лочинни қидирган, менимча эҳтиётсизликка йўл қўйиб гугуртни ўчирмай пастга ташлаган.

— Яхши, яхши, — Спейд янги тафсилотлардан мамнун эди. — Агар бирон нарса халақит бериб Терзбининг қотили эканига иқрор қила олмасак, биз унинг бўйнига Жакобининг ўлимини иламиз ва кеманинг ёндирилишини ҳам. Майли, хўш, у қандай қилиб капитанни отди?

— Биласизми, жаноб, бизлар ғойиб бўлганларни қидириб шаҳарнинг у ёғидан кириб бу ёғидан чиқиб юрардик, ниҳоят О'Шонесси хонимнинг яшаш жойини топдик, деб ўйлагандик. Аммо эшикка қулоқ тутиб ичкарида икки киши эканини пайқадик ва қўнғироқни босдик. Хоним эшик ортида туриб бизнинг кимлар эканимизни сўради, жавоб берганимиздан сўнг ичкарида деразанинг очилгани эшитилди. Албатта, биз гап нимада эканини дарҳол англаб етдик, Уилмер бор кучи билан ҳовлига олиб чиқувчи ёрдамчи эшик томон югурди. Кейин маълум бўлишича, уй бурчагига бурилганда қўлтиғида лочин билан қочиб кетаётган капитан билан тўқнашиб кетган. Вазият жуда мураккаб бўлган, аммо Уилмер қўлидан келган барча ишнинг уддасидан чиққан. Қочоққа қаратиб бир неча марта ўқ узган. Аммо Жакоби қаттиқ ёнғоқлардан экан — на ўзи йиқилган ва на қўлтиғидаги қуш тушиб кетган. Қутилиб кетишнинг

сира иложи йўқ эди, Жакоби Уилмернинг оёғидан чалиб йиқитиб қочган. Ҳаммаси куппа-кундуз куни рўй бераётганди. Ўрнидан турган Уилмер сал нарида полициячини кўриб қолган ва шунинг учун капитанни қувиб етиш фикридан воз кечган. Уилмер «Коронет» билан ёнма-ён бинонинг орқа эшигига ўзини уриб кўчага чиққан ва бизнинг олдимизга югуриб келган. Бахтимизга, жаноб, уни ҳеч ким сезмаган.

— Шундай қилиб, жаноб, — давом этди Гутман, — бизлар яна боши берк кўчага кириб қолдик. О'Шонесси хоним капитан ортидан деразани ёпиб жаноб Кэйро ва менга ҳамда... — шу ерда у бир оз жимиб қолди, О'Шонесси хонимнинг ўзини қандай тутганини эслаб илжайиб қўйди. — Хуллас, хоним, Жакобидан лочинни олиб, сизнинг олдингизга боришни илтимос қилганини тан олди. Мана шу энг аниқ факт, жаноб. Аммо Жакобининг ўшандай оғир жароҳат билан идорангизга етиб бориши эҳтимолдан узоқ бўлиб, йўлда уни полиция тутиб олиши мумкин эди. Аммо у идорангизга етиб боргандагина биз учун имкон қоларди, жаноб. Шунинг учун биз хонимни идорангизга қўнғироқ қилиб, Жакоби етиб боргунга қадар сизни чақириб олишга кўндирдик. Уилмерни унинг ортидан жўнатдик. Афсуски, хонимни кўндириш зарурлигини кеч англадик.

Шу пайт диванда ётган йигитча ингради ва ёнбошига ағдарилди. Кўзини бир неча марта очиб-юмди. Хоним яна дивандан туриб, стол ва девор ўртасига бориб тўхтади.

— Биздан кўра эпчилроқ ҳаракат қилиб, — шошилиб ҳикоясини тугатди Гутман. — Лочинни сизни йўқ қилишимиздан олдин қўлга киритдингиз.

Йигитча бир оёғини полга қўйди, тирсагига таяниб турди, кўзларини бақрайтирганча полга иккинчи оёғини қўйди. Спейдга кўзи тушгач бақрайишни бас қилди.

Кэйро курсидан туриб йигитчанинг олдига келди. Бир қўли билан унинг елкасидан қучиб нималарнидир тушунтира бошлади. Йигитча ўрнидан сапчиб туриб унинг қўлларини елкасидан олиб ташлади. Хонага синчковлик билан разм солиб, нигоҳини Спейдда тўхтатди. Юзи тошдек қотиб қолди, танаси шундай таранглашган эдики, гўё баттар кичрайиб кетганди.

Спейд столнинг бурчагида оёқларини осилтириб ўтирарди.

— Энди менинг сўзларимга қулоқ сол, болакай, — деди у. — Агар сен менга яқинлашиб қўлчаларингни узатсанг таъзирингни бериб қўяман. Эсингни борида жойингга ўтириб ўзингни босиб олганинг маъқул, шундай қилсанг узоқ яшайсан.

Йигитча Гутман томонга ўтирилди.

Гутман эса айбдорона илжайиб кўнглини очди:

— Биласанми, Уилмер, сени йўқотиш мен учун ниҳоятда оғир, сени ўз ўғлимдек яхши кўраман, аммо худо кўриб турибди, агар ўғилни йўқотсанг бошқасини топишинг мумкин, Мальта лочини эса ягона...

Спейд хохолаб кулиб юборди.

Кэйро яна Уилмернинг ёнига яқинлашиб қулоғига нимадир деди. Йигитча Гутманга совуқ ўқрайганча яна диванга ўтирди. Левантиялик унинг ёнига чўкди.

Гутман хўрсинди, аммо бу хўрсиниш юзидаги бирон ифодани ўзгартирмади. У Спейдга қараб деди:

— Ёшлиқда одамнинг кўп нарсага ақли етмайди...

Ҳануз кўнглибўшлик қилаётган Кэйро тагин Уилмернинг елкасидан қучоқлаб қулоғига шивирлашни давом эттирди. Спейд Гутманга тиржайиб қараб қўйиб О'Шонесси хонимга илтимос қилди:

— Агар ошхонада бирон егулик топиб кофе тайёрласанг, бағоят хайрли иш қилган бўлардинг, майлими гўзалим... Мен меҳмонларимни ёлғиз қолдиришни одобсизлик деб биламан...

— Тушунарли, — деди мулойимлик билан хоним ва эшик томон юрди.

Гутман тебранишдан тўхтади.

— Бир дақиқага, азизам, — у семиз қўлларини олдинга чўзди. — Балки сиз конвертни шу ерда қолдирарсиз? Билиб-билмай унга доғ теккизиб қўйманг...

Аёл Спейдга савол назари билан боқди. Спейд буйруқ оҳангида таъкидлади:

— Конверт ҳозирчалик Гутманга тегишли.

Хоним кўкрагига қўлини суқиб конвертни олгач, уни Спейдга узатди. Спейд конвертни олиб Гутманнинг тиззасига отди.

— Уни йўқотиб қўйишдан қўрқсангиз устига ўтириб олишингиз мумкин.

— Сиз мени тўғри тушундингиз, — деди Гутман тилёғламалик қилиб. — Худо ёлғончи қилмаса ҳозир

гап нимада эканлигини тушуниб етасиз. — У конвертни очди, пулларни олиб санади ва қўққисдан шундай қаттиқ кулиб юбордики, ҳатто каттакон қорни ўйнаб кетди. — Мана, ўзини сақлаганини худо ҳам сақлайди деганларидек, бу ерда тўққизта мингталик қолибди. — У пулларни семиз сонлари устига ёйиб қўйди. — Мен сизга ўнта минг долларлик бергандим, ўзингиз гувоҳсиз... — Гутман курашда қолиб чиққандек беадад мамнуният билан куларди.

Спейд О'Шонесси хонимга қаради:

— Хўш?..

Аёл «билмадим» дегандек елкасини қисиб анграйиб қолди. У жуда қўрқиб кетган, аъзойи бадани титрарди.

Спейд қўлини Гутманга узатди, оғзининг танобини тортолмай ишшайиб турган бақалоқ унинг қўлига пулларини тутқазди. Энди Спейднинг ўзи пулларни санаб кўрди — ҳақиқатан ҳам тўққизта мингталик чиқди, сўнг Гутманга қайтариб берди. Қандай қилвирлик содир этилганини мулоҳаза қилар экан, Спейд столдан учта тўппончани олиб огоҳлантирди:

— Мен бу ўйиннинг охирига етиб олишим зарур. Бизлар, — у аёл томонга ишора қилди, — ювиниш хонасига кирамиз, эшик очиқ бўлади. Бирорталаринг жуфтаси ростлашга уриниб ўтирманглар, оқибати яхши бўлмайди, асло аямайман, менинг нималарга қодирлигимни синаб кўришни хаёлларингга келтирманглар...

— Оғзингизга келганини валдирайверасизми, жаноб, — эътироз билдирди Гутман. — Қўрқитишингиз ўринсиз. Бу, биринчи томондан, ҳақорат, иккинчи томондан, бизнинг келишувимизга мутлақо қарама-қарши. Бизлар бу ердан кетиш фикридан тамоман йироқмиз.

Мен пулнинг қаёққа қойиб бўлганини аниқлаб олганимдан сўнг кўп саволларимга жавоб топишимга ишонаман. — Спейд босиқ ва қатъий сўзларди. — Кутилмаган қилиқларинг менинг қарта режаларимни чалкаштириб юбораяпти. То тагига етмагунимча кўнглим жойига тушмайди. — У аёлнинг биллагига туртди: — Кетдик...

Ювиниш хонасида Бриджит О'Шонесси ниҳоят гапини топиб олди. Иккала қўлини Спейднинг кўкрагига қўйиб, юзини юзига яқинлаштириб шивирлади:

— Пулни мен олганим йўқ, Спейд...

— Сен олдинг деяётганим йўқ. Шунга ишонч ҳосил қилишим керак, холос, гапни чўзмай ечин...

— Сенга меннинг чин сўзим етарли эмасми?

— Йўқ, ечин.

— Ечинмайман...

— Майли. Тихирлик қилсанг ўзингдан кўрасан. Ҳозир хонага қайтиб кирамиз ва уларни сени ечинтиришга мажбур қиламан.

Аёл қўллари билан оғзини тўсиб ўзини нари олди, кўзларида кўрқув қотиб қолганди.

— Мени ечинтирмагунингча қўймайсанми? — сўради у қўлини оғзидан олмай.

— Ечинасан, — қистовга олишда давом этди Спейд. — Мен пулнинг қаёққа кетганини билишим шарт, неча марта қайтарай?..

— Сен мени нотўғри тушундинг, — аёл яна қўлларини Спейднинг кўкрагига қўйди. — Сенинг кўз олдингда ечинишдан кўрқмайман... Тушуняпсанми? Наҳотки, агар мени зўрлик билан ечинишга мажбур қилсанг, ўртамиздаги муҳим бир нарсанинг барҳам топишини англамасанг?..

Спейд овозини кўтармади.

— Мен ҳеч қандай муҳим нарсани билмайман. Бошимни қотираверма. Ечин.

Аёл унинг бирдек боқиб турган сарғиш-кулранг кўзларига қаради, юзлари қизариб кетди. Қўлини кўкрагидан олиб ечина бошлади. Спейд ваннанинг қирғоғига ўтириб олган, аёлни ва эшик ортидагиларни зимдан кузатар, диққатини сира бўшаштирмасди. Меҳмонхонада тик этган товуш эшитилмас, аёл кийим-бошларини шартта-шартта ечиб оёғи остига ташларди. Шир яланғоч бўлгач бир чеккага туриб Спейдга қаради. Унинг мағрур нигоҳида заррача уят йўқ эди. Спейд тўппончаларни тувакнинг қопқоғи устига қўйиб юзини эшик томонга бурди, аёлнинг кийим-кечакларини текшириб кўриш учун чўккалади. У кийимларни биринкетин олиб кўздан кечирар, бармоқлари билан эзгиларди. Мингталик долларни топа олмади. Тинтувни тамомлаб ўрнидан турди, кийимлар уюмини аёлга узатди.

— Раҳмат, — деди у, — мана мен ҳаммасини билиб олдим.

Аёл чурқ этмай либосларини қабул қилиб олди. Спейд тўппончаларни олди, ювиниш хонаси эшигини ёпиб меҳмонхонага қайтиб чиқди.

Гутман тебранма курсига ястанганича унга дўстона табассум билан боқди:

— Топдингизми?

— Йўқ, топа олмадим. Аммо ақлим етиб турибди, бу сизнинг найрангингиз. Пулни ўзингиз олгансиз.

Гутман таажжубланди:

— Мен-а?..

— Ҳа, — жавоб қилди Спейд тўппончаларни жаранглатиб. — Ўзингиз иқрор бўласизми ёки тинтиб кўрайми?

— Тинтиб кўрасизми?

— Иқрор бўлишингизга ёки тинтиб қўйишимга тўғри келади. Учинчи йўл йўқ.

Гутман Спейднинг қаҳрли юзига боқиб қаттиқ кулиб юборди.

— Худо ҳаққи, жаноб, мен сизнинг айтганингизни амалга оширишингизга шубҳа қилмайман. Жуда ажойиб одамсиз, жаноб, жуда ажойиб одамсиз...

— Пулни яшириш сизнинг қўлингиздан келади... — Спейд Гутманнинг мақтовларига парво қилмади.

— Ҳа, менинг қўлимдан келади. — Бақалоқғижимланган пулни камзулининг чўнтагидан чиқариб каттакон сонига қўйди. Уни текислаб тўққизта минг долларлик солинган конвертни пальтоси чўнтагидан олди ва ўнинчисини қўшиб қўйди. — Ҳазилни жуда ёқтираман, бундан ташқари, мени бундай чигал вазиятларда ўзингизни қандай тутишингиз қизиқтириб қолди. Айтишим жоизки, синовдан аъло даражада ўтдингиз. Ҳақиқатга етиш учун шундай оддий усулни қўллаганингиз таҳсинга лойиқ.

Спейд жиркангандек тиржайди.

— Бундай қилиқларни сизнинг мишиқингиз тенгқурларидан кутиш мумкин эди.

Гутман ҳиринглади.

Аввалгидек кийиниб олган, фақат пальтосиз ва бош кийимсиз Бриджит О'Шонесси ювиниш хонасидан чиқиб меҳмонхона томон бир қадам босди, аммо фикридан қайтиб ошхонага кириб чироқни ёқди.

Кэйро йигитчага яқинроқ сурилиб унинг қулоғига яна шивирлай бошлади. Уилмер Кэйронинг тасаллиларидан зеркиб уни жеркиб берди.

Спейд қўлларидаги тўппончаларга бир-бир назар ташлаб Гутманга қараб олгач, йўлакчага чиқиб кийим-бош шкафи олдида тўхтади. Шкафнинг эшигини очди, тўппончаларни юқори қаватга жойлаб эшикни қулфлади, кейин калитни чўнтагига солиб ошхона эшиги ёнига келди.

Бриджит О'Шонесси кофе қайнатгич билан овора эди.

— Ҳамма нарсани топдингми? — сўради Спейд.

— Ҳа, — жавоб берди аёл совуққина қилиб. Кофе қайнатгични қўйиб эшикнинг олдига келди. Унинг юзлари лов-лов ёнарди, таънали боқаётган катта-катта кўзлари жиққа ёшга тўлганди. — Сэм, мени бекорга хўрладинг... — деди жимгина.

— Аниқлашим шарт эди, фариштам. — Спейд энгашиб унинг лабларидан ўпгач меҳмонхонага қайтиб чиқди.

Гутман меҳмонхонага кириши биланоқ Спейдга оқ конвертни узатди:

— Тез орада у сизники бўлади, истасангиз ҳозироқ олишингиз мумкин.

Спейд конвертни олмади. Курсига ўтириб деди:

— Ҳали вақтимиз кўп. Ҳали пул ҳақида бир қарорга келганимиз йўқ. Ўн минг доллар кам.

— Ўн минг доллар сираям кам эмас, жаноб! — кескин эътироз билдирди Гутман.

— Эҳтимол ҳақдирсиз, — ўз гапида туриб олди Спейд, — аммо ундан катта пуллар ҳам бўлади.

— Ҳа, жаноб, бўлади. Аммо кўзингизга оздек кўри-наётган пулни унчалик мураккаб бўлмаган иш эвазига олаётганингизни унутманг.

— Сиз бунинг ҳаммаси мен учун осонликча бўляпти деб ўйляяпсизми? — сўради Спейд синовчан назар ташлаб. — Балки шундайдир ҳам, аммо қолгани менинг ишим.

— Албатта, — рози бўлди бақалоқ. У кўзларини қисиб ошхона томонга ишора қилди-да, овозини пасайтириб деди:

— Сиз хонимни шерикликка оласизми?

— Бу ҳам менинг ишим, — жавоб қайтарди Спейд.

— Албатта, — яна қаршилик билдиришни лозим топмади бақалоқ. — Аммо маслаҳат берсам майлими?

— Бемалол.

— Агар сиз унга қандай вазият тақозоси билан бўлишидан қатъи назар пул берсангиз ва берган пулингиз унинг мўлжалидан кам бўлса, хонимдан эҳтиёт бўлинг, бу масалада менга тўлиқ ишонишингиз мумкин.

Спейд масхараомуз боқди.

— Балки хафа бўлиб қолар? — шундай демоқчимисиз?

— Албатта, — жавоб қилди бақалоқ.

Спейд ишшайиб тамаки ўради, тамакисини тутатиб Гутманга мурожаат қилди:

— Келинг, пуллар ҳақида гаплашамиз.

— Жон деб гаплашаман, жаноб, аммо сизни огоҳлантириб қўяй, шу ўн минг доллардан ташқари ҳозир бир цент ҳам йўқ.

— Мен йигирма минг олишим керак эди, — деди Спейд тамаки тутунини бурқситиб.

— Сиз ҳақсиз. Мен жон деб айтганингизни берардим аммо ўн минг доллар менинг бор тўплаган пулим, истасангиз қасам ичаман. Албатта, жаноб бу дастлабки тўлов, кейинроқ...

Спейд бор овози билан кулиб юборди.

— Биладан, жаноб, кейинроқ сиз менга миллион берасиз. Аммо келинг, ҳозирча дастлабки тўлов билан кифояланайлик. Ўн беш минг?!

Гутман норозилик билан бошини тебратди.

— Жаноб Спейд, мен сизга очиқ, виждонан, эркакчасига, ўн минг доллар менинг ҳозирги энг сўнгги имкониятим деб айтаяпман...

— Аҳмоқ қилмайсизми?

Гутман жилмайиб жавоб қилди:

— Мутлақ.

Спейд совуққина ғудради:

— Наилож, агар бори шу бўлса, уни менга беринг.

Гутман унга конвертни тутди. Спейд пулларни санаб чўнтагига солаётган пайтда хонага патнис кўтариб Бриджит О'Шонесси кириб келди.

Йигитча овқат ейишдан бош тортди. Кэйро бир пиёла кофе билан чекланди. Бриджит О'Шонесси,

Гутман ва Спејд қуймоқ, чўчқа гўшти, повидлоларни еб, икки чашкадан кофе ичишди. Кейин ҳаммалари тонг ёришишини кутиш учун қулайроқ жойлашишди.

Гутман тамаки тутатди ва «АҚШнинг машҳур жиноий ишлари»ни ўқий бошлади, баъзан кулар ёки қизиқарли туюлган лавҳаларни изоҳларди. Йигитча соат бешда ишлашни бошлагунча бошини иккала қўли билан чангаллаб ўтирди. Кейин диванга ётиб, оёғини Кэйро томонга узатганича ухлаб қолди. Бриджит О'Шонесси стол ёнидаги курсида мудраб ўтириб бақалоқнинг изоҳларини тингларди.

Беш яримда аёл ошхонага кириб яна кофе тайёрлади. Соат олтилар чамасида Уилмер қимирлаб уйғонди, эснаб диванга ўтирди. Гутман соатига қараб Спејддан сўради:

— Лочинни оладиган вақтингиз бўлдимми?

— Менга яна бир соат вақт беринг.

Гутман бош ирғади ва китобни ўқишда давом этди.

Соат еттида Спејд телефон ёнига келиб алоқачи қизга Эффи Периннинг телефон рақамини айтиб буюртма берди.

— Алло, Перин хонимми? Бу жаноб Спејд. Илтимос, Эффини телефонга чақириб қўйсангиз... Ҳа, муҳим... раҳмат... Салом, менинг фариштам, уйғотганим учун кечир... Ҳа, жуда. Диққат билан эшит: бизнинг абонент қутимизда марказий почтамтдаги Холланднинг номига менинг дастхатим билан ёзилган конверт турибди. Конвертни ичида «Пиквик-Спејддаги автошоҳбекатнинг буюмларни сақлаш хонаси тўлов қоғози бор, илтимос, ўшани олиб менинг олдимга келгин. Ақлингга балли, фақат тезроқ... Кўришгунча.

Ун дақиқаси кам саккизда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Спејд гаплашиш мосламаси ёнига келиб қулфни очадиган тугмачани босди. Гутман китобни қўйди ва кулимсираб курсидан турди.

— Агар эътироз билдирмасангиз эшиккача сизни кузатиб қўйсам.

— Билганингизни қилинг, — жавоб берди Спејд.

Гутман унинг ортидан кириш эшигига қадар борди. Спејд Эффи Перин айнан жигарранг боғлам билан лифтдан чиқаётган пайтда эшикни очди. Қизнинг ўғил болаларниқига ўхшаш юзи қувончдан ялтирарди. У

сакраб-сакраб келарди. Қиз Гутманга эътибор ҳам бермади. Спейдга кулиб боқиб, боғламни унинг кўлига тутди. Спейд қизни эркаловчи сўзлар билан қарши олиб кўлидагини қабул қилди.

— Катта раҳмат, хоним. Сизни дам олиш кунингизда безовта қилганим учун узр сўрайман.

— Бу сизнинг биринчи бор дам олиш кунимни бузишингиз эмас, — жавоб қилди қиз табассум билан ва Спейд уни уйга таклиф қилмаслигини пайқагач сўради: — Яна биронта ёрдамим тегиши мумкинми?

Спейд бошини тебратди:

— Йўқ, раҳмат.

Қиз у билан хайрлашиб лифт томон юрди.

Спейд эшикни ёпиб қоғозга ўроғлиқ қушни меҳмонхонага олиб кирди. Гутманнинг юзи терлаб кетганди. Спейд қушни столга қўйиши билан Кэйро ва Бриджит О'Шонесси унинг ёнига келишди. Иккови ҳам хаяжонларини яшира олмаётгандилар. Уилмер ранги оқарган, асаби таранглашган ҳолда ўрнидан турди. Аммо диваннинг ёнида узун киприклари ортидаги кўзлари билан бошқаларнинг ҳаракатини кузатиб туриб қолди. Спейд, мана, марҳамат, кўринглар, дея столдан нари кетди.

Гутманнинг семиз бармоқлари чилвирни тезда ечди, қоғозларни ҳам ажратиб, бир зумда қора қушни ушлаб олди.

— Вой-бўй, — хитоб қилди у бўғиқ. — Ўн етти йилдан буён ортингдан қувиб юрибман. — Унинг кўзларида ёш бор эди.

Кэйро қизил лабларини ялади ва қўлларини мушт қилди. Аёл пастки лабини тишлади. Спейддан ташқари ҳаммаси оғир нафас олишар, хонадаги ҳаво совуқ, қуруқ ва тутунли эди.

Гутман қушни стол устига қўйиб чўнтагини титкилай бошлади.

— Бу ўша, — деди у, — аммо барибир текшириб кўрамиз. Унинг думалоқ юзларида тер томчилари ялтирарди. Чўнтагидан тилла қаламтарошни олиб очаётганида бармоқлари титраб кетди.

Кэйро ҳамда Бриджит Гутманнинг чап ва ўнг томонларида туришарди. Спейд орқага чекинди. У шу ҳолатида бирваракайига йигитчани ва столнинг атрофида

тўпланганларнинг барчасини кузатиш имконига эга бўлди. Гутман қушнинг бошини пастга қилиб ағдариб бир неча бор унинг кетини пичоқ билан шилиб кўрди. Қора эмаль озгина-озгинадан кўчиб, қора металл очилиб борарди. Гутман пичоқнинг учи билан металлни ковлаб кесиб олди. Пичоқнинг тор изи кулранг-қўрғошин тусда товланарди...

Ногоҳ кўзи қонга тўлиб кетган бақалоқ ҳуштак чалиб юборди. У қушни тиккалаб қўйиб бошига пичоқ билан урди. Пичоқ қўрғошинга қадалди.

Бақалоқ Спейдга ўтирилди:

— Ясама экан, қалбаки экан лаънати!..

Юзи қорайиб кетган Спейд тезда бош ирғаб Бриджит О'Шонессининг қўлидан тутди. Аёлни қўполлик билан силтаб унинг юзини ўзига қаратди.

— Яхши, — ўдағайлади у, — мана сен ҳам устимиздан кулибсан. Энди барини гапириб бер.

Аёл бақариб берди:

— Йўқ, Сэм, йўқ!.. Бу ўша, мен Кемидовдан олган қуш, қасам ичаман!..

Шу пайт Кэйро Спейд ва Гутманнинг орасига суқилиб кирди ва ингичка товушда чинқира кетди:

— Аниқ! Тўғри гапиряпти! Бу Кемидовнинг иши! Аввалроқ қандай ақлим етмади-я! Биз уни аҳмоқ деб ўйлагандик, у бўлса ҳаммамизни аҳмоқ қилди! — Кэйронинг кўзларидан ёш оқарди. — Сен ҳамма ишнинг пачавасини чиқардинг! — У бирдан Гутманга ўшқира кетди. — Сен ундан қушни сотиб олишга ҳаракат қилиб ишни расво қилдинг! Ёғ босган аблаҳ! Сен унга қушнинг қанчалар қимматбаҳо эканлигини ўйлаб кўришга имкон туғдирдинг, натижада у ясама нусха тайёрлаб бизни лақиллатишга муваффақ бўлди! Мана энди тушундим, уни ўғирлаш нега осон бўлганлигини! Ёғ босган аблаҳ!.. — Кэйро юзини яшириб йиғлаб юборди. Гутманнинг жағи осилиб қолди. У бўшлиққа анграйиб қараб кўз қисарди. Кейин бошини силкитди ва ёғли тиришлари қалқишдан тўхташи билан яна қувноқ ва сўзга чечан бақалоққа айланди-қолди.

— Бас қилинг, жаноб, — деди у ҳеч бир фожиа юз бермагандек босиқлик билан. — Жуда ўзингизни азобга солаверманг. Ҳар бир одам янглишиши мумкин ва менинг гапимга ишонинг, бу мен учун аччиқ ва оғир

дарс. Ҳаммангиздан кўра менга оғир. Ҳа, бу ўша рус кишисининг маккорона қилмиши. Иккиланишга ҳожат йўқ. Хўш, жаноб, сиз нимани таклиф қиласиз? Бу ерда кўз ёш қилиб, бир-биримизни ҳақоратлаб тураверамизми? Балки, яхшиси, — у нафас ростлаб олгач фариштадек беғубор кулиб давом этди, — Константинополга борармиз?..

Кэйро қўлини юзидан олиб кўзларини лўқ қилганча қотиб қолди. Кейин дудуқланиб жавоб қилди:

— Ҳали сиз? — У шу қадар қаттиқ таажжубланардики, ҳатто тили калимага келмай қолди.

Ўзини бутунлай тутиб олган Гутман семиз қўлларини бир-бирига ишқади. Пинагини бузмаган ҳолда бамайлихотир давом этди.

— Бу қушнинг ортидан ўн етти йилдан буён юрибман. Яна бир йилим кетса нима қилибди, жаноб?! Ортидан қанчалик кўп қувсак бу қушнинг қиммати шунчалик ортаверади.

Левантиялик ҳиринглаб кулди ва бақирди:

— Сиз билан бирга боришга тайёрман!..

Спейд бирдан хонимнинг билагини қўйиб юборди ва хонага кўз ташлади, йигитча кўринмасди. У ташқари хонага чиқди. Кириш эшиги ланг очиқ эди. Юзи буришиб кетган Спейд эшикни ёпиб меҳмонхонага қайтди. Эшикнинг кесақисига суяниб Гутманга узоқ қараб тургач, назар-писанд қилмагандек оҳангда гап бошлади:

— Кўраяпсизми, жаноб, сизлар оддий ўғрилар тўдасисизлар, холос...

Гутман юзсизлик билан ҳиринглади.

— Биз ҳозирча мақтанолмаймиз, жаноб, бу факт,— деди у. — Аммо ҳали тирикмиз, бизни арзимаган тўсиққа дуч келишимиз билан дафн қилиб қўйманг. — У бели ортидан чап қўлини чиқарди, қизил, ғадир-будур кафтини очиб Спейдга чўзди. — Сиздан конвертни қайтаришингизни сўрашга мажбурман, жаноб.

Спейд қимир этмади. У тошдек қотган юзларини ўзгартирмасдан жавоб қилди:

— Шартни менга тааллуқли қисмини бажардим. Сизлар қушларингизни олдиларинг. Унинг қалбаки бўлиб чиқишида менинг асло айбим йўқ, бу сизларнинг хатоларингиз.

— Нега энди бундай оҳангда гапираяпсиз, жаноб? — деди Гутман насиҳатомуз. — Ҳаммамизнинг ҳам ишимиз ўнгидан келмади ва буни битта одамнинг зиммасига юклаш яхши эмас... — У бели ортидан кичкинагина, кумуш ва тилла суви билан сирланган тўппонча ушлаб турган қўлини чиқарди... — Гапнинг қисқаси менга ўн минг долларни қайтиб беришингизни қатъий талаб қиламан...

Спейднинг юзидаги ифода зиғирча ўзгармади. У елкасини қисиб чўнтагидан конвертни чиқарди. Конвертни Гутманга беришдан олдин бир оз ўйланиб қолди ва уни очиб ичидан битта минг долларликни олди, уни чўнтагига солиб, конвертни ёлиб Гутманга узатди.

— Бу кетган вақтим ва сарфимни қоплашга етади, — деди у.

Гутман бир оз иккиланиб туриб, охири конвертни олди.

— Энди, жаноб, сиз билан хайрлашамиз, — деди у. — Мабодо сиз, — унинг ёғли қовоқлари кўзи атрофида уюлди, — биз билан Константинополга бормасангиз. Борақолмайсизми биз билан-а? Тўғриси айтсам, сиздай одамнинг ёнимда бўлгани яхши эди. Сизга ўхшаган тадбиркор ва ақлли одамларни ёқтираман. Айнан ақл билан иш юритишингиз туфайли бизнинг кичкина корхонамизнинг барча икир-чикир сирларини сақлаб қоласиз деган умиддаман. Сиз бизлар учрашадиган ҳар қандай юридик тўқнашувлар сиз ва гўзал Бриджит О'Шонесси хонимни мураккаб вазиятга солиши мумкинлигини унутманг. Буни тушунмаслигингиз сира мумкин эмас. Ахир ниҳоятда ақлли, тажрибали одамсизку, жаноб...

— Тушунаман, — тасдиқлади Спейд.

— Мен бунга ишонардим. Мен сизга шунчалар ишонаманки, қурбонлигимиз қочиб қолган бўлса ҳам сиз полиция билан бўладиган муомалани дўндирасиз.

— Ҳа, топдингиз, — тағин тасдиқлади Спейд.

— Хулласи калом, айтганларидек, «Кетсанг кетавер, алвидо!» — У илтифот билан таъзим қилди. — Сиз ҳам, О'Шонесси хоним, яхши қолинг. *Raza avis (лот. нодир йуш)*ни сизга эсдаликка қолдириб кетаман...

Йигирманчи боб

АГАР СЕНИ ОСИШСА...

Спейд Каспер Гутман ва Жозл Кэйро уйдан чиқиб кетганларидан кейин деярли беш дақиқа осилган қовоқларини очмай эшик дастасига қараб қимир этмай турди. Бурни тепасидаги тиришлари аниқ бўртиб турар ва қизариб кетганди. У лабларини чўзиб уларни пуфлади ва бирдан шиддат билан телефонга қараб юрди. Столнинг ёнида унга ташвиш билан қараб турган О'Шонесси хонимга парво ҳам қилмади. Телефон гўшагини қўлига олди, аммо яна жойига қўйиб телефон рақамлари ёзилган китобни варақлай бошлади. Тезда керакли варақни топди, бармоқлари билан рақамлар устунини силаб, қўлига яна телефон апаратини олди. Рақамни айтиб, сўради:

— Алло, сержант Полхаус жойидами? Илтимос, уни чақириб қўйинг, бу Самюэл Спейд... — жавобни кутиб атрофга назар солди. — Салом, Том. Менда сени қизиқтирадиган маълумот бор... Бир қоп янгилик... Демак, гап бундай: Терзби ва Жакобини Уилмер Кук деган йигитча отган. — У йигитчани атрофлича тасвирлади. — Уилмер Каспер Гутманга хизмат қилди. — У Гутманни тасвирлади. — Сизлар менинг уйимдан олиб кетган кимса Кэйро ҳам улар билан бирга... Ҳа, жуда тўғри... Гутман «Александрия» меҳмонхонасининг 12-К хонасида яшайди, ёки яшаган. Улар ҳозиргина менинг олдимдан чиқиб кетишди, шошилмасанглар бўлмайди, шаҳардан қораларини ўчиришмоқчи... Хуллас, улар ортларидан ҳеч ким қувмаслигига ишонишади... Улар билан бирга бир қиз ҳам бор, Гутманнинг қизи, — Спейд Рея Гутманнинг кўринишини ҳам таърифлаб берди. — Йигитчадан эҳтиёт бўл, ўқотар қуrolдан аъло даражада фойдаланади. Сен ҳақсан, Том, менда баъзи бир далилий ашёлар ҳам бор. Масалан, у Терзби ва Жакобини қулатган гўппонча. Тўғри, вақтни бой берма, омад сенга ёр бўлсин!

Спейд гўшакни аста қўйди. Лабларини ялаб қўлларига қаради, кафтлари терлаб кетганди. У чуқур хўр-

синди, кейин катта-катта қадам ташлаганча меҳмон-хонага кириб борди.

Бриджит О'Шонесси унинг кутилмаганда кириб келишидан чўчиб тушиб асабий кулди. Баланд бўйли, чайир Спейд Бриджит О'Шонессига юзма-юз туриб, қаҳрли, совуқ табассум билан гап бошлади:

— Уларни тутишлари биланоқ икковимиз ҳақида оғиз очишади. Биз ўқдори тўлдирилган бочканинг устида ўтирибмиз, полициянинг келишига саноқли дақиқалар қолди. Бор нарсани тезроқ айт! Гутман сени Кэйрони ёнига, Константинополга юборган, шундайми?

Аёл гап бошладию тўхтаб қолди, лабларини тишлади. Спейд унинг елкасига қўлини қўйди.

— Жин урсин сени, гапир! Биз битта қайиқдамиз ва сенинг сакраб кетишинга йўл қўймайман, гапир!.. У сени Константинополга юбордими?

— Ҳа, юборди... У ерда мен Жони учратиб қолдим ва... менга ёрдам беришини сўрадим. Кейин бизлар...

— Тўхта. Сен қушни Кемидовдан ўғирлаб чиқишни илтимос қилдингми?

— Ҳа.

— Гутман учунми?

Аёл яна дадиллик етишмай лабини тишлади. Спейднинг қўрқинчли нигоҳига дош беролмай ютиниб деди:

— Йўқ, ўша пайтда йўқ, бизлар уни ўзимиз учун оляпмиз деб ўйлагандик.

— Яхши, кейин-чи?

— Кейин Жо мени алдаб кетишидан қўрқиб қолдим ва Флойд Терзбидан ёрдам сўрадим.

— У ёрдам берди, кейин-чи?

— Кейин бизлар лочинни олиб Гонконгга кетдик.

— Кэйро биланми? Ёки у билан аллақачон хайрлашиб бўлгандиларингми?

— Ҳа, биз уни Константинополдаги турмалардан бирида қолдирдик. Билмадим, у қандайдир ишга ўралашиб қолган экан...

— Гапни айлантирмай ростини айтсанг нима қилади? Сизлар уни ўша ерда қолдириш учун атайлаб полицияга дучор қилдиларинг, шундайми?

Аёл Спейдга уялинқираб қараб шивирлади:

— Ҳа...

— Майли. Шундай қилиб сен ва Терзби лочинни олиб Гонконгга кетдиларинг.

— Ҳа, ўшанда мен уни яқиндан таниб олмагандим, унга ишонса бўладими-йўқми, билмасдим. Шундай қилсам, яъни Терзбидан ажрамасам, хавф-хатардан ҳоли бўламан деб ўйлагандим... Умуман, кейин капитан Жакобини учратиб қолдим. Капитаннинг пароходи Сан-Францискога боришини билиб, ундан мен учун битта пакетни ўша ёққа олиб кетишини илтимос қилдим, пакетнинг ичида қуш бор эди. Мен на Терзбига ва на Жога ишонардим. Бундан ташқари, бизнинг кемада Гутманга ишловчи бошқа яна кимдир бўлиши ҳам мумкин эди. Қушни капитанга бериб қўйсам ўзимнинг хавфсизлигимни таъминлаган бўламан деб ўйлагандим.

— Яхши. Сўнг Терзби билан биргаликда энг тез сузадиган кемада келгансизлар, ундан кейин-чи?

— Кейин... Кейин мен Гутмандан қўрқардим, унинг ҳамма ерда одами борлигини билардим... Алдаганимизни дарров сезишига ишончим комил эди. Унга Гонконгдан Сан-Францискога қочганимиз маълум бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам мени даҳшатга соларди. Гутман ўша пайтда Нью-Йоркда эди, мен унинг хабар топиб, Сан-Францискога биз билан бир пайтда ёки биздан ҳам олдин келишидан хавотирда эдим. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Мен капитан Жакобини кутиб олишим зарур эди. Гутманни мени топиб олишидан ёки Флойдни ўзи томонга ағдариб олишидан ҳам қаттиқ хавфсирардим. Сизларнинг ёнингизга келишимнинг боиси ҳам шунда эди...

— Фирт ёлғон! — инкор қилди Спейд. — Терзби сенинг қарамоғингда эди, буни яхши билардинг. У аёлларга жуда ўч бўлган. Терзби тўғрисидаги материалларда кўрсатилишича, қинғир ишларининг бари аёллар туфайли содир этилган. Унинг ёшидаги одам ўзгармайди. Терзби ҳақидаги маълумотларни билмаслигинг мумкин, аммо унинг сендан ажралмаслигини аниқ билардинг.

Хоним уятдан қизариб унга қаради.

Спейд давом этди.

— Сен ундан капитан ўлжа билан келгунча қутулмоқчи бўлгансан. Нимани назарда тутгандинг? — Мен уни қандайдир қиморбоз билан Штатлардан

кетганини эшитгандим. Мен гап нимада эканлигини билмасдим, аммо у ортимдан кузатишаётганини сезиб, эски жиноятларини ўйлаб кўрқиб қочиб кетади, деган мулоҳазага бордим. Мен унинг кўрқмаслигидан беҳабар эдим.

— Терзбига уни кузатишаётганини ўзинг айтгансан, — деди Спейд ишонч билан. — Майлз фаросатсизроқ эди, аммо барибир у ҳаддан ташқари аҳмоқ эмасди, биринчи оқшомдаёқ гуллаб кўядиган...

— Ҳа, айтгандим. Ўша оқшом сайрга чиққанимизда Флойдга мен ўзимни гўё ортимизда Арчер жаноблари кузатаётгандек қилиб кўрсатдим. — Аёл йиғлаб юборди. — Аммо илтимос, Сэм, менга ишон, агар Флойд уни ўлдириб қўйишини билганимда ҳеч қачон бундай қилмаган бўлардим. Мен уни кўрқиб шаҳардан қочиб кетади деб ўйлабман. Уни шундай отиб ташлаши сира хаёлимга келгани йўқ.

— Агар Флойд Майлзни ўлдирмайди деб ўйлаганингда сен ҳақ бўлардинг, фариштам...

Хоним ҳайратдан қотиб қолди.

Спейд давом этди:

— Терзби уни ўлдирмаган.

Хонимнинг ҳайратига энди эсанкираш қўшилди.

Спейд яна давом этди.

— Майлз шошқалоқроқ эди, аммо жин урсин, у жуда кўп йиллар изқувар бўлиб ишлаганди, ўзи кузатиб юрган одамнинг кўлига осонлик билан тушиб қолиши сира ақлга сиғмайди. Эҳ, боши берк кўчада белига тўппонча қистирилган, плашининг барча тугмалари қадоғлиқ ҳолда, ўзини ўққа нишон қилиб юриши мумкин эмас. У аҳмоқ эди, аммо жуда бунчалар эмас... Сен ўзинг Терзби ёмон актёр бўлган деб айтгандинг. У Майлзни ўша ерга алдаб ҳам, куч билан судраб ҳам боролмасди. Майлз бу даражада эсипаст эмасди. — У тили билан пастки лабини ялади ва аёлга мулойим табассум қилгач, кўнглидагини баён қилишга ўтди. — Майлз у ерда ҳеч ким йўқлигига ишонгани учунгина сен билан бориши мумкин эди, паризод... Сен унинг мижозисан, бордию ундан Терзбини кузатишни бас қилиб, сен билан айтган жойингга боришини илтимос қилсанг нега ҳам йўқ десин? Бу аҳмоқликни қилибди. У сени кўзлари билан еб қўйгудек эди. Оғзининг суви оқиб кетаётганди. Сен

қоронғиликдан фойдаланиб, ўша кеча Терзбидан олган револьверинг билан уни осонгина илма-тешик қилишинг мумкин эди.

Бриджит О'Шонесси орқасига тисарилиб столга қадар борди. Спейдга даҳшат, қўрқув тўла нигоҳини қаратиб бақирди:

— Бундай дема... бундай дема менга, Сэм! Сен бундай бўлишини истамаганимни биласан-ку, сен биласан-ку...

— Бас қил! — Спейд соатига қаради. — Полиция ҳадемай кириб келади. Бизлар ўқ-дори тўлдирилган бочканинг устида ўтирибмиз. Гапир!

Аёл кафтини пешонасига қўйди.

— Оҳ, сен қанчалик бераҳмсан-а... Шундай даҳшатли иш менинг қўлимдан келарканми?

— Бас қил дедим сенга! — ўшқирди Спейд қаҳр билан. — Узингни мактаб ўқувчисидек тутма. Мени эшит. Икковимиз ҳам дорга осилишимиз мумкин. — У аёлни қўлларидан ушлаб ўзига қаратди. — Гапир!

— Мен... мен... Сен унинг менга суқ билан қараётганини қандай сездинг-а?..

Спейд бўғиқ кулди.

— Мен Майлзни яхши билардим. Аммо муҳими бу эмас. Нима учун уни отдинг!?

Аёл унинг маҳкам қисилган панжаларидан кафтини бўшатиб, иккала қўли билан бўйнидан ушлаб ўзига тортди. Танаси тиззасидан кўкрагига қадар Спейдга ёпишди. Спейд уни кучоқлади.

Аёл қалтироқ овозда гапира кетди.

— Аввалига истамадим. Чин сўзим... Фақат Флойдни қўрқитмоқчи бўлгандим, аммо Флойд қўрқмагач мен...

Спейд аёлнинг елкасига қоқди.

— Ёлгон гапирма. Сен Майлз ёки мен ишинг билан шахсан шуғулланишимизни сўрадинг. Сен Терзбини ўзингга таниш одам кузатишини ва керак бўлган жойда асқотишини истагансан. Терзбидан револьверни ўша оқшом атайлаб олдинроқ олгансан. «Коронет»даги квартирани ҳам олдиндан эгаллагансан. Чемоданларинг ҳам ўша ерда бўлган, меҳмонхонада эмас. Квартирангни кўздан кечираётиб бир ҳафта олдинги тўлов қоғозини топиб олдим.

Аёл қийналиб ютинди ва секин сўзлашга тушди.

— Ҳа, мен ёлғон сўзладим, Сэм. Ҳақиқатан ҳам уни... агар Флойд... мен... мен буни сени кўзингга қараб туриб айта олмайман, Сэм. — У лабини Спейднинг қулоғига яқинлаштириб шивирлади: — Флойдни қўрқитиш осон эмаслигини жуда яхши билардим, аммо ортидан кузатишаётганини сезса у, балки... Айтолмайман, Сэм!.. — аёл Спейдга йиғлаб ёпишиб олди.

Спейд деди:

— Сен Флойд Арчер билан олишади ва улардан бири ўқдан ўлади, деган ўйга боргансан. Агар Арчер Терзбини ўлдирса сен ундан биратўла қутулган бўлардинг, агар Терзби Арчерни ўлдирса сен Терзбини тутишлари учун ҳамма ишни қилардинг, натижада барибир сен ундан халос бўлардинг, шундайми?

— Ш... ш... шундай...

— Сен Терзбининг Майлз билан уришмаслигини билганингдан кейин унинг револьверини олиб Майлзни ўзинг отгансан, шундайми?

— Ҳа, тахминан шундай...

— Тахминан эмас, аниқ равшан, бундай имкониятни сен олдиндан кўзда тутгансан. Қотиллик Флойднинг зиммасига юкланишига ҳам ақлинг етган.

— Мен... мен уни ҳеч бўлмаса капитан Жакоби лочинни олиб келгунча ушлаб туришади деб ўйлагандим, кейин...

— Аммо сен ҳали Гутманнинг бу ерда эканлигини ва ортингдан тушганлигини билмагансан. Буни ҳисобга олмагансан, бўлмаса, тансоқчингни гумдон қилмасдинг. Сен Терзби ўлиши билан Гутманнинг пайдо бўлганидан хабар топгансан. Шу заҳоти сенга янги ҳимоячи зарурлигини англаб олдимга югуриб келгансан, шундайми?

— Ҳа, аммо... азизим, гап фақат бунда эмас. Мен барибир эртами-кечми ҳузурингга келардим. Сени биринчи марта кўрганимдаёқ мен тушундимки...

Спейд юмшоқлик билан деди:

— Сен фариштасан! Агар омадинг келса Сан-Квентиндан йигирма йилдан кейин чиқасан, қарорингдан қайтмасанг албатта ёнимга келасан...

Аёл тисарилиб бошини орқага ташлади ва тамоман ўзини йўқотиб унинг кўзига қаради.

— Худо кўриб турибди, ишончим комил, сени мана бу гўзал бўйнингдан осишмайди... — Спейд қўли билан аёлнинг томоғини оҳистагина силаб қўйди.

Шу дам аёл силтаниб унинг қўлидан чиқди, иккала қўли билан ўзининг томоғини бўға бошлади. Юзлари сўлгин, кўзлари беҳол ёнар, қуриб қолган оғзини сассиз очиб-юмарди.

— Сен бундай... — деди у шивирлаб, аммо гапини тугатолмади.

Юзи сарғиш-оқиш тусга кирган Спейднинг лаблари кулар, ёниб турган кўзлари атрофида қувноқ тиришлар пайдо бўлганди. У юмшоқлик билан сўзлашда давом этди:

— Сени полицияга топшираман. Ҳаётингни сақлаб қолишлари учун имконият бор. Бу дегани, қамоқхонадан йигирма йилдан сўнг чиқасан. Мен сени кутаман. — У йўталди. — Агарда сени осишса ҳеч қачон ёдимдан чиқмайсан, фариштагинам...

Аёл бирдан қаддини ростлади, юзлари хотиржам тортиб, тинчланди, фақат кўзларида аҳён-аҳён иккиланиш учқунлари чақнарди.

— Бунақа ҳазилнинг кераги йўқ. Сен мени кўрқитиб юбординг! Сен кўпинча шундай кутилмаган қилиқлар қиласанки... — Аёл жимиб қолди. Спейднинг кўзлари тубига диққат билан қаради. Юзлари ва лаблари титраб кўзларига кўрқув қайтиб келди. — Нима? Сэм! — Аёл яна қўллари билан томоғини бўғди ва ҳирқиради.

Спейд кулиб юборди. Сарғиш-оқиш юзи тер билан қопланди. Овозидаги майин оҳанг ошқора таҳдид билан алмашинди.

— Аҳмоқлик қилма. Сен ютқаздинг. Анави қушчалар тилга киргандан сўнг иккимиздан биримиз ён босишимиз керак. Улар албатта мени осган бўлишарди. Сенга омад кулиб боқиши мумкин. Розимисан?

— Аммо... аммо... Сэм, сен бундай қилмайсан! Орамизда бўлиб ўтган ишлардан кейин сен бундай қилолмайсан ахир...

— Ҳар балога қодирман...

Бриджит О'Шонесси сесканиб кетиб оғир хўрсинди.

— Демак, сен мен билан ўйин ўйнаганмидинг? Фақат ўзингни севиб қолган қилиб кўрсатмоқчи эдингми? Мени қопқонга туширмоқчи бўлиб-а? Сенга

сира ёқмаганмидим? Сен мени севмаганмисан, ҳозирчи, севасанми?..

— Севаман, — жавоб берди Спейд, — хўш, нима бўпти? — Унинг юзидаги томирлар охирига қадар бўртди. — Мен сенга Терзби ёки Жакоби эмасман. Сен менинг бошимни айлантиролмайсан.

— Бу инсофдан эмас... — чинқирди хоним. Унинг кўзлари ёшланганди. — Инсофдан эмас, пасткашлик... Наҳотки сен мени сотсанг?!

— Ҳа, сотаман, жин урсин!.. — деди Спейд жаҳл билан. — Сенга ортиқча савол бермаслигим учунгина мен билан тўшакка ётгансан. Кеча Гутманнинг талаби билан котибамни алдаб мени чақиртиргансан. Кечқурун сен улар билан бирга бу ерга келиб, пастда мени кутиб турдинг. Сен мени тутиб бердинг, чунки айнан сен қўйнимда эканингда сичқонтутқич ёпилди. Гутманнинг калласи яхши ишлайди, сенинг ёрдамингга иложсиз қолгандагина таянади. Кеча ҳам у сендан фойдаланишни истаган, аниқроғи шунга мажбур бўлиб қолган. Гутман мени сен истаган куйга ўйнайди, деб ўйлаган. Сенинг баҳонангда ўзига зарар етказмаслигимни тахмин қилган.

Бриджит О'Шонесси ёшларини артди. Бир қадам босиб Спейднинг кўзига тўғри ва мағрур боқди.

— Сен мени ёлғон сўзлаганликда айбладинг, — деди у, — энди ўзинг алдаяпсан. Сен ёлғон сўзлаяпсан. Мабодо тилингда иқрор бўлмасанг ҳам сени севишимни кўнглингнинг тубида ҳис қилиб турибсан.

Спейд бош силкиди.

— Эҳтимол шундайдир, бироқ бундан нима фойда? Сенга ишонишим керакми? Сенга, Терзби билан шундай чиройли ҳазил қилган ҳазилкашга ишонишим керакми? Сенга, сендан ҳеч бир қарзи бўлмаган, айбсиз Майлзни совуққонлик билан, худди пашшадек отиб ташлаган кимсага ишонишим керакми? Ёлғиз Терзбига барча жиноятларни тўнкаш учун шундай қилган қотилга-я? Кэйро, Гутман, Терзби, яна аллакимларни алдаб, лақиллатиб келган фирибгарга-я?! Сенга ишониш керакми? Агар ишонишни истасам ҳам бундай қилолмайман. Нима учун ишонишим керак?!

Аёл унинг кўзидан нигоҳини узмай дадил жавоб қилди:

— Нима учун? Агар сен мен билан шунчаки ўйнашаётган бўлсанг, агар мени севмасанг бу саволга жавоб йўқ, агар севсанг...

Спейднинг кўзлари қонга тўлди ва қотиб қолган кулгиси нафратга айланди. Бўғиқ йўталиб аёлнинг гапини бўлди:

— Ҳозир сира нутқ сўзлаш вақти эмас... — У титраётган қўлини аёлнинг елкасига қўйди. — Тупурдим ким-кимни севишига. Муҳими, энди сен мени ноғорангга ўйнатолмайсан. Мен Терзбини, худо билади, яна кимларнидир изидан бормайман. Сен Майлзни ўлдиргансан ва бунинг учун жавоб берасан. Мен бошқаларни қўйиб юбориб ва зиммамга полиция билан бўладиган ҳисоб-китобларни олиб сенга ёрдам беришим мумкин эди, аммо энди кеч бўлди. Энди сенга ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Қўлимдан келганида ҳам бундай қилмасдим.

— Унда менга ёрдам берма, майли, фақат мени ушлаб турма, қўйиб юбор... — раҳм-шафқат кўзғатадиган паст товушда ёлборди аёл.

— Йўқ! — деди Спейд кескин. — Мен агар сени полиция қўлига топширмасам тамом бўламан. Фақат сени топширибгина қамоқдан қутулиб қоламан.

— Мен учун ҳеч нарсадан воз кечмайсанми?

— Мени ноғорангга ўйнатолмайсан...

— Бундай дема, илтимос, — аёл унинг қўлини ўзини елкасидан олиб юзига яқинлаштирди. — Сенга нима зарурияти бор мени уларга топширишнинг, Сэм? Наҳотки Арчер жаноблари сенга мендан яқинроқ эди?

— Майлзми? — сўради Спейд бўғиқ, — ит эмган эди. Мен унинг қандайлигини бирга ишлай бошлаганимизнинг биринчи ҳафтасиёқ билгандим ва шартнома муддати тугагач уни ишдан бўшатишни режалаштириб қўйгандим. Сен уни ўлдириб менга зиён келтирмадинг.

— Унда гап нимада?

Спейд қўлини бўшатди. У энди кулмасди ва афтини буриштирмасди. Сарғиш юзида қаҳрли тиришлар пайдо бўлди.

— Сен ҳеч қачон мени тушунмайсан, — деди у, — аммо мен тушунтиришга уриниб кўраман. Эшит. Сенинг шеригингни ўлдиришса сен бирон-бир чора кўришинг

керак ва шунга мажбурсан. Бунинг устига бизлар изқувармиз. Сени ишхонангдан кимнидир ўлдиришса, сен қотилни кўра-била туриб қўйиб юборсанг — энг паст одам бўласан. Бу иш охириги ишинг бўлади. Ҳамма учун, ишхона учун ҳам, қаерда ишлашидан қатъи назар ҳар қандай изқувар учун ҳам. Учинчиси. Мен изқувармай ва мendan жиноятчиларни ушлашимни кутиб, кейин уларни, тўрт томонинг қибла, деб қўйиб юборишимни талаб этиш бу — қуённи тутиш учун итни қўйиб юбориб, қуённи тутишига йўл қўймаслик дегани. Баъзан шундай ишлар учраб туради, аммо улар жуда кам. Сени қўйиб юборишим — Гутман, Кэйро ва йигитчани ҳам қўйиб юборишим дегани...

— Сен жиддий айтаяпсанми? — сўради Бриджит. — Наҳотки буларнинг ҳаммаси мени жазога тортилишим учун етарли эканига мени ишонади деб ўйласанг?!

— Охиригача эшит. Кейин қанча хоҳласанг гапираверасан. Тўртинчиси. Мен ноз-карашмаларингга сушт кетиб сени қўлдан чиқариб юборсам бошқалар билан бирга дорга осилишим аниқ. Кейин, менинг сенга ишонишга асосим ҳам йўқ. Айтайлик, мен сенга ишондим ва бу воқеадан қандайдир йўл билан қутулиб кетдим ҳам. Турган гапки, у ҳолда бир умр сенинг қармоғингга бўламан ва сен истаган пайтингда ипни тортишинг мумкин. Бу энди бешинчиси. Олтинчиси шундан иборатки, энди мен ҳам сен ҳақингда баъзи бир нарсаларни биламан, вақти келиб бир куни мени ҳам илма-тешик қилмаслигингга умуман кафолат йўқ. Еттинчидан, «гаҳ» деганингда қўлингга қўнадиган ночор аҳволга тушиб қолишим мумкинлиги ҳақида ўйлашни ҳам истамайман. Саккизинчидан — хуллас етарли. Буларнинг ҳаммаси тарозининг бир палласидаги нарсалар. Балки, баъзилари унчалик муҳим эмасдир, эътирозим йўқ. Аммо ўзинг ўйлаб кўр, улар қанча!.. Бошқа паллага қўйса бўладиган нима бор? Фақат бир нарса — балки сен мени севасан, балки мен ҳам сени севарман...

— Мени севиш-севмаслигингни... — шивирлади аёл, — ахир ўзинг аниқ биласан-ку...

— Билмадим... — Сени деб бошдан ажралиш ҳеч гап эмас... — Спеид еб қўйгудек бўлиб аёлнинг оёғидан-бошига ва бошидан-оёғига қадар кўз югуртирди. —

Аммо мен севги нималигини билмайман ва буни бирон кимса билишига ишонмайман. Фараз қилайлик, мен сени севаман. Хўш, бунда нима фойда? Бир ойдан сўнг ҳаммаси тамом бўлиши мумкин. Бунақа савдолар аввал ҳам бошимдан ўтган ва тезда унутилган. Агар сени қўйиб юборсам ва қамоққа тушсам, унда бориб турган аҳмоқ бўламан. Албатта, сени полицияга топширсам, ичим ачишади, юрагим тош эмас, бир неча тун ухлолмай тўлғониб чиқаман, аммо бу ўтиб кетади...

Бриджит О'Шонесси Спейднинг юзини кафтлари билан силади ва уни ўзига тортди.

— Менинг кўзларимга қараб ростини айт. Агар лочин ҳақиқий бўлганида ва сенга улушингни беришганида ҳам мен билан ҳозиргидек муносабатда бўлармидинг?

— Нима фарқи бор? Сен мени сотилади деб ўйлама, шундай кўринишга ҳаракат қилсам ҳам. Бундай ҳол иш учун зарур — кўпроқ тўлашса рақиб билан гаплашиш осон.

Аёл унга жимгина қараб турарди.

Спейд елкасини қисиб деди:

— Унда тарозининг нариги палласида бир уюм пул бўларди.

Аёл юзини Спейдга яқинлаштирди. Унинг лаблари эҳтирос билан шивирлади:

— Агар сен мени севганингда тарозининг нариги палласига ҳеч нарса зарур бўлмасди.

Спейд тишларини ғичирлатиб кесатди:

— Мени аҳмоқ қилолмайсан...

Аёл унинг лабидан ўпди, қучоқлади ва бутун танаси билан унга ёпишиб олди. Эшик қўнғироғи жиринглаганда Бриджит О'Шонесси Спейднинг қўйнида эди.

Спейд аёлни чап қўли билан қучоқлаб кириш эшигини очди. Эшик ортида лейтенант Данди, сержант Том Полхаус ва яна иккита изқувар туришарди.

— Салом, Том, анавиларни ушладиларингми? — деди Спейд. — Ушладик, — жавоб қайтарди Том.

— Аъло. Киринглар. Мана сизлар учун яна битта қушча. — Спейд аёлни олдинга итарди. — Бу хоним Майлзни ўлдирган. — Менда яна баъзи бир нарсалар бор — йигитчанинг тўппончалари, Кэйронинг тўппончаси, қора ҳайкалча, уни деб ҳаммаёқ остин-устун

бўлган, шунингдек, минг долларлик банкнот, у билан мени сотиб олмоқчи бўлишди. — Спейд Дандига қараб қошларини чимирди, олдинга энгашиб, унинг юзига қарамоқчи бўлди ва хандон отиб кулиб юборди. — Жин урсин, Том, дўстингга нима бўлди? Унинг юзида қон йўқ. — Спейд яна кулиб юборди. — Бошимни кундага қўйишга тайёрман, у Гутманнинг гапига ишониб, ниҳоят мени ҳиқилдоғимдан оламан деб ўйлаган.

— Бас қил, Сэм, — ғудранди Том, — бизлар ўйлаганимиз ҳам йўқ.

— Сизлар бўлинглару ўйламанглар, — деди Спейд хурсанд, — сен албатта мен Гутманни бурнидан ип ўтқазиб юрганимни билгансан, аммо Данди бу ерга мени қандай кишанлашни ўйлаб келган.

— Бас қил! — қайтарди Том ўз бошлиғига зимдан қараб олиб. — Бизга бор гапни Кэйро айтди. Гутман ўлик. Биз етиб борганимизда йигитча унинг кўксига сўнгги ўқларни қадаётган экан...

— Буни кутиш мумкин эди, — бош ирғади Спейд.

Душанба куни эрталаб соат тўққиздан ўтганда Спейд ишхонасига кириб борди. Эффи Перин ўқиб ўтирган газетасини стол устига қўйиб шошилиб курсидан турди.

Спейд қиз билан саломлашди:

— Хайрли тонг, менинг фариштам!..

— Газетада ёзганларининг бари тўғрими? — сўради қиз.

— Ҳа, хоним, — Спейд шляпасини стол устига ташлаб, ўтирди. Унинг юзида ҳорғинлик акс этаётган, кўзлари қизариб кетган бўлсада тетик, кайфияти кўтаринки эди.

Қизнинг жигарранг кўзлари катталашиб, оғзи очилиб қолди.

Спейд ўрнидан туриб тиржайди, қизга масхараомуз оҳангда кесатди:

— Мана сизга аёлларнинг сезувчанлик қобилияти!.. Унга асло ишониб бўлмайди...

Қиз таажжубини яширолмай ҳаяжон билан сўради:

— Хонимни топширганинг ростми, Сэм?!

У бош ирғади.

— Сенинг Сэмнинг изқувар. — У қизга жиддий боқди. Белини кучоқлаб кафтини сонига қўйди. — Хоним чиндан ҳам Майлзни ўлдирган, фариштагинам, — деди у

жимгина. — Мана шунақа гаплар. — У нариги қўлининг бармоқларини тўппонча отгандек қирсиллатди.

Қиз ундан нафратлангандек тисарилди.


— Керакмас, илтимос, менга тегма, — деди у титраб ва ҳансираб. — Мен биламан... Мен биламан... Сен ҳақсан... Сен ҳақсан. Аммо ҳозир менга тега кўрма, керакмас...

Шу пайт эшикнинг дастасини кимдир буради. Эффи Перин тезда ортидан эшикни ёпиб қабулхонага чиқди. У хонага кўп ўтмай қайтиб кириб паст товушда пичирлади:

— Ива келибди.

Спейд столга қараб сезилар-сезилмас илжайди.

— Шундайми, — деди у беғамлик билан. — Нима ҳам қилардим, майли, кирсин.



7800

ДЭШИЛ ХАММЕТ

МАЛЬТА ЛОЧИНИ

Роман

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2012

Муҳаррир *Қодиржон Қаюмов*
Бадий муҳаррир *Умид Сулаймонов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи *Любовь Бацева*
Мусаҳҳихлар: *Ж. Тоирова, М. Зиямуҳамедова*

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 й.

Теришга берилди 10.05.2011. Босишга рухсат этилди 5.01.2012.
Бичими 84x108^{1/32}. «Times New Roman Uz» гарнитураси. Офсет бос-
ма. Шартли босма табоғи 10,92. Нашриёт-ҳисоб табоғи 10,79. Адади
3000. Буюртма № 1939. Баҳоси шартнома асосида.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

4500



ISBN 978-9943-00-641-6



9 789943 006416